


Константин Симонов

УРУШСИЗ ҮТГАН ЙИГИРМА КУН



Константин Симонов

УРУШСИЗ ҮТГАН ЙИГИРМА КУН

К И С С А


Тошкент
Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти,
1990

Р195788

АБДУВОРИС АБДУМАЖИДОВ таржимаси

С 4702010200—23
356(04)—90 63—90
ISBN 5—633—00448—5

© Издательство
«Художественная литература», 1982 г.
© Издательство «Ёш гвардия», 1990 г.



887238

I

Лопатин редакциянинг «эмка»сида Ржев остона-
сидан қайтаётганида Погорелий Городишага етмаёк
немисларнинг эрталабки бомбардимонига дуч келиб
қолди-ю, портлашдан ҳосил бўлган кукунларга думоғи
тулиб, кор устида отишманинг тугашини кутиб ёта-
верди.

Агар Москва томон кетаётган бўш, юксиз машина-
лар колоннасини бундан беш минут аввал қувиб ўтиш-
га улгуришганда, нак кирғин-баротга дуч келиб қолган
бўлишарди. Олдинда бораётган иккита юк машинаси-
нинг дабдаласи чикиб кетди. Қувиб ўтмай яхши ки-
лишган экан.

Фронтда икки ҳафта мобайнида бирор марта ҳам
отишманинг яқинига бормаган бўлса-ю, энди, Москва-
га етай деб қолганда, нариги дунёга йўл олиш аҳмоқо-
на иш бўларди. Бу ҳам омад-да. Айтгандек, биргина
омаднинг ўзи эмас. Агар ростига кўчилса, бу гал,
Сталинград сафаридан кейин, у бу ерга, Ржев остона-
сига истар-истамас борганди. Хавф-хатарни ўйлаш уни
чарчатганди, ҳеч қаёққа сукилавермасди.

Бомбардимондан кейин үн километрча йўл босиб
ўтишган бўлса ҳам қўрқувдан дир-дир титрарди. Лопа-
тин шофёрга машинани тұхтатишни буюрди-да, у билан
бир қултумдан спирт ичиб, яхлаган қоқондан
газак қилишди. Бунга ўзларича совуқ кучайганини
сабаб қилиб кўрсатиши.

Ҳали баҳордаёқ ўзининг аввалги жойига — Малая
Дмитровкага кўчиб ўтган редакцияга Лопатин кечга
яқин етиб келиб, муҳаррирни тополмади. Маълум бўли-
шича, немислар Сталинградга ёриб ўтишга уринаётган
Котельников остонасига учиб кетган экан. Котиба
муҳаррир эрталаб учиб кетмасдан аввал Гурскийни

хузурига чакириганини, у ҳамма гапдан хабардор эканини айтди.

— Үшанга учраша қолинг!

— Етиб келдингми? Б-биroz үтиратур ёки ё-ёта-кол. — Гурский үрнидан кўзғолмай диванни кўрсатди. — Б-бош мақолани т-тугатяпман. Ҳозир сўнгги абзацда учинчи рейхни я-яксон қиласман-да, уни олиб бориб бергач, г-гаплашамиз...

У столдаги папиросни суриб қўйди:

— Иложи борича камрок т-тутат. Ҳамма бу ерга кираверади, чекаверади, мен бўлсам й-йуталишни қўй-майман — ўпкаси заиф шаҳар боласиман-да. Дарчани очай десам — совук.

У қоғозлардан кўз узмай ва кенг кўкрагини столга тираб олгани ҳолда ёзишда давом этиб гапиради: дарҳакиқат, фронтдан келганларнинг ҳаммаси юмуши бўлса-бўлмаса, шунчаки унинг асқиясини эшитиш учун Гурскийнинг хузурига кириб чиқаверишарди.

— Яксон килиб бўлдим, — деди у бир неча минутдан кейин ва қоғозларини йиғишириб чиқиб кетди, кўп ўтмай қайтиб келиб Лопатиннинг ёнига үтирди.

— Нега мени у ерда тутиб турди-ю, нега тўсатдан чақириб қолди? — сўради Лопатин мухаррир ҳақида оғиз очиб.

— М-менинг ф-фикримча, Ржевнинг озод этилиши ҳақида ёзишинг учун т-тутиб турган, бу иш ҳозирча ортга сурилгани сабабли сени ч-чакириганд. Фронтга ж-жўнаб кетаётганда ўтган ва ҳозирги қиш фаслида юз берган воқеаларни у-умумлаштириб и-икки подвалга етарли бирор нима ёзишингни буюрди. Ҳозирги ва ўтган йиллар. Шахсан ўз номидан сенга шу сарлавҳани совға қилишим мумкин. Хўш, у ерда ҳужумларинг қ-қалай бўлди?


Лопатин елкасини қисиб қўйди.

— Ў-уртачами?

Лопатин жавоб бермади. Умуман олганда, бу Фарбий фронтда юз берган воқеаларга тўғри жавоб эди, аммо «уртача» сўзи ҳар қандай килиб бўлса-да, бир ёки икки километрга силжиш учун жон-жаҳд билан қилинган уринишга ҳечам мос келмасди. Буларни у ўз кўзи билан кўрганди.

Унинг индамаганига Гурский кулиб кўяколди.

— Сени аксинча хурсанд қилишим мумкин, — деди у, — у ерда, К-котельниково остонасида ф-фрицлар эн-



ди Сталинградга ёриб утиша олмайди. Уларнинг т-тумшуғига туширяпмиз, хужумни к-кучайтияпмиз. Мухаррир билан бирга боришни илтимос к-килгандим, лекин у бу ерда колишимни ва унинг күрсатмаси буйича бош мақолалар ё-ёзишимни буюрди. Ҳ-ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Қаерда тунайсан?

— «Москва»даги хонам ўзимга қолдирилгандир? — сўради Лопатин.

— Ўзингга қолдирилган, қаёққа ҳам кетарди.

— Ундан бўлса, ёзиш учун «Москва»га кетдим.

— Езишга унчалик ш-шошилаверма, — деди хайрлашиб Гурский. — Кўринишингдан чарчаганга ўхшайсан, агар эртага мақолани топширмасанг, олам остин-устун бўлиб кетмайди. М-мақолалар етарли.

Лопатиндан ўн икки ёш кичик бўлса ҳам, у ўзининг маслаҳатига қулоқ солиш лозим бўлган қария каби гапиради. Ўзи ҳурмат киладиган кишиларга меҳри-бончиликни у маънавий хукумронлик ўрнида кўради.

— Ҳа-я,— эслаб қолди хайрлашиб бўлиб Гурский, — қизингдан хат келганди. — Столнинг тортмасини титкилаб хатни топди-да, Лопатинга узатди. — У ерда к-кандай яшаётгани ҳакида эртага гапириб бе-рарсан.

«Москва» меҳмонхонасида кўмирни аяшса ҳам бари бир хоналарни иситишарди. Бундан уч ҳафта олдин, Лопатин Сталинграддан қайтиб келгач ва мухаррир уни шу ерга жойлаганда факат иккита қават иситиларди, энди бўлса уч қават иссиқ. Одам ҳам купайиб қолган. Буни унга олтинчи қават навбатчиси айтди. Лопатин унга фронтдан олиб келган иккита америка тушонкасининг биттасини берганди.

Навбатчи аёл унга миннатдорчилик билдириб, яна битта адёл берайми, деб сўради. Ҳожати йўқ, деган жавобни олгач, эрталабгacha ёқасини ювиб тикиб беришни таклиф килди.

У хонага кириб ечинди, гимнастёркасини аёлга олиб чиқиб берди, қайтиб келиб каравотига чўзилди-да, адёл ва почапўстинини устига ёпиб, қизидан келган хатни ўқишига киришди.

Сибирдан, Омскдан келган бу хат унинг шахсий ҳаётида аллақачондан бери етилган бўлса ҳам, лекин анчагина кечикиб факат шу йили юз берган сўнгги ўзгаришлар натижаси энди: икки марта фронтга бориб-

келиш оралиғида, баҳорда Москвага хотини келиб, бошқа киши билан турмуш қураётганини айтди.

Хотини үтган йилнинг декабрида Москвага келганидаёқ биргаликда шунча ўтказган турмушга чек қўйиши унга аён булиб қолганди. Лекин ўзгаларнинг ноўрин турмушини енгил-елпи одамлар четдан туриб гап қилувчи ҳаётга чек қўйишга унда на вакт ва на узил-кесил ирода бор эди. Вакти ўқлигига сабаб уруш бораётганди, у дам бу фронтга, дам у фронтга командировка килинаётганди, узил-кесил ироданинг етишмаслигига сабаб шу эдики, Горький яқинидаги қишлоқда иккаласидан ҳам хат олиб турган ва оиласдаги носозликни сезса ҳам, унинг нима билан тугашини билмайдиган қизи яшамоқда эди.

Хар холда шу пайтгача унга шундай туюларди.

Яна битта сабаби бор эди. Хотини ўзидан узокда бошқа киши билан яшаётганини билса ҳам, унга аттестат¹ юбориши давом эттираверди. Ким билан яшашидан қатъий назар, унга пул зарур бўлса керак, ажралиш лозимлиги ҳақида ёзиш эса уни бу пуллардан маҳрум этишни эслатган бўларди.

Бирок, баҳорда томдан тараша тушгандек ўзи келиб қолди. Балки Москвада аллақандай юмуши бўлса керак, деб ўйлаганди, аммо у бошқага турмушга чиқишдан олдин орани очик қилиб олгани келганини айтди.

Лопатин Керчъ оролида оғир кулфат ва даҳшатни бошидан кечириб, ниҳоятда куюнган холда Кримдан эндиғина қайтганди. Қайтиб келганидан кейингина, у бекордан-бекорга ўлиб кетиши мумкинлигини тушундигина эмас — буни илгари ҳам тушунарди — балки бутун вужуди билан ҳис қилди. Кримда зир югуриб мақола учун тўплаган фактлари бир пул бўлди. Газетага ёзадиган ҳеч нима йўқ эди. Материалга ўч бўлган муҳаррир ҳатто нима олиб келганини суриштирмади ҳам. Факат учрашишганда бир сўз демай тирик қолгани учун одатдан кўра қўлини қаттиқроқ сиқиб табриклиди.

У тирик қолди. Аммо бошқалар хаёлидан кетмасди...

Унинг бу рухий ҳолати теварак-атрофдаги воқеаларга аллақандай бефарқлигини, ўз қадр-қийматини мамнуният билан ҳис этишини тушунтириш учун

¹ Аттестат — пул коғози.

Москвага келган хотини билан булган учрашувга таъсир қилди.

Хотини азонда поезддан тушибок түғри редакцияга келди. Лопатин редакцияда тунаб қолса-да, квартиранинг калити ўзида эди.

Коровул пастдан құнғирок қилиб, ҳали ухлаб ётган Лопатинни үйғотди-да, Ксения Сергеевна деган аёл унинг ҳузурига киришга рухсат сўраётганини айтди.

Лопатин тезгина кийиниб, коровулхонага тушди.

Хотини, қўлида чамадон, деворга намойишкорона суяниб турарди. У чамадонни олди.

— Квартиранинг калити сендами? — сўради аёл.
У бош ирғитиб қўйди.

— Балки, уйга борармиз.

— Аввал юқорига чиқамиз, — коровулга кўз қирини ташлаб, на «ҳа», на «йўқ» демай жавоб берди. Лопатин кейин атрофга аланглаб, чамадонни коровул ўтирган стол тагига қўйди. — Ҳозирча шу ерда туратурсин.

Улар учинчи қаватга, ўтган баҳорда фронтдан кайтиб келгандан бери яшаган хонага кутарилишиди. Аёл атрофни кўздан кечирди-да, сўнг стулга омонатгина ўтирди.

— Энди, иккаламиз ёлғиз колганимизда, балки кўлимдан упарсан? — сўради у.

Бу сўз аллақайси пъесадан эди. У қайсинисидан эканини билмасди-ю, лекин пъесада айтилишига имони комил эди ва бу унинг асабини қўзғатди, хотини театрнинг абадий эмакдоши эканини, Евгений Алексеевич аталмиш директор билан яшшини эслатди.

— Нега телеграмма бермадинг, сени кутиб олардим. Ҳаммаси оқилона иш бўларди, — деди у.

Хотини бирор нима деёлмади ва шунда у Москвага ёлғиз ўзи келмагани ва уни қутиб олгани чиққан бўлганида, оқилона эмас, балки аҳмоқона иш бўлиши Лопатиннинг хаёлига келиб қолди.

— Балки, бу ерда — идорада эмас, уйда гаплашармиз?

— Мен шу ерда яшаяпман, — деди у.

— Нима мақсадда келганимни фаҳмлаётгандирсан? — сўради Лопатинга кузини қадаб. У аввалгидек гўзал эди ва буни сезмаслик мумкин эмасди.

— Йўқ, ақлим етмаяпти, — деди у.

Бу рост эди. У билан ўтказган бутун умри бўйи

унинг хаёлида нималар борлигини ҳеч қачон тополмаган.

— Қилган гуноҳимни кечиришингни ва менга рухсат беришингни сўраб келдим, — жавобини ҳам кутмай деди у. — Мен Евгений Алексеевичга турмушга чикмоқчиман.

Лопатин унга, стулда ғамгин эгилиб ўтирган нафис коматига яна бир караб қўйди-да, қўпол ғапиришдан ўзини тийди. «Нима бўпти, лозим бўлса — чикавер!».

Аслини олганда унинг айби нимада? Ҳаммасига у эмас, балки акл-фаросатига қарши ўлароқ ўн беш йил давомида севиб келган унинг мана бу комати айбдор. «Ундан ўзимни четга ололмадим, ажратиб ололмадим», деб ўйлади ўзининг ожизлигига нафрат ўқиб.

Ксения унга тикилиб турди, Лопатин эса сукут сакларди. Аёлга унинг жаҳли чиқаётгандек туюлди, у эса, аксинча, ўз айби ҳақидаги фикрдан ҳайратга тушиб юмшаганди. Илгари ўзига зарур бўлган бу комат ичида унинг ҳаётига, унинг ишларига бефарқ, факт ўзини ўйлайдиган, ўйлаганда ҳам тентакларча фикрлайдиган нозарур қалб борлиги учун асабий равишда уни айбдор ҳисобларди.

Ха, шундай, лекин ўзинг телба эмас, оқил бўлатуриб, бунинг ўн беш йил чўзилмаслиги учун нималар қилдинг?

«Энди эса ўн олти йил», — фикрига тузатиш киритди у, чунки ўтган кишдаги ажралувга қарамай, ҳамон уларни нимадир боғлаб турарди. Ақлли ҳисобланган ўзи эмас, балки тентак ҳисобланган хотини эндиликда бунга чек қўяяпти.

— Мендан хотиринг жам бўлсин, — ўртадаги сукунатга дош беролмай деди Ксения. — Мен яхши кишига турмушга чиқяпман. — У нимагадир планшеткани очди. Энди у сумка эмас, балки ҳарбий даврга аёллар ҳам бефарқ эмаслигини курсатмоқчи бўлгандек планшетка олиб юрарди. Балки, ўзи турмушга чиқаётган яхши кишининг фотосуратини унга кўрсатмоқчи бўлаётгандир?

Лопатин масхараомуз шундай бўлишини ўйлади-ю, лекин ўзини тўхтатиб колди: нега энди, албатта, ёмон кишига бўларкан? Ахир, сен ҳам ўзингни яхши ҳисоблайсан. У билан бирга яшагансан.

Аммо яхши кишининг фотосуратини кўргиси келма-

ди ва афтидан бу унинг чеҳрасида ўз ифодасини топганди. Аёл хўрсиниб планшеткани ёпиб қўйди.

— Бу ерда сен билан шу тарзда гаплашаверамиزمий?

— Бўлмаса, яна қаёқда гаплашардик? — деди Лопатин унинг мулоимлашиб қолганидан ҳайрон бўлиб. Кейин нима истаса шуни бажаришини айтди. Агар ҳозир у билан ЗАГСга боришини истаса, шунга ҳам рози. Агар ажралиш ҳақида ариза ёзиб беришини истаса, ҳозир ёзиб беради.

Аёлнинг кўзларида ёш пайдо бўлди: унинг мақсадига Лопатиннинг шунчалик осонлик билан рози бўлиши кайфиятини бузди. У худди шуни истаганди-ю, аммо бунинг аллақандай бошқача бўлишини кутганди.

«У доим шунаقا қилади — ўзини тутолмайди», — деб ўйлади Лопатин унга бўлган севгиси ҳали охиригача сўниб бўлмаганини хис этиб.

— Яхиси, ёзиб беракол, — деди аёл кўз ёшларини артиб.

У стол ёнига ўтириб ёзди-да, аёлни ёлғиз қолдириб, имзони тасдиқлатиш ва муҳр бостириш учун редактор ёрдамчисининг хонасига чиқиб кетди. Бу ишларнинг зарурлигига имони комил эмасди-ю, лекин кейинчалик яна бирор нима қилиш зарурияти юзага келиб қолишини истамасди.

Лева Степанованинг олдига қофозни кўйиб: «тасдиқлаб бер», деганида редактор ёрдамчиси ручкани сиёҳга ботирди-да, унга узоқ тикилиб қолди. Қайтаётганда ҳам унинг ачиниш билан қараб қолганини хис этди. Бу ҳали эндиғина биттаси. Бошқалар ҳам бунаканги ёши ўтиб қолган ва хунук кишилар хотинларидан ажралишмайди, аёлларнинг ўзи кетиб қолади, деб ўйлашса керак.

Лопатин хонага кириб, редакция муҳри билан тасдиқланган ва редакция конвертига солинган қофозни собиқ хотинига берди.

У муҳрли қофозни олиб, планшетни очди-да, уничиға солиб, яна беркитиб қўйди.

«Ҳаммаси шу йўсинда тугайди», — деди Ксения билан ўтказган йилларни ўйлаб. У билан ўтказган йиллари тугади, усиз яшаш йиллари қандай ўтиши мумкинлигини эндиликда билмайди. У ўрнини тўлдириб бўлмайдиган бир нимасидан жудо бўлганини хис этиб, ўзининг бир пайтлардаги ўттиз ёшлиқ даврини эслади. Энди у аёл учун ҳам қайтмайди. Энди факат ҳозирги,

ёши ўтиб қолган ва ўз қалб қўрини беҳуда сарфлаган киши қолган.

— Ўтириб, гаплашиб оламиз, сен шуни хоҳлагандинг, — деди Лопатин каравотга ўтириб, елкасига почапўстинни ёпаркан. Унинг эти увишарди. У ўзини бефарқ килиб кўрсатишга уста эди-ю, бирок тошбагир эмасди.

— Йўқ, юриб тураман, менга шуниси қулай, — деди у кўлини орқага чирмаб ва ғам-ғусса ифодаси кунгандан чехра билан йўлда олдиндан ўйлаб қўйган турли бемаъни гапларни бошлади.

Аслини олгандা, бу яхшилик билан ажralиш хусусидаги илтимосига узундан-узоқ бир муқаддима эди. Бу гаплар Лопатин унинг жавобини бериб бўлган ҳозирги пайтда эмас, балки илгарироқ айтилганида аллақандай бирор нафи бўларди. Аммо, у аввалдан тайёрланган ва эндиликда ўз моҳиятини йўқотган бу сўзларни ўзида қолдиришни истамасди.

«Йўқ, Ксения бу ерга поездда икки киши бўлиб эмас, балки ёлғиз ўзи келган — бу гапларнинг машқини олиш учун вакт ва танҳолик керак бўлган», — деб ўйлади унинг гапларини тинглар экан.

Ксения ҳаммавақт унинг фармойишида бўлган ўзи ҳақида гапирди. Хотини ҳақида ҳеч қачон ўйламаган у ҳақда ҳам гапирди. Уни деб боридан айрилгани, у билан ўтказган умри мобайнода аста-секин одамгарчиликдан чиққани ва фақат эндиғина, усиз яна ўзини инсон ҳисоблаяпганини айтди.

Буларнинг ҳаммаси янгилик эмасди. Фақат бир нарса янгилик: унинг планшетида ўзи олмокчи бўлиб келган муҳрли бир парча қофоз бор эди ва у энди мавжуд бўлмаган ўзаро муносабатни ойдинлаштириб олганди. Лекин мактаб мамлакат ичкарисига кўчирилганидан бери ўтган ўн ой мобайнода на ўзи, на у бориб кўрмаган ёлғиз қизларини унутганди. Лопатин Горький яқинидаги қишлоққа ҳарчанд уринса ҳам боролмади, Ксения эса буни ўзига эп кўрмади.

У баҳслашмади. Авваллари жанжалга доим бир хил вазиятда — тўшакда чек қўйиларди, энди эса бу ҳақда гап булиши ҳам мумкин эмас. Лопатин унинг қачон кизи ҳақида оғиз очишини кутиб, индамай ўтираверди, аммо Ксения фақат ўзи ҳақида ўйлар, ўзи ҳақида гапиради.

Лопатин телефон трубкасини кўтариб, редакция ма-

шинасини бир соатга бериб туришларини илтимос қилди.

— Қаёкқа отланаяпсан? — сұради у хонанинг ўртасида тұхтаб.

— Сени уйға олиб бориб қўймоқчиман. Ҳозир иш бошланади, одамлар келишади.

«Уйға» сўзини эшишиб тұсатдан илгариги ишва билан унга қараб қўйди. Балки, бу сұхбат ҳам авваллари каби тугашини истаяпти, деб ўйлаган бўлса керак. Агар у ҳозир шуни истаган бўлганида Ксения ўзини қандай тутишини ким билади? Ундан устун чиқиш тантанасининг қайси усулинин танлаган бўларди: «Йўқ» дермиди ёки сўнгги марта рози бўлармиди?

— Билет олиш учун редакциядан брон уюштириб берайми? — сўради унинг нигоҳига деч келиб.

— Менга ҳеч ниманинг ҳожати йўқ, ҳамма нарсам бор.

— Ундаи бўлса, сени олиб бориб қўяман. — Чўнтағидан квартира калитини олиб унга берди.

Машинада иккаласи оғиз очишмади. Таниш зина-поядан чиқишаётганды ҳам чурк этишмади. Квартира эшиги ёнида тұхташды, у чамадонни ерга қўйди.

— Нина масаласини нима киламиз? — сўради у кизи ҳақида. Машинада йўл-йўлакай шуни ўйлаб, нима килишни ҳал қилиб қўйган бўлса ҳам сўради.

— Менимча, ҳозирча унга хабар қилиш керакмас, — чўчибрөқ жавоб берди аёл ва кўзида яна ёш пайдо бўлди.

— Ҳозирча деганинг нима? — сўради Лопатин. — Ҳозирча, сен бир қарорга келгунингчами ёки ҳозирча мен ҳал қилгунимчами? Ҳозирча деганинг нима? — такрорлади у. Яна бошқа «ҳозирча»нинг борлигини у биларди. Ҳозирча уруш боряпти, ҳозирча уни ҳалок этишгани йўқ ёки ҳозирча бу урушда у тирик қолмайди. Ҳозирча аёлнинг ўзи янгича ҳәётида ўн беш ёшли қизнинг қанчалик ҳалақит беришини тушуммайди. Афтидан, ҳалақит беради, лекин қанчалик ҳалақит бераркин?

— Ҳали ҳеч нимани ҳал қилганимча йўқ, — деди Ксения кўз ёшини артмай гүё бу сұхбатни қолдириш унга чўт эмасдек Лопатинга илтижо билан тикилар экан.

— Мен ҳал қилиб бўлдим. Ажралишганимиз ҳақида унга хат ёзаман. Ёши ўн бешда, ҳаммасини тушуни-

ши керак. Менимча, бу хабар уни унчалик ажаблантири-
майди.

— Бари бир қизгача бу даҳшатли кулфат бўлади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у. — Атрофда бундан кў-
ра даҳшатлироқ кулфат ҳозир тўлиб-тошиб ётиб-
ди.

— Бўлмаса мен ҳам унга ёзиб юбораман.

— Билганингни қил. Мен унга хат ёзаман-да, дий-
дор кўришишга ҳаракат қилиб кураман. Агар опам
уруш тугагунча уни олишга рози бўлса, Омскка, опам-
ниги жунатаман.

— Билмадим, ўйлаб кўришим керак. Қейинчалик
уни ўзим тарбиялашни истаб қолишим мумкин. Хат
ёзганингда ёки у билан гаплашганингда буни хисоб-
га олишинг керак.

— Сен ҳақингда унга бирорта ёмон гап айтмай-
манам, ёзмайманам. — У қизининг тентак эмаслиги-
ни ва уларнинг ўзаро муносабатларини етарли да-
ражада кўрганини айтмоқчи бўлди. Лекин ўзини тийди.
Қизини унга бермасликка аҳд қилиб қўйди. Қизини
унга бермаслик истаги Қсениядан қизини ўзида колди-
риш истагидан устун бўлгани учун ҳам бу ишнинг удда-
сидан чиқади. Ўзининг устунлигини сезиб унга қўпол-
лик килишни истамади.

— Билмадим, — иложсиз қўл силтаб қўйди Қсе-
ния. — Истаганингни қиласвер. Уни мендан жудо қи-
лиш учун шундоғам кўп уриндинг.

Бу гап нотўғри бўлса ҳам у индамади. Қизини ундан
ажратиб олиш учун у ҳеч қачон бирор нима қилмаган-
ди. Шунчаки қизи онасидан кўра отасига меҳрибон эди
ва бу муносабат аллақачон, қизчаси мактабга қатнаб,
катталардан тўсиб қўйилган ўзининг мұъжаз ҳаётида
садир бўлаётган мухим гапларни онаси билан эмас,
балки у билан баҳам кўрганда бошланганди.

— Сенинг олдингда ҳозир ўзимни гуноҳкор хис-
килсан ҳам, бари бир сен айбдорсан, — деди у қўзи
тўла ёш билан.

Нима ҳам дерди, бу гапда оз бўлса-да, ҳақиқат
бор!

— Худди шундай деб хисоблаймиз, — у Қсения-
нинг қўлини ўпиб, зинадан туша бошлади.

— Вася! — чақирди уни анча пастга тушиб кол-
ганда.

— Нима дейсан? — сўради у тўхтаб.

— Менга жаҳл қилмаганинг учун раҳмат. Энди менга аттестат юбормагин, ҳожати йўқ.

— Майли, юбормайман. — У угирилмай пастга тушиб кетди.

2

У хотинини шу йўсинда тарк этди. Ўшандан бери Ксения унга учта хат йўллади ва биринчисидаёқ ажралиш ҳақидаги шаҳодатноманинг нотариусда тасдиқланган нусхасини юборди.

Куздаги учинчи хат Қозондан эмас, балки Тошкентдан юборилганди. Маълум бўлишича эрини ўшоққа, бошқа театрнинг директорлигига ўтказишибди. У бундан хурсанд эканини ёзибди. Янги жой, янги одамлар ва хеч нима бошидан ўтган воеаларни унга эслатмайди.

«Марҳамат, кувонавер, менга нима?» — ўшанда, кузда бу хатни ўқиб аччиқланганди... Лекин, бари бир, аввалги иккита хатига жавоб бергандек, соғ-саломат юрганини, ҳаммаси жойида эканини хабар қилди. Унинг хатларига жавоб йўлламай хафа қилишнинг сабаби йўқ эди. Майли, бу унчалик оқилона иш эмас, аммо сенинг хузурингда фаросатли туюлган Ксенияга биргаликда ўтказилган ўн беш йил мобайнида тариқча акл кирмади...

Қизи масаласини ўзи ўйлагандек ҳал қилди. Турмушга чиққан, бирок фарзандсиз опасини Омскдаги гаплашув пунктига редакциядаги телефон билан ча-киртириди. Нима воеа бўлганини унга тушунириб, қизини юборишга рухсат олди.

— Агар ўзи рози бўлса келсин, эшитяпсанми? — дея қичқирди телефондан опаси. — Ксения эса бу ерга кадам босмасин — ҳайдаб юбораман! Ўзинг ҳам лапашанглик қилма, — яна қичқирди у, — эшитяпсанми?

— Эшитяпман, эшитяпман, — деди у. — Энди лапашанглик қилмайман, етар.

У Ксения билан ажралишга икки марта жазм қилгани, бари бир бунинг уддасидан чиқолмагани ҳакида опаси хабардор эди. Кейин уруш бошланиб қолганди.

Опаси математика ўқитувчиси бўлиб, математика ўқитувчисига турмушга чиққан ва у ерда, Омскда тўккиз юз еттинчи йилдан бери бир мактабда биргаликда ўттиз беш йил ишлаганди. Ксенияни танирди, лекин ёқтирумасди, Москвага келганида укасиникида эмас, балки танишлариникида истиқомат қиласди.

Кизини ҳам бир неча марта кўрганди. Охирги марта

қизини ўн икки ёшида күрганди. Омскка жұнаб кетар экан, вокзалда Лопатин билан хайрлашиб бетакаллуф тарзда деди:

— Сенга туфураман, ахволингга заррача ҳам ачинмайман — экканингни үрасан. Қизингга куюнаман. Афсуски, бола зарур булмаган оилалардан фарзандларини тортиб олиш хақида қонун йўқ-да!

Лопатин телефонда қизи номига аттестат юборишини, бундан ташқари совға-салом жұнатыб туришга ҳаракат қилишини айтганди:

— Албатта юборасан! Уни боқиш керак-ку! Биздаги шароитни үзинг биласан. Иложиси бўлган ҳамма нарсани жұнатавер. Қўркма, ундан бошқа ҳеч кимга сарф килмайман, — деди опаси.

Буни гапирмаса ҳам бўларди-ю, лекин ўзининг қизғанчик феъли билан тилини тийиб туролмади! Кейинчалик, уруш тугагач, бухгалтерлик дафтари ни — қанча олингани ва нималарга сарфланганини ўқиб чиқишига мажбур қиласди.

Нима ҳам қиласди, болалигидан яхши кўрган ва болалигидан хайқадиган опаси Анна Николаевна мана шунақа эди — унга гапиргин-у қочавер! Энди эса қизини уникига жұнатмоқчи булаяпти.

Қандай воқеалар бўлганини қизига ёзиб утирма-ди. Ўша кунлари Горький орқали Балаҳнага қофоз масаласида командировкага жұнаб кетаётган нашриёт бошлигидан кайтишда қизини ола келишини илтимос қилди, қизига ҳозирча, ўзи шу ерда, Москвада бўлган пайтида у билан дийдор куришиш учун келишини кисқача ёзиб, унга чақириқнома жұнатди. Чакириқномани расмийлаштириш осон эмасди, аммо бир пайтлари Лопатинга қизининг олдига бориб қелиши учун рухсат беришга ваъда қилган, лекин сўзининг устидан чиқмаган редактор энди, қанчалик мушкул бўлса ҳам, бу чақириқномани ташкил қилиб берди.

Кизча паришон ва хурсанд ҳолда етиб келди.

— Ойим қаердалар? — вокзалдан редакция томон йўлга чиқишганда дастлаб сўрагани шу бўлди.

Онаси Москвада эмаслигини дадаси тушунтириб бергач, бир нимани фахмлагандек деди:

— Ўзим ҳам шунақа деб ўйлагандим, акс ҳолда ойим билан бирга хат ёзган бўлардингиз.

Йўл-йўлакай Москва кўчаларини, бўяб ташланган

887238

БИБЛИОТЕКА
ТГПИ
им. Низами

үйларни, Садовая ҳалқа йўлидаги ҳамон сақланиб қолган баррикадаларни томоша қилиб келишди...

— Биздагилар Москвани шунақаям орзу қилишайпти-ки, — деди қизча.

Лопатин қизини уйга эмас, балки бундан бир хафта олдин унинг онаси билан оран очик қилган ўша хонага бошлаб келди.

Эрталаб ўртоқлари ёрдамида бу ерга бошқа хоналардан диван ва иккита буш шкаф келтириб, унга бир бурчакни тўсиб берди.

— Мана шу ерда икки-уч кун мен билан казарма ҳолатида яшайсан.

Қизи севиниб бош ирғади, лекин икки-уч кун эмас, балки уруш тугагунга қадар у билан ёнмаён шу ерда казарма ҳолатида яшашга шай экани кўзидан яққол кўриниб турарди. Лопатин унинг олдида ўзини жудаям гуноҳкор ҳис қилди.

— Кўпроқ яаш мумкин эмасми? — ўзини тутолмай сўради қизи.

— Мумкин эмас, — жавоб берди у. Чунки чиндан ҳам бунинг иложи йўқ эди. Харьков йўналишида жанг бормоқда эди, агар қизи бўлмагандан редактор билан келишиб олганидек, икки кундан кейин эмас, балки бугунок ўша ёқка учган бўларди.

У гапни энг қийинидан бошлаб, эр-хотин орасида нималар бўлганини очиқласига айтиб берди. Лекин бу сухбат ўзи ўйлагандан кўра жўн ўтди. «Жўн» деганда нимани тушунилади? Ўзи учун, балки жўн-дир, қизи учун қандай бўлгани номаълум. Йиғламагани учун осон кўчганмикан? Лекин умуман у ҳеч қачон йиғламаган.

— Ойим менга хат қолдирмадиларми? — сўради у дадасининг гапларини тинглаб бўлиб.

— Қолдиргани йўқ. Кейинроқ ёзаман, деганди.

— Сизнингча, қандай, қайтиб келармиканлар?

Ўйлашимча, қайтиб келмайди, деб осонгина жавоб бериш мумкин эди. Лекин бўлган воқеанинг ҳаммасини охиригача гапириб бериш лозим эди, шу боисдан онаси қайтиб келишини ўзи ҳам истамаслигини айтди.

— Ҳечам истамайсизми?

— Ҳечам истамайман.

Дадаси ростини айтаётганини фаҳмлади. Анчагача индамади, кейин сўради:

— Унинг эрини умуман танимайсизми?

— Умуман танимайман, — деди у ва күшиб қўйди: — Яхши одамлигига ишонгим келяпти.

У катталардек елкасини қисиб қўйди.

Лопатин уни Сибирга, Аня аммасиникига боришга кўндириш қийин булишини кутганди, бирок қизи унга узининг чорасиз аҳволини катталарга хос муносабатда тушунди.

— Майли, бораман, — деди-да, хат у ерга қанчада этиб боришини сўради.

У бирор маънили жавоб беролмади. Уруш бошлангандан бери опасига бор-йўғи икки марта хат ёзган, унинг мактубларини эса редакцияда қанча ётганини билмай фронтдан қайтиб келганидан кейин олган.

— Ўша ердан онамга хат ёзаман, майлими? Қаршилик қилмайсизми? — сўради у.

Лопатин, майли, қаршилик қилмайман, дея шоша-пиша жавоб килди-ю, қизини ўзи билан қолдираётган ва иккаласини онасидан узоклаштираётган бу саволнинг қанчалик муҳимлигини дарров тушунмади.

Йўқ, Сибирга жўнаб кетиш хусусидаги сухбат энг машақкатлиси бўлмади. Энг қийини учинчи куни эртабабошланди. Лопатин учеб кетиши лозим эди; пастда, эшик ёнида у билан бирга учадиган фотомухбир машинада кутмоқда, қизининг қўлида эса Сибирга йўлга чиқадиган кечки поездга билет бор. Энди унинг командировкасини ҳам, қизининг жўнаб кетишини ҳам кечиктириб бўлмасди. Гурский қизини поездга ўтқазиб, проводникка тайинлаб қўйишни ваъда килди. У бу ишларни Лопатиндан кўра яхшироқ дўндиришга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бари бир сўнгги минутларда, учаласи — ўзи, қизи ва Гурский шоша-пиша нонушта қилишаётганда бунгача катталарнинг нусхи уриб қолган қизчанинг тўсатдан на ўзи, на дадаси жўнаб кетмаслигини, ҳаёти, балки, энг жозибали ўтган мана шу икки ярим кун каби давом этишини истовчи болаларга хос ифода пайдо бўлиб қолди. Қизча бу ерда, редакцияда у билан, ўз дадаси билан, унга меҳрибончилик қилган мана шу ҳарбий кишилар билан икки ярим кунини ўтказди. Дадаси редакциянинг узун йулагида таништирган ва ўзлари каби казарма ҳолатида яшаётган қизчани кўриш учун унинг хонасига келиб турган бу ҳарбийлар Нинанинг ҳузурида ким қаерда бўлгани, нима ёзгани, кимнинг қайси фронтга униши ёки жўнаб кетиши хусусида, ўз юмушлари ҳақида гапиришарди...

«Балки менга шу ерда қолиш ва ҳеч бўлмаганда қайтиб келишингизни кутиш мумкинди? Лопатинга қадалган қизининг кўзларида илтижоли ифода пайдо бўлди. — Балки, мумкин бўлар? Бирор чораси бордир?»

Лопатин мана шу икки ярим кун мобайнида қизига бу ерда, редакцияда яшашга имкон бераб, янглишганига ҳатто афсусланиб ҳам қўйди. Лекин нима ҳам киларди? У стакандаги чойни ичидан бўлиб ўрнидан турди.

Кизи ҳам бўшашиб ўрнидан турди.

— Гапларимга қулоқ сол, Н-нина! — деди иккаласини кузатиб ўтирган Гурский. — Сен бу ерда а-айтайлик, куръер бўлиб ишлаш истагида эканингни с-сезиб турибман.

— Ҳа-да! — Кутимаган бу гапдан чучиб, Гурскийга ишонқирамай қаради у.

— Истагингни т-тушуниб турибман, — деди Гурский, — ўзим ҳам ф-фаолиятимни ўн тўрт ёшимда шу ишдан бошлаганман. Аммо ҳозир ҳарбий давр, немислар шу пайтгача Москвага яқинроқ жойда туришибди, на сенинг даданг, на мен, ҳатто д-дивизия қ-комиссари бўлса ҳам на редактор вояга етмаган болани, бунинг устига қ-қизчани ишга ололмаймиз. Сен нечанчи синлага ў-утаяпсан?

— Тўққизинчига. Иккита фандан имтиҳон топшириб бўлдим.

— Шунака экан, Сибирга, аммангниги боргинда, қолган барча имтиҳонларни ҳам топшириб т-тўққизинчи синфингга ўтиб ол. Биз эса унгача фрицларни Москвадан у-узоққа кувамиз ва қ-келгуси ёзда, ўн олти ўшга тўлганингда, бу м-масалага қайтамиз. Тушунарлими?

У кўз ёш билан жилмайиб қўйди. Бари бир у йиғлади. Ҳеч қачон йиғламаганди, энди бўлса йиғлади.

— Тушунган бўлсанг, и-илтимос, ўкирма. Даданг курортга эмас, урушга кетаяпти, агар тушунсанг бу ўз ихтиёри билан эмас балки бошлиқнинг кўрсатмасига биноан бўляпти. Сендан унинг кўнгли хотиржам бўлиши керак. Хотиржам бўлиши эса сен Сибирдаги аммангнигидан яшашинг, тўққизинчи синфингни тугатишинг керак. Даданг яхши ё-ёзади-ю, дуруст гапиромайди, мен бўлсам, аксинча, дудуклансан ҳам яхши гапираман-у, дуруст ё-ёзолмайман. Шу боисдан даданг айтадиган у-узундан у-узок ва тушунарсиз гапларни

қисқа ва аник қилиб тушунтириб беряпман. Менга адресингни берасан ва даданг фронтдан қайтиши билан сенга телеграмма йўллаб: «Б-боря амаки» деб имзо чекаман. Менга ёкиб қолдинг ва шу боис сенинг амакинг бўлмоқчиман. Б-бундан ташқари, кечкурун радио эшишишни маслаҳат бераман. Даданг Харьков остонасидан ўзининг д-дастлабки мақолосини бизга юбориши билан уни машинкада кўчирирамиз ва у тезда радиодан ў-ўқилади. Сен бўлсанг даданг тирик ва соғ-саломат эканини билиб оласан.

— Биламан, — деди у. — Биз мактабда нуқул радиони тинглардик.

— Янаям яхши. Балки, дадангни ниҳоятда ҳурмат к-қилишимни ўзинг ҳам сезган бўлсанг керак, шунинг учун ҳам дадангни кўзёши билан кузатишингни истамайман. Ў-узингни қўлга ол, ҳозир уни кузатиб қўямиз. Кейин мен ўтириб ишимни қиласман, сен бўлсанг ў-ўтириб китоб ўқийсан. Шундан сўнг овқатланамиз-да, кечкурун сени к-кузатиб қўяман, жўнаб кетганингдан к-кейингина ўзимнинг шахсий ю-юмушларим билан шуғулланаман.

Зинапоядан тушаётганларида Гурский олдинда, Ни на эса Лопатин билан ёнма-ён юрди. Бир қули билан дадасининг қўлини маҳкам ушлаб, иккинчи қўлида унинг шинелини кўтариб олганди.

Лопатин билан қаторасига олтинчи марта фронтга отланаётган Гриша Кулаковский редакциянинг остонасида ота-болани худди шу ҳолатда суратга олди.

— Қайтиб келганимиздан кейин суратни тайёрлаб ўзингга юбораман, — деб ваъда берди у Нинага. Кейин Лопатинга ўгирилиб сўради: — Вася, сен билан нечанди марта бирга жўнаяпмиз? Олтинчими ё еттинчи мартаими?

— Олтинчиси, — деди Лопатин. — Тезроқ бўлақол, кетдик!

У тезроқ жўнаб кетиш истагида эди. Қизча ўзини тутолмай қолишидан қўрқанди. Худди шундай бўлиб чиқди.

Кулаковский машинада жойлашиб, ўтириш навбати Лопатинга келганда, кизи бўйнига маҳкам чирмashiб олди. Ўзи қўйиб юборади, деб ўйлаганди, бундай бўлмади, шунда унга қизчанинг қўлларини бўйнидан бўшатиб, ўзидан четлатишга тўғри келди. Йифидан хўл бўлиб кетган қизининг юзидан чўлп-чўлп ўпди-да, тез-



да машинага ўтириб эшигини ёпди. Машина редакциянинг торгина ҳовлисидан кучага чикқандан кейингина у ортига ўгирилди-ю, лекин энди қизига кўзи тушмади.

— Сени жудаям яхши кўраркан! — деди Кулаковский.

— Нима? — ўз хаёлларига берилиб эшитмай қолган Лопатин қайта сўради.

— Сени ниҳоятда яхши кўраркан, деяпман.

Ўтган бутун ҳаёти мобайнода қизи учун нималар қилди-ю, нималар қилмагани ёки улгурмаганини тақкослаб: «Бунга арзимайман!», деб жавоб бериши лозим бўлса-да, Лопатин ҳеч нима демади.

У Кулаковский билан бирга фалокатнинг ҳиди келиб қолган пайтда Жанубий-Фарбий фронтга учиб кетди ва Харьков курсовининг ҳалқаси тулаши арафасида биттаси Харьковнинг жануброғида, бошқаси шимолроғида ҳаракат қилаётган армияга етиб олишди. Бундан аввал ким қайсисига бориш хусусида жанжаллашиб қолишиди.

Натижада сен шу пайтгача соғ-саломат юрибсан, у бўлса йўқ! Ўзининг иккала аппарати — эски ФЭДи ва жўнаб кетишдан аввал редакциянинг ҳовлисида сени қизинг билан бирга суратга олган яп-янги ўлжа «Лейка» билан ҳалок бўлди.

«Ўшанда қайтиб ҳам келмади, пленкадан сурат ҳам чикаролмади», — деб ўйлади Лопатин ҳозир, ўша воқеадан ярим йил ўтгач, «Москва» меҳмонхонасининг иситилаётган бўлса ҳам бари бир совуқ хонасида устига адёл билан почапустин ёпган ҳолда ётиб, қизидан келган хатни ўқиркан. Қизи ҳамма баҳолари тўрт ёки беш эканини, медицина тўгарагини битирганини ва уч кунда бир марта госпиталга, тунги ҳамшираликка бораётганини ёзибди.

«Тунги навбатчиликдан кейин дарсда мудраб ўтираса керак», — жилмайиб қўйди Лопатин хатни ўқиб бўлиб.

«Аня аммам бетоб бўлиб ётиб қолгани сабабли хат ёзолмаяптилар, сизга салом йўллаяптилар. Ҳозиргина орқаларига банка қўйдим», дейилган илова бўлмаганида хатдан мамнун бўларди. Демак, банка қўйишни ҳам ўрганиб олибди! Опаси эса касал! Кўрпа-тӯшак килиб ётиб олибдими, демак, жиддий экан, бунақалар оёқдан хоригунча юраверади.

У мудраган ҳолда Ксения ҳакида ўйлаб ғижиниб

қўйди: кизча ҳали ёш, бақувват онаси бўлатуриб, кекса, bemor аёлнинг қарамоғига ташлаб қўйилди-я! Уруш тугагунча амалга оширган ишларидан бошқа ҳеч нима қилишнинг иложи бўлмаса ҳам, бари бир қизчанинг буниси эмас, балки бошқа онаси бўлиши, гўё ўзи бошқа бир аёлни аллақачон унга оналикка танлаши мумкинлиги хусусида ўзини гуноҳкор ҳис этди...

Лопатин эрталаб меҳмонхонада нонуштага талон билан бериладиган винегретни танаввул қилиб, бир стакан чой ичди-да, кейин ёзишга киришди. Кечгача, кун бўйи ва эртаси куни ҳам хонадан чикмай ёди. Ёзиш қийин бўлди, чунки ҳужум оғир бўлганди. Ҳар қандай қилиб бўлсада, Москва рўпарасида турган немисларнинг эътиборини ўзига жалб этиш, бутун ҳатти-харакатлари чок-чокидан сўклилаётган жанубга резерв юборишларига йўл қўймаслик мақсадида тўхтовсиз ҳужум қилишарди. Агар бу ҳақда очиқласига ёзиш мумкин бўлганида, ҳаммаси жойига тушарди. Лекин буни ёзишга ҳуқук берилмаганди. Уруш пайтида бундай батафсил ёзиш мумкин эмасди.

Иккинчи куни кечқурун Лопатин Гурскийга қўнғироқ қилди. Редактор ҳали фронтдан қайтмабди.

Лопатин яна вакт берилишини сўради, ҳамма ёзганларига чизик тортишини, эрталабдан бошқача мазмунда ёзмоқчилигини айтди. Сарлавҳасини «Иккинчи қиши» деб номлайди-да, ўзи икки-уч кун бўлган битта полк ҳақида ёзади. Немислар мудофаа узелига айлантирган совхоз марказини кўлга киритиш учун уч кун корга ботиб қилинган ҳужумни ва ахийри бунга эришилганини тасвирлайди.

— М-менинг б-билишимча, — деди Гурский телефонда, — редактор батафсилроқ ёзишингни кутганди.

— Батафсилроқ чиқмаяпти. Аксинча, тор маънода бўляпти! Менга айт-чи, сарлавҳаси ёқадими? Маколани индинга эрталаб топшириш мумкинми?

— С-сарлавҳаси унчалик зур эмас, «мумкинми» масаласида эса, редактор сени ёзувчилар қаторига к-кўшгандан бери, ижодий м-мушкулотни баҳона қилишинг мумкин. Бир сутка атрофида к-кечиксанг бўлади, бундан бошқасига маслаҳат б-бермайман!

Гурский ўз гапларидан мамнун ҳолда трубкани ўрнига қўйди.

Ёзувчилар қаторига кўшиш хусусидаги гапи унинг одатдаги кинояси эди.

Лопатин мұхаррирнинг эътиборига тасодифан тушиб қолганди. У доим сафарга тез-тез чиқиб турарди ва мана шундай узок сафарларнинг бирида, тұсатдан Халхин-гол воеаси бошланиб қолган пайтда у үзининг бұлажак мұхаррири билан Читада танишиб қолди. Бир суткадан кейин эса ҳәётида биринчи марта ҳарбий формага алмаштириши кутилаётган үзининг фукароча костюміда самолётдан Монголияга тушди.

Фин урушида мұхаррир уни тұсатдан әслаб қолдида, армия газетасига талаб қилиб олди. Эндиги уруш бошланғанда эса, унинг розилигини ҳам суриштирмай, запасдаги командир сифатида хизматта чакиририб, «Красная звезда»га ишга олди. Мұхаррирнинг Лопатин ёзған китобларни үқишига вакти ҳам, хохиши ҳам йүқ әди. Унинг учун эңг асосийси — Лопатин учинчи урушда ҳам үзи билан бирга ишляяпты. Лопатин ёзуучими, ёзуучи әмасми, — буни үйламасди. Тұғрисини айтганда, барча танийдиган, номи ҳамма жойда машхұр камсонли одамларнегина ҳақиқий ёзуучи хисобларди. Уларга алохіда муносабатда бұларди, газетага күпроқ ёзіб туришлари учун ҳаракат киларди, агар фронтта бориб колсалар, үз мұхбирларига телеграмма йүллаб, ёзуучиларни иложи борича үқдан әхтиёт қилишни ва уларнинг материалларини Москвага үзлариникидан эртарок юборишни тайинларди.

Лопатин бунинг ҳаммасини яхши биларди ва шу боисдан мұхаррирга «ёзуучи» бўлиб туюлмасликка ҳаракат қиласынан.

«Уруш тугасин, шундан кейин ким нимага лаёқатли эканини күрамиз, — иложи борича мунтазам ёзіб борадиган үзининг фронт дафтарини варажылаб үйга толарди у ғоҳида. — Самолётда ерга қулаб бирор ерда абжаги чиқмаса бўлгани! Тұпланған материали етарли!»

Унинг бу охирги фикрида аллакандай заһархандалык заррачаси бор әди: сафарга сендан күра бошқачароқ маънода чиқиб турадиган айрим одамларга балки етмаслиги мумкин. Сенга эса етади!

Лопатин Сталинграддан қайтиб келганидан кейин мұхаррирнинг унга бўлган муносабати үзгарганини сезди. У 62-армияда деярли икки ой қолиб кетди. Сентябрнинг охирда Волгадан ўтган бўлса, ноябрда Жанубий-Фарбий ва Сталинград фронтлари Калач ёнида қўшилиб, немислар куршовга олингандан кейин у ердан жўнаб кетганди. Ўша ерда, Сталинградда бу во-

қеанинг шоҳиди бўлди ва қайтиб келиши арафасида Сталинградда ўзлари эгаллаб турган сўнгги манзилни охиригача қўлда тутиб турган кишилар ҳакидаги кейинги очеркини ҳарбий канал бўйича узатди.

Бунгача у Сталинграддаги воқеалардан кўра кўпроқ одамлар ҳакида ёзилган яна тўртта очерк юборганди. Чунки, аслини олганда ҳам, одамлар Сталинградда юз берган асосий воқеанинг сабабчилари бўлишди. Улар қандай жанг қилишгани, ҳар қандай қийинчиликка қарамай дош беришгани воқеа бўлди.

Шу вақт мобайнида тўплаган материалларини «қозга тушириш» учун ўзини Москвага чакиртиришни сўраш истаги Лопатинда икки марта пайдо бўлди. Аслини олганда эса хавф-хатардан безор бўлиб дам олмоқчи эди. Аммо, у ўзини тийиб ишини давом эттириди. Бошқа пайтдагига қараганда бу ерда кўпроқ бўлгани, бир хил одамлар кўп марталаб учрашгани, ҳимоячиларни чукурорқ тушунгани ва улар ҳакида моҳирона ёзгани, буни ўзи ҳам ҳис этгани балки шундан бўлса керак.

Очеркларини «Правда» кўчириб босди. Радиодан ҳам эшииттиришди. Редактор Москвауда Лопатинни кутиб олиб, унинг очерклари «юқорида» юксак баҳолангани билан табриклиди. Худди шундай ифодалади. Бу очеркларни алоҳида китоб ҳолида нашр этиш буюрилганини айтди. Телефонда гаплашган Алексей Николаевич Толстой ҳам очеркларини мақтаб, уларни бадиий очерклар, деб атабди.

Кейин у тўсатдан бир ой отпуска беришини айтди.

— Сенга Москва остонасидан, Архангельскдан жой топиб бераман, ўша ерда ўтириб бизга буткул бадиий бир нима ёзиб берасан, давомли қилиб босамиз.

Мұҳаррир «буткул бадиий» деганда ўйлаб топилган бирор нимани, масалан қиссани назарда тутганди.

Лопатин «буткул бадиий»ни ёзишга тайёр эмасди, шу боисдан бунақанги отпуска мушкулотидан воз кечди. Бунинг ўрнига бир ҳафта шунчаки дам олди: Фарбий фронтга жўнаб кетгунча редакцияда ўзгалар материалини таҳрир қилиб ўтириди.

Лопатин ўзининг «бадиий» очеркларидан кейин муҳаррирнинг кўз ўнгидаги ёзувчига айланди. Бошқалар каби унчалик таниқли бўлмаса ҳам, бари бир ёзувчи. Гурский ана шунга шаъма қилиб кесатганди.

Мақола устида Лопатин яна бир кун ва эртасига

азонда ҳам ишлади, Гурский унга яна құнғирок қилғанида у ҳамон якунини тополмай үтирганди.

— Эътиборингда бұлсін, мұхаррір фронтдан қайтиб сени с-сурштириди. Унга сұзларни т-тахрир кила-әтганингни, бадий томонларини қ-киёмиға етказаётганингни айтдим. Қечкурунгача қиёмга етказ. Лекин бундан ортиғига маслаҳат бермайман! Агар м-манзара масаласида камчилиги бұлса, үзім тұлдирарман. Мен м-манзараны моҳирона тасвирлаш устаси эканимни үзинг биласан. Қорнинг оёқ остида фирм- фирм қилиши ёки яп-яланғоч ҳимоясиз қарағай бұлса, марҳамат, т-текинга тасвирлаб беришим мүмкін!

3

Лопатин мақоласини кечаси олиб келди.

Мұхаррір уни норози ҳолда кутиб олди:

— Нимагадир газетачига үхшамай қолибсан.

Шундай деди-ю, үз жойига үтириб, Лопатин ёзган мақоланы үқишиңде киришди. Охиригача үқиб бұлди-да, бир нималарни шивирлаб макетга қандай жойлаштиришни чамалади, кейин қизил қалам билан бир ярим бетига иккіланмай чизик тортиб деди:

— Эртага тұрт устун қилиб жойлаштирамиз.

Кейин үзининг қизил қалами билан «Иккінчи қишлоғ» сарлавхаси ёнига савол қўйди.

— Сарлавхаси яхши деб үйлайсанми?

— Ха, шундай.

— Мазмунига мос эмас, — деди тұнғиллаб редактор. — Холоссанг чиқмапти!

— Чикаролмадим, — унинг фикрига қўшилди Лопатин.

— Нега «Иккінчи қишлоғ» бұларкан! — Мұхаррір «Иккінчи қишлоғ» сарлавхасини үчириб, үрнига «Полклярнинг бирида» деб ёзиб қўйди. — Мана энди мос келади. Сендан яхшироқ мақола кутгандим. Лекин, умуман олганда, вазиятдан келиб чиққансан.

«Вазиятдан келиб чиққансан» сўзи Лопатинга дуч келган қийинчиликларни мұхаррірнинг үзи ҳам тушунаётганини билдириди-ю, аммо у билан бу мавзуда гаплашишни истамасди, мақоладан бошқа яна нимадандир норози эди. Айни нимадан норозилиги материалга имзо чекиб босмахонага жунатгандан кейин орадан бир минут үтгач маълум бұлди.

— Мана буни қандай тушунса бўлади? — Стол устидагиларни титкилаб, Лопатиннинг тумшуғига аллақандай қофозни тикиштиаркан сўради у. — Ўзинг илтимос қилолмасмидинг? Мени сиқувга олмоқчи бўлдингми? Билиб қўй: бу қофоз менга ҳеч қандай маънони билдирамайди!

— Мен ҳеч нимани илтимос килмоқчи ҳам эмасман, — деди Лопатин. — Уларга бўлса хат ёзмасликларини — бари бир рад қилишингни айтгандим.

— Менга ақл ўргатма, рад қиласманми-йўқми, ўзим биламан. Агар бирор иш учун бўлса — йўқ демайман. Лекин нега энди бошқалар орқали бунга эришмоқчисан?

У ҳазилакам хафа бўлмаганди. Лопатинга кинематография комитетидан келган мана шу қофоз хусусида бор гапни тушунтириб беришга тўғри келди. Сталинграддан қайтиб келганидан кейин унга Сталинград очеркларидан бири асосида ёзилган киноновелла сценариясини юборишганди. Сценарияда чалкашликлар кўп эди. Буни ёзган киши фронтни кўрмаганди, шу боисдан Лопатин унга имзо қўймади.

Шунда комитет раиси муҳаррирдан отпуска сўраб беришни зиммасига олди: Лопатин бир неча кунга Тошкентга боради-да, уша жойнинг ўзида режиссёр билан биргаликда сценарийга зарур бўлган тузатишларни киритади.

Лопатин рад қилди, эртага фронтга жўнаб кетаётганини, қайтиб келганидан кейин Москванинг ўзида қўлидан келганча тузатиш киритишини айтди.

— Улар бари бир ёзишибди-да. Уруш ҳақидаги кинотўплам хавф остида қоляпти. Сени бўлса бекорга жаҳлинг чиқяпти.

— Сенга қандай муносабатда эканимни биласанми? Сабаби факат шунда, — деди редактор.

Бу узр сўрашнинг у кодир бўлган энг қиска усули эди.

— Муносабатинг яхши бўлса, мендан шубҳа килаверма.

— Менга ақл ўргатма.

— Сендан ёшим катта бўлгани учун ўргатяпман.

Муҳаррирнинг кўзларида пайдо бўлган бир сониялик аллақандай ифода Лопатинни бўлиб ўтган бир воқеани эслашга ундади: Халхин-Голда танишган кунлари нимадандир тихирлик қилгани учун муҳаррир уни

«смирно» турғазиб қўйганди. Дўстлашиб кетишгандан кейин у буни тан олмади. Бундай воқеа ҳечам ёдида йўқлигини айтган бўлса-да, бари бир шундай воқеа юз берганди. Иккинчи ранг интенданти Лопатин ўша воқеани эслади-да, рўпарасида турган дивизион комиссарига қараб жилмайиб қўйди.

— Нега тиржайяпсан?

— Дадил бўлиб қолганимдан қувоняпман, — унвони каттага қўполлик қилди.

— Яқинда янги унвонлар жорий қилинади, — деди мухаррир.

— Генерал бўлишни истайсанми? — сўради Лопатин.

— Унчалик қизиқмайман, — деди у.

Бунга Лопатин ишонмади. Муҳаррир генералликни орзу қиласарди.

— Сенга интендант ўрнига майор унвонини беришганида чиндан хурсанд бўламан. Мухбир учун интендант бўлиш — беъмани гап, — деди мухаррир.

Баҳсга ўрин йўқ эди.

— Сен бўлган жойларда ишлар қалай? — сўради Лопатин.

— Михдек, — деди муҳаррир. — Готнинг танк группасини тўхтатибгина қолмай, армиясини ер билан яксон қилиб ташлашди. Қолган-кутганларини яна биринки кундан кейин орқага ҳайдаб юборамиз! Юз граммдан ичишга қалайсан?

Бунақа гапни ундан йилига бир марта эшитиш мумкин эди.

— Мен доим тайёрман, — деди Лопатин.

— Қани, кетдик. — Муҳаррир гўё йўлда фикридан кайтиб қолишидан куркандек тезда Лопатиннинг олдига тушиб, кабинетининг нариги бурчаги томон юрди ва кунига икки марта овқатланадиган ҳамда суткасига турт соат ухлайдиган ўзининг ҳужраси эшигини очди. Чойни у аzonдан то тунгача кабинетида ичаверарди.

Муҳаррир ҳужрага кириб каравотга үтирида-да, шкафга чўзилиб у ердан арок, очилган бир банка бодринг, иккита стакан ва битта санчқи олди.

— Мана буни оч, — буюрди у Лопатиннинг қўлига шишани тутқазиб.

— Ишлар зўр-ку, — деди Лопатин бодрингга ишора қилиб. Бу бодринг овқатга унчалик ҳуши бўлмаган муҳаррирнинг ягона тансиқ емиши эканини у билар-

ди. — Агар, топилса, нон ҳам қўйилганда қойилмақом бўларди-да.

— Унутибман, — гуноҳкорона деди мұхаррир ва шкафдан кирқилган нон билан сариёғ солинган тарелкани олди.

Лопатин пичоқ ҳам олармиカン, деб бироз кутди, лекин мұхаррир буни унуганди, шунда у чўнтағидан паккисини олиб бир бурда нонга қалин қилиб сариёғ суртди-да, шишага имо қилиб сўради.

— Ишга киришишга ижозат берасизми?

— Ярим стакандан қуй, — деди мұхаррир. — Бугун туғилган куним экани бехосдан ёдимга тушиб қолди. Ўттиз тўққиз ёш.

— Хотинингдан телеграмма олдингми? — сўради Лопатин.

— Ҳа.

— Қачон?

— Эрталаб, учиб келганимдан сўнг.

— Нега бўлмаса бехосдан эслаб қолдим, деб мени алдаяпсан? — қулиб қўйди Лопатин. — Сенга билдirmай отпушка ундирмаётганимга ишонч ҳосил қилмагунча мен билан ичишни истамаганимидинг? Эҳ, сени қара-я!

— Сергейдан ҳам телеграмма олдим. — Мұхаррир хижолатомуз жилмайиб қўйди. Унинг чеҳрасида гоҳида агар гап хотини, ўғли ва ўзи ҳакида борса, редакцияда кўпчилик сезмаган хижолатомуз жилмайиш пайдо бўлиб қоларди.

— У нималарни ёзибди?

— Ҳали жанг килмаётганини, иккинчи эшелонда турганини ёзибди... Ниҳоятда эрта — ўн тўққиз ёшимда уйланганман-да. Агар бошқалар каби... — Мұхаррир сўзни тутатмай жимиб қолди.

— Ўзинг ҳам шошқалокликни ёқтирасан-да. Худа бехудага шошаверасан, — мұхаррирнинг нима демокчи бўлганини фаҳмлаб жилмайди Лопатин. Агар бошқаларга ўхшаб йигирма беш ёшида уйланганида, ўғли фронтда эмас, мактабда бўларди.

У шишани олиб, мұхаррирга ярим стакан, ўзига тўлдириб арок қўйди.

— Туғилган кунингга чакирдингми, билганимни қиласман. Бунинг устига шоҳона дастурхон. Саломат бўл, Матвей! Сени яхши кўраман, ҳозирча бошлиғим экансан, буни сенга исботлаб бериш қийин.

— Ишдан бўшатишгач, исботларсан, — деди мұхарир озгина хўплаб Лопатиннинг олдидағи бўш стаканга ишонқирамай қааркан. — Менимча, илгари бунчалик кўп ичмасдинг-а.

— Урушда саломатлигим яхшиланди, — Лопатин арокни ичди-да, санчки билан икки-учта бодринг олиб, сарёғли нон билан газак қилди. — Рост, ўзим ҳам ҳайронман. Илгари, Халхин-Голдан кейин тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолгандим, ичларим ҳам оғрирди, кеининг бир ярим йилда эса отдайман. Сенга ўхшаш бошлиқнинг кўл остида хаста бўлишга вақт топилармиди?

— Бир стаканни лўқ этиб ичиб юбординг, ишга таъсир қилмайдими? — сўради мұхарир ҳайрон бўлиб.

— Зинҳор, — деди Лопатин. — Агар газаги бўлса, ҳатто икки стакани ҳам кетаверади. — У яна бир бурда нонга сарёғ суртди.

— Сендан олти ёш кичик бўлсам ҳам, ярим стакан ичсам бошим фувуллаб кетади.

— Ҳатто етти ёш, — деди Лопатин. Урушнинг мана шу ўтган бир ярим йили мобайнида онда-сонда ўйлайдигани — факат редактордан эмас балки газетада ишлайтганларнинг деярли ҳаммасидан ёши улуғлиги ҳозир хаёлига келди, — Максим, ёшим катта бўлса-да, лекин бақувватман, рус зиёлиларининг икки стакан ароқ билан кулатолмайдиган соғлом тоифасига мансубман.

— Кўп валдирайверма, бари бир бошқа қўймайман.

Мұхарир столдан олиб қўйиш мақсадида ароққа чўзилмоқчи бўлди-ю, сўнгги дақиқада ўзини тутиб колди.

— Бўпти, мен кетдим, — Лопатин ўрнидан турди. — Стулингдан мих чиққандек ўтиrolмай қолганингни сезяпман.

— Ҳа, яна икки бет ўқишим керак. — Редактор ҳам кўзғалди-ю, лекин чехрасида иккиланиш ифодаси пайдо бўлди.

— Кетдим, — такрорлади Лопатин.

— Сабр қил. Агар ўша кинотўплам масаласи ростданам чатоқ бўлса, сени беш кунга Тошкентга юборишим мумкин. Факат улар илтимос қилгандек бўлмайди. Борасан-да, қайтишда фронтга йўл оласан. Тошкентга ё самолётда, ё поездда борасан, барча юмушларингни беш кунда уддалайсан-да, у ердан Ашхобод-Красноводск орқали Кавказ фронтига жўнайсан.

Хатто поездда борсанг ҳам у ерда бирор катта вөкөа бошлагунча бари бир улгуарсан. Балки Қавказда Ефимовингни учратиб коларсан!

Ефимов Одесса билан Севастополь мудофаасидан кейин Шимолий Қавказда армияга құмандонлик қилмокда эди. Мұхаррир мұхбирнинг аввал бұлған жойига иккінчи марта боришини маъқулларди: бу, юз берган үзгаришиң сезиб олишда ёрдам беради, деб хисобларди.

— Агар борадиган бұлсанг — әртагаёқ жұнаб кет!

— Агар Тошкент орқали бұлмаса-чи? — сұради Лопатин.

— Бари бир айланма йұл, — деди мұхаррир. — Гурьев-Боку орқали. Бошқача қискарок йұл ҳозирча йўқ. Агар сенга Тошкентта бориш учун беш кун ажратяпманми, демак, бунга ҳаққим бор. Жұнайвер! Чиндан ҳам бу хавфли! Очерк бизнинг «Звезда»да босилиб чиққан, ундаги вөкөалар тұғри тасвирланған, шу ассоңда улар аллакандай фильм яратиб чалкашликка йұл қўйиши мумкин. Кейин додингни бирорға айттолмай қоласан! Тошкентда сени Туркистон округи бўйича мұхбиrimiz кутиб олади-да, қолган ишларнинг ҳаммасини үзи таъминлайди.

Шундай килиб, Лопатин командировкага жұнаб кетди. Олдинда отпуск кутиляпти, аммо оқибат адреси аввалгидек ўша-ӯша — «Харакатдаги армия» эди...

4

Вагон юмшок ўринли, лекин худди тўқилиб кетадиган даражада эски эди. Совук — барча тирқишлиардан шамол уфуриб турарди — бўлишига қарамай, Лопатин барibir дастлабки уч кунни уйқу билан ўтказди. Оренбургдан кейин киров босган дашт бошланди, станциялар кам эди. Станцияларда ҳам, разъездларда ҳам кўп туриб қолишга, нефть цистерналари уланған составларни ўтказиб юборишга тұғри келарди. Ўрта Осиё томондан бу составлардан бошка деярли ҳеч қандай поезд ўтмасди. Составлар узун, аммо тез юрарди. Боку нефтини Каспий денгизи, Красноводск, Тошкент орқали — яшил йўл бўйлаб фронта ташишарди.

Информбюронинг маълумотида Сальск даштлари ва Донда давом этаётган ҳужумимиз ҳақида сұз борарди ва барча йўлларни эгаллаб рўпарадан шарақашурук қилиб келаётган бу нефть эшелонлари Лопатин-

га ўзи борган сайин узоқлашаётган фронтни ҳар қандай маълумотдан кўра кучлироқ эслатарди. Лопатин кутилмаган отпускага учиб, урушдан бошқа томонга кетаётганидан бироз нокулай ахволга тушди.

Юкори полкада ётиб, уруш бошлангандан бери қаерда ва қанча вақт бўлганини эслади. Фронтга ўн тўқиз марта борибди, Москвада эса бир яrim йил мобайнида уч ойдан озрок яшабди. Ўзини оқлаш учун ҳисоблаб чиқди; албатта, ҳарбий мухбирлик лавозими урушда унчалик кийин эмас; бошқалар уруш бошланганидан бери дуч келган жойда шу пайтгача жанг қиляпти, ҳеч қанақанги Москвага ҳам боришмаяпти. Аммо бошқаси ҳам тўғри: Москванинг ўзида ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам ёкасида сеникига ўхшаган ҳарбий унвон белгиси бор куплаб ҳарбийлар ҳамон фронтдан анча олисда хизмат қилишяпти; қачон юборишса — ўшандада боришади. Ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Отпуска боришдими, ундан фойдаланиб қол.

Ухлаш олдидан у чекиб олиш учун йўлакка чиқди. Дераза ёнида туриб, қўшни дераза олдида чекаётган аёлни кузатди.

Аёл ёш ва гўзал эди, у эндиликда Тошкентда истикомат килаётган Ксенияни эслатди. Лопатин у билан учрашмоқчи эмасди, лекин учратиб қолиши ҳам мумкин эди: киностудиядами, театрдами, балки шунчаки қўчада дуч келиб қолиши мумкин...

«Хўп, дийдор кўришдик ҳам дейлик, хўш нима бўпти? Мен учун эндиликда бунинг аҳамияти йўқ. Аҳамияти бўлмаслиги керак», — деб қўйди ўзича ва қўшни дераза ёнидаги ёшгина, гўзал аёлга яна қараб қўйди. Қаерга ва нимага кетаётганини ким билади? Балки, эрининг хузуридан келаётгандир, балки эрининг олдига кетаётгандир. Ҳозир у ўзининг гўзал эканини эсламаяпти, бутунлай бошқача — аллақандай ноҳуш бир нима ҳақида ўйлаяпти...

Чиндан ҳам гўзал аёл! У бошдан-оёқ назар ташлаб чиқди. Мана шунакасини бошқача вазиятда учратганда яхши бўларди. Ўзи учун албатта. Ўзининг ўтиб қолган ёши ва ўзининг ташқа қиёфаси билан аёлга ёқмаслиги ҳам мумкин.

Аёл ҳам яrim ўгирилган ҳолда бир неча марта унга қараб қўйди, нигоҳ ташлашга арзийдиган бирор нимаси йўқ. Балки Қизил Юлдуз орденига ва енгил яра-

дор бўлганини билдирувчи иккита белгига эътибор қилган бўлса керак...

У ўзининг кўримсиз ташки қиёфасини ёқтирасди. Бир пайтлари Қсения билан турмуш қурган дастлабки йиллари бундай гўзал киз хунук киши билан бир ёстиқка бош қўйгани учун ниҳоятда мамнун бўлганди. Кейинчалик бунинг бемаъни эканини тушунганди.

Лекин бари бир кўшни дераза ёнида турган мана шу аёлни қайта-қайта томоша қилиш иштиёқи пайдо бўлганидан ҳозир хурсанд эди. Унинг бу истаги ўтмишдан ҳоли бўлган ҳиссиётини қувончларга тўлдирган эди. У кўкрагидаги Қизил Юлдуз ёнида папанинчиларни муз устидан олиб чиқсан экспедициядаги иштироки учун урушдан олдин мукофотланган «Хурмат Белгиси» ордени йўқлигига ҳатто ачиниб ҳам қўйди. У бу орденни Кримдан қайтишда Таманга ўтиб олиб кимнингдир уйида биргина иштонда қолиб исинишаётганда, қуритиш учун ҳовлига осиб қўйилган кийим-бошлар бомба остида колганда йўқотиб қўйганди. Гимнастёркаси ҳам, ордени ҳам. Кейинчалик Москвада орденини алмаштириб беришларини сўраб ариза ёзганди, ҳанузгача жавоби бўлмаяпти.

Унга дам-бадам қараб қўйган аёл папиросини чекиб булиб, ухлагани кириб кетди. Лопатин ҳам эрталабгача ҷўзилиб ётиши мўлжаллаб купега қайтди.

Лекин анча пайтгача ухлашнинг иложи бўлмади. Лопатиннинг рўпарасидаги эрталаб бўшаган юқори полкани эгаллаган учувчи капитан саволга тутиб қолди. Фамилиясини айтгач, унинг Сталинград очерклари ни ўқиганини, ҳатто биттасини «Звезда»дан қиркиб ўзи билан олиб юрганини айтди. Планшетдан ўша очеркни олиб кўрсатди — бу, ҳали қирқ биринчи йилдаёқ номнишонсиз йўколган эридан, Шимолий-Фарбий фронтдан хат келган қуни ҳалок бўлган алоқачи аёл ҳақида Лопатин ёзган очерк эди. Новгород остонасидан унинг Забайкальедаги қадрдон қишлоғига бир неча ой мобайнида етиб борган, у ердан Сталинградга келган хатни аёл дала почтасидан эрталаб олиб, ниҳоятда қувонган ва уни Лопатинга кўрсатганди, кундузи эса узилган алоқани тиклаш учун эмаклаб кетаётib ҳалок бўлганди.

Ҳаммаси бир кунда юз бергани ҳам, барча кулфатларга одатланиб қолгандек туюлган одамлар унинг ўлимидан ниҳоятда изтироб чекишгани ҳам Лопатинни

хайратга соганди. У очеркда урушда баҳт билан кулфат қанчалик туташиб кетиши, ўзини түсатдан баҳтиёр ҳис этган киши ўзини эҳтиёт қилиш эмас, балки, аксинча, хавф-хатар сари бориш истаги қалбидан туғён уриши ҳақида ёзганди.

Узилган алокани тиклашга бошқа одамни ҳам юборишлари мумкин эди. Аммо айни шу аёлнинг ўзи хеч кимдан сўрамай ўша ондаёқ хавф-хатар сари йўл олганди.

— У билан шахсан ўзингиз гаплашганимдингиз? — Лопатин аёл билан гаплашгани очеркдан якъол кўриниб турса ҳам сўради авиация капитани.

— Ҳа, шахсан гаплашган эдим, — деди Лопатин.

— Гўзал аёлмиди?

— Анчайин чиройли.

— Яхши аёл экан, — деди капитан хўрсиниб кўяркан. Лопатинга ҳозир ҳамрохи ўзи ҳақида гап бошлайдигандек, шу боисдан хўрсиниб кўйгандек бўлиб туюлди.

Бироқ капитан гапирмади, жимиб колди.

— Канақа самолётда учасиз? — сўради Лопатин.

— «Дуглас»да, — деди капитан. — Партизанлар ҳузурига бориб турамиз.

Ҳали бирор марта партизанлар томон учмаган Лопатин партизанлар ўлкасида майдонларнинг қандай эканини, қай усулда алоқа қилиниши ва қўнишда қанақанги сигнал берилиши ҳақида суриштирди.

Бу ҳақда яна ярим соатча сухбатлашиб, олдин бошланган мавзуга қайтмай ухлаб қолишиди.

Эртаси куни кечқурун, Арис станциясида, узок турриб қолган поезд ниҳоят қўзғалғач, Лопатин купега кирмай, станция чирокларига қараб дераза ёнида туриб колди.

— Нега қарайпсиз, ўртоқ майор? — сўради капитан. — Таниш станциями?

— Ҳа, таниш станция, — деди Лопатин. — Лекин шу боисдан қараётганим йўқ. Чирокларга тикилаяпман. Тўсив қўйилишига ўрганиб қолган эканман.

— Мен ҳам хотиним эвакуация қилинган қишлоқда беш кун яшаб, кечқурунлари ҳамма уйқуда бўлмаса ҳам у ер бу ерда деразаларни ёритиб турган керосин чирокларининг хира нурини томоша қилиб юрдим...

Капитан қалбини тирнаётган ниманидир ўйлаб яна

хўрсиниб қўйди ва яна бу ҳақда оғиз очмоқчи бўлди-ю. лекин бирор нима деёлмади...

Улар Тошкент станциясида хайрлашиши. Ярим кеча эди. Поезд йўлнинг аллақаерида тўхтагач, капитан унинг юкларини кутаришда ёрдам бермоқчи бўлди, лекин Лопатин вагон олдидা уни кутиб олишга ваъда қилишганини айтди.

Капитан унинг қўлини қисди-да, честь бериб узоклашди. У пучайган қопчиғини кенг елкасига осиб олган, қўлида эса бўм-бўш чамадон.

«Ўзининг ҳамма нарсасини хотини эвакуацияда яшаётган қишлоқда қолдирган бўлса керак», — деб ўйлади Лопатин.

Темир йўлни ва теварак-атрофни қалин қўр қоплаган, Тошкент учун ғайритабиий бўлган совуқ бошланганди. Вагон поезднинг энг охирида эди, шу боис Лопатин юкини оёқ остига қўйиб, ўзи томон келаётган икки кишига кўзи тушмагунча ер депсиниб тураверди.

Келаётганлардан бири «Красная звезда»нинг шу ерлик мухбири подполковник Губер бўлса керак. Лопатин илгари уни кўрмаган, факат у оғир яраланганидан кейин чекланган даражада хизматга лойик топилганини ва Тошкентда иккинчи йил ишлаётганини биларди холос. Редакцияда қайси вагонда экани ҳақида унга телеграмма юборишга ваъда қилишганди. Фукароча кийинган бўйдор иккинчи киши ким бўлдийкин?

— Ўрток Лопатин, Василий Николаевичмисиз? Янглишмадимми? — Лопатиннинг ёнига келиб сўради кенг елкали подполковник кўл чўзиб. — Саломат келдингизми? Мен Губер, Пётр Федорович бўламан.

Унинг ортида тўхтаган бўйдор киши бир қадам олдинга чиқдида, аллакандай ӯкирганнамо овозда: «Вася!» деб қичқириб Лопатинни кучоқлаб олди.

Бу одам бутунлай ўзгариб кетган эди. Илгари жаранглаб чиқадиган овози ҳам, ғайритабиий даражада озғин гавдаси ҳам, худди кўр одамдек, ҳозир Лопатиннинг юзига суркалаётган қаримсиқ башараси ҳам ўзгариб қолганди. Лекин бари бир у ўша, айни ўша, қадрдан ўртоғи ва бир пайтлари адабий ҳаёт билан қизиқкан, ёшлиқ даврида ҳатто Лопатинга хомийлик қилган, уни бу ерда, Тошкентда учратиб колишни ҳам орзу қилган, ҳам бундан чўчиган Слава, Вячеслав Викторович эди.

— Кеча Пётр Федорович газетангиз учун шеъримни келтириб, сен келаётганингни билиб қолдим-да, у билан бирга сени кутиб олишга кўндиридим, — деди овозини жарангдор чиқаришга ҳаракат қилиб Вячеслав Викторович. У узининг бу ҳам илгари бўлмаган қалтироқ қўллари билан ҳамон Лопатиннинг елкасидан тутиб турарди. — Ишонаман, ҳозир бу ердан тўғри бизниги борамиз, хоҳлаганингча меникида яшайсан.

— Редакциянинг телеграммасига асосан офицерлар ётоказидан ўрин берилган, — деди Губер.

— Пётр Федорович, — яна овозига зўр берди Вячеслав Викторович, — сиздан ўша ётоказона ҳакида эслатмасликни илтимос қилгандим.

— Мен бор гапни айтяпман, холос, — деди ранжиб Губер.

— Сендан ўтиниб сўрайман, факат меникида яшайсан, — Вячеслав Викторович Лопатинга ўгирилиб қалтироқ қўлини яна унинг елкасига қўйди. — Умуман тушунолмай қолдим, нега энди бу ерда гаплашиб турибмиз?

У кейинги сўзини дадил айтган бўлса-да, бунда аллақандай ишончсизлик, кечирим сўрашга монанд илтимос бор эди. «Рахмат, албатта, сеникига борамиз», деди шунда Лопатин ва Губердан офицерлар ётокази бронидан воз кечишни илтимос қилди.

Улар Губерга биркитилган «эмка»да кор босган Тошкент бўйлаб кетишида ва кўп ўтмай иккита бир қаватли уйнинг орасидаги пастаккина дарвоза олдида тұхташди.

— Сиз ҳам исиниб олгани кирақолинг, Пётр Федорович, — деди Вячеслав Викторович «эмка»дан тушишгач.

— Ташаккур, иложи йўқ, — анчайин кескин жавоб берди Губер, гўё буни унга биринчи марта таклиф килаётгандек. — Уйкуга тўйиб олганингиздан кейин сизни олиб кетгани келаман-да, кейинги ишларингиз ҳакида шартлашиб оламиз. Соат ўн бирда келсам эрта бўлмайдими?

— Эрта бўлмайди, раҳмат, — деди Лопатин.

Губер честь бериб, «эмка»га чиқиб ўтирди.

Мана шу кичик бир вокеа Лопатинга бундан тўрт ой илгари Москвада Гурский айтган гапни эслатди:

— Менга қара, бир о-одамгарчилик қилсангчи. Мұҳаррирда муҳбиришим Тошкентдан юборган

дүстингнинг шеъри ётибди, у бўлса т-тихирлик қилиб, б-босиб чиқаришни истамаяпти.

Лопатин мухаррирга учрашди, бироқ у қулоқ солишни ҳам истамади.

— Менга Тошкентда ёзган шеърининг кераги йўқ. Бизнинг йўлланма билан фронтга юборишларини сўрасин — юборишга уриниб кўрамиз. Тошкентдан шеър йўлласа босмаймиз!

Лопатин ҳозир Губернинг Вячеслав Викторовичга бўлган муносабатида мухаррир билан бўлган ўша сұхбатнинг аллақандай шарпасини сезди. Губер уни ўзи билан вокзалга олиб чиқиши ҳам истамаган бўлса керак.

«Эмка» ғилдираклари остидан қор сачратиб жўнаб кетди. Вячеслав Викторович паришонлик билан унинг ортидан қараб қолди, сўнг ўгирилиб Лопатинга дарвозани кўрсатди.

— Мен анави томондан... ҳовлидан кираман. Тийғониб кетма, бу томони коронғи, мен олдинда бораман.

Узун ҳовлидан ўтиб, улар кирган хона анчагина катта эди. Нак шифтдаги қалпоқсиз лампа хира ёнарди. Хона нимкоронғи ва совук эди. Деворнинг бир томонига ортига палос тутилган кенг тахта каравот, иккинчи томонига шкаф қўйилган, ўртада овқатланадиган стол ва бир неча стул.

Эҳтимол, бу ерда яна битта хона бўлган: Лопатин ёғоч ҳалқали дарпарда билан тўсилган эшикни кўриб қолди.

— Ечинавер,— деди Вячеслав Викторович.— Мана бу ерга қўй.— У эндиликда эгнида ҳалпиллаб қолган урушдан аввалги чет эл мавсумий пальтосини ечиб, тахта каравотга қўйди.

Лопатин юкини бир чеккага суриб қўйиб, почапўстинини каравотга тахлади-да, Вячеславнинг у ёқда, Москвадаги катта деразали, тиник сарғиши рангга бўялган деворларига ўн иккинчи йил урушининг қадимги Геребенев аслаҳалари қўйилган илгариги кабинетини эслади. Ўша кабинетда ҳам кенг диван-каравот бўлиб, усти деворга қоқилган гилам билан ёпилган эди.

Бу хонада ҳам эски палос устига ўтмишдан хотира сифатида шамшир осиб қўйилганди. Биттагина, лекин барибир осиб қўйилган!

— Бўтқани ағдариб юборма! — Вячеслав Викторо-

вич диван-каравот ёнига келди-да, чопонни очиб, орасидан кастрюлни олди. — Хали иссиқкина турибди, — деди ушлаб кўриб стол устига кўяркан. — Бугун уйим анчайин дуруст, илиқкина, тўғрими? Сенинг келишининг га печка ёққандим. Умуман олганда вазият оғир. Қахратон қиш, бу ерларга хос эмас, кўмир ҳам йўқ. Балки сенга совуқлик қилаётгандир?

У диван-каравотдан чопонни олиб Лопатиннинг елкасига ёпиб кўйди.

— Исиниб ол, ҳали бўтқанинг иссиғи бор. Бу чопонлар жудаям қулай-да! Учта чопоним бор. Кўмир йўғида шулар билан жон саклайман. Айниқса, эрталаблари совуқ бўлади. Ювингинг ҳам келмайди! Ўшанда, ўттиз тўртингчи йили Панжикентда қанақангি жазирама бўлгани ёдингдами?

Ўша пайтдаги жазирама Лопатиннинг ёдида эди, лекин бошқа бир нарсани: Ўрта Осиёга келиб, бундан аввал, босмачиларга қарши жанг бораётгандা Қавказ дивизияси штабида ўзига таниш ва кейинчалик шеър ёзиб уни мадҳ этган дивизия қўмондони ҳузурида бир ҳафта бўлган Вячеслав ниҳоятда ҳasad қилганини бундан кўра яхши эсларди.

«Унга ахир нима бўлганийкин? Айни унга нисбатан қандай воқеа юз берганийкин?» — деб ўйлади Лопатин яхшироқ бирор нима топишга улгурмаганини айтиб гуноҳкорона елка қисиб кўйган Вячеслав Викторовичнинг рўпарасига ўтирас экан.

— Факат стол устида кўриб турганларинг билан сени меҳмон қилишим мумкин.

Столда бўтқа, нон, бир банка томатли бузоқ гўшти ва бир шиша портвейн виноси бор эди.

— Мен тўлдиришим мумкин, — деди Лопатин. — Озгина запасим бор.

— Уч кундан кейин, сен билан Янги йилни кутиб олаётганимизда тўлдирасан. Бугун эса менинг нонтузимни баҳам кўрамиз! — Вячеслав Викторович стаканларга портвейн қўйди. — Рўпарамда ўтирганингга ҳали ҳам ишонолмаяпман. Қани, ўзбек оғаларимиз айтгандек, хўп майли!

У Лопатин билан чўкиштириди-да, биринчи бўлиб стаканни бўшатди.

— Хўш, нима дейсан — ухлайсанми ёки сухбатлашиб ўтирамизми? Мен ҳали ҳам чала уйқуман!

— Бугунчалик сенга ошно бўлишим мумкин, —

деди Лопатин. — Йўлда уйқу нормасини деярли ба-
жариб бўлганман.

— Ундаи бўлса, эрталабгача гаплашиб ўтира-
миз! Кейин сенга онамнинг анави хонасида, онам-
нинг каравотига жой солиб бераман... — Вячеслав
Викторович дарпарда тутилган эшикка имо қилди.

Бу на аёл қўлининг излари, на аёл нафаси бўл-
маган шу хонага дастлаб кирган дақиқада Лопа-
тин ундан сўрашга ботинмаган савол эди. Вячес-
лавнинг онаси ҳам ўшанда, кирқ биринчи йилнинг
августидаги билан Тошкентга жўнаб кетганидан
хабардор эди; унинг хотини Ирина ҳам жўнаб кет-
ганди. Аммо хотини у билан бирга бўлмаслиги
мумкин. Урушгача ҳам хотинининг боридан йўғи
кўп бўларди... Онаси эса...

— Онанга нима бўлди? — сўради Лопатин бери-
ладиган жавобдан қўрқиб.

— Уч ой бурун вафот этдилар. Бугун сен ухлайди-
ган ўша каравотда. Бир дақиқада! Ҳатто «тез ёрдам»
етиб келишга ҳам улгурмади. Ўзлари доим азобланиб
юрган эски кўкрак қафаси хасталиги олиб кетди. Ни-
магадир иқлими тўғри келмади, врачлар эса, аксинча,
иқлимини ўзгартириш ёрдам беради, дейишганди. Онам-
га эса ёрдам бермади! Жазирама иссиқдан қийналди-
лар. Аввалги ёзни деярли кўрмадилар, унга чидаш
бердилар, сентябрда эса вафот этдилар... Онам сени
тез-тез эслаб турардилар... Ўзлари меҳр қўйган бошка-
ларни ҳам. Иккисидан бири — ё меҳр қўярдилар,
ё ёқтирмасдилар... Онамдаги бу хислатга ҳавас қи-
лардим. Сендан, ўзлари меҳр қўйганлардан менга хат
ёзмаётгани учун, мендан шу ерда туриб сизларга хат
ёзмаётганим учун жаҳллари чиқарди. Мен юзага кел-
ган хозирги вазиятда сенга биринчи бўлиб ҳат ёзолмас-
лигимни тушуниришга уриниб кўрдим. Лекин онам
буни тушунишни ҳам истамадилар. Биринчи бўлиб
у ёзақлосин, дедилар... Менда сизлардан хат олиш
истаги бўлмаган, бу хаёлингга ҳам келмасин. Айрим
пайтларда истаб қолардим-у, аммо кўпинча буни иста-
масдим. Айниқса, сендан!

— Нега «айниқса»? — сўради Лопатин.

— Чунки сен мендан каттароқсан, кичик эмас. Ҳат-
то тушкунлик дақиқаларида шогирдларим ҳакида ўй-
лаб, уларнинг хатти-харакатини оқлайдиган сўзларни
ҳам сенга айттолмайман. Гоҳида улар мендан умуман

бирор нимани ўрганмаганини ўйлаб кетаман. Агар ўрганишган бўлишса ҳам бу ҳақда эслашмайди.

— Сабаб? — Бекиёс афсус-надомат билан айтилган бу сўз Лопатинни ич-ичидан титратиб юборди. — Сен ўз пайтида уларга жуда кўп яхшиликлар қилдинг, буни унуган одам чўчқа бўлади! Мен якинда фронтда, дивизион газетасида сен кўп нарсаларни башорат қилган ўша севимли шогирдингни учратиб қолдим... Сени хурмат билан эслади.

— У менга икки марта хат ёзди, — деди Вячеслав Викторович.

— Сен-чи?

— Мен ҳам икки марта жавоб йўлладим. Иккаласига ҳам бир хил: мени унумаганинг учун раҳмат мазмунида жавоб ёздим... Унга ёзадиган бошка гапим йўқ. Агар ҳакиқатни билишни истасанг, кеча сенинг келишингни эшитиб: нима қилсамийкин? Балки сенинг кўзингга кўриниш умуман шартмикан? — деб кечаси билан ўйлаб чиқдим. Кейин эса чидаш беролмадим. У ерда, Москвада менинг ҳакимда таҳқиромуз сўзларни роса эшитгандирсан?

Лопатин бош ирғади.

— Энди сенга ўзим тушунтириб бермоқчиман. — Тушунтириб бермоқчи эканини айтган бўлса-да, анча вактгача тушунтирмади. Тирсагини столга тираган холда бошини қўллари орасига олиб индамай ўтираверди.

Рўпарасида эса ўтириб, унинг озгин қалтирок қўлларига тикилиб Лопатин ўтиради.

Йўқ, Вячеслав урушдан кўрқкан, бирок ундан қутилиб қолгани учун ўзини баҳтиёр сезган кишига ўхшамасди. У шунчаки бебаҳт эмасди, у ўзининг бу бебаҳтлигидан касалланиб қолганди. Лопатин Москвада эшитган ҳакоратомуз сўзлар юзаки қараганда ҳакқоний бўлса-да, аслида ноҳак эди. У урушдан кочиб, айни кўнгилдаги ишни амалга оширди, дея тахмин қилишарди. Вячеслав эса урушдан кочиб ўзи хоҳламаган ишни килиб кўйди. Унинг бебаҳтлиги мана шунда эди.

Ха, ха, ха! Ҳамма унга қарши! У умр бўйи жасорат ҳакида шеърлар ёзиб, ўзининг жарангдор овози билан ўқиб берарди, ўрни келганда гражданлар урушида ҳам, босмачиларга карши жангларда ҳам иштирок этганини кистириб ўтарди. У мунтазам равишда чегара заставалари бўйлаб сафарга чиқарди ва чегарачилар-

нинг қадрдан дўсти ҳисобланганди, кабинетининг де-
ворларида шипгача қуроллар осиб ташланганди. Ўттиз
тўқизинчи йилда, Фарбий Украина билан Фарбий Бе-
лоруссияни деярли кон тўкмай озод қилишганидан ке-
йин ҳам у Москвага жасорат намунаси формасида қай-
тиб, бу билан катта уруш бошланиб қолса, бошқа
биров эмас, балки айни ўзи биринчи бўлиб отланишга
ҳаммани ишонишга мажбур қилганди.

Тўсатдан мана шу воқеа юз бергач, у ҳали жанг
майдонига етиб бормай, дастлабки улкан бомбарди-
мондан кейинок Москвага қайтиб касалхонага ётиб
олди-да, яна бир ойдан кейин бу ерга, Тошкентга келиб
қолди.

Фақат угина эмас, ўзи каби қирқ ёшлилар ҳам
шундай қилишган. Фронтга ҳам боришмаган, шунчаки
эвакуация қилинишган, жўнаб кетишган. Адабиёт учун
ўзларини эҳтиётлаш ҳақидаги маслаҳатларни қалбга
яқин олиб, турли бронларга эга бўлишган. Аммо бош-
қаларнинг бу қилмишини унтиб юбориши, бирини
эртароқ, бошқасини кейинроқ кечириши. Унинг қил-
мишини эса — йўқ, унтишмади! Ундан нимани кутиш-
ганди-ю, оқибати нима бўлгани ҳечам ақлга сифмасди...

«Лекин ўзи ҳам оқибати бундай бўлишини кутмаган
бўлса керак? Шу боисдан буни на унотолмаяпти, на
ўзини кечиролмаяпти, — деб ўйлади Лопатин индамай
ўтирган Вячеслав Викторовичга тикилиб — Акс ҳолда,
нимани ҳам гапиради-ю, гапиришга ҳожат ҳам бор-
миди?»

— Менга ишонмаслигинг мумкин, — деди Вячеслав
Викторович ниҳоят қўлларини юзидан олиб столга сую-
нarkan, — лекин ўшанда ростдан ҳам оғриб қолган-
дим. Бошқаларга даҳшат, аҳмоқона, файри-табиий бў-
либ туюлиши мумкин, аммо мен касалланиб қолдим.
Ўша ерда, Минскка етмай эшелонимиз ер билан яксон
бўлгач, ҳозиргина тирик бўлган одамларнинг гўшт пар-
чалари орасида, дод-фарёдлар орасида қолиб энди
бошқа поездга ўтиромаслигимни, бунаканги воқеага
дош беролмаслигимни фаҳмладим. Қўнглим айниб, кет-
ма-кет қайт қилдим, ўзимни тутолмай қолдим. Ҳалига-
ча ўз ҳолига келмаган қалтироқ қўл билан Москвага
қайтиб келдим. Врачлар менинг хаста эканимни, карахт
ҳолатидан кейин менда... — У Лопатин аллақаерда
эшитган касалликнинг лотинча номини айтди. — Мен
илтимос қилганим йўқ, аҳволимни кўриб уларнинг ўзи

мени комиссияга йўллашди, кейин демобилизация қилишди.

«Таникли ёзувчи бўлмаганингда, балки комиссияга юборишарди-ю, лекин ҳечам демобилизация қилишмасди! Хизматга чекланган даражада яроқли сифатида вактинча ортда юрадиган кисмга жўнатишарди», — Вячеславда адовати борлигидан эмас, балки шунчаки аниқлик киритиш учун шундай аччик фикрга келди Лопатин. Бундай вазиятда у аниқликни ёқтиради.

Вячеслав Викторович гўёуунинг фикрини укқандек деди:

— Бошка бирор киши шундай қилса бошқача йўл тутилишини ўзим ҳам тушунаман. Балки, тўғридир. Сен, ҳали кеч эмас, илтимос қилишинг мумкин, бирорта армия газетасига бориб ишлашга рухсат беришади, дейишинг мумкин. Балки шундайдир. Лекин бу ишни қилолмайман. Ҳаётга ёпишиб олганим учун эмас. Ёпишмайман. Мутлақо яшашни истамайман. Лекин ўзимдан-ўзим кўркаман. Иккинчи марта шарманда бўлишдан қўркаман. Ўлим вахимасидан эмас, балки ўзимдан-ўзим қўркиш даҳшатидан кутилолмаяпман. Нега индамаяпсан? Ўзинг ахiri гап бошлишинг учун сенга яна нима дейишим керак?!

Кимдир уни оқлаши, унга далда берадиган сўз топиши учун буни шунақаям бақириб айтди-ки, Лопатин бундай сўз йўклигини қалбан ҳис этиб, ўзини беҳол сезди.

— Буларнинг ҳаммасини камрок ўйлашинг ва кўпроқ ишлашинг керак, — деди Лопатин, — ўзингга кучинг етмаётган экан, қўлингдан келган ишларни қила-вер. Бошка чораси йўқ. Ҳарҳолда мен бошка чорасини кўрмаяпман.

— Мен ишляяпман, — деди Вячеслав Викторович. У шунчайн оддий сўзларни эмас, балки бирорта бошқасини кутганди. — Мен ишляяпман, — такрорлади у. — Шу ерда ўтириб, уруш ҳақида шеърлар ёзяпман. Маза-матрасиз шеърлар ёзяпман. Бемаъни шеърлар эканини ўзим ҳам тушунаман, чунки бу ерда ўтириб уруш ҳақида маънили шеър ёзолмайман.

Лопатин «Маза-матрасиз шеър ёзгандан кўра бориб хизмат қил», — деб юборишга сал қолди.

— Уруш ҳақида ёзолмасанг — бошка нарсалар ҳақида ёз.

— Ёзяпман. Деярли ҳар куни кечаси бошка нарса

ҳақида ёзяпман. Ҳозир ҳеч кимга зарур бўлмаган шахсий ҳаётим ҳақида китоб ёзяпман.

«Ҳеч кимга зарур бўлмаган» деганида, мана шу китобними ёки ўзининг ҳаётини назарда тутгани мавхум бўлиб қолди.

Балки, Лопатин шу китобдан бирор парча ўқиб беришни илтимос килиши лозим эди. Балки, у шуни кутган бўлса керак. Аммо Лопатин илтимос килмади. Агар яхши бўлса — бир нави! Агар ёмон бўлса-чи?

Ўзлиги ҳақида бор ҳақиқатни унга жон-жаҳди билан айтишдаги Вячеславда бўлган қатъият уруш қаршисида шунчалик ожиз бўлиб қолган бу одамни Лопатинга ўзининг пасткаш тутадиган, аммо ҳеч нима юз бермагандек яшаётган ва ўзининг ўрнига бошка бир кимсанинг ҳаётини хавф остига қўйишга осонлик билан рози бўладиган, ўз қадр-қимматини сақлаб, яшашда давом этадиган одамлардан анчагина устун килиб курратди.

Лекин бари бир Вячеславнинг ўзи ҳақидаги ҳақиқат фақат унинг ҳақиқати эди, умумий ҳақиқат эмасди. Умуман эса, уруш кетаётган бир пайтда у бу қилмишдан азоб чекса-да, бари бир нотўғри ҳаёт кечирарди. Бу ҳам ҳақиқат эди. Ҳаммасидан кўра муҳимроқ ҳақиқат!

Бу кишига меҳрибон бўлса-да, Лопатин барибир унга нисбатан муносабатида ана шу бош ҳақиқатни четлаб ўтолмасди. Буни у ҳам сезганди.

Вячеслав Викторович портвейнни охиригача қушиб — яна деярли икки стакан чикди — ўзини зўрғатийиб тургандек индамай шоша-пиша бўшатди.

«Бу кулфатларинг етмагандек, яна ичкиликка берилиб кетган бўлсанг-а?» — деб ўйлади хавотирланиб Лопатин.

— Ичкиликка ружу қўймаяпсанми?

— Бахтимга бунақа имконият йўқ, — деди Вячеслав Викторович. — Шу винони ҳам бугун зўрға тиланчилик қилиб олдим. Ароқнинг баҳоси бозорда қанча туришини ўзинг ҳам билсанг керак. Ўз пулимга ичаман, ҳозирча бундан ўзимни тийиб турибман.

Унинг шу сўзидаги афсус-надомат Лопатинга бу киши ичишни яхши кўриши ва ўрнига қўйишини, бундан ҳам кўра ўз пулига бошқаларни ичиришни ёқтиришини эслатди.

— Пулимни озлиги — бекор ўтирганимдан эмас. Кечалари китоб ёзяпман, кундузи эса кучим етганича

бошқа пайтлардагидан күра күпроқ ишляпман. Радиода чикиб турибман, бошқаларнинг шеърларини таржима қиляпман, кино учун шеърлар ёзяпман. Округнинг ҳарбий газетасида бошловчилар учун консультация олиб боряпман. Иложи борича борган жойларимда илгари ёзганларимни үкиб беряпман. Бехуда ўйлајсан, бекор юрганим йўқ.

— Мен бунақа деб ўйлаганим йўқ, — жавоб берди Лопатин.

— Яхиси, ўз ҳақингда гапириб бер. Бошқалардан кўп гапларни эшитганман, энди ўзингдан эшитмоқчиман. Лекин аввал иссиқлигида бутқани еб оламиз. — Вячеслав Викторович кастрюлканинг қопқоғини очди.

Улар бутқани ейишди — Лопатиннинг унчалик иштаҳаси бўлмади, Вячеслав Викторович эса ҳеч тўйиб овқатланмаган кишидек очопатлик билан пакқос туширди. Бутқани еб бўлиб, бир бурда нон билан банкани тозалаб қўйди.

Лопатин индамай ўтирад, унга ўзи ҳакида гапириб бергиси келмасди. Ҳархолда, Вячеслав ундан кутганини — қаерларда бўлгани, нималарни кўргани, қаерда яралангани, орден нимага берилганини айтгиси келмади. Бу ҳақда ҳозир гапириб беришга нимадир ҳалакит берарди. Бари бир тўқ киши оч одамга овқатдан гапиргандек бўлади. Ўзини овсарликка олиб, шахсий ҳаёти ҳакида, Ксения билан бутунлай ажралишгани тўғрисида гапирди.

— Бундан хабарим бор, — деди Вячеслав Викторович. — Яқинда уни кўчада учратгандим, ўзи гапириб берди. Сен билан, ўзи айтгандек, яхшиликча ажрашганидан хурсанд. Мен ҳам сўқкабошман.

Буни айтмаса ҳам бўларди. Сўқкабош экани шундоғам кўриниб турибди.

— Ўтган йили, мен шу ерга кўчиб ўтганимда Ирина ҳолимга ачиниб келганийди ҳайдаб юбордим. Қиёфасидан мени тавба-тазарру қилдириш учун келгани яққол кўриниб турарди. Жўнаб кетиб, мендан узокда яна ўз ҳолиша яшаяпти. Менимча, уруш хирургия билан шуғулланиб тўғри иш қиляпти. У мени четлаб ўтган бўлса-да, лекин бу менинг ҳаётимни кесиб ташлади.

«Кесиш масаласи тўғри, — деб ўйлади Лопатин, — четлаб ўтиши эса — нотўғри. У ҳеч кимни четлаб ўтмади! Истайсанми, истамайсанми, ҳозир уруш бари бир ҳар бир кишининг ҳаётидан ўрин олган. Қимнинг кўр-

коқлигига, кимнингдир мәрдлигига ва кимнингдир ҳеч нима бұлмагандек яшашға уринишида үз ифодасини топган».

— Айтгандек, ҳозирги ахволимда бошқа одамлар, шу жумладан Ирина ҳакида фикр юритишим тұғыр келмайди, — деди тақдирга тан беріб Вячеслав Викторович.

— Бу гап эмас, — деди Лопатин. — Одам ҳар бир киши ҳакида фикр юритиши мүмкін. Буни қандай қилиб майинрок ифодаласам экан? Факат узоқни үйламайдиган одамларғина, агар улар ҳаётида бир марта бошқалардан күра мәрдонавор иш қилишган бұлса, қолған бутун ҳаёти мобайнида бошқалар қилмишига ҳақамлық қилишга имкон беради, деб ҳисоблашади. Бундай фикрга құшилмайман. Одам урушда ҳам ҳакам, ҳам жавобгар. Үзини факат униси ёки факат буниси деб ҳисоблаш мүмкін эмас! Қирк биринчи йил деярли ҳар биrimizga шунаканги зарба берди, ҳозиргача сүякларимиз қирсиллаб кетади!

Шуни айтгандан кейингина у бу гаплар Вячеслав учун қанчалик мұхимлигини тушуниб қолди.

— Үшанда аввалига сен ҳам роса құрққандирсан? — болаларға хос соддалик билан сұради у.

— Құрқиши ҳам гапми! — Урушнинг учинчи куни Вячеслав етиб бормаган үша жойларда вахима бошлаганини, үша дастлабки кунларда күп мартаба дахшатта тушганини, ҳечам құрқувни енголмагани, агар яккаланиб колганда, ёнида үзи каби үлемдан ҳайқаётган, аммо үз ишини бажараётган одамлар бұлмаган тақдирда бу вахимани енголмаган бўлишини эслаб деди Лопатин. У үз ишини давом эттираётган одамлар орасида кўпроқ бўлиб, үзидаги құрқув хиссини аста-секин, ҳа, худди аста-секинлик билан енгишни үрганди. Ғарбий фронтда ҳам, Могилев ва Ельно останасида ҳам шундай бўлганди, үшандан кейин Қримда ҳам, Одессада ҳам шундай бўлди...

Лопатин ана шу үйлаганларини овоз чиқариб тақрорлади ва әсминецда Одессадан Севастополга жұнашаётган охирги тунда генерал Ефимов түсатдан Вячеславнинг босмачилар ҳақидаги эски шеърини ёддан үқиганини гапириб берди.

— Биз шу ерда, Ўрта Осиёда бир неча марта учрашгандик,— деди Вячеслав Викторович.— У бу ерда ҳам бригадага командирлик қилганди, ҳам билим юр-

тига бошлиқ бўлганди. Айтишларича, буни ўзи тасдиқламай, ҳазилга йўйса ҳам, Афғонистонда Омонуллахон ағдариб ташланганидан кейин аллақандай йиғма мусулмон полкига бошлилик килиб, у ерга ёрдамга борган экан. Асосий қийинчилик номоз ўқиётган пайтда юз берганини, жангчилар Ефимовнинг мусулмон эмаслигини ҳеч ким кўрмаслиги учун уни ҳар томондан тўсиб турганликларини айтиб кулишганди. Унинг ташки кўриниши шарқ одамларига хос эди. Ўшанда у сочини кирдириб юради.

— Ҳозир ҳам шунака, — деди Лопатин Ефимовни, унинг такир бошини, суюкдор ялпок юзини ва лабидан осилиб тушган осиёча мўйлабини эслаб.

— Ҳа, энди у қанақа бўлиб кетганийкин...

— Саломингни унга етказишим мумкин, — деди Лопатин. — Бу ердан Қаспий орқали Қавказ фронтiga бораман. Ўша ерда у армияга қўмондонлик қиляпти. Уни кўриш ниятим бор.

Вячеслав Викторович бир сўз демай Лопатинга тикилиб қолди. Балки, мени ҳам ўша ёққа, Ефимовнинг ҳузурига ўзинг билан бирга олакет, демокчи бўлгандир. Унга шундай туюлди. Лекин айтмади, узок сукут сақлади. Кейин маъюсланиб сўради:

— Хўш, Тошкентнинг ўзида қанақа ишларинг бор? Губердан қанча суриштирсан ҳам, бирор нима демади: беш кунга келган — вассалом! — деди. Ўйлаб ўйимга етолмадим. Қсенияни ажратиб олиш учун келмадингми?

Лопатин Тошкентга келиш сабабини тушунтириб берди.

Улар киностудия ҳақида: қаерда жойлашган-у, у ерга қандай борилиши, қанақанги фильмлар яратилаётгани ва Лопатин билан иш олиб борадиган режиссёр қанақа одам экани хусусида гаплашишди. Охири кўринмаётгандек туюлган сұхбатга ўз-ўзидан чек қўйилди.

— Энди ухласак ҳам бўлади, — деди Вячеслав Викторович. — Ҳозир сенга жой солиб бераман. Онамларнинг каравотига.

Вячеслав Викторович онасининг ўлимидан кейин бу хонада ҳеч нимага тегмаган бўлса керак. Тириклик пайтида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолган. Лекин у ҳаёт пайтида ўзини эмас, балки ўғлини ўйлаган ва бу хона ҳам ўзидан кўра кўпроқ ўғлини

эслатиб турарди. Ўзининг ҳаётини эмас, ўғлининг ҳаётини эслатарди.

Лопатин балки шу ерда сотиб олинган, онаси Москвада ухлашга одатланган ўшанақа ялтироқ шарли, тор, эски каравотга чўзилди. Уларнинг Москвадаги аввалги квартирасига, кейинчалик бошқасига борганида Лопатин ҳар гал онасининг хонасида бўларди. Она у билан сухбатлашиб ўтиришни яхши кўрарди.

Квартира алмашса ҳам унинг каравоти тепасига осиб кўйилган Вячеславнинг суратлари ўзгармасди. Бу ерда, шу каравотнинг тепасида ҳам ўша суратлар осиб кўйилганди.

Лопатин топ-тоза жилд ичига солинган эски, на-миққан кўрпага бурканиб шу каравотда ётарди. Чойшаб ҳам, ёстиқнинг жилди ҳам топ-тоза эди. Вячеслав дўстларига нисбатан ҳар доим меҳрибон эди, шундайлигича қолибди. Ўзи нариги хонада пастаккина диван-каравотда қай аҳволда ётгани худога маълум, бу ерда эса ҳамма нарса топ-тоза. Йўлдан келиб ювинмасдан бунақангি тоза ўринга ётиш ҳатто нокулай эди.

Вячеславга буни айтганди, у кўлини силтаб кўйди:

— Йўлда ҳеч нима юқтиргмаган бўлсанг керак. Сувни иситишга ҳам барибир кўмир йўқ. Эртага ҳаммомга тушарсан. Губер комендантурада ташкил қилиб бериши мумкин: уларники жудаям яхши, тоза.

Йўқ, Вячеслав ҳам ухламади; олдинига Лопатинга ухлаётгандек туюлди, лекин бироздан сўнг у девор ортида, ўзининг совуқ хонасида шапшап кийиб олиб ўёқдан бўёққа секин юрганини эшитиб қолди.

Лопатин ўттиз саккизинчи йилда Вячеслав бир неча ой гўё ўзи бир нимага дучор бўлиши мумкинлигини олдиндан сезгандек ҳеч кимга аралашмай жиддий юрганини эслади.

Шундай воеа юз бериши мумкин эди! Қадрдон танишларидан бири, номи улуғ ҳарбий киши қамоққа олинганди. Вячеслав болаларга хос мақтанчоқлик билан унинг номини худа-беҳуда тилга олар ва ўзининг унга яқинлигини кўпиртириб гапиради, бу эса ёмон оқибатга олиб келиши мумкин эди. Ўшанда деярли даф этиб бўлмайдигандек туюлган бу мусибат уни четлаб ўтди. Бутунлай бошқаси ва тасодифийси эса уч йилдан кейин ўзи кутмаган жойда — урушда бошига тушди. Ҳатто урушда ҳам эмас, балки уруш йўлида юз берди. »

Вячеслав дуч келган воқеани ҳаммасидан күра аникроқ ифодаловчи сүз топғандек туюлди Лопатинга. Айни, мусибатнинг ўзи! Шуниси ҳам борки, одам бу мусибатдан факат ўзи, колган иродасини ишга солиб қутилиши мумкин. Уни бундай мусибатдан бегоналар елкасига ортиб кутқариб бўлмайди.

Аммо бу масалани қандай ечишни узок ўйлаб азобланиш мумкин, жавоби эса битта эмас, иккита бўлади. Ё ўзидан кутганини амалга оширишга лаёкатсиз эканига тан бериб хотиржам бўлиши ва одамлар қандай яшаётган бўлса шундай яшаши кепрак. Албатта, бунда бемаъни одамлар қандай яшаётгани кўзда тутиляпти. Ёки югуриб келиб мавҳумот устидан, бир марта тўхтаб қолганинг устидан хатлаб утиш лозим. У қайта сакрашдан қўрқади, лекин тақдирга тан ҳам бермайди. Шундай бўлса — ҳали ҳамма нарса йўқотилмаган.

Лопатин каравот тепасидаги фотосуратларни томоша қилиб ётиб, Вячеславга бу фотосуратларни куриш қанчалик оғир ботишини ўйлади. Уларнинг бирида у ўн тўрт ёшли гимназиячи дадаси билан онасининг ёнида турибди. Онаси шафқат ҳамширлари рўмолчасини танғиб олиб, эгилма Вена стулида ўтирибди. Ўн бешинчи йилда ҳалок бўлмасидан олдин Австрия фронтидан қайтган пайтида суратга туширилган отаси «Георгий» ҳамда шамшир ва боғичли «Владимир» орденлари тақилган штабс-капитан формасида, қўнжи қалин офицерлар этигига бўй-басти билан ғоз турарди. Вячеслав каби бўйдор ва унга қуйиб қўйгандек ўхшаш эди.

Фотосурат бошқа мақсадга, Тошкентга жўнаб кетишига эмас, балки урушга боришга қаратилганди, тарбияси ҳам шунга қаратилгандек туюлганди. Ҳатто йигирманчи йилларда ҳам Вячеслав ҳаммавақт кўзга кўринарли жойларда турадиган бу фотосуратни онасидан олиб қўйиши илтимос қилмади. У ўша пайтларда ўз ибораси билан айтганда бесалобат дворянлардан келиб чиққанини эсларди, ҳатто шунда ҳам отаси ҳакида фурур билан гапиради. Кейин эса, ўттиз еттинчи йилдан сўнг, мактабларда энди тарихни Покровский китобидан эмас, балки Шестаков китоби асосида ўқитиш бошлангач, у қадимги дворян оиласидан келиб чиққанини ҳам, Перемишл остонасида ҳалок бўлган отасининг ўша «Георгий»сини ҳам, шамшир ва боғичли «Владимир»ини ҳам, онаси санитар поездиде шафқат

ҳамшираси бўлиб ишлаганини ҳам эслатишни яхши кўрарди...

Кампир мустақил ва жиддий эди. Топгани ўзига етиши мумкинлигидан фахрланарди, уруш арафасида у тарих кутубхонасида бўлим мудири булиб ишларди. Сўзамол эди, одамнинг кўзига караб туриб: «Мен сизни ёқтирамайман», дейиши мумкин эди. Ўғлига ҳам одамлар олдида, агар бирор нимани айтиётганда кўпиртириб юборса: «Слава, илтимос, ёлғон гапирма», деб танбех беришга қодир эди.

Лекин, эрта бева қолган аёл ёлғиз ўғлига меҳр қўйгандек Вячеславни бекиёс яхши кўрарди.

Ўз навбатида у Вячеслав учун ниҳоятда қадрли эди.

Вячеслав ҳатто ўзининг чалкаш оиласи ҳаётида ундан кутиш мумкин бўлганидан кўпроқ саботли чиқиб қолди, чунки ёнида суюниши мумкин бўлган онаси бор эди.

«Ўғлининг аҳволига қандай бардош берганийкин? Бу унинг ҳаётига зомин бўлмадимикан? — деб ўйлади Лопатин қўшни хонадаги қадам товушига қулок тутиб. — Халиям юрибди... Одам ёлғиз қолса ёмон-да!» Вячеславни билгани ҳолда, бирор бир аёл гоҳида уницида ёки ўзи аёлникида тунаб юришига кўзи етарди-ю, бироқ бунинг унча фарки йўқ эди, у бари бир ёлғиз эди! Ўзидан киёс қиласпти. Аслини олганда Ксения ҳам кейинги йилларда хотини эмас, балки дам Лопатинниига кечалари келадиган, дам ўзиникига келишга имкон берадиган шунчаки бир аёл бўлиб қолганди.

Ҳар қандай бегона ҳаёт, ҳатто ўхшаш бўлмаса ҳам, ўзининг ҳаёти орқалигина намоён бўлади ва шу боисдан у ўз ёшлигини эслади.

Унда, яъни бу ёшлиқда ичидан ёки очиқласига ғурурланиши мумкин бўлган отаси ҳам, оиласи анъана-лари ҳам йўқ эди. Факат эртарок корин ҳақида қайғуриш ва ўрта ўқув юртининг бешинчи синфидан бошлаб сарсонгарчилик бор эди, соғлигининг мазаси кетган, меҳрибон, заиф ва бева онаси, иккита синглиси-ю, сургун қилингандай эрининг ортидан Сибирга жўнаб кетган опаси бор эди...

Москва савдо банкида ўзи севмаган ҳисобчилик ла-возимию биринчи жаҳон уришида ҳам шапқўрликлиги, ҳам оиласи бокувчи ягона ўғил бўлгани сабабли ҳарбий хизматдан озод қилингандик қофози бор эди.

Революциядан кейин эса ҳамон ўша жойда, фақат номи ўзгарған идорада ўша-ўша лавозимда очарчилик ҳукм суралған Москвада яна бир ярим йил ишлади-да, онаси ва ҳали турмушга чиқмаган сингилларини деб, онасининг қистови билан түкрок яшаш мумкин бўлган Саратовга қариндошларниги кўчиб ўтди.

Революция ва гражданлар уруши уни четлаб ўтди, бу пайтда у ўз яқинлариға ғамхўрлик кўрсатиш ва улар учун бир бурда нон топиш билан овора эди. Фақат йигирманчи йилда, гражданлар уруши тугаганидан кейингина у бир ўтиришда иккита шеър ёзиб ва булар ҳайрон коларли даражада босилиб чиққанидан сўнг губерна газетасига ишга ўтди. Унга, ўша пайтдаги кўпгина дивизия бошликлари, бригада комиссарларининг йигирма тўрт ёшли тенгдошига янги вазиятда, янги одамлар орасида бунгача бошдан кечирган бутун ҳаёти деярли бехуда ўтгандек туюлди.

Ёшлигини эслар экан, у Совет ҳокимиятини кечикиб тан олгани учун ўзини ҳазил аралаш алам билан койиб кўярди. Бу ҳазилда маълум ҳақикат бор эди. Ёшлигини эслаганда ҳеч вақо кўз олдига келмасди.

Йигирма учинчи йили онасини дафн этиб қайтиб келганидан кейин Москвада ҳам аввалига ҳеч вақо бўлмади. Бу пайтга келиб сахифа-сахифа нарса ёзишни ўрганиб олган бўлса-да, ҳамон шоирликка интиларди. Ўз мақсадига эришди ҳам — биринчи ва охиргиси бўлган маза-матрасиз шеърий китобини чиқарди. Уни чин кўнгилдан мақтаган Вячеслав билан танишув кунлари айни шу даврга тўғри келганди.

Шеърий китобдан кейин азоб-уқубат билан ёзган тақлидий романини нашр килдирди-да, ўзини танқид қилаётганликларидан жаҳли чиқиб, редакцияларда изифиб юрди, тасодифий юмушлар билан топганини қаланғи-қасанғилар билан ичиб тугатди. Ўттизинчи йилга келиб, ҳамон бир ишнинг бошидан тутолмай, ўзини кўярга жой тополмай қолганидан кейингина даврнинг ўзи уни газетага бошлаб келди.

Кейинчалик мен биринчи беш йиллик фарзандиман, дея ўзидан кулганди. Аслида ҳам шундай эди! Қурилишлар бўйлаб дастлабки сафардан кейин умрининг мазмунига айланган ҳақиқий ҳаёти бошланди. Изга тушиб олганидан кейин ҳар қандай васваса ҳам уни йўлдан оздиролмади. Бемаъни беллетристликдан газетачилик ишига ўтди, ҳеч кимга зарурияти бўлмаган

кишидан мамлакатнинг у бурчидан бу бурчига қайтакайта бориши лозим бўлган тенги йўқ зарур кишига айланди. Ўттиз тўртинчи йилнинг ёзида қишлоудан қайтиб келгач, учта очерклар тўплами учун Ёзувчилар союзига қабул қилинганини эшитиб, у ҳатто ҳайрон бўлганди. Ҳаётининг асосини сафарга чикишлар ташкил этарди, китоблар эса ана шу сафарлар пайтида ўзўзидан юзага келиб қоларди...

Бу воқеаларнинг ҳаммаси бир пайтлари, бундан саккиз йил аввал бўлиб ўтганди. Ёзувчилар съездидагерманиядан қочиб келган Фридрих Вольф сўзга чиқиб, герман фашизми ҳақида гапирди. Кузда Лопатин Сталинградда бўлганида ана шу нуткни аллақандай ғалати туйғу билан эслади. Ўшанда, ўттиз тўртинчи йилда Вольф тилга олган фашистлар олисда, ўз маконлари Берлинда, биз эса — ўзимизнинг Москвада эдик. Сталинградда эса ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди! Бомбадан вайрон бўлган иккита қўшни ўйнинг бирида биз, бошқасида улар турибди!

Вячеслав эса у ерда, девор ортида ҳамон одимларди. Ўшанда, ўттиз тўртинчи йилда, съездда у ҳам сўзга чиқиб, немис Вольф каби уруш хавфи ҳақида гапирганди...

6

Лопатин соат ўн бирда уйғониб ўрнидан турганида, Вячеслав Викторович кийиниб олиб чой ичмоқда эди.

— Сени энди уйғотиб, калитни қаерда қолдиришимни тушунтироқчи эдим. Радиога кетяпман. Чойни энди менсиз ичасан, калит мана — у клёнка устидаги калитни кўрсатди. — Губер сени олиб кетгани келганида, ташқаридан кулфлаб, эшик тепасидаги тешикка тикиб қўй, маҳаллий кампирлардан Анна Августовна меникига ҳафтасига уч марта келиб туради, ўзи тан олмай яширса ҳам собиқ баронесса уйимни супуриб-сидиради, икки кунга етарли бирор нима пишириб кетади. Ярим декчасини керосинни бекорга сарфламаслик учун худди кечаги бўтқага ўхшаб чопонга ўраб қўяди, ярим декчасини тунука идишга қўйиб, уйига олиб кетади, ўша овқат маош ролини ўйнайди. Агар ўзингда совун бўлса, ич кийимларингни ювиб беради. Меники тамом бўлди, яна топишга тўғри келади... Онамнинг ўйқлигига ҳечам қўниколмаяпман. Даствлабки ойда

худди гўдак каби нима қаерда борлигини билолмай росаям кийналдим. Сўрайдиган одам ҳам йўқ.

Шундай дея ўгирилиб олди-да, пальтосини кийиб ортига ҳам ўгирилмай чиқиб кетди.

Подполковник Губер роппа-роса соат ўн бирда келди, Лопатин ундан комендантлик ҳаммоми хусусида суриштирганди, бу кўзда тутилганини, ҳозир тўғри ўшоққа боришиларини айтди. Ўзи жадвал бўйича ўтган куни чўмилиши лозим экан-у, аммо бирга ювишишни афзал кўрибди.

— Ҳаммомдан кейиноқ озиқ-овқат пунктига бошиб, сизнинг озиқ-овқат шаҳодатномангизда белгиланган нарсаларни олишимиз мумкин.

— Ҳозир иложим йўқ, ҳали эрта, — деди Лопатин, — Москвада ўттизинчигача олиб бўлганман. Энди фақат Янги йил арафасида олишим мумкин. Бунинг ўрнига мени киностудияга элтиб қўйинг, у ерда ишим бор эди.

— Хабарим бор. Муҳаррирнинг телеграммасида бу ерга келишингиздан кўзда тутилган мақсад ёзилганди.

— Шундай экан, нега Вячеслав Викторовичга буни айтмадингиз?

— Бунақанг кўрсатма бўлмаганди. — Губер сезилар-сезилмас жилмайиб кўиди.

— Кечча бу ерга киришни ҳам рад этувдингиз. Нима, у билан муносабатингиз ёмонми? — сўради Лопатин.

— Қаёқда! Шунчаки унинг олдида нокулай ахволда қолганман. Ёзда урушнинг йиллигига газета учун унинг шеърини юборгандим — сабабини тушунтириб ҳам ўтирумай босишмади. Кеч етиб боргандир-да, деб ўйладим. Яна битта шеър буюртирдим. Албатта, бу масалада билимдон эмасман-у, аммо, менимча, ёмон эмасди. Бунга жавобан, кўпам ташаббус кўрсатаверманг, ўзингизнинг бевосита ишингиз билан шуғулланинг, деган мазмунда телеграмма олдим. У ўтган куни янги шеър ёзиб олдимга келганди, нима дейишимни билолмай қолдим... Бор гапни ҳам айттолмайман — нокулай. Ёлғонга одатланмаганман. Шундай бўлгач, қайси юз билан уникига борай?

Комендантлик ҳаммомида ювиниб бўлиб, даҳлизда дам олиб ўтиришганда Губер муҳаррирдан шикоят қилиб, унинг фронт ишига қайтиш ҳақидаги илтимосини оқибатсиз қолдирганини айтди. «Қаерга юборилган

бўлсангиз — ўша ерда ишлайверинг!» Мана унинг жа-
воби!

Лопатин муҳаррирни билгани ҳолда Губернинг оғир
жароҳатдан кейин фронтга қайтиш истагини олқишли-
ган-у, аммо газетанинг манфаатини юкори қўйган, деб
ўйлади. Муҳаррир Губернинг бу ердаги ишларидан
мамнун, агар уни бу ердан қўчирадиган бўлса, бошқа-
сини излашга тўғри келади. Аммо ўша, унинг ўрнига
фронтдан Тошкентга боришни истовчи бошқа яхиси-
ни каердан топади? Ёмоннинг эса ҳожати йўқ.

— Бирортаси ярадор бўлгач, уни бу ёкка давола-
ниш учун юборишларини кутишингизга тўғри келади-
ми, деб кўркяпман, — деди Лопатин.

— Ўзим ҳам шуни ўйлагандим. Лекин бунақасини
кутиш ноқулайды. Москвага қайтиб борганингиздан
кейин унга яна бир марта эслатиб қўйинг.

— Хўп бўллади! — деди Лопатин. Лекин бирор на-
тижа беришига ишонмасди. Дўстлик ўз йўли билан,
акс ҳолда муҳаррир кимлигингни кўрсатиб қўйиши
мумкин. Бошқаларнинг ишига тумшуғингни сукма!
Агар Губер бирор жойга юборишларини илтимос қил-
маганида, шу ерда жимгина ўтираверганида, бу қана-
қаси бўлди, икки йилдан бери мамлакат ичкарисида
финг демай ўтирибди, фронтга юборишларини ҳам сў-
рамаяпти, деб таъна қилиши мумкин эди.

— Яқинда ўғлим мактабдан келиб мендан фами-
лиясини ўзгартиришни талаб қилди, — деди Губер. —
Мактабда кимдир унга немисча фамилия бўлгани са-
бабли отангни қайтиб фронтга жўнатишмаяпти, дебди.
Ким айтди, деб сўрадим. Индамади. Бемаъни гап.

— Нима, авлодингизда руслашган немислар бўл-
ганми? — сўради Лопатин. — Мен москвалик битта
Губерни, полк комиссарини Старий Рус остонасида
кўнгиллилар дивизиясида учратгандим, кейинчалик
у ўша ерда ҳалок бўлганди. Ўшанинг қариндоши эмас-
мисиз?

— Агар москвалик бўлса қариндошим эмас! Уму-
ман ўзимни кокилдор одам хисоблашга одатланиб қол-
ганман. Онам собиқ Херсон губёрнасига қарашли қишлоқда
яшаган, дадам Николаев заводида механик бў-
либ ишлаган. Мен Петр Федоровичман, у Федор
Федорович. Бунақа фамилия қаёқдан келиб қолганини
ҳеч ким билмайди! Бу масала билан шуғулланишга
одатланмаганман. Илгари пайтларда буни хаёлимизга

ҳам келтирмасдик. На мен, на сиз. Ўғлимга эса ўйлашга тұғри келяпти. Мендан ҳатто тентаклик қилиб насл-насабимни суришириб күрүвди, Федор бободан у ёғи-ни ўзим ҳам билмас эканман. Үруш тугагунча «РКҚА¹ нинг 20 йиллиги» медали билан үтиб кетма-сам, деб құрқаман, — деди Губер гимнастеркасини кү-тариб баданини күрсатар экан. — Гражданлар урушда мана шу еримдан үк едим, бу урушда бомба парчаси яралади, күкрагимда эса факат узоқ муддат хизмат қилганим белгиси бор холос. Хозирча чидаш мумкин, лекин уруш тугагунча шу йусинда давом этса, кейин нега шундай бұлганини фарзандларингга қандай ту-шунтириб берасан?

Губер Лопатинни әндилікда киностудия жойлашган эски масчитга олиб бориб, пропуск олишда ёрдамлаш-ди-да, Ашхобод поездига олдиндан билет буюртиб құ-йиш учун литер²ини олиб жұнаб кетди.

* * *

Губер Лопатиннинг нима сабабдан келаётганини Вячеславга айтмаган, лекин кечаёқ студияга құнғирок қилиб қўйган экан. Уни кутиб олишиб, ўша ондаёк фильмлар кўриб чиқиладиган залда үтирган режиссёр-нинг ёнига бошлаб келишиди.

Лопатин қоронғида аллақандай киши билан сұраш-ди, у эса қандайдир бир аёлга: «Соня, огоҳлантириб қўй, ролик тугаши билан тұхтатишин», деди.

Эшик очилиб, кимдир чиқиб кетди. Режиссёр қо-ронғида стулга қоқилиб кетмаслиги учун Лопатиннинг тирсагидан ушлаб олди.

Экранда хроника қўйилмоқда эди. Киши одатлан-маган, ғалати, товушсиз хроника. Бир неча солдат ердан күтарилиб, экран бўйлаб хужумга ташланишиди. Улар орқа томондан лентага туширилган, экранга ати-ги бир неча киши жойлашганди, узоқдан кўринаётган портлаш фаввораси ростакам эди. Ҳаммаси чинаками-га, жанг пайтида олинганди, гохида жанг бўлиб үтган-дан сўнг, экран снарядлардан эмас, балки тутун ҳосил қиладиган шашқадан тутаб кетадигандек, одамлар эса

¹ РКҚА — Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси.

² Литер — темир йўлда бепул ёки кам ҳақ тўлаб юришга бериладиган гувоҳнома.

оркасидан эмас, балки гүё оператор атака пайтида хужум килувчилар рўпарасида ётиши мумкин бўлгандек олд томонидан суратга олинадиган пайтлар ҳам бўларди.

Яна бир неча солдат экран бўйлаб югуриб кетди. Узокда, уфқ томонда портлашдан ҳосил бўлган иккита тутун кўзга ташланди.

— Мана шу йўсинда бир-биридан олисда хужум қилишадими? — сўради қоронғида режиссёр.

— Бунакаси гоҳида юз берса ҳам, лекин булиб туради! — деди Лопатин. — Бу ҳақиқий манзара, жангда олинган.

— Менга ҳам шундай туюлганди. Бир неча кундан бери турли хроникаларни кўздан кечириб, фильмни суратга олишга тайёрланяпман. Ҳарбий маслаҳатчи билан баҳслашиб қолдик... — Режиссёр нима ҳақда баҳслашганини айтотмай қолди. Ролик тугаб, залда чирок ёнди.

— Танишиб қўяйлик. Менинг исми шарифим, Эренбургники каби Илья Григорьевич, унинг шоншухратига шерик бўлмоқчи эмасман-у, шунчаки сизга эслаб қолиш осон бўлиши учун айтаяпман. — Режиссёр иккинчи марта, лекин энди ёруғда Лопатинга кўл чўзди.

Унинг елкалари ниҳоятда кенг, гавдали, афтидан урушгача семиз бўлган-у, ҳозир эса оч-наҳор юрган бошқа кўпчилик одамлар каби озиб кетган, оқ оралаған сочи ҳурпайиб турибди, худди соқол қўймоқчи бўлгандек юзини қалин жун қоплаган.

— Тошкентда — нон шахрида шунақаям совук бўляптики, ҳатто совқотиб қоламан, деган хаёлга бориб соколингни ҳам олгинг келмайди... — деди у иягини силаб.

— Қишлоуда бўлганмидингиз? — дарров сўради Лопатин гоҳида одамларни бекордан бекорга нокулай ахволга солиб қўядиган журналистларга хос хиравлик билан.

— Ҳа, бир марта бўлгандим, ҳатто қишлиб қолган эдим, суратга олгани борганимда...

Режиссёр урушдан олдин қўйилган ва ўзининг ҳаққонийлиги билан Лопатинга ёкиб қолган фильмнинг номини айтди. Ўшанда у бу фильмни суратга олганларнинг ўзи ҳам қишлиб қолишган, деб ўйлаганди. «Энди эса уруш тўғрисида мана бунака қалбаки сценарий

бўйича фильм яратмоқчими? Нима, буни ўзи тушунмайпими? — деб ўйлади жаҳл билан Лопатин.

— Биз билан роса сўкишгани келганингизни биламан, — деди режиссёр. — Ҳозирнинг ўзида бошлаймизми ёки аввал артистлар синовини куриб бўлиб, кейин бирварақайига чўкишамизми?

Лопатин «артистлар синови» нима эканини унчалик тасаввур қилмаса ҳам, розилик берди.

— Соня, синов ленталарини тайёрла, — Лопатиндан ҳамон кўз узмай буюрди режиссёр ортига ўғирилмай. — Мана, қанақа экансиз! Маколаларингизни ўқиганимда, мендан ёш бўлсангиз керак, деб ўйлагандим. Мен тўққиз юз иккинчи йилда туғилганман...

— Мен каттароқман, — деди Лопатин. Кейин яна шошиб сўради: — Ҳарбий маслаҳатчи билан қайси масалада келишолмай қолдингиз? Ўзи ким?

— Иккита масалада келишолмадик. Биринчиси, сизнинг очеркингиз бўйича ёзилган новелла метражи¹ ни мен уч қисмга мўлжаллаганман, у бўлса тўртта қилишимни истаяпти. Картинада ҳамманинг олинган буйруқни ҳар сафар такрорлашини талаб қиляпти. Аслида шундай бўлиши мумкин, аммо шуни деб картина бир қисмга чўзилиб кетади. Мен бундай бўлишини истамайман. Қўлимдан ҳам келмайди. Иккинчидан, янги формали уст-бош тикиришни талаб қиляпти. Бизда эса факат ювилган, эскилари бор. Тикиришга материал йўқ, ҳожати ҳам бўлмаса керак, деб ўйлайман. У бўлса ҳамманинг чақмоқдай кийиниб юришини, барча иш қойилмақом бўлишини истайди...

— Маслаҳатчингиз ким?

— Шаҳар комендантининг ёрдамчиси.

— Фронтда бўлганми?

— Айтишларича, унинг иккита рапортини қайтариб беришибди. Фронтга боришни истайди-ю, ҳозирча бунинг уддасидан чиқолгани йўқ.

— Унда тушунарли. Бизнинг шу ерлик мухбиримиз, подполковник Губерни маслаҳатчи қилиб олганингизда яхши бўларди. Ҳам ақлли, ҳам кадр офицери; асосийси фронтда бўлган.

— Ким билиби дейсиз! Кимни белгилашган бўлишса, шуни олавердик-да. Танлаб олишнинг иложи

¹ Метраж — кинофильмнинг метрлари билан ифодаланган узунлиги.

йўқ: ҳарбийлар бу ерда жуда оз. Ўзим бир пайтлари, ҳозир менга қараб бунга ишонгинг ҳам келмайди, бир йил суворийлар сафида хизмат қилганман. Польша фронтида, Бебель хизмат қилган жойларда бўлганман, лекин ўшанда унинг борлиги хаёлимга ҳам келмабди. Бироқ, унда бошқа давр ва бошқа уруш эди, шахсий суворийлик хотирамга, бунинг устига болалик хотира-сига таяниб иш кўриш хавфли.

— Аллақачонги хотира бўлса ҳам, барибир шуниси мухим, — деди Лопатин.

— Мухимликка мухим, — деди ўйчанлик билан режиссер. — Аммо бир урушни иккинчиси билан хаёлан алмаштириб қўйишнинг ўзи хавфли... Бундай хато санъатда ҳам қимматга тушади.

— Илья Григорьевич, ленталар жойлаштирилди, кўриш мумкин! — деб қичқирди эшикдан бояги Соня, шунчалик тез кириб чиқаётганидан Лопатин уни яхшилаб кўролмади ҳам.

— Хўш, бўлмаса айлантираверинг, — деди режиссер. Кейин Лопатин билан бирга ўзи синов деб атаган лентани томоша қила бошлади.

Лопатиннинг очеркидаги диалогдан олинган парча қаторасига бир неча марта экранда намоён бўлди. Унда алоқачи аёл эри тирик эканини комбатга айтиб, унинг хатини узатди. Ўша куни бу хатни у ҳаммага, Лопатинга ҳам ўқишига берганди. Даб-дурустдан шунчалик бахтга эришганини одамлар эридан келган хатни ўзлари ўқимагунча бунга ишонмаётгандек туюларди унга.

Лопатин ўша воқеа қандай содир бўлганини ҳозир яна эслаб, ич-ичидан аёлга ачиниб қўйди. Артистлар унга ўхшамасди, лекин бари бир экранда эмас, балки аслида у буларнинг ҳаммасини комбатга айтиб берганини ва унга эридан келган хатни тутқазганини эслаб турешарди.

Ўша кўриниш уч марта қайтарилиди. Комбат ролини нукул битта артист, алоқачи аёл ролини эса бир хил сўзни ҳар хил ифода этган учта актриса ўйнади.

— Биздаги кино синови ана шунақа, — деди режиссер чироқ ёнгач, кейин актристалардан қай бири шу ролга мос келишини Лопатиндан сўради: — Комбат бизда битта. Бошқасини хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам — бари бир унинг ўзи ўйнайди. Эркаклар кам,

танлаб бўлмайди. Аёллар масаласида эса, келинг, қай бирини танлашни ҳал қиласиз.

Лопатин учала актрисадан биринчиси унга ёқмаганини айтди: ҳаддан ташқари қаттиқ, дабдабали, сунъий гапиради. Ҳаётдаги одамлар каби эмас. Қолган иккитасидан қай бирини танлашга ожизлик қиляпти.

— Сизга Чекрагина ёқадими, деб қўркқандим, — деди режиссёр. — Экрандаги ҳашаматли формалар: дабдабали овоз, гўзал қиёфа ишқибози бўлганингиздачи?! Бизнинг маслаҳатчи билан дидингиз мос келган бўларди — унга шу актриса ёқиб қолганди. Мана бу, дарҳақиқат катта ҳарф билан ёзиладиган аёл, — деди у. — Қизнинг ўзи дурустгина, аммо экранда қаддикоматини намойиш этиш иштиёки унда зўр. Яна бунинг устига ортиқча ҳаяжонга берилиб кетади ва ҳатто агар унга шу ролни бермасам, кинони тарқ этишини ва фронтга жўнаб кетишини айтди. Агар безиллаб қолган бўлса, майли, кетаверсин. Ёш, эрга тегмаган, боласи йўк...

— Нега энди ўйламай-нетмай: «Майли, кетаверсин!» дейсиз? — Бу гапни шунчалик соддалик билан айтгани Лопатинга ёқмади. — Бу қалтис масала.

— Нега қалтис бўлар экан?

— Чунки инсон ҳаёти муте бўлган барча масалалар қалтис ҳисобланади. Агар уруш уларни ҳаддан ташқари содда қилиб қўйса, бунинг нимаси яхши?

— Сиз ҳақсиз, — деди режиссёр, — лекин мен ҳам ҳақман. Сиз ўйлагандек, буни дабдурустдан айтганим йўқ, неча марталаб ўйлаб кўрганман. Бизнинг санъатимиз шафқатсиз! Агар киши истеъдодсиз, шу билан бирга андишли бўлса, ўзини нимагадир қобилияти борлигига ишониб бекор юргани бечорага ниҳоятда оғир ботади. Бронини топшириб фронтга жўнаб кетган эркак артистларнинг саноғи йўқ. Хўш, агар аёл ўз хоҳиши билан фронтга йўл олмоқчи экан, мен ўзимни қандай тутишим лозим бўлади? Раъйини қайтарайми? Ёки ролга лаёқати бўлмаса ҳам, факат фронтга кетиб қолмаслиги учунгина фильмда катнашишга ижозат берайми? Ҳақ бўлсангиз ҳам ишонмайман. Агар аҳд қилган бўлса, жўнаб кетаверсин. Агар шунчаки айтган бўлса бунинг учун койиш шарт эмас, лекин унга айтадиган гап ҳам йўқ. Яхшиси, менга айтинг-чи, сизнинг фикрингизча қолган икки актрисадан қай бири ҳақиқатга яқин ўйнайпти?

Лопатин бироз иккиланиб турди-да, иккаласи ўйнаши мумкинлигини айтди. Иккаласидан ўзига ёқсан биттасини кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо режиссёргинг «шафқатсиз санъат» ҳақидаги гапини эслаб, тасоди-фган биттасини танлаб қўйиб, гуноҳга ботгиси келмади.

— Шундай экан, ўилашимча, бу ролга Матвеевани, охирида кўрганингизни тасдиқлаймиз. Унинг кадрдаги акси Богданов билан яхшироқ ўйғунлашади.

Лопатин кадрдаги ўйғунлашув қандай бўлишини унчалик тушунмасди, шу боисдан индамади. Кейин режиссёрдан сўради:

— Менимча, кадрдагиларнинг ҳаммаси противогаз тақиб олганми?

— Ҳа. Маслаҳатчи бизга белгиланган тартибининг шундай эканини уқдирган.

— Қоидаси шунақалиги тўғри, — деди Лопатин. — Лекин ҳозир тақишимайди, урушнинг иккинчи йилиёк умуман тақмай қўйишган. Қаска масаласига келсак... Албатта, қаска противогаз эмас, солдат усиз жанг қилолмайди, керакли нарса. Бирок, қаска ҳар минутда кийилавермайди. Айниқса кўп кунлик жанг пайтларида. Одамлар ертулада, блиндажда ва умуман панағоҳларда ўтирганда қасканинг ҳожати йўқ.

— Мана, ишга ҳам киришиб кетдик, — деди режиссёр. — Тортинмай, дабдаласини чиқараверинг. Мен эсам қоралаб ўтираман. Лекин монтажхонага ўтако-лайлик: оғайнилар дам-бадам эшикдан мўралашяпти, материални кўришга навбат кутишяпти. Агар бир ўзим бўлганимда, мени аллақачон қувиб чиқарган бўлишарди, сиз фронтчига бўлган ҳурмат юзасидан ҳозирча ўз жаҳлларини тийиб туришибди.

Улар плёнкали темир қутилар девор ёқалаб тахлаб ташланган чоғроқцина монтажхонага ўтишди. Лопатин папирос олиб чекмоқчи бўлди. У ерда, кўрик залида чекиш хаёлига келмабди, ноқулай эди, бу ерда эса хумор қилиб қолди.

— Бу масалада чидашга тўғри келади, — тўхтатди уни режиссёр. — Айни ўша ерда чекса бўларди, бу ерда эса мумкин эмас: плёнка бор. Лекин бу ер иликроқ. Ҳамма жойда бўлгандек дуруст иситишмайди, аммо тор хона бўлгани учун иш охирида нафас олиб бўлмайди. Қани, қаҳрингизни сочаверинг.

Лопатин сумкасидан икки букилган сценарийни олиб, текислади-да, «қаҳрини соча бошлади». Бундай

ишиларда у урушдан олдин ҳам одамшаванда эмасди. Ўзининг очерклар китобида аниқ фактларга мурожаат килингани билан фахрланар ва темани тахминан билишнинг дастлабки кўриниши — адабий алдамчиликдан нафратланарди.

Унинг очерки асосида ёзилган сценарийда эса ёлғон-яшиклар ниҳоятда кўп эди. Сценариячи қаҳрамонни ҳалок этишдан аввал нимагадир уни асирга туширгани, узундан-узоқ аҳмоқона сўрок пайтида баландпарвоз жавоблар беришга, кейин эса албатта бефаҳм немислар ундан тортиб олишни хаёлига келтирмаган гранатани ирғитиб мўъжиза билан қочиб кетишга мажбур қилгани, айникса, аччиқлантириди.

— Сценарийни худди бульдог каби ғажияпсиз, — деди режисср. — Сўроқни бунчалик аҳмоқона усулда эмас, бошқача сўзлар билан ёзиш мумкинмасми?

— Мумкин эмас.

— Нега энди?

— Чунки буни мен билмайман. Асирга тушмаганман, сўрок ҳам бермаганман. Билмаганимни эса ёзмайман. Асир немисларни қандай сўрок қилишларини кўрганман, улар қандай сўрок қилишларини эса билмайман.

— Яхши, бўлмаса, асир немисни қандай сўроқ қилишни ёзақолайлик, буни биларкансизлар, — рози бўлиб деди режисср. — Бу ўринда нимадир етишмаяпти. Бари бир асир бўлса ҳам бирор немисни экранда кўрмоқчи эдим...

— Майли, кейин ўйлаб кўрамиз, — қўл силтаб деди Лопатин ва сўнгги варагига етмагунча мулојимлашмай сценарийни дабдала қиласверди.

— Мана, ниҳоят, нафас оладиган ҳам бўлдик! — кулди режисср. — Ҳеч бўлмаганда менинг иссиғим чиқиб кетди. Афсуски, сиз билан менга одамлар: қобиляятли, жудаям истеъодли, ҳамма нарсага қодир, дейдиганлардан бири, иши унмаган сценарийчи дуч келиб қолган. Брондан маҳрум қилиб қўймаслик учун ўзининг бу ерда зарур эканини исботлаш мақсадида сценарийларни худди тандирдан узиб олаётгандек бўляяпти. Бунисини Москвада ёпган эди, ҳозир эса навбатдагисини Олмаотада ёпяпти. Москвадан тайёрини олганимга афсусланаман. Агар ўзим ёзганимда, балки, камроқ тўқима бўлармиди?! Энди менга кулок солинг! Ўзимни моҳир уста, деёлмайман-у, аммо ўз ишимни

яхши биламан. Агар очеркінгизни ҳеч қандай үзгаришсиз, шундоқлигіча экранга олиб чиқишиади, деб үйласанғиз яңгишасиз! Суратта олиб бұлмайдиган күпчилик жойини олиб ташлашга, унинг үрнига эса суратта тушиш мүмкін бўлган воқеаларни үйлаб қўишига тўғри келади.

Лопатин сўзини бўлмоқчи, ҳеч нимани үйлаб кўришни истамаслигини айтмоқчи бўлувди, лекин режиссёр уни тўхтатиб қолди:

— Келинг, энди сўкишмаймиз: тузатишни бошлаймиз. Биринчи саҳифадан бошлаб. Ярамайди? Ўчиралимиз! Ярайдиган бўлиши учун нима қилишни, келинг, үйлаб кўрамиз. Мана, очеркінгизнинг бошида ёзилишича, аzonда, тонг қоронғисида қиялик бўйлаб Волгадан сув ташишиади. Бу ерда эса Волга йўқ, қияликни ҳам тополмайман. Сизда ёзилишича, ёнидан сув ташиб ўтишадиган учта уй харобасини ҳам барпо этолмайман. Бунга вақт ҳам йўқ, декоратор ишчилардан бутун студия бўйича олти киши қолган холос. Бошқалар фронтга жўнаб кетишган. Очеркінгизда: «Ҳали коронғи пайтда», — деб ёзилган. Коронғиликни суратта ололмайман, томошабин экранда ҳеч балони кўролмайди. Мана, шу боисдан, келинг, сизда ёзилгандек эмас, балки бошқачасини, лекин кайфият ва маъносини шундоқлигіча қолдиришни үйлаб курайлик!

Иккови сурункасига бир неча соат үйлашди-ю, аммо факат дастлабки саҳифани үзгартиши холос.

— Бугунгисини ҳам ҳисоблагандан ҳаммаси бўлиб беш кун вактим бор, — деди Лопатин.

— Ҳечқиси йўқ, бу ёфи тез кетади, — деди режиссёр. — Агар керак бўлса, тунда ҳам ишлаймиз. Бугунга етар, гангид кетдик, юринг бизниги, овқатланамиз. Мамлакат ичкарисида бизга наркомча юз грамм берилмайди-ю, лекин хотиним товада пахта мойида ковурилган картошка ваъда қилганди. Бунақаси пистачка мойидан қолишмайди.

— Ташаккур, бораман, — деди Лопатин.

Ўзини камситишга йўл қўймайдиган бу киши ҳам, бунинг устига ковурилган картошка ейиш ҳам унга ёкарди. Тўғри, ароғи билан яхши бўларди. Нима бўлганда ҳам у бояги хонада росаям совқотди.

Улар қор босган Тошкентнинг Эски шаҳардаги қин-ғир-қийшиқ, тор, бир хилдаги кўчаларидан кимсасиз, қоп-қоронги, бир хилдаги пахса деворлар ёқалаб пиёда кетишиди.

Режиссёр ўзини иш ҳақидаги фикрлардан чалғит-мокчи бўлдими, йигирманчи йиллардаги Москвани эслаб кетди. Маълум бўлишича, Лопатиндан уч йил аввал, йигирманчи йилнинг кузида, Польша фронтида яраланганидан кейин Москвада бўлган экан.

— Албатта, ҳозир ҳам тўйиб овқатланамиз, — деди режиссёр, — аммо у пайтда бундан баттар эди. Ўн саккиз ёшингда ҳозирги кирқ ёшингга қараганда иштаҳанг карнай бўлади. Лекин барибир — ҳаммасига чидадим! Кундузи сиёсий маориф курсларида ўқидим, кечқурунлари эса маданиятни ўзлаштирдим. Пролетариат ва нопролетариат маданиятини. Эркин муҳаббат ҳақидаги мунозараларда Қоллантайни кўрганман. Маяковскийни кўп мартараб укратганман, Есенинни ҳам. Блокни эса факат бир марта — йигирма биринчи йилнинг баҳорида у Москвага келганда кўргандим. Икки марта кўришим мумкин эди. Қаторасига икки кун шеър ўқиганди, лекин мен иккинчисига бормадим, таниш хонимча билан сайд қилдим. Блокни яна кўраман-у, хонимча билан сайд қилишга улгурмайман, деб ўйлагандим. У бўлса дабдурустдан қазо қилди!

— У шеърни қандай ўқирди? — Блок ҳақида сўради Лопатин.

— Эркин ўқирди! Худди хеч ким билан иши бўлмагандек. Ўз ҳолича овоз чиқариб ўқиётгандек бўларди. Лекин ўшанда менда унчалик таассурот қолдирмаганди. «Ўн икки» поэмасини ўкишини орзиқиб кутгандим, у бўлса айни ўшани ўқигани ўйк.

— Мен эсам йигирма учинчи йилда Москвага келганимдан кейин Есенинга қизиқиб қолгандим, — деди Лопатин. — Мен каби минглаб танишлари бўлса ҳам, у билан шахсан танишлигимдан фахрланардим. Бир куни Одесса яқинида мен борган полк комиссари тунда унинг шеърини ёддан ўқиб берди. Шунда у ҳақда ўйладим, агар тирик бўлганида ўша пайтлари мушкул аҳволда колган Россияси ҳақида шеърлар ёзарди ва рухсат беришса-беришмаса, бари бир фронтга борган бўларди! Қирқ биринчи йилда ёши ҳам унчалик катта

булмасди — қирқ олтига кирган бұларди. Нимагадир Блокни эса ҳозирги кунимизда үзини қандай тутган бўлишини тасаввур қилолмайман. Келажакни бошқалардан кўра яхшиrok кўролса-да, лекин унинг бу фахм-фаросати ўлим олдидан айтилган аллақандай башоратга ўхшарди: гўё у үзи ҳаёт пайтида юз берадиган воқеалар хақида эмас, балки үзидан кейин бўладиган ҳодисалар тўғрисида фикрлаётганини үзи биладигандек туюларди...

— Билмадим. Бу ҳақда ўйлаб кўрмагандим, — деди режиссёр. — Бирок эвакуация қилинган ленинградлик бир кишидан яқингинада шу ерда Блокнинг ёзув дафтарини олиб ўқидим-у, бемаъниликдан ҳайрон қолдим: бу қанакаси, Россиянинг биринчи шоири урушнинг бир йили мобайнида Пинскнинг аллақаеридағи ботқоқликда, аллақайси ҳарбий қурилиш командасида табелчилик қилаётган бўлса-я?! Халқлар манфаатига зид аталмиш бу урушнинг аҳмоқона юмушини бажариди. Буни кимга кераги бор эди? Унинг үзига шарт бўлмаса керак! Россияга ҳам.

— Зидликка-ю, зид, — деди Лопатин, — шу боисдан уч миллион халқ ерга бош қўйди. Бунисига нима дейсиз? Балки у урушдан нафратланса ҳам, үзида умум тақдирини биргаликда баҳам кўриш заруриятини ҳис қилгандир? Урушга юборишларини илтимос қилмаган, лекин истаса йўлини қиласидиган бирор баҳонасини ҳам топмаган. Шунинг оқибатида эса баҳтсизлик назарияси бўйича Пинск ботқоқлигига табелчи бўлиб қолди. Бу назарияга дуч келган одамлар кўпинча бемаъни иш қилиб қўйишади...

Лопатин ҳамроҳига кўз қирини ташлаб, яна бир неча қадам юрди-да, сўнг тўхтаб сўради:

— Сизга нима бўлди?

Йўлга тушганларидаёқ режиссёр қийналиб бўлса ҳам тезрок юришга ҳаракат қилаётганини Лопатин сезган эди; режиссёр қўлларини белига чирмаб олдинга эгилган ҳолда одимлар, йўл-йўлакай худди оғриқни енгмоқчи бўлгандек зўрикиб гапиравди:

— Умуртқамда ҳеч кимга, шу жумладан менга ҳам хожати йўқ аллақандай туз пайдо бўпти! Урушдан олдин мени даволашга киришган профессор бу туздан ҳайратга тушган ва ҳатто клиникада студентларга нодир намуна сифатида намойиш қилганди. Энди эса у Ленинград фронтида бош хирург, клиникаси Томскда,

мен эса бу ерда юрибман. Хат ёзишиб турибмиз. Күп-рок юришни тавсия этяпти, шундай бўлгач, қадамин-гизни секинлатманг. Юришга қийналаман-у, лекин фойдали.

Лопатин қадамини тезлатди. Кўп нарсадан хабардор бўлсанг, гоҳида бундан ёмони йўқ! Бир пайтлари медиклар ҳақида ёзган, улар билан улфатлашган, шу боисдан ҳамроҳи майна қилаётган касаллик оқибати яхши бўлмаслигини биларди.

— Эзмалигим учун кечирасиз-у, — деди у, — лекин мана шу касалингиз билан Томск клиникасига бора-колсангиз бўлмайдими?

— Хат орқали худди шундай маслаҳат олдим. Яхши маслаҳат-у, аммо бизнинг касбимиз шу маънода анчайин ярамас-да. Ишлашим учун биргина ўзим кор қилмайман, бунинг учун масчидта бўлса ҳам студия керак. Беш юзталик лампалар ҳам, суратга олиш аппаратлари ҳам, монтаж столи-ю, оператор ва ёритувчилар ҳам керак булади. Студияни эса Томскка эмас, балки шу ерга кўчириб келтириши. Жуда тўғри иш қилишган, чунки бу ерда йилига куёшли кунлар икки марта кўп булади, кино учун эса бу кони фойда! Сиз нима деб ўйлайсиз, уруш хали чўзилармикан? — тұсатдан сўради ва шунда Лопатин бу кишининг ўзи қандай касалга дучор бўлганини яхши билишини фаҳмлаб қолди. — Студия билан ўн беш ойдан бери шу ердамиз. Меҳнатсиз ҳаёт аянчли бўларди, ишлаб турсанг ҳаётга кўниласан. Албатта, орамизда йиғлоқилар ҳам бор, демак, фронтдан узоқда эканмиз, ғалабани тилаб ибодат қилишдан ўзга чорамиз йўқ, деб ҳисоблашади. Ибодат қилишга менинг вактим йўқ — ишим кўп... Мана, етиб келдик!

Пахса деворли пастаккина тахта эшик ёнида тўхташди.

— Ўзбек оиласида яшаймиз, — деди режиссёр эшикдан энгашиб ҳовлига киаркан, — студиямизнинг кекса қоровули ўғлининг хонасини бизга бўшатиб берган. Келинини болалари билан ўзининг хонасига кўчирди — набиралари бир гала бўлса ҳам бизга жой берди.

Улар ҳовлидан ўтиб, шипи пастаккина, кичкина деразали, озода, чоғроққина хонага кириши.

Хонада икки киши бор экан. Кат устида қўлида китоб билан бир бола ётибди, бурчакда, керосинка ёнида аёл турибди.

— Хўш, Женька, картошканг нима бўлди? — сўради режиссёр.

У болага мурожаат қиляпти, деб ўйлаганди Лопатин, лекин хотинига гапирган экан. Аёл ортига ўгирилиб деди:

— Ҳозир тайёр бўлади. — У Лопатинга иссиққина кўлини чўзди. — Ечининг, бизникида мумкин. Бу ер студия эмас.

Студияда Лопатин почапўстинини ечмай, режиссёр эса пахталик камзули устидан пальтосини кийиб кун бўйи ўтиришганди.

Режиссёр почапўстин билан пальтони эшикка қоқилган михга илиб, Лопатинга қаради-да, улар кириб келганда китобдан бошини кўтарган ўғлига деди:

— Қара, Ромка, Лёва амакингники каби ордени бор экан! Қелиб кўришмайсанми?

Бола Лопатиннинг ёнига келди-да, унга эмас, балки Кизил байроқ орденига тикилиб кўлини чўзди.

— Студиянгизда росаям совқотганимни энди сезяпман, — деди Лопатин.

— Ҳа, у ер музхона. — Режиссёр камзулининг ёқасини очиб кўйди. Ичидан чанги учайдиганда кийиладиган пахмок форма бор эди. — Ҳар ким ўзини билганча асраяпти, — у тиззасининг юкорисидан қайиш билан боғлаб қўйилган мўйнали маҳсисини кўрсатди. — Бир пайтлари Запольярияда кино ишлаганимизда беришган эди. Қани, диванга ўтиринг.

Лопатин боланинг ёнига ўтириб, хонани кўздан кечириб чиқди.

Хонада суюнчиқсиз дивандан бошқа яна стол, тагига суриб қўйилган иккита стул, ошхона столи хизматини бажарувчи устига клеёнка ёпилган пастаккина жавон бор эди.

Одатда кўрпа-тўшак йифиб қўйиладиган токча чит парда билан тўсиб қўйилган — бу ер гардероб ўрнида ишлатилса ажаб эмас. Диван билан девор оралиғига тўшак қўйилган — бола шу ерда ухласа керак. Деразанинг токчасига бир даста китоб жойлаштирилган. Хонада бор-йўғи шу, холос.

Яна стол устида жинчироқ, жавон устида керосинка, хонанинг бурчагида гражданлар уруши давридан колган тикув машинкасининг қопқоғига ўхшаш «буржуйка» аталмиш чўян печка бор. Гуруллаб ёнаётган «буржуйка»да чойнак қайнаб турибди.

— Буям студиямизнинг маҳсулоти, — Лопатин «буржуйка»га караб турганини кўриб деди режиссёр. — Аввалги лентага уни туширишим муносабати билан дирекциядан уйда фойдаланишга олганман. Унга бир қоп кўмир қўшиб беришди. Ҳозирги турмуши мизда Нобель мукофотига тенг мукофот!

Режиссёр стол ёнига бориб ўтириди-да, иссиқдан лаззатланиб, камзулининг сўнгги тугмасини ҳам ечиб қўйди.

Лопатин хонани кўздан кечириб, унинг топ-тоза эканига ҳайрон бўлди. Шипи пастаккина, керосинка, «буржуйка» жинчирок ёниб, иси чиқаяпти-ю, лекин барибир хона оппок эди.

— Хонангиз оппок эканига ҳайрон бўляпман, — деди у.

— Бунга Рома билан менинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ, — деди режиссёр. — Агар иккаламиз яшаган бўлганимизда — ҳаммаёк қоп-қора бўлиб кетарди. Ҳаммасини онаси қиласи, худди ўзининг кишлогида бўлгандек дам шувайди, дам оҳаклади! Полтавалик Наталька!

— Эзмалик килма! Яхиси турпни столга қўй, — деди аёл.

Керосинкани ўчириб, у қовурилган картошкали товани дастурхонга олиб келди, кейин гарданига тушиб кетган бир тутам сочини бир жойга йиғишириб тўғна-
ғич қадаб қўйди.

Унинг мохирона бичиб қўйилгандек кичик, кучли, спортчиларга хос қомати шунчалик зебо эканидан аввалига Лопатинга назарга илинмайдиган ва хунук ту-
юлган чехраси ҳам ёқимтой бўлиб кетганди.

Аёл сочини тартириб Лопатиннинг рўпара-
сига ўтириди-да, худди болалар дарс пайтида қиласидан-
дек қулини юзига тираб олди.

— Мана энди сизни бир кўриб олай, бунгача вактим бўлмовди.

Режиссёр катта-катта тўғралиб чуқур тарелкага солинган Марғилон турпини столга қўйиб ўтирад экан, ундан сўради:

— Бу сабзавотдан бирор марта татиб кўрганмисиз?

— Ҳа, — деди Лопатин. — Урушдан аввал шу ерда бўлганман...

У Марғилон турпининг каттагина бир бўлагини санчқига илиб олди-да, тузга ботириб оғзига солди ва қарсиллатиб ер экан, унинг шўртанг таъмидан лаззат-

ланди. Бундан үн йил аввал Тошкентда турпни довучча солинган палов билан биринчи марта еб кўрганди. Ўшанда баҳор бўлса ҳам кун иссик эди; улар ариқ тепасидаги фир-ғир шабада эсиб турадиган жойни ташланганди. Ўша кунлари шўх-шодон, ҳозир эса баҳтиқаро Вячеслав ёнларида, мана шу турпни қарсиллатиб еб ўтирганди.

— Умуман олганда, хотиним илгари қаровсиз бўлган, — турп билан картошкани ҳаммалари аҳиллик билан еб бўлиб, Лопатин уй бекасини чин кўнгилдан мактагач, — деди режиссёр ўзининг умр йўлдоши ҳакида гап очиб. — Уни гўё қозондан чиқариб олиб уйланганман. Эсингиздами, НЭП¹ энди бошланган пайтда Москвада бошпанасиз ва қаровсиз болалар исинадиган асфальт қайнатувчи қозонлар бўларди. Бокимандасиз болалар ҳакида сиёсий маориф темасида фильм тайёрлаганимда уни мана шунақа қозондан исқирт ҳолда топиб олгандим. Кейин «Ҳаётга йўлланма» фильмида бўлганидек ювинтиридик ва болалар уйига боришга бир амаллаб кўндиридик. Саккиз йилдан кейин эса мана бу ойимқизни Москва дарёсида учратиб қолдим. Ўшанда спорт ҳаётига оид фильм учун типаж излаб юрувдим. У тўпланган халойикнинг кўз ўнгидан минорадан сувга сакради-да, сўнг тасаввур килиб кўринг-а, мани таниб қолди. Кейин уч кун мобайнида, узоқ ўйлаб ўтирамай, менга турмушга чикиб олди. Женъка, қаровсизларга ўхшаб туртинавермасанг-чи!

— Бехосдан тегиб кетибман, — деди аёл ва билинчар-билинмас жилмайиб қўйди.

— Аввалига кинода роль ўйнамоқчи, шу боисдан менга турмушга чиқди, деб ўйлагандим. Йўқ, қарасам — бир йилдан бери яшаяпмиз-у, кино ҳакида суриштирмайди, икки йил яшаяпмиз — индамайди, совет киноимиз анъаналарини бузяпти. Ҳатто режиссёр ўртоқларим олдида нокулай бўларкан...

— Ҳеч қачон кинони орзу килмаганман, — деди Женъка деб аталмиш аёл. — Велосипед пойгасида катнашганман, сувучи бўлганман. Бир пайтлари ҳатто циркка ишга киришни, акробатчи бўлишни орзу килгандим. Кинода факат бир марта — ўшандаям орқамдан лентага туширишганди. Артистнинг ўрнига жарликдан муздек сувга сакрагандим!

¹ НЭП, — Янги иқтисодий сиёсат.

— Ҳозир қаерда ишлайпсиз? — суради Лопатин. Бу аёлнинг нимасидир унинг ишламаслиги мумкин, деб ўйлашга имкон бермасди.

— Халқ маорифи комисариатида. Физкультура техникумини битирганиман, урушгача мактабда физкультурадан дарс бергандим. Бир йилгина танаффус килдим. — У ўғлига ишора қилиб қўйди. — Бу ерда эса бутунлай бошқача иш билан шуғулланаяпман. Вокзалда болалар учун эвакопункт бор — кўчириб келинган болаларни шу ерда ювинтириб, тақсимлаб чиқамиз-да, болалар уйи ёки оиласларга тарқатамиз. Айтгандек, мен сизни кўргандим. Сиз кеча тунда москвалик узун бўйли шоир ва яна аллақандай ҳарбий билан вокзал бўйлаб кетаётгандингиз. Оппок почапўстинингизга ҳавасим келувди, — қулиб қўйди у. Кейин эрига имо қилди. — Унга ҳам шунакасидан топишни орзу қиляпман.

— Наҳотки, ҳозир ҳам болалар шунчалик кўпки, у ерда сиз туну кун навбатчилик қилаётган бўлсангиз? — суради Лопатин.

— Халиям кўп,— деди у.— Фронтда ҳужум қилишяпти, болалар эса ҳамон бу ерга келишяпти. Уларга аллақачон йўлланма берилган — шу боисдан келишяпти! Дастрекки куни бирор нима юқтирумайин, деб, Ромкадан ҳавотирланиб юрдим, — яна ўғлига ишора қилди у. — Турли дезинфекция¹ дориларига беланиб уйга қайтганимда булар мендан ўзларини олиб қочишарди! Сирасини айтганда, бу юмуш менга ёқади. Балки, бир пайтлари ўзим қаровсиз қолганимдан шундай бўлса ажаб эмас... У ҳазиллаштаётгани йўқ, — эрига караб қулиб қўйди, — ҳамма гапи тўғри, қозондан чиқканман. Полтавалик эканим ҳакида эса ҳазиллашяпти, — бир нафаслик сукут сақлаб ва чехрасидаги ифода аллақандай ўзгариб деди у. — Нимагадир лойсувоқни кўрса, нуқул Полтава деяверади! Ўзим Белгород яқинида туғилганман. Отам билан онам терламадан вафот этишган, укамни қўшилар вактинча ўз қарамоғларига олишгач, мен поездда холамниги жўнаб кетдим. Афусски, холам ўлган экан! Қайтиб кетаётганимда ўзим ҳам терлама билан оғриб қолдим... Худога шукрки, ҳозир бу касалнинг авж олиб кетишига йўл қўймаяпмиз. Акс ҳолда бунақангич улкан эвакуация пайтида уни ҳатто тасаввур қилиш ҳам даҳшат!..

¹ Дезинфекция — касал юқтирадиган микробларни дорилаш.

— Кўй, хафа бўлма, — деди режиссёр меҳрибонлик билан хотинининг елкасини силаб қуяр экан. Шунда Лопатин бу аёл ишда ниҳоятда кийналаётган бўлса керак, деб ўйлади ўзича, — яхшиси, сиз Ромкага қандай хизматингиз учун орден олганингизни гапириб беринг. У бари бир сизни мажбур қиласди.

Лопатин ёнида ўтирган болага куз қирини ташлаб кўйди. Онаси гапираётганда у овоз чиқармади. Картошкасини еб бўлиб, дарсликни ўқиб ўтиради. Афтидан, бу каталакдек хонада ҳар ким бошқасига халақит бермай ўз юмуши билан шуғулланишга кўнишиб колган.

Лопатин ўйланиб колди: қандай килиб қисқарок жавоб берсайкин? Ўшанда, ўтган қишида мажмуалар ифодасини — редакторнинг маълумотномалари орасида истаганинг топиларди — тасаввур этиб, фронтга килган деярли барча сафарини эслаганди.

— Сув ости кемасида бўлганим учун такдирлашган, — деди Лопатин.

— Сув остида қанча вакт бўлдиларинг? — сўради бола.

— Йигирма кун.

— Кўпларини чўқтирганимиз?

— Хеч нимани чўқтирганимиз йўк, — деди Лопатин. — Биз бошқа мақсадда борганийдик, душман эгаллаб турган сув остига миналар қўйдик. Иккита портга сув остидан кирдик-да, миналарни жойлаштириб, сўнг қайтиб келдик.

— Хеч нимани чўқтирмадингизми? — қайта сўради бола.

— Хеч нимани чўқтирганимиз йўк.

— Бизнинг Ромкамиз факат жанговар мукофотлар ҳисобини олиб боради, — деди режиссёр. — Ана шу ҳисоб-китобга қараганда, мен Тошкентда эканман, демак, ишончсиз одамман. Катта акам, Боря амакининг ҳарбий мутахассислиги, Романинг фикрича, бир тийинга арзимаса ҳам — у душманни чалғитиш ротасида рассомлик қиласди — бари бир «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланган. Онасининг укаси, оиламиздаги энг машҳур киши — Лёва амаки эса яқинда сизницидек Қизил Байроқ ордени билан такдирлангани ҳақида хат ёзибди. Танкчи! Урушга шофёр бўлиб кетган эди, энди взводга командирлик қиляпти. Урушдан олдин шунақаям шўх эдики, асти қўяверинг.

Хаёлида машиналик бўлишдан ўзга орзу йўк эди. Институтни ташлаб, шимолга жўнаб кетди, озми-купми пул ишлаб келди, мени ҳам соғиб ичди, бирорлардан қарз олди, икки жойда ишлади — гаражда механиклик килди ва академикни, тўғрироғи унинг хотинини кунаро машина олиб юрди. Нихоят уруш арафасида ўзига «форд» сотиб олди. Алабатта, эскисини. Ремонт қилиб, бир ҳафтагача олифтагарчилик билан ҳайдаб юрди-ю, сўнг фронтга жўнаб кетди. Энди эса, Ромканинг кўзи билан караганда, у намуна олса арзийдиган инсон. Бугунги кунда худди шундай бўляпти!

— Лёва амакида яна «Жасурлиги учун» медали ҳам бор, — деди бола дадаси бу медални унубиб Лёва амакини Лопатин билан бир қолипга соганидан ранжиб.

— Хозирча оиласизни худонинг ўзи асраб турибди, — деди режиссёр. — Акам эгаллаб турган лавозим унчалик хавфли эмас, Лёвка эса — танкчи!

— Танкчиларнинг олдига ҳеч борганмисиз? — сўради бола.

— Жуда кам, — жавоб берди Лопатин.

Ҳақиқатда ҳам у танкчилар олдига онда-сонда борарди, бирок танкларнинг ёнишини кўрган, шундоккина яқиндан кўрган.

— Роман, қани, тўшагингни олиб, ўрнингни сол. Етадиган вактинг бўлди.

Бола истамайгина ўрнидан турди.

— Энди мен ҳам борай, — деди Лопатин.

— Шу ерда тунаб қолақолинг, студияга эрталаб шу ердан бора қоламиз, — деди режиссёр.

Лопатин ҳайрон бўлиб унга қаради. Тўртинчи одамга ётишга, агар столни ҳисобга олмагандан, бу ерда ҳеч қанақангি жой йўк эди.

— Женъка бир оздан кейин навбатчиликка кетади. Биз эса, иккаламиз диваннинг икки томонига ёстиқ қўйиб ётамиз, — тушунтириди режиссёр.

— Йўқ, боришим керак, — деди Лопатин. — Вячеслав Викторовичга келаман, деб ваъда берганман, у хавотир олади.

— Бўлмаса кийинаколинг, — деди режиссёрнинг хотини. — Трамвайда бирга кетамиз. Мен вокзалга бораман, сиз эса тўрт бекат берида тушасиз.

Женъка спорт формаси устидан қалин қилиб тўкилган фуфайка, унинг устидан солдатча пахталик-

ни кийиб, соchlарини қалпоғи тагига тиқар экан, кулиб деди:

— Ҳечам жойлашмайды-да. Қесиб ташлашга тұғри келади. — У тезда ёйма каравотта чүзилган үғлини үпиб, Лопатин билан бирга күчага чикди. — Сизни құлтиқлаб оламан, майлими?

Бир оғиз гапирмай, девор ёқалаб юз қадамча юришгач, у тұсатдан бармоклари билан Лопатиннинг құлини қаттық қисиб сұради:

— Ростданам танкчилар ҳузурида кам бұлғанмисиз?

— Рост. Аввалига уларнинг үзи кам эди. Кейинчалик бунинг иложи бўлмади. Кейин эса Сталинград жанги бошланди — у ерда танкларсиз дош бериши. Нега буни сўраяпсиз?

— Укамдан хавотир олиб асабийлашяпман... Ўтган куни бир болакайни биздан олиб кетиши. Қаранг, мўъжиза рўй бериб ота-онаси топилибди. Отаси танкчи; госпиталдан кейин битта кўзи соғ қолибди, иккинчи кўзи, юзи ҳам, бўйни ҳам шунчалик мажрухки, қарагани қўрқасан киши. Болани қучогига олмоқчи бўлувди, у даҳшатга тушиб кочди! Ромка орден, орден деб қувоняпти, Илья унга жўр бўляпти. Менинг кўз унгимда эса ўша башара! Уларга қараб: «унингизни учиринг, у ҳақда гапирманг, кўзингиз тегади», дегим келади. Лекин айтиб бўлмайди!

— Ҳа, айтиб бўлмайди, — Лопатин яна танклар қандай ёнишини эслаб, бир неча дақиқа сўзсиз тўхтаб колди.

— Юринг! Нега туриб колдингиз? Нимани ўйлајпсиз? Сиз, ўзингиз бирор кори-холга дуч келганмисиз? — уни яна құлтиқлаб олиб сұради аёл. — Сизнинг кимингиз фронтда?

— Мендан бошқа ҳеч ким. Агар қариндошлар ҳақида суриштираётган бўлсангиз. Дўстларим эса — деярли ҳаммаси фронтда.

Улар яна гаплашмай юз қадамча юришди.

— Евгения Петровна!

Дарров жавоб бермади аёл.

— Мана, сиз ўша эвакуацияда иккинчи йил ишлайдапсиз. Менга айтингчи, Тошкентта етиб келгунча йўлда чидаш бермайдиган болалар анчагинами?

— Ўлади демоқчимисиз?

— Ҳа.

— Айримлари ўлади. Бошқалари эса — дом-дараксиз йўқолганлар ҳисобига киради. Йўлда, станцияда олиб колинган беморларнинг тақдири нима бўлганини анча вактгача билмаймиз...

— Бу ерга келганларнинг кўриниши қандай?

— Етиб келганларнинг деярли ҳаммасини оёққа турғазамиз. Биласизми, қайси болаларга кўпроқ ичингиз ачийди? Жойидан иккинчи, гоҳида учинчи марта кўчирилаётган болаларга раҳминг келади. Аввалига Лъвовдан Ростов остонасига. У ердан Қавказга, кейин бу ерга! Аслида, бир йўла шу ерга олиб келинса бўларкан, лекин олдиндан нима бўлишини ким билиди дейсиз? Бу болалар ниҳоятда паришонхотир бўлиб қолишган, хаёлларида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Бундайларнинг организми касалга кўпроқ чалинади...

Улар трамвай бекатига етиб келишди. Бундай бемахалда урушдан олдин бўлгандек, Тошкентда трамвайлар бўм-бўш бўлса керак, деб ўйлаганди Лопатин. Лекин трамвайлар, аксинча,лик тўла эди: одамлар ҳарбий заводларга тунги сменага кетишаётган эди. Биринчи трамвайнин утказиб юборишга туғри келди; хатто осилиб кетишига ҳам жой йўқ эди. Иккинчисига бир амаллаб чиқиб олишди-да, туртениб-суртиниб олдинга ўтишга уринишди. Аммо йўловчилар оқими уларни икки томонга ажратиб ташлади ва энди пастаккина аёлни бош ва елкалар Лопатиндан тўсиб қўйганди. Факат Лопатин қаерда тушиши ва қаёқка бориши лозимлигини тушунтираётган унинг меҳрибон овози эшитиларди.

Тиқилинчда почапўстиннинг иккита илгагидан айрилиб, у бир бекат нарида вагондан тушди-да, трамвай йўли бўйлаб ортига қайтди.

Вячеслав Викторович ёлғиз эмасди. Унинг рўпарасида эшикка юз ўгириб Қсения ўтиради.

— Сени икки соатдан бери кутиб ўтирибман! Вячеслав Викторовичга ишлашга ҳалақит беряпман, — деди у Лопатин кириб келиши билан ва қўлларини яrim ёйган холда унинг истикболига шошилди.

Лопатин умрида биринчи марта уни эҳтиrossиз ўпид ёнига ўтириди.

Вячеслав Викторович ўрнидан туриб қўшни хонага чиқиб кетди.

— Аҳволларинг қалай? Нимагадир озиб кетибсан,

куринишинг ҳам яхши эмас, — гүё усиз Лопатинга факат озиб кетиш ёки ночор аҳволга тушишдан узга чора қолмагандек оҳангда деди Ксения.

Лопатиннинг чехрасида жаҳл аломати куринган бўлса керак, Ксения нега бу ерга келгани сабабини тушунтиришга шошилди.

— Мен айни шу бугун учрашишим лозим эди, чунки сен эртага бизникида тушлик қилишинг керак. Сен Евгений Алексеевич билан танишишинг ва бу ерда қандай яшаётганимизни кўришинг керак.

Нега энди уларникига бориб тушлик қилиши, унинг Евгений Алексеевичи билан танишиши ва улар қандай яшаётганини кўриши лозим экани Лопатинга тушунарсиз эди.

— Эртага сеникида тушлик қилолмайман, — деди у.

— Нега?

— Кечгача киностудияда банд бўламан.

— Унда кечқурунги овқатга борасан. Уйимиз узок эмас. Бари бир тунагани шу ерга келасан-ку! Йўл-йўлакай бизникига кириб овқатланасан.

Лопатин индамай қолди. Унга тушлик қилолмаслиги, чунки банд эканини бошидан айтиш нодонлик бўлди. Энди нима дейишини ҳам билмайди.

— Майли, киностудиядан тўғри сизларникига бораман, соат тўққиз ярим-ўнларда.

У гимнастёркасининг чўнтағидан қалам билан ён дафтарчасини олди-да, тоза варағини очиб, Ксения олдига кўйди.

— Адресингни ёз.

Ксения адресини ёзиб, ён дафтарчани қайтариб берди-да, индамай ўтираверди. Афтидан унинг рад этишини кутган ва буни яхши ўйлаб топгани ҳамда нега у бу учрашувни барбод этишга ҳакки йўклигини унга тушунтиришга ҳозирланган бўлиши керак. Энди эса нима дейишини билмасди. Бошка ҳеч нимага тайёрланмаганди.

Лопатин ҳам шафқатсиз равишда индамасди. Агар хоҳласа ўзи гапираверсин.

— Биз битта хонада яшаймиз-у, лекин бу ерга караганда анча иссикроқ, — деди ниҳоят Ксения.

У ҳеч нима демай ўрнидан турди-да, аёлнинг елкасига ташлаш мақсадида қозикдаги почапўстинни олди.

— Ҳожати йўқ, кетишим керак. — Ксения ўрнидан қўзғалди.

Вячеслав Викторович онасининг хонасидан чиқиб, вазиятни тушунди-да, катнинг устидаги пустинни олиб, Ксенияга узатди.

Лопатин почаппустинини кийишга чоғланди, Вчеслав унга қаради-ю, ўзининг собиқ хотинини кузатгиси келмайтганини куриб, ёрдамга шошилди:

— Сен кийинмай құяқол, Ксенияни үзим кузатиб құяман. Агар ўрта ҳовлидан үтилса яқин бұлади, мен биламан, сен эса қайтишингда адашиб қоласан!

У пальтосини, Лопатин бир пайтлари Запольяриедан унга олиб келган эски кулокчинини кийди-да, Ксенияни олдига солиб ташқарига чиқди.

Бу сафар қучоклашилмади. Лопатин уни кузатмасликка шунчалик осонлик билан күнганидан хафа бўлиб Ксения хайрлашгани факат қулини чўзди.

«Кизик, уни ҳам таклиф этганмикан? — хонада ёлғиз қолиб Вячеслав ҳакида үйлади Лопатин. — Агар таклиф килган бўлса нур устига аъло нур. Балки, таклиф килмаган бўлиши мумкин. Урушдан аввал мана шу йўсинда мени таклиф этиб, унга индамаслик жуда-ям ғалати туюларди. Ҳозир эса, бу ерда, эвакуацияда ажабланадиган ўрни йўқ — ортиқчалик қиласи, вассалом».

Вячеслав Викторович тезда қайтди, орадан ўн минут ҳам ўтмаганди.

— Сендан шикоят қилди, — деди у пальтоси билан қалпоғини ечаркан.

— Шундай бўлишини билгандим.

— Нимадан шикоят қилганини биласанми?

— Буни ҳам биламан. У үзимни ундан олиб қочганим, энди эса ҳеч нарсага қарамай, яхши муносабатларимизни саклаб колишга интилаётган бир пайтда етарли даражада эътибор бермаётганим хусусида шикоят қилган.

— Деярли топдинг. Ниҳоятда доносан-да!

— Унчалик эмас. Шунчаки уни беш қўлимдек яхши биламан, аммо бунинг учун унчалик катта фаросат талаб қилинмайди.

— Сен омади йўқ одамсан, — деди Вячеслав Викторович.

— Аксинча, омадим бор, — деди Лопатин, — ҳечдан кўра кеч бўлгани маъқул.

Эртаси куни Лопатин студиядаги ишини ўйлаганидан илгариrok тугатди. Саккиздан сал ошганда, яъни ўн соат ишлаганларидан кейин:

— Хатчўпга етиб келдик! — деди режиссёр сценийнинг орасидан папирос қутисининг қопқоғини суғуриб оларкан. Эрталаб мана шу жойга етмагунча ўрнимиздан турмаймиз, деганди. — Мўлжалдагидан оширмаймиз, акс ҳолда эртага чамаланган ишни қилмаймиз.

Шу йўсинда Лопатин мўлжалдан анча илгари — соат тўққизда Ксенияникига етиб борди.

Ксения бир неча марта қўнғироқ чалингандан кейин эшикни очди. У кўйлагининг устидан халат кийиб олганди.

— Бизнинг хонамизга киравер, — деди у йўлакдаги учта эшикнинг биринчисини очиб. — Мен хозир...

У чикиб кетди, Лопатин эса бу хонанинг иситилишини сезиб шошилмай ечинди.

Узун йўлакнинг деворларига — кийим илгакларининг тепасига ҳам, эшикларнинг устига ҳам, эшиклар орасидаги деворга ҳам бўёқ билан ишланган расмлар осиб ташланган. Лампанинг хирагина ёруғида бу расмларнинг яхши-ёмонлигини билиб бўлмасди, аммо буларнинг ҳаммасида саксовуллар тарвакайлаган кум барханлари, кип-кизил лолага бурканган кир-адирлар, қийғос гуллаган ўрик дараҳтлари тасвирланганди.

Ечиниб бўлиб, у идиш-товок жавони, сунячиғи узун стуллар ва ҳозир устига бешта тарелка, қошиқ қўйилган баҳайбат столи бўлган каттагина хонага ўтди. Бу мебелларнинг ҳаммаси, афтидан, илгариги жойидан қўзғатилиб бир чеккага суриб қўйилган. Бўшатилган девор томонга эса иккى ўринли каравот билан кийим жавони ўрнатилган.

Хонанинг деворларида худди йўлакда кўргандек, бўёкли расмлар осиб қўйилганди. У ердагиси қанақа экани англаб бўлмасди, хонадаги эса яхши расмлар. Қадимги Ўрта Осиё! Аравалар, туялар, карвонлар, чавандозлар, отлар... Биттасида эгарнинг қошига эгилиб турган қамчинли казак, иккинчисида йилкилар тўдаси тасвирланган, пастроқдаги иккита расмдаги «Каразин» имзосини ўқиб, Лопатин ёшлигига бу ажо-йиб акварелчи, Туркистонга юриш қатнашчисининг

тафсилотларга бой китобчаларини мирикиб ўқиганини эслади.

Илгари бу хонада яшаган кимдир Ўрта Осиёга ишкі тушиб, Каразиннинг мана шу расмларини тұплап-ған-у, шундоғлигача қолдириб кетган.

— Бу ерда илгари ким яшаганди? — сүради Лопатин хонага кирған Ксениядан. Энди у халатини ечиб ташлаган, әгнида эса урушдан аввал әнг сұнгги янги йил оқшомига катта оворагарчилик билан тикилған, албатта, сұнгги минутда тайёр бұлған қўйлакда эди.

— Хечам шу одатинг қолмади-да, — деди Ксения. — Наҳотки сұрайдиган бошқа гапинг бўлмаса?

— Хаёлимга келиб қолса суришириб кўрарман, ҳозирча эса мени мана шу кизиктиради.

— Бизнинг қаерда яшаётганимизни Вячеслав сенга айтиб бермадими?

— Ундан суриштирганим йўқ. Мана бу расмларни томоша килатуриб ҳозир қизиқиб қолдим.

— Бизга омад кулиб бокди, — деди Ксения. — Бу уй ҳарбий маҳкамага тегишли экан; бу ерда билим юртининг бошлиғи, бева қолган генерал ўзининг катта ёшдаги ҳарбий ўғли билан яшаган экан. У аллақандай лавозимга кўтарилиб, уруш бошланиши арафасида, ўғли эса уруш бошланиши билан жўнаб кетганди. Ҳамма буюмлари шу ерда қолган. Улар уйнинг калитини КЭЧга топширишибди. Бу...

— Тушунтирумай қўяқол, КЭЧнинг нималигини биламан.

— Кейин эса Москвадан бу ерга театрни кўчириб келишиди. Артистларни бошпана билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб қолғач, маҳаллий ҳокимият генералнинг уйи хусусида унга кўнфироқ қилдими ёки телеграмма беришдими, билмадим, ҳархолда ундан театрни мизда ҳаммага ёд бўлиб кетган жавоб телеграммаси олинди: «Артистларни хурмат қиласман. Қип-яланғоч уйга уларни кўчириб ўтказишни ўзим учун шармандалик ҳол ҳисоблайман. Боримни баҳам қўринглар! Менинг хонамга марҳамат қилинглар. Иван Ефимов». Айтишларига қараганда у исм-фамилиясини тўлиқ ёзib имзо чекаркан.

— Мен бу кишини танийман, — деди Лопатин.

— Ана холос...

Афтидан, Ксения бундай вазиятда одат бўлиб қолганидек: «Ҳар доим шунақа қиласан, биласан-у, айт-

майсан!» демокчи бўлди-ю, ўзини тўхтатиб қолди. Эндиликда улар эр-хотин эмаслиги ҳақидаги фикр дар-ров хаёлидан ўтди.

Лопатин ҳам илгари айтиши мумкин бўлган сўзни, яъни Ксения яшаётган квартира эгаси билан яқинда дийдор кўришини айтмади.

— Унинг телеграммасидан кейин устидаги ҳамма нарсани илгари қандай турган бўлса, шундоғлигича қолдириб, хоналарга одам қўйишди. Бизнинг СССР ҳалқ артистимизга — у ҳозир Олмаотада фильмни суратга оляпти, бадиий раҳбаримизга ва директорга биттадан хона беришди. Хоналардан бири олдин аввалги директорга, унинг ўрнига Евгений Алексеевич келганидан сўнг бизга тегди. Хўш, нега суриштираверасан-а, кара, қанча вактимиз кетди. Эртарок келганингдан жуда хурсандман. Кеча мен билан гаплашгинг келмади, энди эса бари бир гаплашишга тўғри келади.

— Яна кимлар бўлади? — столга ишора килиб сўради Лопатин.

— Бадиий раҳбаримиз билан менинг бир танишим. Унинг ўзи илтимос қилди. Сенинг Сталинград ҳақидаги очеркларингни ўқиб, қойил қолиб, сени кўриш орзузида экан. Евгений Алексеевич раҳбар билан бироз ушланаб қолиши мумкин — маҳаллий хукумат бизнинг янги спектаклинизни ҳали томоша килмаганди, бугун эса боришлири хусусида қўнғирок килишибди. Улар театримизни ниҳоятда яхши кўришади-ю, бироқ доим банд бўлишади-да!

— Мен эртарок келиб колибман, балки сен у-бу нарсаларни тайёрлашга улгурмаган бўлишинг мумкин, — деди Лопатин у ҳеч нимани ҳеч қачон ўз вактида тайёр қилмаслигини яхши билса ҳам. — Ошхонага бориб ишингни тугатавер, мен шу ерда ўтиратураман.

— Ҳечкиси йўқ, ошхона юмушларини Нина эплостиради. — Ксения афтидан таниш аёлни кўзда тутган бўлса керак. — Сен билан гаплашмоқчи эканимни унга айтганман, бунақа ишларни тушунади.

— Ҳа, майли, гаплаша қолайлик. Нима ҳақда гаплашамиз? Кизимиз хусусидами?

Ксения ранжиганнамо унга қараб қўйди. Гапни бундан бошламоқчи эмасди-ю, шунга тўғри келиб қолди.

— Ундан хат олдим, жудаям маънили. Кўрсатайми?

— Майли.

У каравотнинг ёнига бориб, ёстиқнинг тагидан хатни олди. Хатларни ёстиғининг остига тикиб қўйиш ва тунда ўкиб чикиш унинг одати эди. Бир сафар, бундан беш йил аввал, Лопатин ундан олдин уйга қайтиб ётишга ҳозирланганда мана шунака хатга дуч келиб қолганди. Биринчи сатрига кўз югуртирди-ю, жойига тикиб қўяқолди, давомини ўқимади. Энди Ксения бошқа каравотда, бошқа одам билан ётса ҳам хатларни ёстиқ остига тикиш одати қолмабди.

Кизидан келган хат чиндан ҳам маънили эди. Аввалига отасидан телеграмма олгани, у Сталинграддан қайтиб келгани ҳақида ёзиб, кейин ҳамма иш жойида, онам хавотир олмасин, деган маънода ўзи тўғрисида қисқача хабар берганди.

Лопатин хатни охиригача ўкиб бўлиб, қайтариб берди.

— Менимча, уруш тугагунча сен билан ҳеч нимани ҳал қиласлигимиз керак, — деди Ксения. — Евгений Алексеевич билан маслаҳат қилгандим, у ҳам шу фикрни айтди.

Лопатин ўзида ноҳақ пайдо бўлган ғазабини ичига ютди. Ҳўп, маслаҳатлашибди, энди у эри бўлганидан кейин яна ким билан маслаҳатлашарди? Шу боисдан у билан маслаҳат қилганда!

— Сен билан нимани ҳал қиласдик? — деди Лопатин. — Агар уруш тугагунча менга бирор нима бўлса, унда масалани мен билан эмас, балки қизинг билан ҳал қилишингга тўғри келади: яқинда у ўн олти ёшга тўлади.

— Сенга ҳеч нима бўлмайди, бу ҳақда ўйлашнинг ҳожати ҳам йўқ!

— Ўйлашнинг ҳожати бўлмаса — демак, у мен билан қолади. Бошқа ҳаммаси: квартирамизни нима қилишимизни, ким қаерда яашини дарҳакиқат урушдан кейин ҳал қиласми.

— Сенинг ҳеч қанақанги квартиранг менга керакмас, — ҳаяжон билан деди Ксения. — Евгений Ивановичнинг Москвада квартираси бор.

Бу ҳаяжоннинг самимий эканини Лопатин биларди. Кундалик ҳисоб-китоб, ҳасислик унга хос эмасди. Аммо бу ҳаяжон ҳозир юз беряпти. Евгений Алексеевич ҳам ҳозир бор. Уруш тугаганидан кейин эса у ва унинг Евгений Алексеевичи нима бўлиши бу оламда ҳеч кимга ва шу жумладан ўзига ҳам маълум эмасди.

Лопатин уни гапдан илинтиришни истамай индамади.

— Ха, майли, урушдан кейин нима булиши ҳақида гаплашмай құяқолайлик, — деди Ксения. — Лекин, баҳорда, мевалар пиша бошлаганда Нинани бу ерга таклиф килсам бұладими? Бу ерда яшашы мүмкінми? Евгений Алексеевичга айтгандым, у рози булди. Сен уни күриб яхши киши эканига ишонч ҳосил қиласан.

— Унинг яхши киши эканига ишонишім мүмкін. Рози бұлғанига ҳам. Лекин мен рози әмасман.

— Нега? Мен ҳамmasини пухта үйлаб қўйганман.

— Баҳорда у ҳали ўқиётган булишини ва тўқкизинчи синфни тугатиши лозимлиги хусусида майдачуйда гапларни ҳисобга олмаганда ҳамmasини үйлаб қўйгансан.

— Езда-чи?

— Езда ҳам бундай қилиш ярамайди. Сенинг ўз уйинг, ўз турмушинг бор. Қизчанинг бошини айлантиришнинг, уни шоҳид булишига таклиф қилишнинг нима ҳожати бор? Мен буни истамайман.

— Агар унга ўзим ёзсам-чи?

— Ёзакол. Менимча, у рози бұлмайди, — онасига әмас, балки ўзига үхшайдиган қизи худди шундай қилишига ишонч билан деди Лопатин.

— Сенинг ҳаётингда ҳам ўзгариш булиши мүмкинлигини үйлаб кўрмадингми? — сўради Ксения.

— Хозирча бунақаси кутилаётгани йўқ, — деб жавоб берди Лопатин бу сўзларга ҳеч кандай урғу бермай.

Лекин Ксения буни ўзича тушунди.

— Менга жаҳл қилишингни истамайман, — деди у. — Буни айтиш одобдан әмас-у, аммо мен чиндан ҳам баҳтиёман.

— Жуда соз. Сен ҳам ахир тушунсанг-чи, мен ҳозирги аҳволимдан жуда мамнунман. Буни ўзингча тасаввур қилиб кўрсанг-чи!

— Елғон гапирипсан! — Унинг кўзлари ёшга тўлди. — Ўзимни гуноҳкор ҳис этмаслигим учун шундай деяпсан.

Койил-е! У шундай булишини билганди: Лопатиннинг энди унга кераги йўқ, аммо Ксения ҳамон унга зарур булишини истайди.

— Гапларимга қулоқ сол, Ксюша, — у шундай деганди, Ксения сесканиб кетиб, хушёр тортди — бундай муомалани анчадан бери эшитмаганди. Лопатин уни

эркалаш дақиқаларида эмас, балки борган сайн қамайиб кетгандын шунчаки самимий инсоний түйғулар жүш урган пайтдагина унга шундай мурожаат қиласады, — ўзинг ўйлаб күр: агар сени аёл сифатида орзу қилған бұлғанимда сизларнинг уйингизга нега келарканман? — «Орзу қилиш» унинг эмас, балки Ксениянинг сузи, у яхшироқ тушуниб олиши учун унинг айни ана шу сүзини ишлатди. — Нима мақсадда? Бироннинг оиласини бузиш мақсадида унинг уйини вайрон қилиш учунми? Агар шундай қылса пасткашлик бұларды! Ўзингча, хамон сени севадиган мени нега бу ерга так-лиф қылдинг? Агар шундай бұлса яхши иш килмадинг?

У эътиroz билдирмокчи бұлғандек құлларини чўзди.

«Мен ҳакимда қандай қилиб шундай хаёлга бординг-а?» — енгиз кўйлакда қойилмақом машки олинганды бу таниш харакатнинг маъноси шундай эди.

— Агар ундаи бўлмаса бу ҳақда энди гап-сўз таомом! — деди Лопатин унга қўл харакатини сўз билан ифодалашга имкон бермай. — Энди, ҳамма нарсани сен билан очиқ-оидин қилиб олганимиздан кейин бутун оқшом мобайнида яхши қиши бўлиб ўтиришга ваъда бераман.

Бирок, бу хазил ваъдани у жудаям эрта бериб кўйганди. Яхши қиши бўлишдан аввал яна бир марта ёмон бўлишга тўғри келди.

Ксения тўсатдан казо қилған Галяни Москвада қандай дағн этишганини ва Галяни унчалик ёқтиромайдиган Лопатин нима сабабдан уни кўмиш маросимида катнашганини лоп этиб суриштириб қолди. Унга бу воқеани Лопатин армия газетасининг редактори бу ердаги — Даниловдаги эмас, балки бошқа — Ваганькадаги қабристон гўрковларини лаънатлаганини эслаб, қабрни уз вактида қазишга ултурмаган пиянисталар билан сўкишаётганда ён-атрофда беҳуда тентираб юрган москвалик кампирлардан биттаси ёзиг юборганди.

Қабрни ахири қазиб бўлиб, унга туширилган то-бутнинг бош томонига Лопатин яхлаб қолган бир сиким тупроқни ташлаган эди, ўша кампирлардан бири бирдан: «Оҳ, юзи томонга ташламанг, оғрийди!» деб қичкириб юборганди... Афтидан ўша овсар кампир ке-йинчалик Ксенияга дағн тафсилотини ёзиг юборган бўлса керак, деб ўйлади ҳозир Лопатиннинг қахри келиб.

— Унинг ўлими олдидан сен ҳатто касалхонага ҳам

борганингни менга ёзиб юборишганди. — Ксения-нинг чеҳрасида бехуда синчковлик ифодаси кўринди. Бунинг сабабини Лопатин биларди.

У жўнаб кетган пайтларда хонадонда тез-тез пайдо бўлиб қоладиган, гоҳида эса сафардан қайтиш кунларини барбод қиласиган бу бўялган ва тамаки хиди келадиган аёлни ҳеч қачон ёқтиргмаган, Ксениянинг хушторлик даврида унга маҳрамлик қилган, деб шубҳаланган эди. Бир пайтлари, кирк биринчи йилнинг декабрида Галя унга хотини ҳакида билганларини бирдан тўкиб солганда ҳам Лопатин ундан миннатдор бўлмаганди. Аммо Сталинграддан қайтиб келса, аллақандай ҳамшира ўзи «аста-секин жон берётган» касалхонага Лопатиннинг келиши илтимос қилинган шу аёлнинг хатини редакцияга ташлаб кетган экан. Одамлар бунақа иш билан ҳазил қилишмайди, деб ҳисобларди у. Худди шундай бўлди. У янгишмади... Хат бир ҳафтадан ортиқ уни кутган ва Лопатин касалхонага етиб келганда хатни редакцияга элтган ҳамшира палатанинг эшиги ёнида унга Ангелина Георгиевна бу ёруғ дунё билан хайрлашаётгани, рак билан оғригани — бирикки кундан кейин адойи-тамом бўлишини шивирлаб айтди.

Палатага кириб у соchlари таг-тагидан оқариб кетган ва таниб бўлмас даражада ориклаган Галяни кўрди. Балки, бундан ўн кун аввал хат ёзаётганда унга ниманидир айтмоқчи бўлган. Йўқса, нега хат ёзган? Аммо энди ҳеч нима деёлмаяпти. Лопатинга ҳам гуноҳкорона, ҳам сўнаётган кўзларида ҳайронлик ифодаси билан — унинг келиши мумкинлигини энди ўйламай қўйганди — боқиб, бир нима дея шивирлади-да, яна хушидан кетди. Афтидан, унга оғрикни қолдирадиган укол қилишса керак.

Лопатин бир оз туриб чиқиб кетди. Икки кундан кейин эса модомики касалхонага кирдими, демак мархуманинг бирор яқин қариндоши бўлса керак, деб ўйлаган уша ҳамшира уни редакцияга излаб келиб, Ангелина Георгиевна эрталаб қазо этгани, уни олиб кетиб, дафн қилиш лозимлигини айтди.

Редакциядаги билағон одамлардан Лопатин уларга қариндоши вафот этганини айтиб — акс ҳолда ёрдам сўраш нокулай эди — буни қандай амалга оширишни билиб олди. Унга лозим бўлган ҳамма ишда — тобут,

юк машинаси топишда, кимга лозим бўлса тегишли ҳакини тўлашда ёрдам беришди.

Кейин эса қабристонга борди ва узидан бошқа бу ерга келган москвалик учта зиёли кампирни қўрди, уларга бемаънилик қилиб, мархумани касалхонага бориб кўрганини айтиб қўйди. Энди, мана үшанинг натижаси! Ксения билан хеч кимга кераги бўлмаган мана бу сухбат!

— Ҳайронман, нега энди уникига бординг? Ахир сен уни севмас эдинг-ку!

— Севиш, севмасликка бало борми? — жаҳл билан деди Лопатин. Бу дунёдан кўз юмаётганини хабар килган эди — бораколдим.

— Нега энди айнан сенга ёзади? — тинчимай сўради Ксения. — Сендан нима истаганди, у сенга нима деганди?

— Нега ёзганини билмайман! — деди у. — Сенинг марҳаматинг билан танишган эдик, шу боисдан эслаб колган бўлса ажабмас. Худди ит каби ёлғиз ўзи ҳётдан кўз юмаётгани учун ҳам хат ёзган. Бунинг нимасига тушунмаяпсан?

— У ҳолда нега курслик киляпсан?

— Қурслик қилаётганим йўқ, сен кўпам ҳовлиқаверма. Одам ўлиб кетяпти-ю, сен бўлсанг ҳовлиқяпсан. Лопатин собиқ хотинининг кузига тик бокиб, жаҳл билан деди: — Ўлими олдидан сен ҳақингда менга хеч нима демади, бекорга ҳовлиқяпсан.

— Мен ҳақимда сенга нима дейиши мумкин эди? — суради Ксения писанда қилиб.

— Айтиладиган нарса бўлмаса, нега ҳовлиқяпсан? — яна такрорлади у жаҳлидан тушмай.

— Уникига нима сабабдан борганингни барибир тушунмаяпман, — ҳамон ўзини безовта қилаётган фикрдан ҳоли бўлмай қайсарлик билан деди Ксения.— Сенга хечам тушунолмаганман.

— Ҳақ гапни айтдинг, — маъюслик билан деди Лопатин.

Мархума ҳақидаги бемаъни гаплардан кейин ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди. Агар қўккисдан эшикда аёл овози эшитилмаганда, у балки худди шундай қилган бўларди:

— Ксения! Ердаминг зарур бўлиб қолди.

У оркасига ўгирилиб, эшикдан мўралаб турган ўзига таниш туюлган ёшгина аёлга кўзи тушди.

Ксения иргиб ўрнидан турди-да, эшик томон югерди.
— Хозир, хозир, илтимос, кечир мени...

У үзини чакиришганидан ва хонадан секингина чи-
киб кетиш имконияти туғилганидан севиниб кетди. Ил-
гари, Лопатин унинг эри бўлган пайтда у иложсиз
аҳволга тушиб, энди нима дейишини билмай қолганда
ё йифисини бошларди ёки үзини ёмон хис этгандек
кўрсатарди. Энди эса, хозирги вазиятида уни ҳам, буни
ҳам бажариш бемаънилик эди.

Унинг ортидан эшик ёпилиши билан Лопатин шуни
ўйлаб кулимсираб қўйди. Ана шу оддийгина бир фикр-
да ўтмишдан халос бўлганлик туйғусининг қувончли
зарраси бор эди.

9

Ксенияни чакирган аёл бир минутдан кейин хонага
кириб келди. Баланд пошнада тез юриб кирди. Лопатин
нимагадир, нималигини үзи ҳам билмайди, унинг мана
шу үзига хос тез юришини ўша ондаёқ сезиб қолди.
У елкаси аёлларникидан кўра сал кенгрок, бошидаги
сочи эркакларники каби калта кирқилган, оппок юзли,
табассумга мойил аёл эди.

Энди у хонага мўраламай кириб келганда Лопатин
бу аёлни таниди. У поездда дераза ёнида туриб папирос
чекаверган ўша аёл эди.

— Салом, — у ўрнидан тураётган Лопатин томон
юриди. — Сиз Василий Николаевичмисиз, менинг исми
шарифим Нина Николаевна. Кискартириб Ника десан-
гиз ҳам бўлаверади. Ксения менга сиз билан бирга
ўтиришимни, агар ўтиришни истамасангиз, бирга ту-
ришни буюрди.

Лопатин бу ерда Ксенияни Сюя эмас, балки Ксения
деб аташларини ўзича хаёлидан ўтказиб қўйди. Унинг
янги эри Лопатин килолмаган ишни бажарибди —
мушукларга хос Сюя исмини йўқотишга мажбур ки-
либди.

— Поездда адабсизлик қилиб тикилиб караган
бўлсан ҳам сизни нимагадир дарров танимабман, —
деди Лопатин.

— Келганимдан кейин сочимни қирктиргандим, шу
боисдан танимаган бўлсангиз керак. Мен сизни келма-
сингиздан олдин таниб олдим. Ксениядаги суратингиз-
дан танидим. Унда фуқароча кийинган ва ёш бўлсангиз

ҳам, бари бир вагонда бир-биримиз билан кўз уриштирган майорни таниб қолдим.

— Мен бақрайиб қолганимнинг боиси бор. Сиз нега энди тикилдингиз?

— Сабаби бор эди. Бугун эса сиз билан танишиб олиш истагида Ксениядан илтимос килиб, ўзимнинг улушимни ҳам олакелдим. Ҳозир деярли ҳамма бир-бириникига шунака килиб боради. Тұғрисини айтсам, олиб келган товуғим жудаям озғин.

У бурнини ғалати жийириб қулиб қўйди.

— Мен билан танишиб олишни нега тўсатдан истаб қолдингиз? — сўради Лопатин ўзининг гўзаллигини ҳис этувчи димоғдор аёллар билан гаплашаётганда гоҳида ишлатадиган бетакаллуф, қўрс оҳангда. Бундай муомала гўё: ҳа, ёқмаслигимни ва сизга ёкишим ҳам даргумон эканини биламан, аммо худди шу боисдан менинг олдимда бемаъни гапларни айтишдан сақланинг, деб огоҳлантиргандек бўларди.

— Сталинграддан ёзган маколаларингизни ўқиганимдан кейин менда сиз билан танишиш фикри туғилганди. Қейинроқ Ксения суратингизни қўлида ушлаб ўтириб, сиз мард, доно ва умуман мукаммал бир инсон бўлсангиз ҳам не сабабдан ташлаб кетганини шунчалик узок тушунтирудики, оқибатда мэн ҳеч нарсани тушунолмай қолдим. Мен эса ҳамма нарсани тушуниб олишни яхши кўраман.

— Бунинг нимаси тушунарсиз? Меъдасига теккан-дирманки, ташлаб кетган. Нима, бунақаси бўлмайдими?

Балки, аёл, «ташлаб кетди» деб, унинг эътиroz билдиришини кутган бўлса керак. Лекин у эътиroz билдирмади.

— «Ташлаб кетилган — ўйлаб топилган сўз. Нима, мен гул ёки хатмидим?» — кироат билан ёддан ўқиди у. — Айтгандек, Ахматова ҳозир шу ерда, Тошкентда.

— Хабарим бор, — деди Лопатин. — Мана шу шеърларини ҳам сизнинг ҳозирги ёшингизда бўлган пайтимда ўқигандим.

— Шу ёшимда бўлмаса керак. Ҳозир йигирма тўққиздаман. Ҳатто йигирма тўққиз-у, яна йилнинг тўртдан уч қисми, шундай бўлгач, ўттиз деб ҳисоблайвенинг!

— Ундаи бўлса, бир неча йил илгари экан. Яххиси, менга айтингчи, Ника, — Лопатин унинг исмини киноя оҳангига айтди, — Ника деб аташларидан кўркмай-

сизми? Ҳозирги уруш даврида ғалаба худоси деб аталиш жуда маҳобатли бўлиб кетмасмикан?

— Мен бундан қўрқмайман, — деди у. — Агар сизга шунчалик даҳшатли туюлаяпган бўлса, мени Нина Николаевна деб аташингиз мумкин.

— Майли, ҳар иккаласини ҳам ўйлаб қўраман, — деди Лопатин кулгисини яшириб, — синчковлигим учун мени кечиринг, нега энди ҳозир сиз бунақасиз, поездда эса бутунлай бошқача эдингиз? Худди нимадир содир бўлгандек кўринишда эдингиз. Мен факат сизга тикилмаслик мумкин бўлгани учунгина эмас, балки нариги дераза ёнидаги аёлнинг бошига аллақандай ташвиш тушибди, деган фикр хаёлимга келгани учун тикилиб қарагандим.

— Ҳозир бошқачаман, бунинг боиси бирдек яшолмаслигимдан бўлса керак. Ўшанда вагонда ростданам менга оғир эди, чунки...

— Агар ҳоҳламасангиз тушунтирумай қўяколинг.

— Аксинча, сизга тушунтирумокчийдим, бўлмаса гап очмаган бўлардим. Шунчаки, қандай қилиб қискарок айтиб берсамийкин, деб ўйляяпман. Мен отамдан хабар олгани борган эдим, у Қизил Ўрдада тузалишидан умид килинмайдиганлар госпиталида ётибди. Биласизми, шунака госпиталлар ҳам бор экан. Албатта, бошқача ном билан юритилади-ю, лекин аслини олганда... Эшитганмисиз?

— Ҳа.

— Ўзлари чиқиб кетишолмайдиганлар госпитали. Гоҳида уларни олиб кетишади, гоҳида ташлаб кетишади. Отамнинг қўли ҳам, оёғи ҳам бутун, лекин жароҳатдан кейин бутунлай фалаж бўлиб қолган, энди ҳеч қачон ўрнидан туролмайди, шундай бўлса ҳам хотини уйига олиб кетмоқчи. У эса истамаяпти. Шу боисдан хотини менга хат ёзиб, уни кўндиришда ёрдам беришни сўраганди.

— Кўндирингизми? — сўради Лопатин.

— Йўқ, у ҳоҳламаяпти, хотинини аяяпти. Хотини ҳали ёш: эндигона ўттиз беш ёшда. Отам бундан ўн беш йил аввал уникига кетиб қолган. Ўшандан бери бу аёлдан нафратланардим. Лекин у отамни госпиталдан уйига олиб кетмоқчи бўляяпти. Бир йилдан бери ўша ерда битта хонани ижарага олиб яшаяпти, ҳар куни унинг олдига қатнаяпти. Врачлар эндиликда ҳеч нимани ўзгартириб бўлмаслигини узил-кесил айтгандан

кейин уни уйига олиб кетишга аҳд қилибди. Отам бўлса кўнмаяпти. Ҳеч нима килиб бўлмаяпти. Илгари ўзимни ҳақ ҳисоблаб, ундан шунча йил нафратланиб юрганимдан уяламан. Ҳозир иккиланиб қолдим: унинг ўрнида бўлганимда мен шундок қилолармидим? Балки қилолмаган бўлармидим...

— Нега шунақа деб ўйлаяпсиз? — сўради Лопатин.

— Мен доим ўзимга бино қўйишдан қўрқаман. На хотки, сиз қўрқмасангиз?

— Йўқ. Лекин, ахволингизни тушуниб турибман.

— Тушунган бўлсангиз, унда яхши. Мен поездда кетаётганимда отамни ўладим. У бизни ташлаб кетган дастлабки йили болалик қилиб, онамнинг ҳакқиҳурмати, бирор бахтсизликка дучор бўлишини истагандим. Албатта бунақасини эмас. Унинг ҳаёти эса, аксинча бизни ташлаб кетганидан то уруш бошлангунга қадар жудаям яхши ўтди. Сизни иккита ярадорлик белгиси ва орден билан дераза ёнида турганингизни кўриб ўйланиб қолдим: Нега шундай бўлган? Нега отам ҳалқ лашкарлари сафида фронтга бориб, биринчи куниёқ шунчалик даҳшатли ярадор бўлдийкин? Минанинг битта парчаси ҳаммасига чек қўйди! Энди ҳеч нима, ҳеч қачон яхши бўлмайди. Манави дераза ёнида турган киши эса қаёққадир кетяпти, афтидан оиласини кўргани боряпти. Икки марта ярадор бўлиб тузалибди, бакувват кўринади, янги орден ҳам олибди, чехрасида мамнунлик ифодаси барк уриб турибди, ҳамма иши жойида бўлса керак. Нега шундай? Ҳар вакт ҳамма иши жойида бўлган отам нега энди бирданига, бир кунда, бир дақиқада шунчалик умидсиз ночор ахволга тушиб қолдийкин? Мана, кўряпсизми, гапимни қисқа қилмоқчи бўлувдим, гўё қараб туриб сизга ёмонлик тилагандек бемаъни гапларни кўп гапириб юбордим. Аслида сизга умуман ёмонликни раво кўрмагандим. Бирок, бари бир, сизга айтганимдек, бемаъни гапларни ўйлайвердим. Кейин маълум бўлишича, ҳеч кимдан ортиқча жойи бўлмаган одам экансиз. Шунчаки, кўринишингиз бошқачароқ, — кулимсираб деди у. — Папиросимни ошхонада қолдирбман, сизда борми?

Лопатин унга папирос узатди.

— Афтидан, сизда аёлларнинг тавба-тазарруғига хайрҳоҳ бўладиган нимадир борга ўхшайди.

— Тавба-тазарруларга, айниқса аёлларникига то-

қат қилолмайман,— деди Лопатин,— «Тавба-тазарру» сўзининг ўзини ҳам ёқтирмайман: унда аллақандай олдиндан тайёрлаб кўйилган гаплар бўлади. Сиз эса шунчаки ўйлаганингизни айтдингиз. Бунинг нимаси тавба-тазарру? Нимаси аёлларники? Аёлларнинг тавба-тазарруғи одатда эркакнамо хотинларга тегишли бўлади. Ҳар қандай камчилигим бўлса ҳам мен бундайлар тоифасига кирмайман. Яхшиси, икрор бўлаколинг: қачондан бери тутатаётисиз?

— Якиндан бери, уруш бошланганидан кейин. Ни ма, сезиляптими?

— Ҳа.

— Сиз-чи?

— Ўрта ўкув юртининг бешинчи синфидан бошлаб, аввалига ё ҳожатхонада ёки енгимнинг ичига яшириб чекардим.

— Урушда кўпроқ чекадиган бўлдингизми?

— Аксинча, камайтирдим. Ҳаммавақт тамаки топилавермайди-да.

— Менга айтинг-чи, хавфли пайтда кўпроқ хумори тутадими?

— Буни ҳечам таққослаб кўрмаган эканман. Хавфли пайтда қўркаман, хумори тутганда эса, агар тамаки бўлса чекаман.

— Менга қилаётган муомалангиз ёқяпти.

— Жудаям хурсандман.

— Менга айтинг-чи, Василий Николаевич...

Афтидан, аёл аллақандай муҳим бир нимани суриштирмоқчи эди, лекин шу пайт йўлакда қўнғирок чалинди-ю, эшикни очгани чиқиб кетди.

«Хозир унинг эрини кўраман», — бу одамнинг қандай эканини мутлақо тасаввурига сифдиромай деди ўзича Лопатин Ксенияни ўйлаб. Ксениядан ҳар қандай нарсани кутиш мумкин эди, эри ҳам ҳар қандай одам бўлиши мумкин.

Лопатин хаёлан Ника деб атаётган аёл ортидан хонага ёши анчага бориб қолган ва ҳаддан ташқари бўйдор яна бир аёл билан унинг ёнида кичкина туюлган ўрта бўйли киши кириб келди.

Ксениянинг бакувват, хушрўй,mallasoch янги эри мулойим чехрали, хотиржам киши эди. У Ксения билан тенгдошдек кўринарди. Балки, шунақа бўлса керак.

Лопатин бўйдор аёл томон бир қадам юрганди,

лекин у кўлини беүхшов силкитган ҳолда саломлашмай, деярли бакиргандек қаттиқ гапирди:

— Мен ҳозир қайтаман! — Аёл шундай деди-ю, дарров чикиб кетди.

Ксениянинг янги эри эса Лопатиннинг истиқболига юриб, унга совқотган бакувват кўлини узатди.

— Салом, Василий Николаевич! Мен Веденеев бўламан. Бизнига қадамранжида қилишга рози бўлганингиздан хурсандман.

Лопатин Никага кўз қирини ташлаб қўйди. У бурнини одамнинг кулгисини қистатадиган даражада жи-ириб туради. Афтидан, уни бу учрашувнинг шоҳиди бўлиш қизиктиради.

«Ҳа, майли, сенинг ўрнингда бошқа аёл бўлганида дарров чикиб кетадиган даҳлиз бўлмаганидан кейин гувоҳ бўлиб қатнашавер», — ўйлади ўзича Лопатин ва Ксениянинг янги эрига папирос узатиб деди:

— Мен ҳам хурсандман. Келинг, бошламасига чекиб, ҳамма гапни келишиб оламиз. Мен жабрланувчи эмасман, сиз жавобгар эмассиз, бўлиб ўтганларнинг ҳаммасини яхшиликка йўямиз. Шундан бир қарорга келиб, агар бўлса, ароғингизни ичамиз.

— Мана энди сиз билан танишамиз, Василий Николаевич, — яна хонага қайтиб деди бўйдор аёл баланд овоз билан ва шундан кейин хонага ўша ондаёк жимлик чўкди. — Ўзимга салгина оро бердим, дастлабки танишувга шунинг ўзи етарли.

— Салом, Зинаида Антоновна, — унинг совуқдан кизариб кетган каттакон кўлини ўпид деди Лопатин. — Аллақачондан бери, ҳатто икки марта сиз билан танишишга умид қилгандим, аммо ўлинин тополмагандим.

— Илтимос, факат алдаманг. Мени шартта тишлаб олади, қопади ва умуман ялмоғиз, деб ёлғон гапи-рувчиларни жиним ёқтирамайди. Агар истак бўлса танишиб олган бўлардингиз. Мен мулоим ва кеккайган ялмоғизман, чиндан ҳам ўзимга ёкиб қолганларни ҳеччам қопмайман. — У ўзининг гапидан мамнун ҳолда эркакча хохолаб кулди-да, Лопатин узатган папиросни рад этди: — Менга, балки, ярасса ҳам, чекмайман. Айниқса, трубка чекиш ярасса керак. — У яна хохоладида, Лопатинни такаллуғсиз бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди. — Фронтдан ёзган мақолаларингизни ўқиганимдан кейин сизни корачадан келган, мўйловли шоввоз, деб ўйлагандим. Сиз бўлсангиз менинг эримга

үхшаган революциядан аввалги студентлардан чикқан оддий бир зиёли экансиз. Ёшингиз нечада?

— Кирк олтида.

— Эрим ҳам худди шу ёшда. У ҳам фронтда, медсанбат бошлиғи. Юбораётган хатларида бунинг мутла-ко хавфсиз эканини ёзиб алдаяпти. Алдаяпти, а?

— Гоҳида алдабди, — деди Лопатин.

— Ёлғон гапирмаганингиз яхши, — деди у. — Катталарни алдаш ярашмайди, мен сиздан каттаман, ёшим эллик учда.

У ёш кўринади-ю, аммо эркакча қирғибурун ва хурпайган оппок сочли, уткир, зукко чехраси анча ёш кўринасиз, дейишга ҳалакит берарди. Бу шундай чехра эди-ки, ёшликни эмас, балки қарилик жозибасини акс эттиради.

— Мен сизни саҳнада биринчи марта анча илгари, революциядан олдин «Макбет»да кўрган эдим, — деди Лопатин.

У мамнун жилмайиб қўйди.

— Энг юқоридаги ўринда ўтирибми?

— Энг юқорисида.

— Бу сўзда биз, артистлар учун рад килиб бўлмайдиган аллақандай жозиба, театрнинг аллақандай сири бор. Нимагадир айнан ёшлигига юкори қаватлардаги ўринларда депсиниб турганлар қариган чоғида ҳам сени эслашларини истайсан. Юкори қаватдан томоша қилинган артист ҳақидаги хотира бир пайтлари ёйма бозордан харид қилинган қўнглингдаги буюмга нимаси биландир үхшаб кетади. Мантиқ етишмайди-ю, лекин үхашлик бор.

— Ҳозир Зинаида Антоновна бизнинг бадий раҳбаримиз, — деди Ксениянинг янги эри.

— Лекин булар тез кунда мени яна артистликка ҳайдаб юборишади, — кулиб деди у. — Чунки мен уларга театр — бу, қаср эканини қайта-қайта таъкидлаб, саҳнада пиймада юришга йўл қўймаяпман. Ҳатто хомаки репетицияда ҳам.

Энди унинг бадий раҳбар эканлиги Лопатин бу аёл ҳақида билмайдиган ягона нарса эди. Бошқа ҳаммасини билади. Агар Ксениянинг янги эри қандай эканлиги ҳақидаги фикрлари билан банд бўлмаганида у эшикдан мўралаши билан, албатта москвалик кўпчилик одам ҳаддан ташқари кўрс, дам ҳаддан ташқари ажиб бир аёл сифатида тан оловчи, дам трагедияда ҳам,

комедияда ҳам ниҳоятда ўткир ўйини билан бир хилда ҳаммани қойил қолдирадиган шунчаки буюк бир актрисани дарров таниган бўларди. У ҳатто муваффакијатсизликка учраганда ҳам буюклигича қолди. Бунакаси ҳам бўлиб туарди.

Мана, хозир ҳам у Лопатинга бегона бўлган шу уйга, шу бегона хонага кирганда, уйда ҳам, хонада ҳам, ҳамма нарса дарров аллақандай бошқача бўлиб қолди. Бу пайтгача унтилган нимадир тўсатдан энг мұхим нарсага айланди. Энг мұхим тюолган нимадир эса ортга чекинди. У худди театрда, саҳнада тургандек шу хонада ўзларининг бошқача ролларини ўйнашга ҳозирланган бошқа ҳаммани бирдан чеккага суриб кўйди. Агар хонада шу буюк актриса бўлмаганида, Лопатиннинг кўзига ташланадиган ҳамма нарса балки аҳамиятсиз бўлиб кўринарди.

Ксения билан унинг янги эри ўзаро кўз уришириб олишганини, Ксения анчайин каттагина лагандаги паловни тантана билан столнинг ўртасига қўйганини ва кимни ким билан ўтқазишни билмай бироз иккиланаётганини сезиб қолди у.

Танаввул пайтида Ксения улар яхшиликча ажралишиб, унинг фикрича, мана энди яхшиликча учрашишганидан кувониб ўтириди. Лекин ажрашиш муқаррар эди, учрашиш эса тасодифан рўй берди. Улар шунчаки бир-бирларига ортиқча ёмонликни раво кўришмасди. Факат шу холос.

Аммо Ксения ҳакидаги бу фикрлар Лопатинда бир дақиқа пайдо бўлиб, дарров изсиз йўқоларди ва ҳатто унинг гап-сўзсиз эътибори беихтиёр хавотирга солаётган ёнидаги Ника ҳам дастурхон атрофида энг асосий эмас, балки иккинчи даражали шахс эди.

Худди уни еб юборадиган даражада тикилиб рўпарасида ўтирган ва саволларига жавоб берәётган мана бу ёши ўтиб қолган қиррабурун хунук аёл бари бир энг асосийси эди.

Аввалига Ксения актрисани Лопатиннинг ёнига ўтказди, аммо Зинаида Антоновна унга бир-иккита савол берди-да, кейин одамлар билан ёnlамаси ўтириб гаплашомласлиги, Нина Николаевнага эса бари бир эканини айтиб Лопатиннинг рўпарасида ўтирган Ника билан ўрин алмашди.

У дастурхон атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси — Никага ҳам, Ксенияга ҳам, унинг янги эрига ҳам фақат

исми ва отасининг фамилияси билан мурожаат қиларди. Артистка театрда ҳатто студиячилар — ёшгина болалар ва қизчаларга ҳам худди шундай мурожаат этгани ҳақида урушдан олдин Москвада эшиганини эслаб, у сухбат орасида шу гап тўғрими, деб сўради.

— Албатта! Мен ёлғон-яшикларга ўрганиб қолганман-у, лекин буниси рост, — деди у. — Бир театрда ишлаб туриб уларга нисбатан менга килинаётганидан кўра бошқача муомалада бўлишга ким ҳуқук берди — ёшим, лавозимим, унвонимми ёки уларнидан кўра бир оз машҳуригимми? Нима? Бирорни «сен» ёки «сиз» дейишига, исмини айтиб ёки исм-фамилиясини атаб чакириш ҳукукини ўз билгингизча ўзлаштириб олишга наҳотки уялмасангиз? Унда эса сизга нисбатан бундай ҳуқук йўқ: сиз олдиндан хаёлан уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилган бўласиз! «Петъка», «Колька», «бу ёққа кел», «келтир» — бунака гапларни жиним ёқтирамайди. Менга ҳеч ким Колька эмас, мен ҳам ҳеч кимга Зинка эмасман — на эллик, на йигирма ўшда. Ўзбошимчаликни ёқтирамайман! Токат қилолмайман! — у бу сўзни шунчаки эмас, балки Лопатинга бақириб айтди.

— Зинаида Антоновна, менимча, сиз Василий Николаевични ҳатто қўрқитиб юбордингиз, — Никанинг истеҳзоли овози эшитилди.

— У фронтчи, ҳеч кимдан ҳайикмаслиги керак, ҳатто мендан ҳам! — Зинаида Антоновна эркакча хохолаб кулди-да, унга арок қуймокчи бўлган Ксениянинг эрини тўхтатди: — Мен сизга охирги гапимни айтдим: мени арок билан маст қилманг. Яхшиси яна паловдан солиб беринг, уни есам роҳат қиламан!

Ксениянинг эри тарелкага паловдан солиб берди-да, бутилкани ушлаб тураверди.

— Фронтчининг саломатлиги учун яна битта! Сизнинг эрингиз учун, Василий Николаевич учун ва умуман ҳамманинг саломатлиги учун!

— Ичмайман, бу бемаънилик! Шу билан уларга бари бир осон бўлмайди.

У қадаҳни тўнкариб қўйди-да, яна Лопатинга тикилиб сўради:

— Менга тўғрисини айтинг-чи: ўзингиз, ўз қўлингиз билн немисларни ўлдирганмисиз?

— Бўлиши мумкин, — деди Лопатин. — Лекин, менимча, ўлдирмаган бўлсан керак.

— Тушунолмадим, бу билан нима демоқчисиз?



— Уруш бошланган кезлари бошқалар билан бирга неча мартағабилди. Мартадан үк узганман, үтгандың күздөн эса бир марта пулемёттегінде ҳам отганман, лекин үкларим мүлжалға тегдими-йўқми, билмайман.

— Энди тушундим. Уларни бошқа бир кимса эмас, балки ўзингиз ўлдиришни истармидингиз?

Лопатин елкасини қисиб қўйди-да, бу ҳакда ўйлаб кўрмаганини айтди. Фашистларни ўлдириш зарурлигини, чунки, акс ҳолда ғалаба қозониб бўлмаслигини, уларни ўлдириб, ўзимиз тирик қолиш яхши-ю, бунинг аксинчаси ёмон бўлишини ўйларди. Аслини олганда у уруш бошланганидан бери шу ҳакда ёзяпти. Албатта, фақат шу ҳақдагина эмас, лекин ҳаммавақт деярли шуни қаламга оляпти, чунки шунинг ўзи уруш-да.

— Тушунарли, — деди Зинаида Антоновна. — Лекин, айтинг-чи, агар бирор кимса эмас, балки айни ўзингиз битта ёки бир неча фашистни ўлдирганингизни аниқ билганингизда қоникиш ҳосил қилган ёки ҳатто завқ олган бўлармидингиз?

— Балки, қоникиш ҳосил қилардим... «Завқ олиш» сўзи менга ёкмайди, урушга ҳам учалик мос келмайди.

— «Жангда лаззатланиш» сўзи қандай тушунилади?

— Бу сўзни, шу маънода ёзилган бошқа кўпгина сўзларни ҳам ишлатмаган бўлардим, — деди Лопатин. — Мен ўзимнинг маколаларимни қайта уқиб чиқмайман-у, аммо ўйлашимча, «лаззатланиш» сўзи уларда йўқ. Хаёлимга ҳам келмаган...

Унга Зинаида Антоновна шунчаки сўрамай, балки ўзи учун ниҳоятда муҳим бир нимани синчковлик билан суриштираётгандек туюлди, шу боисдан саволига жавоб бераркан, ҳали ўзига ҳам тушунарсиз бўлган ҳар бир сўзи учун масъулият хиссини сезарди.

— Менга яна бир нарсани тушунтириб беринг-чи, — у Лопатиннинг кўзига дикқат билан тикилиб сўзида давом этди: — Мана, сиз фронтчисиз...

— Анигини айтганда, учалик фронтчи эмасман, — сўзини бўлди Лопатин. — Мен хизмат бурчи юзасидан урушда бўладиган одамман...

— Хўш, урушда бўладиган одам, менга жавоб беринг-чи: Ватан учун ҳалок бўлиш жасоратини сиз қандай тушунасиз? Унда қандай ҳис-туйғу бўлади?

— Бу хиссиёт эмас, — деди Лопатин. — «Ҳалок бўлиш жасорати!» ёпишмайдиган сўз, йўқ, сира ёпиш-

майди... Қанака қилиб ҳалок булиш жасорати бұларкан? Ҳалок булиш жасорати — бу үзини үзи үлдириш демакдир. Урушда үлим хавфи юз берадиган шароитда үзингга боғлиқ бұлган ҳамма ишни амалга ошириш жасорати хусусида гапирилади. Гоҳида әхтимолға яқын, иложи бұлмаганда — деярли мұқаррар жасорат бұлади. Бунда қанақанги ҳиссиёт булиши мүмкін? Балки, ҳатто чорасиз қолганда ҳам, бари бир, яшашга бұлған истак ҳиссиёти бұлади. Бусиз сұнгги дақықага-ча қоладиган ҳиссиётта үзини үзи қурбон қилиш истаги ҳам бұлмайди.

— Демак, бари бир, ҳиссиёт бор экан-да!

— Демак, бари бир бор экан, — унинг фикрига қүшилди Лопатин. — Мен үзимни айтаётганим йўқ, шунчаки ҳозир сиз билан фикрлашяпман.

Лопатин Қсениянинг енгил нафас олганини сезди — у собиқ эрининг жаҳли чиқиб кетишидан қўрққанди. Үзи унга тегажоқлик қилганда худди шундай бўлгани ёдига тушди-ю, лекин үзи билан шу аёл ўртасидаги, үзи билан унинг саволлари ўртасидаги фарқни тушунмай қўрқиб кетди.

— Жаҳлдан кўзларингиз қизариб кетди, — деди Зинаида Антоновна, — Чунки мен сизни үйлашни истамайдиган ёки үйлайвериб чарчаган нарса ҳақида үйлашга мажбур қилдим. Менга жаҳл қилманг! Уруш биргина сизни азоблаётгани йўқ. Мен бу ерда, Тошкентда үзим тасаввур қиломайдиган уруш тўғрисида пьеса қўяман. Анчайин қариб қолганман ва шу боисдан ҳам одамларнинг қандай жафо чекишлари-ю, қандай жон беришларини, бошқа одамлар үлимидан қандай огоҳ булишади-ю, уларнинг ҳаёти учун қандай хавотир олишларини яхши биламан, аммо булар уруш тўғрисида пьеса қўйиш учун етарли эмас. Мен уруш ҳақида яна ниманидир билишим керак ва мен шунга ҳаракат қиляпман! Пьеса менга ёқяпти, ҳаққоний ёзилгандек туюляпти, муаллифнинг ҳиссиётига ҳам ишонаман, бирок саҳнада айтиладиган сўзларга ишонмайман. Гоҳида сўзларнинг үзи, гоҳида эса артистлар репетицияда бу сўзларни талқин этишлари ёқмаяпти.

— Мана шу сўзлардан айримлари сизда синааб кўрилди, сизни театримиз учун ишлашга мажбур қилишибди, — деди Қсениянинг янги эри. — Бизда ҳозир, сизга сиримизни очсан, бош ролни ижро этувчи ўш артисткамиз яқиндагина фронтдан қайтган, фронт бригадасида

уч ой бўлган, энди репетицияларда ғоятда фаоллик курсатяпти — ҳамма нарсадан хабардор, ҳаммага тушунтиряпти. Зинаида Антоновна эса узига хос хушмуомалалик билан...

— Хушмуомалалик менга хос эмас, — жеркиб берди Ксениянинг эрини Зинаида Антоновна, — хизмат курсатганларни ҳам, ҳалқ артистларини ҳам, агар улар репетиция пайтида киркуяқдаги қур-қур каби факат ўзларига қулоқ солсалар, оғизларига копкок бўлишимни узингиз яхши биласиз. Лекин мен изтироб чекувчи одамларни ёқтираман. Лидия Андреевна эса фронтдан изтироб билан кайтди. Мен унинг изтиробларига қулоқ соляпман, бу мен учун уруш садоси!

— Сиз, одатдагидек, берилиб кетасиз-да, — деди Ксениянинг эри.

— Мени бадиий раҳбарлик вазифасига кўндираётганингизда, берилиб кетишими ҳақида сизни огохлантириб қўйгандим чофи. Мен бемаъни эканим, ҳеч қачон маънили бўлмаслигим ҳақида сизни огохлантиргандим. Маънили бўлмоқчи ҳам эмасман. Бошқалар неча марталаб пушаймон бўлгандек, мени ишга олганингиздан афсусланиб юрасиз.

— Ҳечкиси йўқ, чидайман, — хотиржамлик билан деди Ксениянинг эри ва ҳеч нима бўлмагандек Лопатинга ўгирилди: — Немисларни ўлдиришдан лаззатлашиб хусусида айтмокчийдим — фронтдан қайтган актрисамиз айни шундай воқеага дуч келган. У аллақаेरда тўп отиб, снаряд ўлда кетаётган машинага тушгани ва ундаги немисларни ўлдирганини уз кўзи билан курибди. Ҳархолда ўзи шундай деяпти. Албатта, бундаги асосий нарса ўзининг бўлиб ўтган воқеага нисбатан хиссиётидир.

Лопатин бунақа воқеалар қандай бўлишини яхши билгани учун кулимсираб қўйди. Томошадан кейин актриса билан ўртоқларини, балки аллакайси тинч участкага, оғир артиллерија позициясига олиб боришиган ва у ерда актрисага олдинги маррадан калибрига қараб уч ёки беш километр масофада туриб, олдиндан тайёрланган мўлжал бўйича отиш чилвирини силтаб тортишга рухсат беришган. Снаряд бизникилар дамбадам ўт очиб безовта килиб турган немисларнинг фронт ўли участкасида портлаган. Агар омади келиб ниманидир яксон қилган бўлса — бизнинг артиллерија кузатувчиларимиз актриса чилвирини силтаб тортган

үт очиш позициясида мұлжал муваффақиятли амалга оширилганини хабар қилишган.

У ҳеч нима демади, шунчаки кулимсираб қўйди. Аммо Зинаида Антоновна жаҳл билан унинг бир онлик жилмайшига ёпишиб олди-ю, нималарни ўйлаганини айтиб беришни талаб қилди.

Шундан кейин у ўйлаганини айтиб берди, одамгарчилик қилиб киноя қилмаган, ҳатто бирор марта кулмаган бўлса ҳам Зинаида Антоновна бари бир ниманидир айтмаганини сезиб, унга бақириб берди:

— Мазах қилманг, эшитяпсизми? Унинг устидан кулманг! Ҳатто у агар бир оз лоф қилган бўлса ҳам, бари бир изтироб чекиб қайтган! Буни айтиш ҳаммамиз учун мухим бўлган. Унинг сўзларини ва ҳатто беҳуда гапларини эмас, балки чеккан изтиробини эшитдик!

У бақириб айтган бу эхтиросли эътиқодда бир оз бемаънилик, бир оз ожизлик бор эди. У Лопатин билан бўлган бу баҳсада ожиз эди, аммо ҳақиқатни шунчалик иштиёқ билан излаши оқибатида унда, уруш ҳақида Лопатин билганининг ўндан бир бўлагини ҳам билмайдиган аёлда ана шу иштиёқ ва истеъодод кучи билан урушни яхши билса ҳам ҳали эришолмаган ва эришиш мумкин бўлмаган журналистга қараганда аллақандай бир нимага эришадигандек туюлди. Лопатинда на энди у билан баҳслашиш, на икки карра иккенинг тўрт булишини исботлаш, фронтдан қайтиб келиб ёлғонни боплаган актрисани мазах қилиш истаги бор эди.

— Нега менга бунчалик тикилиб қолдингиз? — сўради у бақириб бўлиб. — Афтидан мени лақма деб ўйлаётгандирсиз?

— Бир пайтлари театрнинг энг юқори жойидан сизга қанчалик меҳр-муҳаббат билан тикилган бўлсан, ҳозир ҳам шундай, балки ундан кўра кучлироқ меҳр билан тикиляпман, — деди Лопатин. — Соддадил одамларни эса мен яхши кўраман. Агар иккаласидан бирини танлашга тўғри келиб қолса, унда бошқалар зўрга ишониб, ўзига ишонмай қўйганлардан кўра кўпроқ соддадилларни ёқтираман.

Зинаида Антоновна кўзининг бурчакларидаги ёшлиарни артиб қўйди.

— Сизнинг дилингиз ёвуз, қалбингиз сахий!

У буни бутун хонага эшитиларли қилиб шунчалик баланд овоз билан қатъий қилиб айтдики, гўё рўпарасида кутниб ўтирган Лопатинга узил-кесил ҳукмга имзо

чекилгандек бўлди. Лопатин беихтиёр равиша жилмайиб қўйди. Унинг гапига эмас, балки ўзича кулиб қўйди. Унинг дили умуман ёвуз эмас; шунчаки у аникликни ёқтиради, тамом-вассалом. Агар унинг рўпарасида Лопатин эмас, балки Гурский ўтирган бўлганида жудаям ўрнига тушарди: қалби сахий, дили аламзада. Қаердадир үқишганди: «ёвуз» эмас, балки «аламзада».

— Кулмай қўяқолинг, — деди Зинаида Антоновна. — Буни мен эмас, балки Пушкин «Арзумга саёхат»ида ёзган.

— Биламан.

— Сиз умуман кўп нарсадан хабардорсиз, шундай экан, биз билан баҳам кўринг-да! Сиз энди бу ерга қайтиб келмайсиз ва сизни бошқа кўрмаганимиздан кейин айтиб бераверинг, — деди у ва даврадагиларни мутлақо унутиб, Лопатиндан фронт ҳаётининг турли тафсилотларини суриштира кетди.

Саволлар ҳам ўзининг фаросатлиги, ҳам ўзининг соддалиги билан Лопатинни ҳайрон қолдирадиган дарражада турлича эди. Лекин мана шу соддаликда ҳам анойи саволлардан ҳайикмайдиган қалб тафти, овсар бўлиб кўринишдан қўрқувдан кўра кўпроқ хабардорлик мухим бўлган одамларга нисбатан зўр қизиқиш бор эди.

Лопатин билганича жавоб берди. У сўраб-суриштиришдан чўчимайдиган одамларни хурмат қиласарди.

— Менга айтишларича, сиз бу ерда анавиникида яшаркансиз. — У Вячеслав Викторовичнинг фамилиясини айтди. — У билан қандай муносабатда бўляпсиз?

— Мен уни хурмат қиласман, — деди Лопатин.

— Хурмат қилганимисиз ёки хурмат қиляпсизми?

— Хурмат қиласман.

— Мен бўлсан ундан айнидим. У мени алдади. Ўзимни эркакнамо ҳис қилишни жиним ёқтирамайди-ю, аммо унинг олдида худди шундай қилавераман.

Лопатин Ксениянинг эри тўғрисида ўйлади: бу аёл унга қандай муносабатда бўлаётганийкин? Ўзининг эри ундан кўра катта ёшда ва фронтда юрибди, бу бўлса ёш, бақувват ва шу ерда юрибди? У билан биргаликда ёнма-ён амалга оширилаётган иш бўлиши мумкин. Яна нима? У шу театрда мохирона ишлаётган бўлиши мумкин. Мана шулар уни Зинаида Антоновнадан ҳимоя қиляпти.

— Герман урушида сиз ҳозирги кирк олти ёшингиз-

да иккинчи разрядли аскар ёки ҳарбий даврнинг пра-
поршчиғи бўлардингиз, — деди у тусатдан Лопатинга.

— Эҳтимол, — деди у ўзича ўша урушда бу ёшгача
навбат етмаслиги мумкинлигини ўйлаб. Бари бир ўша
пайтдаги уруш ҳар қандай машакқатли бўлса ҳам
бунисидан кўра бошқача уруш эди ва ҳатто урушнинг
энг охирларига бориб фронтга ҳозирги урушнинг шу
пайтига кўра кам одам йўлланган. Ёшга нисбатан ҳам
ҳозиргидан кўра бошқача муносабатда бўлинарди.
Ўша пайтларда кирқ олти ёш нега сен урушда эмасли-
гингни тушунтириб беришадиган ёш эмасди. Эндилик-
да эса бу масала ўзаро муносабатларда кўзга ташла-
ниб туради. Мана бу стол атрофидаги сухбатда ҳам шу
масала.

— Ёшим тўғри келарди-ю, лекин армияга чақирав-
дан озод этилганим ҳақида ҳужжатим бор, — деди
у. — Гражданлар урушида ҳам иштирок этмаганман.

— Сиздан худди шуни энди сўрамокчи бўлиб тур-
гандим.

— Катнашмаганман, — такрорлади Лопатин ва
кейинги ярим соат мобайнida биринчи марта ёнида
ўтирган Никага ўгирилиб қаради.

— Нима дедингиз? — гўё Лопатин бекорга ўгирил-
магани, балки бир нима деган-у ўзи эшитмай қолгандек
сўради Ника.

Унинг чеҳраси худди узокдан қайтиб келган-у, энди
бу ерда нима қилишни билмай қолгандек ғалати эди.

— Хеч нима, — деб жавоб берди Лопатин. — Худ-
ди беадаб одамдек сизга орка ўгириб ўтирганимни
эслаб қолдим, мени кечиринг.

— Бунга мен айборман, — деди Зинаида Анто-
новна.

— Ҳечам айбингиз йўқ-да, — деди Ника. — Аксин-
ча, Василий Николаевични уруш ҳақида гапиришга
мажбур қилганингиз учун сиздан бениҳоя мамнунман.
Мен уддасидан чиқолмагандим. Ундан суриштиromoқчи
бўлиб, бунинг ўрнига ўзим гапириб берибман. Одатда-
гидек, ўзим ҳакимда.

Шундай деяр экан, у ғалати, ҳумор кўзлари билан
Лопатинга тикиларди.

— Бу жувондан эҳтиёт бўлинг, Василий Николае-
вич, — деди Зинаида Антоновна. — У ҳозир сизга шу-
накаям яхши қарадики, буни кўриб ҳатто қўрқиб
кетдим.

— Нега мени унақа деяпсиз? Нега мендан құрқиши керак экан? — сұради Ника.

— Чунки сиз жүръятли аёлсиз. Сиз үзингизни аямайсиз, лекин бошқаларга ҳам ачинмайсиз, — деди Зинаида Антоновна бундан олдин Лопатинга сахий қалб ва ёвуз дил ҳақида гапирғандек килиб. Худди хукмнинг остига үз имзосини қўйғандек гапирди.

Лопатин ўрнидан турди.

— Балки, сизни кузатиб қўярман? — сұради у Никадан ҳозирми ёки бир оздан кейин бу уйни тарк этиши лозимлигини ўйлаб.

— Раҳмат, мен шу ерда тунаб қоламан.

— У менинида қолади, — деди Зинаида Антоновна. — Бемаҳалда кетса ундан хавотир оламан. Жудаям узокқа боради, кейин эса кўп яёв юришга тўғри келади.

Лопатин хайрлаша бошлади.

— Худо, агар у ростданам бўлса, сизни үз панохиди асрасин, — деди Зинаида Антоновна у қўлини ўпиш учун эгилганда.

— Ростданам бу ерда энди бошқа кўришмасак-а, — деди хўрсиниб шу пайтгача индамай ўтирган Ксения. — Сени ўпсам майлими?

У бўйинни чўзиб Лопатиннинг пешонасидан ўпдида, «жудаям яхши ўтиришдик», деди шивирлаб.

— Сиз билан мен ҳали яна учрашсам керак, — гап орасида мавҳум қилиб деди Ника Лопатиннинг қўлини кисиб хайрлашар экан.

— Мен сизни ўрта ҳовлилардан кузатиб қўяман, яқин бўлади, — даҳлизга чикқанларидан кейин таклиф килди Ксениянинг эри пустинини қўлига олиб.

— Ҳожати йўқ, — деди Лопатин. — Айланиб ўтаман, бари бир бу ердан узок эмас...

Лекин Ксениянинг эри пустинини кийиб бўлган ва энди унинг таклифини рад этиш одобдан эмасди.

Улар биргаликда кўчага чиқиши. Тун сокин ва аёзли эди. Оёқ остида кор ғирчиллайди. Ксениянинг эри ўрта ҳовлилар бўйлаб Лопатиндан сал олдинда унга йўл кўрсатиб бораради.

Бу индамас одам ҳозир нималар ҳақида ўйлаётганини ким билади дейсиз. Ўзининг ҳам қанақалиги но маълум. Фақат бир нарса маълум. Ксения унга турмушга чиқиб, аввалгидан кўра анча яхшиланиб қолди. Бугун деярли бутун зиёфат давомида индамай ўтири

ди — бошқаларга исталган нарса ҳақида гаплашишларига ҳалакит бермади.

Лопатин уни аввал үйлаб, кейин сүзлашга үргатиш борасида беҳуда қилган ҳаракатларини эслаб жилмайиб қўйди. «Мен, бари бир, ўргатолмадим, у бўлса афтидан ўргатганга ўхшайди. Қизик — қандай қилиб ўргатганийкин? Вайсамаслиги учун уни калтаклармикан? Бунақа эмас шекилли, аммо яна ким билади, дейсиз? Қулоғи остида шанғилламаслиги учун гоҳида ўзи ҳам тап тортмай уни калтаклагиси келарди. Буникида яшаб финг демаяпти. Яна унга жозибали тикилиб қўяди. Балки, шунчаки уни севар, сени эса ҳеч қачон севмаган бўлиши мумкини? Бошқа киши ҳақида нима унга ёқади-ю, нима ёқмаслигини үйлашга бутунлай лаёкатлиз ҳолда бу қанақанги севги бўлади?

Ксения бу ҳақда ҳеч қачон үйлаб кўрмаган. Энди, афтидан, үйлаётган бўлса керак».

Вячеслав Викторович яшаётган уйга бутун йўл давомида бир-бирларига бир оғиз ҳам гапирмай етиб келишгач, хайрлашиш учун тўхташди-ю, Ксениянинг эри қадимги одатга кўра бошидан шапкасини олди.

— Яхши дам олинг, — деди у Лопатиннинг қўлини қисиб ва сўнгги дақиқада қўшимча қилди: — Факат бир нарсани билишингизни истайман. Агар қўккисдан қизингизга шу ерда яшаш зарурияти туғиладиган вазият юзага келиб қолган такдирда мен бунга тайёрман.

Шундай деб ўгирилди-ю, юриб кетди.

Лопатин унинг ортидан қараб қолди.

Тусатдан бунга эҳтиёж сезиладиган вазият қўккисдан ўлдириб қўйишлари мумкин бўлган уруш эди. Гап шу ҳақда эди. Нима ҳам дерди, шунисига ҳам раҳмат...

10

— Хўш, уларнида кимлар бўлди? — эшикни очиб сўради Вячеслав Викторович. — Анча ўтириб қолдинг?

Лопатин Зинаида Антоновна билан қизиқарли сухбат қилиб узок қолиб кетганини айтганди, у маъюсона кулимсираб қўйди.

— Бир пайтлари мен ҳам у билан узок сухбатлашиб ўтирадим. Урушдан аввал спектакль қўйган пайтларида, ўшанда бу спектакль учун шеърий интермедия ёзив бергандим. Ўзига зарур бўлиб қолган такдирда ҳамма нарсани билиб олмагунча одамни холи-жонига

қўймайди. Кейин эса гўё ҳеч қачон танимагандек бурнини кутариб ёнингдан ўтиб кетади. Ўзи ҳаддан ташкари истеъдодли, аммо бағритош. Бегоналар хатти-харатки, унинг сабабларини аниқлашни хаёлига ҳам келтирмай, қозилик қилишни зиммасига олаверади. Бир пайтлари мени ниҳоятда севиб қолганди. Аёлларга хос севги эмас, балки инсоний севги билан. Ҳозир эса зўрға саломлашади.

Лопатин индамади. Иккита одам бир шаҳардаги иккита уйда бир оқшомнинг ўзида, маълум масофада туриб бир-бирлари ҳакида нимани ўйлаган бўлишса — ҳаммасини айтишган эди. Бу шафқатсиз сиртқи баҳсада у ортиқча киши сифатида иштирок этишни истамасди.

— Ника билан эса ҳали яна учрашасан, — деди Вячеслав Викторович. — Янги йилни менинида кутади.

— Хайрлашаётганимда, биз яна учрашамиз, деб бекорга айтмаган экан-да!

— Албатта, учрашасан, — такрорлади Вячеслав Викторович. — Никани ҳам кўрасан, у билан яшайдиган одамни ҳам, у ҳам келади. Бундан бир ҳафта илгари ўз улуши — бир шиша конъяк билан консерва банкаларини ташлаб кетди.

— Сенинг-ча, ўзи қанақа аёл? — сўради Лопатин янги йилни кутгани у билан бу ерга келадиган ўзига нотаниш киши ҳакида ўйлаганида аллақандай фаразгўйлик пайдо бўлганидан ҳайрон колиб.

— Қўз ташламасликни иложи бўлмайдиган аёллар тоифасидан, — деди Вячеслав Викторович. — Мана, ўзинг ҳам иложини тополмагансан. Фазилати — бирорвга қарам эмасликда, театрчилик институтини битирганду, аммо яхши артистка бўлолмаган, ёмон бўлишни эса истамаган. Ҳозир театрда кийимхона мудири вазифасида ишляпти. Бундан ташқари, айтишларига қаранди, яхшигина тикувчи экан — аёллар навбат кутиб ҳузурига киришади. Шу билан ўзини, ўғли ва онасини боқади. Бу ерга ўз ҳолича келади, ўзининг улушини ўзи олиб келиб берди. Камчилиги нимадан иборат? Қадр-қиймати йўқ одамга чидаш бериб юрибди, чидаш юриб-юриб ахийри севиб қолмасмикин, деб кўрқяпман. Менимча, унинг қадр-қиймати йўқлигини ўзи сезаётган бўлса ҳам керак... Айтгандек, бу ерда обруйларни қаердан ҳам топардинг? Обруйларнинг қаерда эканини ўзинг биласан! — деди ўзини камситиш оҳангизда кулимсираб кўяркан.

— Ўғли кимдан? — сүради Лопатин.

— Ўйлашимча, собиқ эридан бұлса кераг-у, аммо менинг олдимда у ҳақда ғап очмайди. Умуман, сергап әмас... Ксениянг үзининг янги турмушидан мамнунми?

— Турмушидан курсанд.

— Жин урсын уларни, — деди Вячеслав Викторович. — Гоҳида аёллар бизнинг дидимиизга мос келади-ган даражада әмаслиги ҳакида йиллаб фикр юрита-миз-у, кейин балки биз уларнинг дидига тұғри келмас-миз, деб түсатдан үйлаб қоламиз. Бари бир ҳар қандай турмушнинг бузилишида иккى томоннинг айби бұлади. Агар сенинг үзинг бошқача бұлганингда бузилмаган бўлиши мумкин эди!

— Билмадим. Мен товба қилмоқчи әмасман.

— Янги эрнинг ҳозир бўлиши сенга оғир ботма-дими?

— Ботгани йўқ, — деди бутунлай бошқа нарсадан оғринган Лопатин.

Ўша ёшгина аёл уёқда, стол атрофида ўтиришгандан гўё узоқдан қайтиб келган хумор кўзлари билан ғалати қилиб унга тикилганда, у Лопатинга якка-ёлғиз ва эрки үзида бўлиб туулганди. Йўқ, бундай әмас экан. Ҳам якка-ёлғизмас, ҳам эрки узидамас. Индинга бу ерга, Вячеславнинг ифодаси билан айтганда, аллақандай «қадр-қийматсиз» киши билан янги йилни кутгани келади. Ёлғиз үзи әмас, жуфт бўлиб келади.

У хона бўйлаб юрди, стол устида ётган қалин идоравий дафтарни қўлига олди. Уни варақлаб дид билан бир текис ёзилган узун сатрларга кўзи тушди.

— Балки, ўқиб берарсан? — сүради Лопатин дафтарни ёпиб.

Вячеслав Викторович жавоб бермади. Стули билан нарироққа сурилиб ўтириди, стол чеккасида факат тит-раётган бармок учларигина қолди. Шундок ўтирганича, гўё шу дафтарда ёзилганларини ҳозир ўқиб бериш ёки ўқимасликдан кўра анча муҳимрок бир нимани ҳал қилмоқчи бўлгандек Лопатинга тикилиб қолди. Сўнг деди:

— Ўтган куни шундай қилишни үзим ҳам үйлагандим-у, лекин сендан қўрққандим. Энди бўлса қўрқмайман. Балки, маст бўлганинг учун шундайдир.

— Маст әмасман, — деди Лопатин, — Ичишдан кўра ғап-сўз кўпроқ бўлди.

— Демак, менга шундай туюлибди. Лекин, бари

бир, ўкиб бераман, — Вячеслав Викторович столдаги идоравий дафтарни ёнига суреб, вараклай бошлади. — Умуман олганда, ҳаммаси бир-бирини тұлдиради-ю, бирок ҳозирча воеалар тарқок ҳолда. Ҳаётимнинг дам у йилини, дам бошқасини эслаб кетаман. Сенга эса «Гамбург»ни ўкиб бераман, — деди у ўқиш осонрок булиши учун дафтарни букиб.

«Гамбург» сүзи Вячеславнинг бундан олти йил мұкаддам ёзған аввалги шеърларини эслашга Лопатинни мажбур қилди. Бу шеърлар аллақандай бошқача ном билан аталарди, лекин мазмуни Вячеслав тушган кема эндиликда фашистлар хукмрон бұлған Гамбургда тұхтаб ўтгани ҳакида эди.

Лопатинга Вячеслав Викторович ўкиб берган китобнинг бир боби сочма шеър билан ёзилганди. Сочма шеърни Лопатин ёқтирасди, уни эшитаётганды ҳар сафар хаёлан уни насрға айлантириш одати бор эди.

Хозир ҳам ўзининг емирувчи одатига хилоф қилмай тинглашга киришди.

Аммо бир неча үнлаб сатрлардан кейин тұсатдан шеърни хаёлан насрға айлантириш амалга ошмай қолди.

Бу боб ўттис олтинчи йили Вячеслав пароход тұхтаб ўтган Гамбург ҳакида эмас, балки ҳали Вячеслав бўлмаган йигирма учинчи йилги Гамбург тұғрисида эди. Ҳатто Гамбург ҳакида ҳам эмас, балки Фарбдаги бу сўнгги қуролли қўзғолон, Россия чегараларида тұхтаб қолмаслиги, шу пайтгача ўйлаб келинаётган жаҳон революциясининг сўнгги марта гулдураши унинг йигирма ёшли қалбидა қандай из қолдиргани ҳакида эди.

Вячеславнинг шеъриятида бутунлай бошқа нарса кутилган Фарбнинг алданғанлигини эзилиб ҳис этиш сезилиб туради. Ўзи ҳакида аччик сатрлар ҳам бор. У кўп нарсаларни ҳис этгани ва жуда оз иш қилишга улгургани ҳакида. Гражданлар уруши ҳакида Лопатиннинг ёдида қолган сатрлар ҳам бўлган:

Савашларда қатнашмади, йўликмади вабога,

Томоғидан сувга ботиб кечмади Севашни ҳам,

Фақатгина ичи куйиб, ҳамдард бўлди уларга...¹

Дастлаб, ўзининг олдинги шеърларида, у аксинча, гражданлар урушига факт қалби билан эмас, балки бутун вужуди билан дахлдор, деган тасаввур ҳосил

¹ Шеърларни Яхё Тога таржима қилган.

килишга уринганди, шу фикрда қаттік туриб олғанди, бу ерда әмас бевакт ғам-ғусса билан қандай бұлганини ёзади.

Үша ёқда, Гамбургнинг ҳалок бұлаётган сұнгги баррикадасыда аллақандай рус аёли бұлгани ҳақидаги сатрлар поэмада бир неча марта тақрорланади. У дам шунчаки үлдиришлари мумкин бўлган аёл каби, дам у ёқдаги, Фарбаги сўнгги баррикада жангида фожиона ҳозир бўлган қалбимизнинг бир булаги унинг жисмига жо қилинган каби тасвирланарди.

Вячеслав авваллардан фарқли үлароқ, бир текисда секин үқирди. Үқиб бўлиб үзининг идоравий дафтарини ёпди ва ҳеч нимани суриштирумади.

Лопатинни эшитганларида үэлигини англаб етишга бўлган интилиш, Вячеславнинг аввалги, ҳатто энг яхши шеърларида ҳам яққол курсатилган үэлигини намоён этишга интилишдан кўра янада юксакроқ ва балки янада маънавийроқ бирор нима бордек эди.

Лекин Лопатин буларни айтмади, шунчаки мактаб қўйди:

— Менимча, яхши, — деди у ва аёл ҳақида сўради: — Сен кимни эслаяпсан? Лариса Рейснерни бўлса керак? Ўшанда у Гамбургдан мақолалар юбориб турғанди.

— Ҳа, үшани.

— Сен уни танирдинг. — Вячеслав унга Райснер билан қандай танишганини айтиб бергани Лопатиннинг ёдида эди.

— Йўқ, танимасдим, — деди Вячеслав Викторович. — У ҳақда кўпгина нарсаларни билардим-у, үзини танимасдим. — Лопатинга кўзларини қадаб сўради: — Нима, сенга танийман, деганимидим?

Лопатин бош иргади.

— Йўқ, танимасдим. Аммо шеъримда унинг номи мана шу йигирма учинчи йилда кўринишини истаб қолдим. Гамбург у терлама касалидан вафот этиши арафасида курган энг сўнгги революция бўлди.

— Бари бир яхши, — деди Лопатин.

У столнинг нариги томонида ўтирган Вячеславга, унинг ҳозир «яхши» деган сўзни эшитиб гўё ич-ичидан ҳайрон бўлгандек қошлари чимирилган, ориқ, чиройли юзига тикилиб қолди. Бари бир илгари ҳам, ҳозир ҳам унга қадрдон бўлган бу чеҳрага тикилиб, бу одам учун

бирор нима қилишни ўйларди. Нималиги номаълум-у, аммо шарт!

Вячеслав Викторович ўзининг озгин бармоклари билан шеърлар битилган идоравий дафтарни чERTИБ ўйЧАН ўтиради. Лопатин унга тикилар экан, дастлаб келган куни кечқурун ўзининг ҳаёти ҳакида ҳеч кимга кераги бўлмаган китоб ёзаяпман, деган Вячеславнинг гапини эслади.

Инсон ҳаёти қандай қилиб ҳеч кимга керак бўлмас экан? Ҳеч кимга бутунлай кераги йўқми? Агар китоб инсон ҳаёти ҳакида ёзилган бўлса, қандай қилиб ҳеч кимга керак бўлмас экан? Ҳатто агар унинг ўзига ҳам ҳаёти ҳеч кимга керакмасдек туюлган тақдирда ҳам шундаймикан? Умуман нима керак-у, нима керакмас? Бу саволга биз ўзимиз ҳам, бошқаларга ҳам ниҳоят даражада осонлик билан жавоб бермаяпмизми? Ҳа, балки ҳозир Гамбург ҳакида, йигирма учинчи йил тўғрисидаги бу поэманинг кераги йўқдир ва уни ҳозир босиб чиқаришларини ҳатто тасаввур ҳам қилиш кийин. Балки, агар ҳал қилиш сенга топширилганда, ўзинг ҳам ҳозир уни нашр эттиргмаган бўлардинг. Ҳаммаси шунака! Бироқ кишининг ўзига у ҳеч кимга кераги бўлмаган китоб ёзаётгандек туюлса-ю, лекин бари бир уни ёзаверса, ўша минутларда унга ҳеч кимга кераги йўқдек туюлган нарсани ёзишга ўзида куч тополса-ю, агар бу ростдан ҳам ҳеч кимга керак бўлмай қолса ғалати бўларкан! Агар ана шундай минутларда кишини барибир ёзишга, бошқа бирор нимани қилишни эмас, балки ёзишга, ёзганда ҳам унинг қўлидан келадиган даражада яхши ёзишга мажбур этувчи маънавий куч беҳуда кетса ғалати бўлади. Бундай куч беҳуда кетмаслиги лозим ва шарт — акс ҳолда аллақандай ҳаддан ташқари ноҳаклик бўларди!

— Нега жимиб қолдинг? — сўради Вячеслав Викторович. — Мен тафсилотини кутаётганим йўқ. Бошқа мавзуга ўтишимиз мумкин... Иккинчидаги жўнаб кетишинг аниқми?

Лопатин жавоб беришга улгурмади. Эшик қаттиқ тақиллади ва Вячеслав Викторович эгнидаги шинелнинг барча тумалари қадалган Губерни бошлаб келди.

— Василий Николаевич, иккаламиз округ штабига етиб боришимиз керак. Мен алоқа бўлимига материал топширгани бориб, редактордан телеграмма олдим. Телефонда сизга у билан боғланиш буюрилган.

— Кани, кетдик. — Лопатин почапустинини кия-
бошлади; уни елкасига ташлаб стол ёнида ўтирганди.

— Йўқ, бунакаси кетмайди, қайиш билан тўппонча-
ни почапустин устидан такиб олинг, — деди Губер. —
Округ штабининг навбатчиси ўчакиши мумкин. Мамла-
кат ичкарисидаги бизнинг одамлар мана шунаقا жид-
дий одамлар.

Лопатин яна почапустинини ечиб, тўппончали кама-
рини олди-да, кейин почапустинини кийиб, устидан
камарини такишга уринди.

— Қайишингиз кани?

— Ким билади, дейсиз, қаердадир қолдирганман!
Е Москвада, ё Сталинградда. Қайиш тақмай юрибман.

Губер хурсиниб қўди. «Красная звезда»нинг бу
ерга келган мухбири учун унда ортиқча қайиш саклаш
кузда тутилмаганди.

— Уни кўп тутиб қолманлар, — илтимос қилди
Вячеслав Викторович уларни эшиккача кузатиб қў-
яркан. — Мен уни чой қайнатиб кутиб ўтираман. Агар
бу сафар кирсангиз, сизни ҳам кутаман.

— Куллук, — деди Губер. — Афсуски, бу бизга
боғлиқ эмас. Телефонни қанча кутишимиз номаълум.

Кучага чикишгач, «Эмка»га ўтириб йўлга тушган-
ларидан кейингина у Лопатинга Вячеслав Викторович
хузурида айтмаганларини — телеграмма шошилинч ва
жиддий эканини, «Албатта бугуннинг ўзида кечаси
исталган вактда телефонда гаплашиш таъминлансин»,
деб ёзилганини гапириб берди.

— Бирорта янгилик бўлса керак, — кулимсираб де-
ди Лопатин. — Қайтиш йўналишида аллақандай жойга
тикиштиради-да.

Кейин Губердан сўради:

— Москвага самолёт масаласи сизларда қандай?

— Агар об-ҳаво қулай бўлса, деярли ҳар куни
учади. Оператив навбатчидан суриштириб кўрдим.
Алока масаласида ҳам уни огохлантириб қўйдим. Ёр-
дам қилишга ваъда беришди, менимча, эрталабгacha
колиб кетмаймиз.

«Эмка» чорраҳада тормоз берди.

Ҳарбий соқчилар қўлда автомат билан тошйулнинг
ўртасидан қўлга олинган икки кишини олиб кетмоқда
эди. Афтидан жиддий масалада ушланган шекилли,
иккала соқчи автоматини шай тутиб борарди.

— Бу киш мавсумида Тошкентда тўполончилар

пайдо булиб қолди, — деди Гурский. — Жиноятчилар күпайиб кетишиди. Қишлоғи келиши кутилганди. Бир ой мобайнида бир неча талончилик билан қотиллик содир бўлди. Тўғри, кейинги кунларда уларни анча қисиб қўйишиди. Текширишади, тутишади, ҳар қандай қуролли қаршилик кўрсатишга уринган одам комендантнинг буйруғига кўра отиб ташланади. Боскинчи тудаларидан бири госпиталдан даволаниб чиққанидан кейин хасталик отпускасини ўтказаётган учта офицерни турли жойда ўлдириб кетди. Ўлдириб, ечинтириб, уларнинг формасида бу ерга, иссан қўлкага қилмишини давом эттириш учун келишган.

— Тутишдими? — суради Лопатин.

— Уларни қўлга туширишиди! Тўғрироғи, кириб ташлашди. Ўқ отиб ҳимояланишган, албатта, раҳмшафқатга умид қилишмаган.

«Бунакада қанақанги раҳм-шафқат бўларди!» — деб кўйди ўзича Лопатин.

Аллақаерларда ўлдирилган ўша учта офицерни ўйлаб сесканиб кетди. Аввалига уруш уларнинг баданига ўқ ёки снаряд парчасини тикиштирган. Кейин уларни жанг майдонидан олиб чиқиб, медсанбатга келтиришган, йўл-йўлакай дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилган. Сўнг операция қилишган, ярани тикиб қўйишишган, «онадан янги туғилгандек бўласан!» дейишган. Кейин урушдан узокроққа, шаркқа, даволашни давом эттириш учун олиб кетишиган. Сўнг яна фронтга жунаш олдидан қариндош-уруғлар билан дийдор кўришиш учун қўлига отпушка билетини беришган. Кейин эса аллақайси абллаҳ тунда авлок кўчада уни ўлдириб, кийимларини ечиб олган. Мурданинг эгнидагини ечиб олиб, яна кимнидир ўлдириш учун уни ўзи кийиб олган!

— Сизларнинг комендатурангиз шафқатсизми? — суради Лопатин.

— Бошқача булиши ҳам мумкин эмас, — деди Губер. — Ўзингиз биласиз: уруш осойишта турмуш эмас. Ҳеч қаерда бундай эмас. Бу ерда, мамлакат ичкарисида ҳам, ҳисоб-қитобларга қараганда, шу йилнинг ўзида миллиондан ортиқ киши бу ерга келган. Уларнинг ярмиси Тошкентда колган. Ана шу одамлар оқимида нималар сузмайди — ҳаммаси бор. Ҳозир ҳарбий комендатуранинг — факат унигиана эмас — иши бошидан ошиб ётибди. Ҳар қанақанги ишлар, шу жумладан кўл қалтирамайдиган ишлар ҳам бор.

Шуни айтиб Губер кулиб юборди. У ниҳоятда камдан-кам куларди ва бу кутилмаган бир пайтда бўлди.

— Мени бу ерда қўшин сафларида хизмат қилган киши сифатида комендантурага комендант ёрдамчиси қилиб ишга олмоқчи бўлишди. Мен розилигимни айтдим. Ўзимча ўйладим: муҳаррир фронтга боришимга йўл бермайдими, майли, комендантурадан фронтга кетиш осон бўлади, яrim йилда уддалаб кетаман! Бироқ, муҳаррирдан суриштирганди — ҳаммасига чек қўйилди. Балки, мени осойишта ҳаётни изляяпти, деб ўйлагандир!

Округ штабига етиб қолишганда яна битта соқчини кўришди. У тоши ўлнинг ўртасидан эмас, балки йўлкандан бир ўзи кетаётган эди.

Округ штабининг Лопатинга ўттизинчи йиллардан таниш бўлган эски биноси совук эди. Йўлак ва зинапоя ҳам, қўмондоннинг кабинети олдидағи каттагина бўмбуш қабулхона ҳам совук эди.

Адъютант ўрнидан туриб, қўмондон Марказий Комитетнинг бюросига кетганини, лекин оператив навбатчининг ахбороти бўйича «Красная звезда» муҳбирларига ўзи йўғида алокадан фойдаланишга ижозат берганини айтди.

— Хозирча ўтиратуринглар!

У трубкани олиб, телефонда «Красная звезда»нинг навбатчи стенографисткалар ўтирадиган Лопатинга таниш шаҳарлараро номерни айтди. Уруш бошлангандан бери Лопатин турли жойдан бир неча марта ана шу номерга телефон қилишга муваффақ бўлганди.

— Алоқа масаласи қандай? — сўради адъютант. — Муҳбирлар шу ерда.

Лопатин соатига қаради. Тунги икки яrim.

«Ха, улар Марказий Комитетнинг бюросида худди биз редакцияда газетанинг янги сонини тайёрлаётганда бўладигандек яrim кечагача ўтиришаркан».

Адъютант ёшгина йигит бўлиб, ўзини жиддий тутишга ҳаракат қилиши Лопатинга Велиховни — марҳум Пантелеевнинг адъютантини эслатарди. Ўша Велихов ҳозир каерда юрганийкин? Ўшандада Симферополдан қаёқка ва ким билан кетганийкин — Севастополгами ёки Керчгами? Бўлиб ўтган воқеалардан кейин тирик колганмикан, ё ўлдирилган, ё чўкиб кетганмикан?

Телефон жиринглади.

— Редакцияни улашяпти, — деди адъютант ва те-

лефон трубкасини кимга — Лопатин ёки Губерга беришни билмай қулида ушлаб турди.

Лопатин трубкага энди чүзилмоқчи эди, лекин Губер олдинга бир кадам ташлаб уни құлиға олди, шундагина Лопатин адабсизлик қылгани учун хаёлан үзини койиб күйди — телефонда мухаррирга ах-борот бериш имкониятидан Губерни маҳрум қымаслик лозим эди. Афтидан, бунакаси күпам бұлавермайди!

— Губер гапирыпти, илтимос: дивизион комиссари ни چакириң. Унинг буйругига күра құнғироқ қиляпман.

Мухаррир Губер билан узок эмас — бир минутча гаплашди, лекин уни мактаганга үхшайди.

— Хүп бұлади! Бажараман. Иккінчи материални ҳам худди шу руҳда жүнатаман, — деди Губер. — Хүп бұлади! — У трубкани Лопатинга узатди.

— Ишлар қалай! Ҳали тугатмадингми? — ортиқча ғап-сұзсиз сұради мухаррир.

«Худди үйлаганимдек. Ҳозир Москвага چакирида», — деб күйди ичиде Лопатин. Кейин уч күнлик иш колгани, ҳали тугатмагани, лекин агар зарур бұлса ишни тұхтатишига тайёр эканини айтди.

— Тугатмаган бұлсанг, тұхтатишининг ҳожати йүк, — деди мухаррир кутилмаганда. — Красноводскка қачон жұнайсан, иккинчидамиди?

— Иккінчіда әрталаб.

— Жұнаб кетавер. Тутилиб қолма, вазият шунака.

— Ҳаммасини тушундим, үрток дивизион комиссари, — деди Лопатин нега мухаррирга уни телефонга چакириш зарур бўлиб қолганини ҳамон тушунмай.

— Сизни мукофот билан табриклайман! — Тұсатдан «сизлаб» деди мухаррир ва унинг овозида тантанавор оҳанг жаранглади. — Мухаррирнинг тавсияси билан Сталинград фронтининг Ҳарбий кенгаши томонидан Қизил Юлдуз ордени билан мукофотландингиз.

— Раҳмат, — деди Лопатин.

«Совет Иттифокига хизмат қиласын», дейиши лозим эди, аммо телефон трубкасида негадир келишмагандек бўлди.

— Суриштириб кўрдим, Ефимов сен бўладиган жойда экан, учратиб қолсанг керак. Саволлар борми?

Лопатин үша биринчи кунда, Ефимов тұғрисида гаплашиб үтиришган пайтдаги Вячеславнинг афт-ангорини тұсатдан эслаб қолди. Унинг юз ифодаси «Мени

ўзинг билан бирга олакет!» деган илтижони билдириб турарди.

— Савол эмас, таклифим бор.

— Яна қанақанги таклиф? — норози оҳангда суради мұхаррір.

У ерда, Москвада газетаны саҳифалашяпти, шу боисдан шошилмоқда эди.

Лопатин шоша-пиша унга Вячеслав масаласини — «Красная звезда» номидан үзи билан бирга фронтта бориш хусусида илтимос қилаётганини тушунтириб берди. Агар мұхаррір бунга рози бұлса ва округ сиёсий бошқармаси билан боғланса, балки, шу ернинг үзида унга формали уст-бош ва Тбилисигача боришга ёзма бүйрук бериш мүмкін бұларди. Унга «Красная звезда»нинг мұхбири сифатида ҳаракатдаги армияга боришга ёзма бүйрукни эса у ёққа, Тбилисига, Закавказия округи штабига фельдалоқа билан йұлласа бұлади.

— У бизга яхшигина шеър ҳам, яхшигина очерк ҳам юбориб туриши мүмкін, — деди Лопатин мұхаррір унинг сүзини бўлиб қўйишидан ҳайиқиб. — Мен ҳамма вакт ёнида бўламан, унинг фронтдаги хатти-харакатига жавоб бераман.

Кутилмаганды мұхаррір сўзини бўлмади. Лопатин гапириб бўлди, у эса анчагача индамади — афтидан ўйлаб қолди. Аммо сукут саклаб ва ўйлаб олиб узилкесил рад этди.

— У билан имирсилаб юришга вақтинг бўлмайди. Ўзингни ишларинг етиб ортади. Иш кўп бўлади! Жудаям кўп! Гапимни тушундингми? У эса, агар фронтта юборишлиарини илтимос қилмоқчи бўлса, менга, Москвага ёзиб юборсин. Илтимос қилса кўриб чиқамиз, — дам ўтмай қўшимча қилди: — Биз яна битта одамимиздан жудо бўлдик — бу тўққизинчиси, Хохлачёв штурмчи самолётда ўқчи бўлиб учганди, ёниб кетибди, — хайрлашмаёқ трубкани жойига қўйди у.

Ўша Хохлачёвни Лопатин шахсан танимасди — уни фронт газетасидан яқиндагина редакцияга ўтказишиганди. Унинг ўқчи-радист сифатида бомбардимонда қатнашгани ҳақидаги очеркини фронт газетасида ўқиб ва ўзининг газетасида қайта босиб чиқарганидан кейин ишга олганди. Ўша очерк учун ўзининг редакциясиға ўтказишиганди. Летучкаларда уни бошқаларга намуна килиб кўрсатар ва учувчилар хузурига йўлларди. У

штурмчи самолётларда «Красная звезда» учун макола олиб келгани учарди...

Мұхаррир гапнинг охирида, хайрлашиш олдиdan, Лопатинга тұsatдан бу ҳақда нега айтганини ким билади дейсиз? Балки, Вячеслав ҳақидаги илтимосидан кейин уруш фронтта экскурсия әмас, балки уруш эканлигини ва сенинг үзингдан нима талаб этилаётгани номағұлум бир пайтда яна ким учундир жавобгар бұлишдек ортиқча юмушни зымасига олмаслигини эслатиб қўймоқчи бўлган!

— Янги мухабиримиз Хохлачёв штурмчи самолётда ҳалок бўлганини хабар қилди, — деди Лопатин трубкани қўйиб Губерга.

— Уни танимасдим, — қисқа жавоб қилди Губер ва адъютантга миннатдорчилик билдириб, Лопатин билан бирга қабулхонадан чиқди. Иккаласи факат кимсасиз совук йўлакда кетишаётганда Лопатиннинг таклифига мұхаррир қандай жавоб берганини сўради.

— Рад қилди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, — деди Губер.

Лопатин унинг сўз оҳангидан нокулай иш килиб қўйганини ҳис этди: мұхаррир билан гаплашаётганда Вячеслав тўғрисида илтимос қилибди-ю, лекин ёнгинасида, трубканинг олдида турган Губернинг фронтта бориш истаги ҳақида оғиз очмабди! «Ҳа, яхши бўлмаяпти», — деб ўйлади у. Губерга бу ҳақда очишини айта қолди:

— Мени кечириң, сизнинг олдингизда у ҳақда илтимос қилишим, сиз тўғрингизда эса лом-лим демаслигим хунук бўлди. Москвага қайтиб боришм билан айбимни юваман — сўз бераман!

Губер бош иргади-ю, лекин ҳеч нима демади.

— Красноводскка жўнаш масаласи ўз кучида қоладими? — округ биносидан кўчага чиққанларидан кейин совуққина сўради Губер.

— Ўз кучида қолади, — деди Лопатин.

У ўзи билан Губер машинада бирга кетади ва йўлда бу кўнгил-хижиллигини бир оз юмшатиш мумкин, деб ўйлаганди. Бирок, Губер машинага ўтирмади, округ штабидан сал нарироқда яашини, ухлаш олдидан бир оз сайд қилмоқчи эканини айтди. Шоферга Лопатинни олиб бориб қўйишни буюриб, қўл бериб хайрлашди-ю, лекин кўзига қарамади; чиндан ҳам жаҳли чиққани кўриниб турибди...

Лопатин машинада совқотган ва күринишидан норози ҳайдовчининг ёнида ўтириб ўйларди: уруш пайтида ҳеч нарсани хаёлига келтирмаган одамнинг орқасидан унга боғлик масала қанчалик тез ва осон ҳал қилиб ташланади. Бир нафасда тайёр бўлади-қўяди, кейин бу масалага қайтмайсан. Вячеславнинг эндиғи тақдирин масаланинг қандай ҳал қилинишига боғлик бўлса ҳам қайтилмайди. Ва ҳатто ҳаёт ва ўлим маъносида ҳам эмас — урушга бориб тирик қолиш, бу ерда, Тошкентда эса касалланиб вафот этиш мумкин — балки яна аллақандай муҳимроқ бир маъно касб этади: бундан бу ёғига у қандай яшасин, қанақа турмуш кечирсин?

Муҳаррир телефонда ўзлигини кўрсатиб «йўқ!» дейишига тула ҳақли бўлса-да, бари бир, бир нафасда ҳал қилиб қўиши кишига қандайдир алам қиларкан.

II

Ички кийим устидан пальтосини ташлаб олган Вячеслав Викторович эшикни очди.

— Кечир, сени чой қайнатиб кутиб ўтиромадим — музлаб кетдим. У иккита адёл устидан пальтосини ёпиб, ўзининг ботик диванига чўзилди.

— Чой ана, — стол устида чопонга ўраб қўйилган чойнакка ишора қилди у. — Чойнакни олганингдан кейин чопонни ҳам устимга ёпиб қўй, нимагадир этим увишяпти.

Лопатин чойнакни олиб, устидан чопонни ёпиб Вячеслав Викторовични ўраб-чирмаб қўйди-да, ўзига стаканга чой қўйди.

— Чой суюлиб қолган, адо бўляпти, — деди Вячеслав Викторович.

Чиндан ҳам чой суюғ-у, лекин ҳали қайноқ эди. Лопатин ярим стакан ичиб, эсидан чиқиб қолмаслиги учун нариги хонага кирди-да, чамадонидан бир бўлак чой олиб, стол устига келтириб қўйди.

— Йўлда ичишингга-чи?

— Етади, яна бир пайса бор.

Лопатин стаканни бўшатиб, яна қўйди — у ҳам нуқул совқотаётган эди. Округ штабида ҳам, машинада ҳам, бу ерда ҳам совқотяпти.

— Нега сени телефонга чақиртиришибди? Қандай янгиликлар ёки ўзгаришлар бор? — Лопатин иккинчи

марта стаканни бүшатгач сўради Вячеслав Викторович.

— Ўзгаришлар йўқ, — деди Лопатин. — Иккинчидан эрталаб Красноводскка жўнаб кетаман. Янгилик шундан иборатки... — У нима дейишни билмай бир оз ўйлаб турди-да, сўнг Губерга айтмаганини унга айтди: — Мени Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлашибди.

— Табриклайман! — Вячеслав Викторович ички кийимда адёл, пальто ва чопоннинг тагидан чиқиб Лопатинни қучоқлади. — Янги йилнинг халфанасидан олиб бир гуноҳга ботсаммикан-а? Ювиш керак-да.

— Ҳожати йўқ, гуноҳ қилмай кўяқол. Индинга ҳам янги йилни нишонлаймиз, ҳам орденни ювамиз.

Вячеслав Викторович норози қиёфада бошини чайкади — жудаям гуноҳга ботмоқчи бўлди-ю, лекин баҳслашиб ўтирамади, яна диванга чиқиб, адёл, пальто ва чопонни устига тортди.

— Сизларнинг машҳур мухарриингиз ўзи қанақа одам? — сўради у.

Савол табиий бўлса ҳам, ҳозиргина телефонда унинг тақдирини ҳал қилган одам қандай кўринишда эканини Вячеслав ҳатто тасаввур ҳам қилолмаслиги Лопатинни ҳайрон қолдирди.

У кулимсираб кўйди-да, мухаррир ўттиз тўққиз ёшли дивизион комисари, кўринишидан анчайн бир оддий одам эканини айтди. Ҳарбий форма кийганига унчалик кўп эмас, атиги беш йил бўлган-у, лекин бу кийимда чинакам ҳарбийга ухшайди. Ўрта бўй, озғин, алоҳида белгилари йўқ. Битта хусусияти бор: деярли ҳамма ишни ғайри табиий даражада тезкорлик билан бажаради. Идроки ва табиатига кўра академия маълумоти билан ажралиб турмайди; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, деганларидек умр бўйи ўзини ўзи ўқитган одамлар тоифасидан.

— Сенинг фикрингча қандай? — Лопатин ярим ҳазил, ярим чин килиб буларни гапириб бераётганда бирор марта ҳам жилмаймаган Вячеслав Викторович ўйчанлик билан сўради. — Мана унга икки марта ўзим ёзган шеърлардан юбордим. У бўлса — Губернинг қиёфасидан энди менга аён — икки марта ҳам босиб чиқармади. Сенингча қандай: ўзи менинг шеърларимни ўқиганмикан? Сен қандай фикрдасан?

— Билмадим, менимча, ўқиган, — деб жавоб қилди Лопатин. У Вячеславнинг шеърларини редакторнинг

үзи ўқиган-ўқимаганини эмас, балки бошқа нарсани — агар муҳаррир тұсатдан рози булиб, ўзига хос тезкорлик билан Вячеслав ҳакида округ сиёсий бошқармасын га күнғириқ қылғанда оқибати нима бўлишини ўйларди. Ҳозир ўзининг эски диванида устига адёл, пальто ва чопон ёпган холда ётиб ўзини ёмон ҳис этаётган ва ранги-рўйига караб бўлмайдиган, ярим яроқсизлик тўғрисидаги аллақайси банд бўйича армияда хизмат қилишдан расман озод этилган бу одам эса Қавказ фронтига бирга жўнаб кетиш хусусидаги сенинг такли-финнга жавобан дабдурустдан бормаса-я!

Ва ҳатто тўғридан-тўғри рад этмаган, балки бўйин товлаган бўларди. Бунака пайтда одамда тўлиб-тошиб ётадиган кўпгина баҳоналарни рўкач қиласади. Унда нима бўларди? Унинг жўнашига тайёр эканини ўзинг ҳал этиб ва ҳатто ялиниб-ёлворяпти, деб ёлғон гапириб, оқибатида эса ҳаммаси бошқача чиккан бўларди!

— Ҳозир сенга айтадиганларимдан деярли бирор маъни чиқмайди — буни энди бажаришнинг иложи йўқ, — узок сукут саклаб деди Лопатин Вячеслав Викторовичга караб. — Лекин, барибир, менга айт-чи: агар мен шу ернинг ўзида, ҳозир сенга формали кийим-бош бериб, хужжатларингни расмийлаштира олсан ва иккинчи январда мен билан биргаликда шу ердан Қавказ фронтига жўнаб кетадиган бўлсанг, сен бу масала ни қандай ҳал қилган бўлардинг?

Вячеслав Викторович адёл, пальто ва чопонини елкаси томон тортиб қўйди-да, деворга суюниб ўтиреди. Ҳозир, у деворга суюнганда кирлаб кетган ички кўйлаги остидаги туртиб чиккан ўмрови қанчалик озғинлиги шундоккина кўриниб турарди.

— Сенга ғалати туюлиши мумкин-у, — деди у, — аммо ўзим ҳам бир марта шу ҳақда ўйлаб кўргандим.

— Ҳатто қачон ўйлаганингни ҳам биламан. Сенга, балки, армияда иккаламизга ҳам таниш бўлган Ефимовнинг хузурига бориб қолишимни айтганимда ўйлагандинг. Шундайми?

— Ха, ўйлаган эдим-у, лекин бунинг иложи бўлмаслигини, сенга боғлиқ эмаслигини англаб, индамагандим. Эҳ, жудаям боргим келаяпти, деб бекорга шовқин қилишни хоҳламадим! Ҳали ор-номус туйғусини йўқотганим йўқ. Мен ҳақимдаги айрим гаплар тўғри, лекин бу тухмат.

— Ёпиниб ол, — деди Лопатин, — совқотяпсан.

— Совқотганим йўқ. Факат менга чой қуиб бер — ўрнимдан тургим келмаяпти.

Лопатин стаканга чой қуиб унга узатди, кейин диваннинг чеккасига ўтириди.

— Хали совимабди, — деди Вячеслав Викторович бир ҳўплаб. У стаканни кафтига олиб бармокларини иситарди. — Менга бир нарсани айтиб бер. Бошқалардан суриштирмоқчи булиб, неча марталаб ўзимни ти-йиб қолдим-у, лекин сендан сўрайман: сизларнинг «Красная звезда»нгизга гоҳида ҳаракатдаги армиядан очерклар ёзиб турган П. А. наҳотки ўттизинчи йилларнинг бошларида у нима ёзса беаёв танқид қилинадиган ўша ёзувчи бўлса?! Идеализми учун ҳам, пацефизими учун ҳам, сохта гуманизми учун ҳам ва яна нима балолари учун ҳам роса калтаклашганди! Шунчаки унинг ғалати мактублари учун дўппослашганди. Наҳотки, ўша бўлса?

— Худди ўзи, — деди Лопатин. — Унинг ғалати мактубларига мен ҳозир ҳам шайдо эмасман, аммо унинг ўзи мен учун ҳар қандай мактовга лойик. Аввал кўнгиллилар сафида хизмат қилиб пиёда аскарлар капитани даражасига кўтарилиди ва урушнинг иккинчи йили, унинг қаерда ва нима қилаётганини ҳеч ким ўйламай қўйган, агар ўйлаганда ҳам албатта уни эвакуацияда хисобланган бир пайтда редакцияга қўлда ёзилган ва ёзувчи эканлиги эслатилмаган ўзининг биринчи очеркини юборди. Қўпинча биз осий бандалар фронт штабидан «ҳаракатдаги армия» деган белги билан юборадигандек қилиб эмас, балки тўппа-тўғри олдинги маррадан ва ҳеч қандай белгисиз юборибди. Белгини кейинчалик редакцияда қўйиши. Биринчиси босиб чиқарилгач, иккинчисини юборди. Иккинчисидан кейин буйруқ тартибида редакцияга ишга олишди. Бу ҳакда у илтимос қилмади, лекин унинг розилиги ҳам олинмади. Ўшандан бери редакция номи билан фронтларда бўлиб, очерклар ёзяпти. Мухбир йигитчаларимиз у билан бирга боришни орзу қилишади. Ёшлар бехад ҳурмат қилишади ва уни ўзаро «Тушин» деб аташади.

— Ўзинг уни кўрганмисан? — сўради Вячеслав Викторович.

— Урушда тўғри келмаганди. Редакцияда бир марта кўрувдим. Ўшанда турли фронтлардан келиб қолиб, адабиётга ихлосманд старший политрук топиб берган

колбаса билан уч чойнак чой ичдик, кейин этикларимизни алмаштириб кийдик. Гаплашиб утириб, менинг этигим катта, уники эса сиқаётгани маълум бўлиб қолганди. Айтгандек ҳозир ҳам унинг этигини кийиб юрибман.

Лопатин айтилганларнинг ҳаммаси Вячеславга оғир ботаётганини сезса ҳам барибир гапираверди. Ҳа, ўша одамнинг тақдир мана шунаقا бўлди, Вячеславнинг ўзи сўрадими, бас, энди эшитаверсин, чидасин.

— Кутимаган гаплар кўп экан, — деди Вячеслав Викторович қўлини ҳамон стаканни кафтлари орасига олиб иситаркан ва яна бир марта такрорлади: — ниҳоятда кўп экан.

«Унчалик кўп эмас! — деб ўйлади Лопатин. — Урушнинг ўтган йиллари давомида уни кутмагандик, буни кутмагандик, деб тез-тез такрорлаб туришимиз тўғри! Воеалар ҳакида гаплашяпмиз, одамлар тўғрисида гаплашяпмиз, яхши ва бемаъни хатти-харакатлар ҳакида гаплашяпмиз. Лекин шундаям нега кутимаган гаплар кўпайиб кетган? Балки, камроқ ҳайратланиш керакмиди? Балки, турмуш ҳакида, одамлар ва юзага келган вазият тўғрисида онда-сонда, ўшанда ҳам ярамас фикрларга бориб, калтабинларча ўйлагандирмиз? Албатта, бошқача чиққанларнинг ҳаммасини кутимаганда бўлганга чиқариш ҳаммасидан осон. Шундай атасанг — гўё бу ҳакда ўйлашнинг ҳожати йўқдек туюлади. Бари бир ўйлашнинг ҳожати бўлса ҳам! Бояги П. А. масаласи, аслини олганда кутимаганда бўлганмикан? Агар одам, янгишган бўлса ҳам разиллик қилмаса, уни танқид билан дўппослашса ҳам нолимаса, одамларни бошқаларга қараганда ўзига хос ажиб тарзда севиб, уларни тушунса, севиб ва ўзи инсонлигича қолса — нега энди ундан вакти-соати келиб «Тушин» чиқишини кутиш мумкин эмас? Аксинча «Тушин» эмас, балки эндиликда биз тилга олаётган бошқа кимдир чиқиши биз учун кутимаган ҳол бўларди, бунинг биргина сабаби шундан иборатки, илгари кимдан ва нимани кутишни ўзимиз чуқур ўйламасдик?»

Губерни огоҳлантириб қўйиш лозимлиги Лопатиннинг эсига тушиб қолди: муҳаррир билан бўлиб ўтган гап-сўзни унутсин. Ҳозир Вячеславга муҳаррирнинг жавоби ҳакида оғиз очишнинг ҳожати йўқ. Акс ҳолда унинг ёнини олиб илтимос қилибди-да, сўнг қўлини

ювиб қўлтиғига урибди, энди бундан бу ёғига ишинг бўлмасин, деган маъно келиб чиқади.

Бошқача иш юритиш керак: ана шу сафардан кейин Москвага кайтиб, у ерда муҳаррирга Вячеслав каби истеъдод эгалари кундузи чироқ ёкиб ҳам топиб бўлмаслигини тушунтириб қўйиш керак. Сен уни бошламасига энг кисқа-ю, лекин энг кийин сафарга ўзинг билан олиб боришинг лозим. Гап факат унинг фронтдан олиб келадиган шеър ёки очеркида эмас; яхши бўладими, ёмонми — буниси номаълум. Гап адабиёт учун зарур бўлган бундай одамнинг энди қандай яшаши ва ёзишида қолган. Айрим генераллар ҳам кирк биринчи йилда анчагина хато қилиб қўйишган. Лекин бундайларнинг кўпчилигига ўзини оқлашга имкон беришган. Улар ўзларини оқлашган.

Муҳаррир билан Вячеслав ҳақида факат мана шу тарзда, юзма-юз туриб гаплашиш керак. Юзма-юз гаплашганда Матвей бунака масалаларни тушунади. Бошқалар у ҳақда ўйлаганидан кўра кўпроқ тушунади.

Қўлида совиган чойли стакан билан ҳамон уша алпозда ўтирган Вячеслав Викторович тўсатдан ўрнидан қўзғалиб, дивандан тушди-да, оёғига эски шашшапни кийиб, елкасига чопонни ташлаб даҳлизга чиқиб кетди. Бир минутдан кейин у бир қули билан чопоннинг ёқасидан тутиб, иккинчи қўлида чоракта ароқ билан қириб келди.

— Бари бир агар ҳаммадан олдин хабардор бўлиб, сен билан орденингни ювасам, ўзимни кечирмаган бўлардим. — У чорактани столга кўйди-да, дераза токчасидан кора булка ноннинг четлари билан шиша банкада горчицани олиб келди. — Ароқ бировники-ю, аммо қарз бўлиб қолмайман. Икки куннинг ичидагунга тенг келадиган бирор нима топиб қўярман.

Вячеслав Викторович дераза ёнига қайтиб, Лопатинга ювилмагандек туюлган иккита стаканни олиб келди-да, стулга ҳам ўтирмай, нонни икки бўлак қилиб кесди, ўзининг бўлагига горчица суртди.

— Сенга ҳам суртиб берайми?

— Суртавер.

Вячеслав Викторович яна токча олдига бориб, ичидага озгина тузи бўлган туздонни келтирди-да, бир чимдим олиб, горчица суртилган иккала бўлак ноннинг устига сепиб чиқди. Кейин чорактани очиб, иккита стаканга баравар кўйди.

— Табриклайман. — У Лопатиннинг стакани билан салгина уриштириб кўйди. — Охиригача тирик қол. Асосийси тирик қолиш!

Ўтирмаёқ ҳаммасини сипкорди.

Лопатин бош иргаб қўйди, сўнг ўз улушкини икки бўлиб ичди-да, газагига горчициали нондан тишлади. Горчицанинг аччиклиги ароқдан ҳам кучли эди.

Вячеслав Викторович бошини ҳам қилиб, стол ёнидан жой олди.

— Бугун кундузи мудраб ўтириб онамни туш курибман, у иккаламизни чучвара билан сийлаётган экан, бу яхшилик аломати. Сен учун яхшилик — у сени жудаям ҳурмат қиласарди, — Лопатиннинг кўзига тикилиб деди Вячеслав Викторович. — Москвага қайтиб бориб, узинг билан бирга мени фронтга олиб бориш имконияти юзага келиши билан узил-кесил ҳал қилмасдан олдин менга телеграмма ёзиб юбор. Мени нокулай ахволда колдирмаслик учун, масалан, «Ишларинг қалай?» деган мазмунда бирор шартли телеграмма йўллагин. Мен бўлсам, агар жўнаб кетишга аҳд қилсан, «Сен билан дийдор кўришмоқчиман», деб жавоб юбораман. Келишдикми?

— Йўқ, келишмадик, — унинг бу гапини эшишиб, узи эмас, балки «Илтимос қилса — ўйлаб кўрамиз» деган муҳаррир ҳак эканлигини тусатдан ҳис этиб деди Лопатин. — Олдиндан айтиб қўяй: Москвада қўлимдан келадиган ҳамма ишни қиласан. Лекин, шартли телеграммасиз. Агар бормоқчи бўлсанг — шундай деб ёзавер! Мен бу ҳақда эслатиб ўтирмайман. Эслатишни истамайман.

— Нима ҳам дердим, балки ҳақдирсан. — Вячеслав Викторович буни ошкора равишда қийинчилик билан айтди.

— Ҳа, бу масалада ҳақман, — деди Лопатин.

— Сен мен ўйлагандан кўра анча ўзгариб қолибсан, — деди Вячеслав Викторович. — Яхши томонгами ёки ёмон томонга ўзгарганингни билмадим-у, лекин бошқача бўлиб қолибсан.

Лопатин индамади. Унга тикилиб ўтириб, айтганларига ачинмади. Чунки бунака гапни силлиқлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ! Кимни эҳтиёт қилишни, кимни урушдан колдиришни мамлакатнинг ўзи ҳал этади. Аммо ҳеч, ким, ҳар қандай одам ўз ҳолича урушдан холи бўлиш ҳукуқига эга эмас.

Буни рұпарама-рұпара күзига тикилиб үтириб Вячеславга тушунтириб қүйиш қанчалик мушкул бұлса ҳам, бары бир, тушунтиришга тұғри келди. Акс ҳолда бундан кейин үзаро муносабат нотұғри бұлади.

— Вася, турақол. Сени олиб кетгани машина келди. Лопатин талмовсираб оёғини каравотдан туширди-ю, әшик олдида пальто кийиб турган Вячеслав Викторовичга күзи тушди.

— Қаёққа отланяпсан?

— Хеч қаёққа. Шунчаки бугун совқотяпман.

У пальтосини очиб, әгнидаги чопонни курсатди.

— Хозиргина ахборотни эшитдим, яхши хабар: бизнилар Котельниково остонасида киркта танкка каршы қуролни құлға тushiришибиди.

— Соат неча бұлди?

— Тұққиз бұлди, — ҳамон әшик ёнида туриб деди Вячеслав Викторович. — Сени үйфотишга күзим киймади, қаттық ухлаб ётган экансан.

Хона ростданам ниҳоятда совуқ әди, Лопатин шоша-пиша кийина бошлади.

— Чой қайнатиб қўйдим, бир оз кеч колсанг ҳечкиси йўқ. — деди Вячеслав Викторович ва чиқиб кетди.

Лопатин кийинаётганда кеч тургани учун үзини койиди. Кеча режиссёр билан бирга дам олмай үн уч соат — эрталаб саккиздан то кечқурун соат тұққизгача ишлаб охирида бутунлай ҳолдан тойишганди. Бугун, Янги йил арафасида эртарок тугатиши учун ишнинг кўпроқ қисмини бажариб қўйишмокчи булишганди. Аммо, кеча қанчалик ҳолдан тойған бұлса ҳам, бугун кечикиб бориш нокулай әди. Иш бошланишига қадар яна озиқ-овқат пунктига бориш, Янги йил олдидан нон ва берадиган бошқа нарсаларни олишга улгuriш ҳам керак. Қейинчалик вакт бўлмаслиги мумкин. Яхшиям Губер машина юборибди.

Елкасига сочикни ташлаб Лопатин қўшни хонага чиқди. Хонада бир кимса пальтода үтирган экан. Лопатин унга қаради-да, бош иргаб айвонга үтиб кетди.

— Тунда хатто сув ҳам музлаб қолибди, — деди ошхонадаги стол ёнида Лопатинга орка үгириб турган Вячеслав Викторович. Ювгичдаги сув муздек әди. Лопатин бўйнига сув сепган әди, худди ёқасига кимдир сумалак тиккандек бўлди.

— Нима қиляпсан? — Вячеслав Викторович стол

устида катта бутилкадан яримталик шишага нимадир қуяётганини күриб сүради Лопатин.

— Сен күрган йигитча билан керосинни баҳам күрятман, — Вячеслав Викторович хона томон имо қилиб қўйди. — Бунинг учун баронесса хонимдан адабимни ейман. Лекин нима ҳам қиласдим, чидашга тұғри кела-ди! — У иккала бутилкани ёруғга солиб курди. — Ҳа, майли, етти кулфатга бир жавоб. — Кичик бутилкани лиммо-лим тұлдирди. — Ярим пакир күмир сўраб ке-либди. Менда күмир нима қилсан? Боласи совқотаёт-ган экан. Тентакнинг туғдирган пайтини қаранг! Хоти-ни ишламайди, бола бокяпти, бунинг устига касал, ўзи эса, каллаварам, ҳеч қаерда қабул қилинмайдиган шеърлар тұқиши билан овора холос. Уни нашриётга муҳаррир қилиб тайинлаб жойлаб қўйдим. Қўлёзма-ларни таҳрир қилиб топшириш үрнига у ўзгалар кито-бидан бир соатда бир абзац күчиряпти. Хотини билан боласи эса адои-тамом бўлибди.

У газета парчасини ўраб, бу тикин билан шишани ёпди.

Хонага қайтишганда «каллаварам» ҳамон стол ёни-да утиради.

— Танишиб қуяйлик, — деди Лопатин бегоналар китобини күчирувчи бу одамни иштиёқ билан кўздан кечириб.

— Рубашкин, — Лопатиннинг қулини сиқиши учун үрнидан туриб ўзини таништири «каллаварам». Кейин яна утириб олди.

Лопатин унга зидан назар ташлаб, чойни хўрилла-тиб ича бошлади. Рубашкиннинг рўпарасида стакан турибди, демак, Вячеслав уни чой билан сийлаган.

«Каллаварам» анчадан бери олинмаган узун сочла-ри озғин чаккасига ёпишиб турган ва нега фронтда эмаслиги дарров тушуниладиган қалин кўзойнак так-қан, озғин малласоч йигитча эди.

— Вячеслав Викторович, — гўё ўзини зўрға тутиб тургандек ва шу билан бирга ички ҳаяжон билан тути-либ мурожаат қилди «каллаварам», — мен ҳақимда айтганларингизнинг ҳаммасини эшитдим.

— Эшитган бўлсанг ажаб бўпти, — деди Вячеслав Викторович хона бўйлаб жаҳл билан юраркан. — Қадр-дон дўстимга сенинг каллаварам эканингни айтиб бердим. Қўшимча қилиб шуни айтишим мумкин: ўнг кулокни суриштиришса, чап кулокни кўрсатсанг ҳам

кобилиятынг бор! Буни ўзинг ҳам яхши биласан; хўш нима қипти?

— Хеч нима. Шунчаки, ҳамма гапни эшитганимдан хабардор бўлишингизни истайман.

— Биламан, бир сўзли одамсан, менга эслатмасанг ҳам бўлади, шунчалик бир сўзлики, — Вячеслав Викторович энди буни Лопатинга қараб айтди: — охирги бисотини бозорга олиб чиқиб сотаётганда ҳам савдолашишга қодир эмас! Чайков бозорига боради-да, ўзининг бир сўзлилиги оқибатида хотинига бозордан мўлжалдан икки баравар кам картошка олиб келади. Керосинни олиб йўлга тушавер. Лиланга мендан салом айт. Бугун иложим йўқ, эртага уйингга кириб чиқаман. — Вячеслав Викторович чойини ичиб бўлиб ўрнидан кўзғалаётган Лопатиндан сўради: — Ҳозир тўғри киностудияга борасанми?

— Йўқ, олдин вокзалга, озиқ-овқат пунктига бораман.

— Ундай бўлса, уни ўзинг билан бирга олакет. У вокзалга якин, бир квартал беридаги уйда яшайди. Бу овсар йўлда керосинли шишани синдириб қўймасин тагин. Қачон қайтасан?

— Соат еттигача ишлаш ҳақида келишиб қўйганимиз, менимча, саккизда уйда бўламан.

— Яхши, — Вячеслав Викторович иккаласини айвонга кузатиб чиқди. «Каллаварам»ни эшикдан чиқарди-ю, Лопатинни эса бир оз тутиб қулоғига шивирлади: — Оиласини боқиши учун бутун бор-йўгини чайковга сотиб тамом қилди. Кўйлак устидан пальто кийиб юрибди. Юрагим ачишади. Эртага, янги йилни кутиб олганимиздан сўнг колган-кутганларни йиғиб олиб бориб бераман. Мехмонлар ҳаммасини тушириб кетишимаса керак?

— Балки, нон олганимдан кейин озгинасини кесиб берсаммикан?

— Кераги йўқ. Эртага ўзим эплаштираман.

«Каллаварам» машинага ўтириб, шишани тиззалирининг орасига жойлади-да, тўрланиб ямалган, афтидан аёлларники бўлса керак, оқ жун қўлқопли қўли билан ушлаб кетди.

Лопатин у билан ёнма-ён ўтириб, Рубашкин фамилиясини илгари қаерда эшитганини эслашга уринди. Ахийри ёдига тушди. Урушдан олдин Адабиёт институтининг студенти Рубашкин семинарда қатнашаётгани

ҳакида Вячеславнинг ўзидан эшитганди; унинг бир канча шеъри босиб чиқарилган бўлса ҳам, биринчи китобига ҳеч йўл очилмаганди. Қаёққа олиб борса ҳам бирор нимаси билан тўғри келмасди! Демак, бу ўша урушдан аввалги Рубашкин экан-да!

— Болангиз неча ёшда? — сўради Лопатин.

— Тўрт ойлик, тўрт! — гўё буни ундан сўрашмади, балки уришгандек қилиб зарда билан деди «каллаварам».

«Уруш пайтида болалик бўлишни ўйлашибди, жиннивойлар. — Лопатин бу изоҳсиз фикр эканини ҳис этса-да, бари бир, ёрдам беролмаслигидан жаҳли чиқарди. Кейин ўйланиб қолди: — Балки, ёрдам бериш мумкиндири? Агар мумкин бўлса-чи?»

У режиссёрнинг картинани якунлагач, студиядан мукофот тариқасида бир қоп кўмир олгани ҳакидаги гапини эслаб қолди. «Сценарий устида ишлашни туғаллаб бўлиб, бунинг эвазига улардан икки пақир кўмир сўрайман. Сабабини айтаман. Илтимос кила-ман, васссалом!»

— Агар мумкин бўлса, шу ерда тўхтатинг, — илтимос қилди «каллаварам».

— Йўлка ёнида тормоз беринг, — буюрди Лопатин ҳайдовчига.

«Каллаварам» машинадан тушиб «хайр» деган бўлса ҳам очик эшик ёнида тураверди. Биринчи бўлиб қўл чўзмади, ўзидан катта одамнинг қўл беришини кутди.

«Тарбия кўрган бола экан», — деб қўйди ичиди Лопатин унинг ямалган қўлкопини шоша-пиша ечиб узатган муздек қўлини сикиб. Ростданам чайковда савдолашишни билмайдиганга үхшайди. Кейин тусатдан сўради:

— Мана шу уйда яшайсизларми?

— Ҳа.

— Қайси квартирада?

— Ўн тўртинчи квартиради.

— Яхши, хайр, — деди Лопатин ва эшикни ёпди.

Озиқ-овқат пунктида тегишли ҳамма нарсани олиб, ўн беш минутга кечикиб студияга етиб келишгач, ҳайдовчи подполковник соат нечагача шу ерда бўлишини Лопатиндан суриштириб келишни буюрганини айтди.

— Еттигача, нимайди?

— Подполковник Ашхобод поездига билетни бугун

олиб бориб хайрлашиб келмоқчи экани, чунки узи Фрунзега командировкага жұнаб кетаётганини ҳайдовчи тушунтириб берди.

— Соат еттигача шу ерда мукаррар бўлишимни айтиб қўйинг, — деди Лопатин ва машинадан тушаётганида озик-овқат солинган қопчиғини ҳам олди.

— Қопчиқни қолдираверсангиз ҳам бўлади, ўрток майор. Агар истасангиз уни квартирага олиб бориб беришни подполковник буюрган.

— Ундаи бўлса раҳмат. — Лопатин қопчиқни қайтиб машинага қўйди.

Монтаж хонасига Губер кириб келганда иш қизғин бораётган пайт эди.

— Биринчидан, билетни олиб келдим, — деди у режиссёр ва Лопатин билан саломлашиб бўлиб.

— Иккинчидан эса, хайрлашсак керак, шундайми? — сўради Лопатин билетни гимнастеркасининг чўнтағига жойлар экан.

— Ҳозирча хайрлашмаймиз, — деди Губер. — Ке-чирасиз-у, лекин сизни ишдан қолдириш буюрилган.

— Ким томонидан буюрилган? — жаҳл билан сўради режиссёр.

— Ўртоқ Юсуповнинг қабулхонасидан қўнфироқ килишди. Василий Николаевични Марказкомга, унинг ҳузурига етказишни сўрашди.

— Ҳа, гап бундай экан-да, — қўлларини ёйиб деди режиссёр. — Бора қолинг, мен ишимизни давом эттириб ўтираман. Қейин биргаликда кўрамиз. У билан хеч қачон гаплашмаганмисиз?

— Ҳечам.

— Боринг, сұхбатидан лаззат топасиз. Афсуски, олдинроқ билмадик-да. Акс ҳолда ишимизни бошқача ташкил қиласардик. Майли, нима ҳам қиласардик!

Дарҳақиқат, иложимиз йўқ эди, бормаса бўлмайди.

— Нега мени тўсатдан чақиртириб қолибди? — Губер билан машинага ўтиришгач, сўради Лопатин.

— Унга зарур бўлиб колганингиз учун чақиртирган-да. Сизни Марказкомга етказиш менга буюрилган. Эътиroz билдиrmайсизми?

— Телефондаги ўша гапга мендан хафа бўлманг, майлими? — деди Лопатин.

— Ўша гапга ранжиганим йўқ. Аммо орден олганингизни менга айтмаганингиздан, мени арзимайдиган

одам ўрнида кўрганингиздан хафаман, яшириб ўтирамайман. Агар айтганингизда, камтарона бўлса ҳам, меникида ювган бўлардик. Ҳар ҳолда битта газетада ишлаймиз.

— Бунинг учун ҳам кечиринг. Ноҳақман. Орден олганимни қаёқдан билаколдингиз?

— Ҳар доим эшитадиган одамимдан. Муҳаррирдан. Билиб қўйинг, редакцияда бирор одам орден билан тақдирланса, у қолган ҳаммага билиб қўйишлари, ҳавас қилишлари ва ўша каби бўлишга интилишлари учун телеграмма йўллайди. Манг, кечаги газета, самолётда юборишган, Хохлачев ўлганидан кейин босилган мақоласи бор.

Лопатин газетани олиб, тўртинчи саҳифанинг тўла пастки қисмида берилган ўша мақолага кўзи тушди. Демак, Хохлачев ҳалокатга учрамасдан аввал штурмовикда учган ва мақолани ёзиб бўлиб, кейин яна ҳавога кўтарилган... Фамилияси қора чизик билан ўраб қўйилган, лекин улеми — қандай ҳалок бўлгани ҳақида ҳеч нима ёзилмаган. Фронтда ҳар куни ҳаддан ташкари кўп одам ҳалок бўлади — агар ҳаммаси ҳақида ёзилса, тўртала саҳифа ҳам тўлиб кетарди. Ўз одамилиз учун ҳам истисно қилишмабди. Албатта тўғри, факт мақола остига ёзилган вақти ва «кечикиб етиб келган» деган ёзув бор.

— Машина сизни олиб кетгани иккинчидан, соат ўнда боради, — деди Губер. — Билет ўзингизда. Ўрнингиз юқори қаватда. Лекин, вагон, менимча тўла бўлмайди. У ердан, Красноводскдан доим тиқилинч бўлиб келади, охирига Қаспийгача эса кейинги пайларда кам одам қатнаяпти. Қўпчилик қисми фуқаролар. Йўлда чиқиб-тушиб туришади.

— Сиз бу йўлдан кўп катнаганмисиз? — сўради Лопатин.

— Унчалик кўп эмас. Округимиз ниҳоятда чексиз — бутун бошли бир мамлакат.

— Нега энди Фрунзега кетяпсиз?

— Пиёдалар билим юртига боряпман. Биринчидан битириш маросими бўлади, мақола ёзиш буюрилган. Сизнинг ишингиз жанг қилиш, бизники эса кадр тайёрлаш, — деди кулимсираб Губер.

Улар Марказком биноси ёнида машинадан тушишди; Губер эшиккача Лопатинни кузатиб қўйди.

— Пропускнинг ҳожати йўқ, хужжат билан ичка-

рига кўйишади. Қайтишда киностудияга ўзлари олиб бориб кўйишади. Шу ерда хайрлашамиз. Акс ҳолда поездга кечикиб қоламан.

— Демак, Янги йилни Фрунзеда, оиласиз кутиб оласизми? — суради Лопатин.

— Шунака бўлиб қолди. Лекин, очигини айтсам, хотиним бу командировкага эътиroz билдирамади. Унинг топшириғи бор — Фрунзе йўлида, Мерке станциясида, поезд тўхтаб турганда шакар сотиб олишим керак. Ўша ерда анчайин арzonга сотишади. Бирор нимага алмашиб ҳам мумкин эди, пулга қараганда буюмга кўпроқ шакар беришади, дейишияпти-ю, аммо мана бу формам йўл кўймайди-да! Хотиним шинелга мўлжалланган бир кийимлик материал билан этикни чайковда пул қилиб берди. Менда сизга айтган ўғлимдан бошқа уч ва икки ёшли яна иккитаси бор. Сизга айтмаганмидим?

— Айтмовдингиз.

— Биринчи хотиним ўлган, иккинчисига эса жуда кеч, уруш арафасида уйланганман.

Лопатин кирган кабинет урушдан олдинги сафар пайтларида кўрган бошқа кабинетларга ухшаб кетарди. Фақат одатдан кўра каттароқ бўлиб, телефонлар ёзув столига ҳам, мажлис ўtkазиладиган узун столга ҳам кўйилганди.

Мана шу жудаям узун столнинг нариги томонида икки киши ўтирибди. Лопатин кириши билан улар ўрниларидан туришди. Иккаласи ҳам ярим ҳарбийча кийинган. Бири, сочи қирдирилган, паст бўйли, лекин елкалари ниҳоятда кенг ва гавдаси оғир бўлгани сабабли, бари бир барваста туюлгани ўзбек, иккинчisi, мугуз бандли кўзойнаклиси рус эди.

— Салом, ўрток Лопатин, — деди ўзбек киши Лопатиннинг истиқболига бир неча қадам юриб ўзининг оғир ва баҳайбат иккала кўли билан кўришаркан.

Кўзойнакли рус Юсуповнинг ортидан чиқиб, Лопатиннинг қўлинин қаттиқ сиқиб силкиб қўйди-да, ўзини таништирди. Лопатин фамилиясини эшитолмай қолди, исми билан отасининг исмини эслаб қолди: Сергей Андреевич.

— Ўтиринг.

Юсупов кўли билан ишора қилди. Гавдаси барваста, оғир бўлса ҳам ҳаракатлари ихчам ва енгил эди.

Лопатин телефондан бошқа яна чойнак билан пиёлалари бор патнус қўйилган стол ёнига ўтириди.

— Чойхўрлик қиласиз, — деди Юсупов ва улкан қулига пиёлани олиб, чойни уч марта қайтарди, шундан кейингина ярим пиёла чой қўйиб, Лопатиннинг олдига қўйди.

У гўё меҳмонлар билан чойхонада ўтиргандек бу ишни шошилмай, bemalol қиласарди. Лопатиндан кейин кузойнакли русга, Сергей Андреевичга узатди. Охирида ўзига қўйди.

— Кўк чой ичармидингиз?

— Жудаям ёқтираман, — деди Лопатин.

— Мен ҳам. Тошкентликлар кўпинча қора чой ичишади, биз фаргоналиклар эса кўк чойни хуш қурамиз. бугунги ахборотни эшитдингизми?

— Эшитдим. Қувончли хабар.

— Бизники ҳам ёмон эмас, — Юсупов оғир кафти билан стол устидаги бир даста қофозни уриб қўйди. — Кеча тунги соат ўн иккигача ҳарбий маҳсулотнинг йигирма уч тури бўйича йиллик планни бажариб, келаси йил ҳисобидан ишни бошлаб юбордик. Ўн битта заводда. Урушдан аввал улардан атиги биттаси ҳарбий завод эди. Тўрттасини янгидан ускуналадик, олтитасини эса тап-тақир жойда тикладик. Кўчириб келтирган бирорта ҳам заводдан воз кечмадик, ҳаммасини қабул қилдик. Бир нечтасини ўзимиз олакелдик. Ускуналар ортилган эшелонлар Арис станциясида тупланиб қолган пайтда. Арисни биласизми?

— Биламан, — деди Лопатин.

— Ўша ердан чапга юрилса — қўшниларимизникига, ўнгга юрилса бизникига борилади. Қўшнилар қабул қилоламизми, деб иккиланиб турганда, биз ҳаммасини ўнгга — ўзимиз томонга йўлладик. Бизда об-ҳаво мулойимрок, деб тушунтиридик! Устини ёпгунимизча очик жойда станок ёнида узокроқ ишлаш мумкин, — у ўшанда, ўтган куз фаслида кимгадир яхшигина хийла ишлатган одам каби мамнун жилмайиб қўйди. — Очеркларингиздан маълум бўлдики, сиз у ерда, Сталинградда, тракторсозлик ва «Қизил Октябрь» заводларида бўлгансиз. Шундайми?

— Ха.

— Бугун эса бизнинг заводда бўласиз. Бизда «катюша»лар учун мина ишлаб чиқарадиган завод бор. Пландан ташқари икки минг олти юз дона мина ишлаб

чиқарди. Ўша ерда бир соатдан кейин митинг бошлана-ди, сиздан митингда қатнашиб, Сталинград хақида гапириб беришни илтимос қиласиз. Сиз билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони сержант Турдиев ҳам сұзға чиқади. У шу ерлик, хотини билан үғли шу заводда ишлайди. У ҳақда Сталинградда әшитувмидингиз?

— Ҳа, әшитгандым, — деди Лопатин үлганлар рүйхатидаги үзбек разведкачисининг фамилиясини эслаб. — Демак, у халок бұлмаган экан-да?

— Ҳа. Госпиталдан кейин шу ерда дам оляпти. У үзбекча нутқ сүzlайди, сиз русча. Хұпми?

— Турдиев русчалаб ҳам яхшигина гапириб беролади, — деди шу пайтгача индамай үтирган Сергей Андреевич.

— Майли, русча гапираколсın. Қайтанга қызықрок чиқади, — жилмайиб қўйди Юсупов. — У госпиталдан кейин Тошкентга келган биринчи үзбек қаҳрамони — биз уни поезддан тұғри шу ерга олиб келишларини кутиб тушликка ҳам чиқмадик. Сизнинг үрнингизда үтириб Сталинградда қандай қилиб «тил»ни судраб келганини айтиб берди. Менга үхшаб барвастадан келған. Факат узун мўйлови бор, — Турдиевнинг мўйлови қанақа эканини кўрсатди Юсупов. — Биргина немисни эмас — қўтосни ҳам елкасига ортмоклаб келиши мумкин! Сен, Турдиев, у ерда, разведка взводида қандай яшадинг — бир үзинг үзбек, қолганлар рус бұлса? — деб сўрадим ундан. «Яхши яшадим, Үзбек үзбек билан айтишиб қолса, уруш тамом бўлгунча эсидан чиқармайди! Рус үзбек билан жанжаллашиб қолса, беш минутдан кейин: «Жўра, бир чекишайлик», деб ёнингга келади — ҳаммасини унутиб юборган бўлади! Рус одами яхши!» — деб жавоб қилди. Разведкада қанақа иш килардинг? Оғирмиди? — деб суриштирдим. «Жудаям оғир, — деди у. — Саксон-юз килограмм келади, жудаям оғир». Мен аввалига нега саксон-юз килограмм бўларкан, деб тушунмадим. «Гоҳида шунақаям оғири учраб қоладики, «тил»ни олиб келгунча тилинг осилиб колади», деб тушунтириб берди.

Юсупов кулиб қўйди, Лопатин шунда унинг кўзларининг ости қанчалик салқиганини кўрди. Бу завқли хотира иш билан үйқусиз үтган кунлар орасида борйүғи бир минутли хордик эди. Унинг ялтироқ, теп-текис стол устидаги ишчиларга хос катта-катта толиккан қўллари ҳам Лопатинга ўша дақиқада дам олаётган-

дек туюлди. Шунда Марказкомнинг секретари бўлган бу киши ёшлигида пахта заводида юк ташувчи бўлиб ишлагани ва ўзининг кенг елкасида олти пудли қопларни ташигани унинг ёдига тушди. Бир пайтлари ҳаётини шундай бошлаганди.

— Бугун эрталаб ҳузуримга киностудиядан декорация куриш учун ёғоч сўраб ўртоқларингиз келишганди. Аммо биз Сталинградни куришга шунча ёғоч беролмаймиз.

— Бунинг ҳожати ҳам йўқ, — деди Лопатин. — Ҳакиқатга тўғри келиши учун атиги иккита блиндаж куриш керак, холос.

— Сиздан дипломат чиқмас экан, — деб кулди Юсупов. — Ўртоқларингизга панд бериб қўясиз! Лекин, бари бир ваъда қилгандан кейин озгина ёғоч берамиз... Бу ердан индинга Кавказга жўнайсизми?

— Ҳа.

— Якинда бизнинг делегациямиз совға-салом билан ўша ёкка бориб келди. У ерда бизнинг қадрдон ҳамюртимиз армияга қўмондонлик қиляпти.

— Биламан, Ефимов. Қаёқдан танийсиз?

— Урушнинг бошларида Одессада унинг ҳузурида бўлгандим.

— Бу ерда-чи?

— Йўқ.

— Афсус. Уни урушдан олдин бу ерда кўрганингизда яна ҳам мамнун бўлардингиз. Бу ерда кўп хизмат қилди. Бизнинг ҳар бир урф-одатимизни биларди. Қизил аскарлар билан — ўзбек билан ҳам, қирғиз билан ҳам, туркман билан ҳам унинг тилида bemalol гаплашоларди. Тўғри, тоҷикчасига гаплашолмасди-ю, аммо тушунарди. Бир куни ундан: «Иван Петрович, шунча нарсани тушунишга вақтни қаердан топасиз?» деб сўраб колдим. «Хизмат бурчим юзасидан ҳаммасини тушунишим керак» деб жавоб берди. Ўзи ҳакида нотўғри айтди — факат хизмат бурчи юзасидан эмас. Ниҳоятда окил, ниҳоятда партиявий одам. Ҳаммаям у каби тушуванвермайди! Ўзининг армиясида делегациямизни кабул қилиб, улардан саломатликлари қалай экани, қандай етиб келишганини аввал русчалаб, кейин ўзбекчалаб сўради. Сизнингча, буларни билишмайдими? Ҳар бир қишлоқда билишади! Совға-салом обораётганимизда кексалар билан нималар йўллашни маслаҳат қилдик. Майиз, туршак юбордик, аёллар тамаки халтачаларини

хонатласдан тикишди. Иван Петровичга эса хоразмнинг қишки қовунларидан юбордик. У қовунни яхши кўради. Чопон масаласида кексалар билан баҳслашиб қолдик. Биз уларга: фронтда чопоннинг нима кераги бор? — дедик. Улар эса: чопонсиз бориб бўларканми? — деб жавоб қилишди. Кексалар ҳақ бўлиб чикиши. Юзта чопон олиб бориши. Иван Петрович қисмлардан снайперларни чақириб, ўшаларга тарқатибди. У ерда, Кавказда почапўстин бўлмас экан, кор эса тиззадан. Снайперлар чопонни калтайтириб шинелнинг ичидан кийиб олишибди. Агар Иван Петровични учратиб қолсангиз, мендан салом айтиб қўйинг! Усмон Юсуповдан денг.

Стол устидаги телефон жириングлади, Юсупов трубкани қулогига тутди.

— Мен. Ҳа, мендан беркиниб юришни қачон бас қилишингизни икки кундан бери кутяпман... — деди у қаҳрли овоз билан ва ўзгалар олдида гапни давом эттиришни истамай тўхтаб қолди. — Трубка ёнида кутиб туринг. — Юсупов трубкани столга қўйиб ўрнидан турди ва яна боягидек икки қўллаб Лопатин билан хайрлашди. — Афсус, тез кетяпсиз-да. Эсингиздами, эксплуататорлар ҳакида Маркс нима деган? Эксплуататор эксплуатация учун энг ўткир ақл эгаси айтиб беролмайдиган, балки борлик кўрсатадиган имкониятларни топади. Биз эса, маълум бўлишича, ёмон эксплуататор эканмиз. Сиз ҳакингизда ниҳоятда кеч билиб қолдик!

У Лопатинни кузатиб бир неча қадам юрди-да, жилмайиб қўлини кўксига қўйди. Аммо зўрма-зўраки жилмайди. У энди бошқа ҳиссиёт ҳукмида эди.

— Кетдик, заводга, — қисқа, хатто шошилиб деди Лопатинга Сергей Андреевич.

Улар узун кабинет бўйлаб эшик томон юриши, Юсупов эса телефон ёнига қайти. Лопатин бехосдан унга қаради. Юсупов телефон томон секин юриб боряпти-ю, лекин унинг салмоқланиб майин одимлашидан жаҳлинин ичига ютаётгани билиниб турарди. Лопатин кабинетдан чикаётганда эшишган унинг охирги сўзи майин одим каби секин бошланиб, қаҳрли овозга, жумланинг ярмида бакириққа айланди:

— Мени бу номаъқулчилигингилини бости-бости қилишга рози бўлишимни кутяпсизми? Ўзидан хавфсизрайди, деб ўйляяпсизми? Қўрқмайман! Суд қиламиз!

— Усмон қаттиққўл одам! Лекин зиммасидаги юки

ҳам оғир-да, — деди Лопатинга Сергей Андреевич Марказком йұлагидан боришар экан. — Урушгача бешта секретарь әдик, ҳозир эса үн иккита. Юмуш ҳаммамизга етиб ортади. Урушнинг бир ярим үили мобайнида эвакуация қилинган бир миллиондан ортиқ кишини қабул қылдик. Ҳаммасига бошпана зарур, бизда эса бирорта ҳам янгиси йўқ. Бунинг устига қиши ҳам расво келиб, ўйлаганимиздан икки ҳисса кўп ёқилғини талаб этяпти. Факат корхоналарда талон билан, ушанда ҳам оз микдорда кўмир тарқатяпмиз. Кўпчилик ғўзапоя ёқиб кун кўряпти. Уни ҳам деярли ёқиб бўлишди. Ғўзапоя нималигини биласизми?

— Агар янглишмасам, пахта ўсимлигининг танаси бўлса керак.

— Янглишмадингиз, илгари шаҳарда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўларди, ҳозир эса бойлам-бойлам килиб бозорда сотишаپти. Кошки арzon бўлса.

— Ўзингиз кўпдан бери шу ердамисиз? — кўчага чиқиб машинага ўтиришгач сўради Лопатин.

— Икки йилдан бери.

Сергей Андреевич дастрўмолини олиб кўзойнагини артди. Кўзойнаксиз унинг чехраси Лопатинга ёш кўринди.

— Агар сир бўлмаса, неча ёшдасиз? — сўради Лопатин.

— Мухбирлардан, айниқса, ҳарбийлардан сир саклаб бўлармиди? Ҳарбийга чақирув ёшида — ўттизданман. Ҳақиқий хизматда ҳам бўлганман, ВУС бўйича эса запасдаги полк комиссари ҳисобланаман. Аммо бу ерда бунисини хоҳламайман, мана бунисини хоҳлайман, деган гап бўлмайди. Нотўғри тушунишлари мумкин, — деди ўзи ва ўзининг юмуши ҳакида. Унда, агар кўйиб беришса, урушга отилиб боражаги ҳакида ишонтироқчи бўлган одамда бўладиган узрли оҳангдан асар ҳам йўқ эди, — сўрашни унутибман, кетгунингизча биздан бирор ёрдам керакмасми?

— Йўғ-е, раҳмат. Ҳаммаси жойида. Айтганча... — Лопатин тутилиб қолди. Марказком секретаридан бунака нарсани сўраш нокулай эди-ю, лекин бари бир сўради: — Агар икки-уч пакир кўмир топишнинг иложи бўлса...

— Сиз яшаётган уй эгаларигами? Кимнида турибсиз?

У Вячеслав Викторовичнида истиқомат қилаётга-

нини, кўмир кимга зарур эканини тушунтириб берди, сўнг адашиб илтимос қилаётган бўлса кечиришини сўради...

— Ҳечам адашмадингиз, — деди Сергей Андреевич. — Талон бўлганда ҳам топилмайдиган ярим коп кўмирни сизга яна ким ҳам берарди? — У блокнотини чиқариб «каллаварам»нинг фамилияси билан адресини ёзib олди. — Хўжайнингиз Вячеслав Викторович қалай яшаяпти? Кўпдан бери хузуримга ҳам келгани йўқ.

— Қайси маънода? — сўради Лопатин аввалига гап рўзғор масаласида бораётгани, агар турмуши ўтамиёна бўлса, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ялиниб ёлворишни ёқтирмаслигини ўйлаб. Вячеславнинг турмуши эса бир нави эди.

— Албатта, турмуш маъносида эмас, — деди Сергей Андреевич. — Турмуш масаласида, биламан, ўзига тўқ. У кабилар ҳозирги тушунча бўйича тўқ яшашлари учун қўлимиздан келган ҳамма ишни килдик. Рухияти маъносида сўрайпман.

— Рухияти ўртача, — деди Лопатин.

— Нега ўртача?

Лопатин Вячеславни унинг тақдирига афтидан дахлдор бўлган бу кишининг кўз ўнгидаги обрўсизлантириб кўймасликка ҳаракат килиб, кисқача тушунтириб берди.

— Тушунарли, — деди Сергей Андреевич. — Агар унинг ўрнида бошқа одам бўлганда ич-этини емаган бўларди. Албатта, фронтга борадиган даражада соғлом ва ёш эмас. Бу ерда эса у қўлидан келадиган ҳамма ишни уддалашга ҳаракат қиласпти. Ҳам вактли матбуотда катнашяпти, ҳам йиғилишларда сўзга чиқиб турибди, ҳам барча илтимосларимизни бажаряпти. Мамлакат ичкарисида берилаётган нонини бекорга еяётгани йўқ. Лекин қалб қалблигини қиласди, сиз ҳақсиз. Бирорнинг ичидагини билиб бўлмайди, дейишади — бу нотўғри. Аммо ўзингнинг ўлчовинг билан ўлчаш ҳам ярамайди.

— У Вячеслав ҳакида гапирап экан, Лопатин бехосдан ўйлаб қолди: балки Вячеслав тўғрисида уни, албатта, бирор нима қилиш борасидаги ўз фикрлари нотўғри бўлса-чи? Нега энди уни бирор нима қилиш керак экан? Бари бир керак! Чунки унинг ўзи, бошқалар у ҳақда нималар дейишидан қатъий назар, бари бир ўзини баҳтсиз хис қиласпти.

— Хозир мана бу бүш ётган жойни ортда қолдириб нарига бурилсак завод бошланади. — Сергей Андреевич тұсатдан мамнунлик билан кулиб қўйди: — Кеча Алексей Николаевич Толстой билан авиация заводига бордим. Агар у бирор жойда нутқ сўзлашини эшитсан, имкониятим доирасиде ҳаммавакт бирга боришга ҳракат қиласман. Ўқувчилик пайтимдан бери менга ёқиб колган. Ёшлигимдаёқ, олтинчи синфда ўкиётганимда «Сарсонлик-саргардонлик»нинг биринчи қисмини ўқиб чиқканман. Чинакам рус тилида гапирадиган мана шу одам! Нутқини тингласанг роҳат қиласан? Лавозимим жиҳатдан энди ўринсиз бўлса ҳам, нимагадир ёзувчилар олдида, сизларнинг мен мұяссар бўлолмайдиган касби-корингиз олдида ўзимни нокулай сезаман.

Машина тўхтади. Лопатин қор босган узун сомонсувоқ деворга ва унга туташган «Ичкарига ўтиладиган жой» ёзувли сомонсувоқ баракка кўзи тушди.

— Мана, етиб келдик, — деди Сергей Андреевич. — Бир йил аввал бу ерларда хали полиз экинлари бор эди...

Сергей Андреевич митингдан кейин киностудияга етиб олиши учун Лопатинга машинани бериб, ўзи Турдиев билан яна заводда қолди. Ёлғиз ўзи қайтаётгани ва киностудиягача йўл олис — бутун Тошкент оралаб борилишидан Лопатин хурсанд эди.

Шунақа одамлар борки, уларга изтиробли ҳолатдан чиқиб олиш учун ўзлари гапиришлари ва бошқаларнинг гапини тинглашлари лозим бўлади. Лопатин бундайлар тоифасидан эмасди.

Бирорта мухим бир нимани бошидан кечираётган бўлса, на ўзининг ва на бегона одамнинг гапини эшитмасдан аввал буни ўзича таҳлил қўлиб чиқиши лозим эди. Хозир ҳам шундай бўлди. У ерда, заводда ҳаммасини кўрганидан кейин кўккисдан қирқ биринчи, кирк иккинчи йилларга эга бўлган яна битта иккинчи уруш елкасига ағдарилган одамдек сезди ўзини...

Уруш бошланганидан бери мамлакат ичкарисига қилинган мана шу биринчи сафар чоғида шу пайтгача дуч келган нарсаларнинг ҳаммаси — Вячеславнинг кулфати ҳам, саҳнадан уруш ҳақида ҳақиқатни айтмокчи бўлаётган актрисанинг сўраб-суриштиришлари ҳам, хасталигига қарамай режиссёрнинг ишга шайлиги ҳам — буларнинг ҳаммаси ўз аҳамиятини йўқотмаган

бўлса ҳам, бу ўзи, балки бемаънилик билан хаёлан атаган иккинчи урушнинг бу ерда, заводда юз берадётган атиги кичкинагина бўлаги эди: бунгача эшитган, билган ва хайрон колишга асос бўлмаса ҳам уни ўз кўзинг билган кўрмагунча барибир тушунмас экансан...

У заводдан ўзида энг асосийси — ҳис-идрокини саклаган ҳолда қайтмоқда эди. Ихтисосига хос ўткир хотираси ҳозирча факат дам у, дам бу тафсилотни эсга туширади. Гўё аслида уни ўлдига чиқаришгандек кейин тирик қолганига ҳамон кўниколмай юргандек уруш ҳакида шодиёналиқ билан гапирган Турдиевнинг мўйлабли қувноқ чехраси кўз ўнгига намоён бўлади. Турдиев ўз шеригини, аллақандай Васяни елкасига ортмоклаб немислардан икки километрча нарига олиб бориб, окопда кор устига ётқизганини ва юзини юқорига қаратиб ўғирганидан кейингина унинг ўлиб қолганини билгани эсига тушиб кўзидан дув-дув ёш тўкаётган мана шу мўйлабли чехра тўсатдан қаримсик бўлиб қолганди. Улар гаплашаётган майдончага якин узунасига рандалайдиган каттакон станок ёнида қулок солиб турган аёлнинг чехраси ҳам гўё унга тўсатдан эри ҳакидаги «корахат»ни топширишгандек даҳшатли тус олганди. Бошка рус ва норусларнинг озгин, ифлос, қурум босган чехралари ҳам, у ерда, Сталинградда гвардиячи байроқ олган полкнинг рус ва норуслардан иборат ниҳоятда толиккан қолдиқлари Волга ёнбағрида саф тортгани ҳам тўсатдан ёдига тушди. Гарчи у ерда, Сталинградда факат эркакларнинг, бу ерда эса аёл ва болаларнинг чехралари намоён бўлса ҳам — бари бир, эсига тушаверди. Ўхшашлиги учун эмас, балки у билан бунинг ўртасидаги умумийликни аллақандай йўсинда чукур ҳис этиш орқали эслади. Митинг охирида завод директори — баланд бўйли ўшгина генералнинг озгин, жудаям кичкина икки ўсмирини бошқаларга кўрсатиш мақсадида кўлтиғидан ушлаб кўтаргани ва бўғиқ овоз билан: «Мана, улар, планни ошириб бажарган қаҳрамонларимиз...» дегани ёдига тушди. Овози яна нимадир демокчи бўлган-у, аммо ўзининг қалтироқ овозидан ҳайиккан одамнинг овозига ўхшаб кетди... Аёлларнинг оёқларидағи брезентдан ва автомобиль резинаси парчасидан ясалган шиппаклар ҳам. Цехдан чиқаверишда тоғ бўлиб уюлиб ётган металл кириндилари ҳам. Қуюв цехининг томигача етадиган тошқол ўюми ҳам. Митинг бошланмасдан олдин қовоғи

солик кекса киши — парторг унинг қулоғига: «Совук бўлса ҳам, почапўстинингизни ечиб қўйинг, кўриб қўйишсин», деб шивирлагани ҳам, шунда нега ечиш керак эканига бир дақиқа ҳайрон қолиб, сўнг сен бу ерда мухбир ёки ёзувчи эканинг учун эмас, балки Сталинградда бўлганинг ва сенда Қизил Байроқ ордени ҳамда ярадорлик белгилари борлиги учун гапириш ҳукукига эга эканингни, ҳозир бу одамларга ҳаётингда илгари кечмиш ҳамма нарсадан кўра шулар муҳимлигини ҳис этиш ҳам...

— Хўш, Усмон ҳакида қанақанги тушунча ҳосил килдингиз? Ажабтовур одам, шундайми? — Лопатин монтажхонага кириб келиши билан сўради режиссёр.

— Ўн беш минутда тушунча ҳосил қиломадим. Лекин шуни ҳис этдимки... — Лопатин Юсупов билан учрашувдан кейин бу одам у ерда, ўз ўрнида унга урушнинг зарурий бир қисми бўлиб туюлганини айтмокчи бўлди. Лекин ўйлаб туриб айтмади. Ортиқча гапиргиси келмади. Қисқагина жавоб берди: — Ууман, менга ёқди, келинг, ишга киришайлик.

— Унинг хузурида атиги ўн беш минут ўтирган бўлсангиз, шу пайтгача қаёкларда юрибсиз? — норози оҳангда сўради режиссёр.

Лопатин қаерда бўлганини айтди.

— Биз бир куни шу заводда сурат олган әдик, — деди режиссёр. — Кинотўплам учун оммавий кўриниш. Лентага тушираётган югур-югур пайтда ўзимиз ҳам билмаган эканмиз, буларнинг ҳаммаси — заводдаги вазият ҳам, одамлар ҳам экранда қандай кўринишда эканини кўздан кечириб чиққанимиздан кейин, бу кадрлар картина учун мос келмаслигини менга айтишганди, ҳатто баҳслашиб ҳам ўтирамадим. Экранда ҳаммаси, воқеаларнинг нақадар мураккаблиги яққол намоён бўлади-кўяди! Мана, сиз заводда бўлдингиз, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. — Режиссёр ёнидан Лопатинга жой бўшатиб стули билан нари сурилди. — Энди менинг ҳис-ҳаяжонларимни яхшироқ тушунасиз. Шу ерда, мана бу иш столим ёнида сизга бугун ваъда бераман: сиз билан ҳамкорликдаги қисқа метражли картинани тугаллайман-у, кейин нима бўлганда ҳам фронтга қисқа муддатга бориб-келмагунимча уруш ҳакида бошқа фильм яратмайман! Бўларим бўлди!

— Келинг, ишга киришайлик, — такрорлади Лопатин.

— Кечга томон кун анчайин илиб қолибди, — деди режиссёр биргалашиб күчага чиққанларидан кейин. — Е масчитимизда шунчалик совқотиб қолдикми?

— Йўқ, чинданам илиқ, — деди Лопатин. — Ҳатто одамлар эрталабкига қараганда бошқачароқ юришяпти.

— Демак, Янги йилни бирга кутгани бизникига келишга сизни шунча ундағаним беҳуда кетганини хотинимга айтаверайми?

— Шунака бўлиб қолди. Раҳмат.

— Раҳматингизни бошимга ураманми?! Агар бизникига келганингизда Янги йил окшомида сиздан яна бирор зарур у-буларни билиб олган бўлардим. Эртага ахир, охирги кун!

— Ҳа, эртага охирги кун...

— Тугатамиз, — деди режиссёр. — Бари бир бошка чорамиз йўқ, эртага роппа-роса ўнда учрашамиз. Кейинги кирк кун мобайнинда фронтдаги воқеалар шунакаям оёғи осмондан бўляптики, қувончдан албатта, ичгинг келади! Лекин кўп ичиб қўйманг! Сиз трамвайга чиқасизми?

— Ҳа.

— Мен яёв кетдим. — У Лопатинга қўл чўзди. — Кириб келаётган Янги йилингиз билан табриклайман! — Режиссёр энди юрмокчи бўлиб яна тўхтади. — Ҳозир ўзимизда юз берадётган ҳис-ҳаяжонларни фильмимиздаги одамларга юқтириш ҳақида бугун, Янги йили окшомида бир ўйлаб кўринг. Фильм нари борса март ойида экранга чиқади, унгача балки Донбасс ҳам, Ростов ҳам озод этилса, ажаб эмас! Ҳозир фильмимизнинг ғояси бир кадам ҳам ортга чекинма, деган маънода. Бу сизни ташвишга солмайдими?

— Ташвишга солмайди. Бизнинг фильм октябрь ойи воқеаларини қамраб олган. Ҳужум ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқ эди. Шундай булгач, қандай килиб одамларга ўзлари билмаган ҳиссиётни юқтириш мумкин бўларкин?

— Ҳиссиётни бўлмаса — олдиндан сезиш туйғусини, — деди режиссёр.

— Бу туйғунинг ҳам меёрини билиш керак. Ҳаммани ғалаба туйғусига эга қилиш — осон иш. Кимлардадир бу туйғу олдиндан бўлган, кимлардадир бўлмаган.

Агар бу түйғу ҳаммага танғиб қўйилса, нотўғри бўлади. Октябрь ойида бунақаси бўлмаган. Сўнгги нафасгача чекинмаслик кайфияти бўлган, буниси эса бўлмаган.

— Шундай бўлса ҳам қайсарлик қилмай ўйлаб кўринг.

— Майли, ўйлаб кўраман, — деди Лопатин. Кейин трамвай томон юрди.

Ўзининг мақолалари ҳакида ўйлаб кетди. Агар бир пайти келиб, урушдан кейин бу мақолаларни бир китобга жамласа кай ҳолда бўлишини ким билади дейсиз? Бир мақолада — бир хил кайфият, бошқасида — бошқача. Биттасида чекинаётган, бошқасида мудофаада турган, учинчисида хужум килаётган бўламиз... Улар орасида уруш жараёнидан бошқа яна қанақангি алоқа бўлиши мумкин?

— Василий Николаевич, тұхтасангиз-чи ахир! Сизга ҳечам етолмаяпман, — ортидан аёл кишининг овозини эшилди у. Ўгирилиб қаради.

Рўпарасида кулокчин, кигиз этик кийган ва мўйнали пўстини устидан офицерлар камарини тақиб олган Нина Николаевна турарди. Эгнида пўстин бўлишига қарамай — балки қалин камар белини маҳкам қисиб тургани учунми — у нозиккина эди. Бир қўлида сумка, кўлқопсиз иккинчи қўлини Лопатинга узатди.

Лопатин үнинг қўлини қўйиб юборди-да, нима қилишини билмай унга қувонч билан боқиб кархисида тураверди. Вячеслав бу аёлнинг қарамоғида турадиган ва Янги йил оқшомида у билан бирга бўладиган одам ҳакида нима деса ҳам, бари бир, кеча кун бўйи ва бугун кун бўйи Никани кўришни орзу қилганди. Ҳатто у ҳақда ўйламагандা ҳам — ўйлашга вакт йўқ эди — бари бир дийдор кўришишни истаганди.

Ника қўлини пўстиннинг чўнтағига тиқди, иккинчи ҳам чўнтақда эди. Ўзининг сумкасини у қўлтиғига қистириб олиб — Лопатин буни сезмай қолганди — энди иккала қўлини чўнтақка тиққан ҳолда бир нимани кутгандек Лопатинга тикилиб турди. Кейин сўради:

— Мен учратиб қолганингиздан хурсандмисиз?
— Хурсандман.

— Мен ҳам жуда хурсандман, қўлларимни чўнтақка тиқиб мағрур туришим — бирорвга қарам эмаслигимдан далолат. Аслини олганда, қўлларимни чўнтақка солиб юришни яхши кўраман. Сизни кўрганимдан ростдан ҳам бениҳоя хурсандман. Сизни аллақачондан бе-



ри кутаётгандим. Аввал студияда, йўлакда совқотиб кутдим. У ерда мени ҳамма танийди: улар бизга театр учун турли хил кийим-бошлар беришади, мен эсам уларга картинага суратга олиш учун ўзимизнинг театрга хос кийимларни бераман. Режиссёргиз билан ёнимдан ўтиб кетгунингизча кутиб турдим. Ҳамманинг олдида гаплашгим келмади. Оркаларингиздан югуриб чиқдим, сизлар эса бир-бирингизга тикилишиб олиб нуқул гаплашавердингиз-гаплашавердингиз, тоқатим ток бўлиб кетди. Мени роса совқотирдингиз!

— Каердан келиб, қаёққа кетяпсиз? — бемаврид сўради Лопатин унинг рўпарасида туриб.

Ника унинг ноўрин гапига кулиб қўяқолди.

— Каердан бўларди? Сизга айдим-ку, студиянгиздан деб, уша ерда сизни кутдим. Аввалига бошқа куни ҳам бажарса бўладиган бугунги юмушларимни режалаб, уни амалга ошириб бўлдим-да, кейин сизни кутдим. Кечаям, бугунам нуқул сизни кўргим келаверди. Қаёққа? Ўзингиз қаёққа кетяпсиз?

— Вячеслав Викторовичникига бориш учун трамвайга чиқмоқчи эдим — келганимдан бери уницида яшаяпман.

— Жудаям яхши, — деди у. — Мен ҳам деярли уша ёққа кетяпман. Факат трамвайдага эмас. Яёв юришга қурбингиз етадими — бир ярим соатли йўлга?

— Етади. Сиз совқотиб қолмасангиз бўлгани.

— Менга бало ҳам урмайди — совқотиб ҳам қолмайман, эриб ҳам кетмайман. Кетдик. Мен қўлтиклишиб юргандан кўра қўл ушлашиб юришни ёқтираман.

У қўлқопини кийиб унга қўлини узатди.

— Сумкангизни менга берақолинг, — деди Лопатин.

— Ҳожати йўқ, ўзим кўтариб кетавераман. Ҳеч қандай оғирлиги йўқ — ичиди фақат Янги йилгача ўзининг тайинли жойига етказилиши лозим бўлган аёлларинг иккита қувончи нарсаси бор. Биттаси — калта қилинган, иккинчиси эса — уланган қўйлак, бунинг сабаби — турли даврлардан бери бекаларда сақлаб юрилган. Биттаси узун мода, иккинчиси — калта мода давридан бери. Иккаласининг ҳам белидан қирқиб ташлаш керак. Аёллар озғинлашиб боряпти.

У Лопатинга ўғирилиб қаради.

— Шу кунларда бирор одамдан мен ҳакимда суриштирудингиз-а?

- Суриштиридим.
- Күйлак тұғрисидаги менинг әзмалигимга ҳайрон бұлмаганингизни күриб дарров тушунгандим. Қийимхонага мудирлик қилишимни ва аёлларга күйлак тикишимни — ҳаммасини айтиб беришгандир-а? Қимдан суриштирдингиз?
- Вячеслав Викторовичдан.
- Омадим бор экан. У меҳрибон киши. Хүш, олий маълумотли чеварлигимдан бошка яна нималарни айтиб берди?
- Сиз билан она-бола истикомат қилишини, уларни ўзингиз қарамоғингизга олганингизни ва йигит сизнинг эрингиз ким бўлганини билмаслигини айтиб берди.
- Умуман, тұғри. Мен ҳакимда айтганларининг бори шуми?
- Йўқ, ҳаммаси эмас.
- У бир неча қадам индамай борди.
- Билиб қўйинг, Василий Николаевич, Янги йил оқшомида мен дўстингизни кига бормайман. Мана шуни айтиш учун ҳам келувдим. Ўтган икки кун мобайнида сиз ҳақингизда жуда кўп ўйладим ва нимагадир сиз ҳам мени кўрмок истагида эканингизга имоним комил эди. Шу боисдан боролмаслигим ҳакида сизни огоҳлантириб қўйишим лозим эди. Бошқаларни хабардор кишишнинг ҳожати йўқ. Демак, ҳозир сизни дўстингизнинг уйигача кузатиб қўяман-да, ўзимнинг чеварлик юмушларим билан банд бўламан ва бу йил энди сиз билан дийдор кўришмаймиз. Агар сиз истасангиз факт келаси йили учрашамиз.
- Албатта, истайман, — деди Лопатин, — аммо индинга аzonда жўнаб кетаман-да.
- Наҳотки индинга бўлса? Мен нимагадир кейинрок деб ўйлабман. Монтажчи Сонядан суриштиргандим, иккинчигача ишлашингизни айтди.
- Иккинчигача деганим — иккинчида жўнаб кетаман, деган мъянода айтилган. Узокка кетаман, — Лопатин тутилиб қолди. «Фронтга кетаман» дейишга нимадир ҳалақит берди-ю, бунинг ўрнига «Узокка» деб қўяқолди.
- Иккинчигача ишингиз бўлса, учинчигача шу ерда буласиз, деб ўйлабман. Бемаъни иш бўлди-да, — деди ғамгинлик билан. — Сиз билан Янги йил оқшомида дийдор кўришмасликка ўзимча аҳд килиб қўювдим,

олдинда хали яна икки кун бор, деб ўйлагандим. Энди, бары бир, аҳдимдан қайтмайман.

Сўнгги жумлани унга эмас, ўзига айтди, ўзига ўзи бош иргаб сузини тасдиқлади. Кейин тўхтаб сўради:

— Мен-ку пийма кийиб олганман, сиз этикда сов-котмаяпсизми?

— Хечқиси йўқ, мен устма-уст иккита жун пайпок кийиб олганман. Кун ҳам уччалик совук эмас.

— Пайтава ўрамайсизми?

— Йўқ, шу пайтгача пайтава ўрашни ўрганмабман.

— Менинг эрим ҳам пайпок киярди, бериладиган пайтава латта-путтага ишлатиш учун бувимга топшириларди. Камар эса урушдан олдин олинганди, мана, кўриб турганингиздек, яраб қолди.

Балки Ника эри ҳикида суриштиришини кутгандир-у, аммо Лопатин оғиз очмади, ҳамон аёлнинг қўлидан тутган ҳолда индамай кетаверди.

— Камарнинг эгаси соғ-саломат, армияда хизмат қилиб юрибди, лекин ҳозирча жанг қилмаяпти, ҳозирча, Узок Шарқда, — деди у бир неча қадам босиб. — Бу ердан, Ўрта Осиё округидан, менинг тушунишимча, истехкомлар қуриш учун у ёкка қиркинчи йилларнинг бошларида жўнаб кетганди — ўзи ҳарбий инженер-да! Борган жойига кўнишиб қолгач, оиласини чакиртириб олиши мўлжалланган эди. Кейин эса чақиртиромади, менинг эркимни ўз қўлимга тутқазди. Мен ҳам ўз навбатида уни ўз ҳолига ташлаб қўйдим. Ўшандан бери биз бу ерда ўз ҳолимизча, у эса ўша ёқда ўз ҳолича яшаяпмиз.

— Ўйландими?

— Ахийири уйланди. Партиюргона ариза йўллаш ўрнига, унга тўрт томонинг қибла, мазмунида хат ёзганимдан кейин уйланди... Уруш бир оз бўлса-да, кўнгилдан чиқариб юборди, лекин ўшанда росаям жаҳли чикканди. Алдам-қалдамни ёқтиромайман. Турли маънода: «Мени кутгил!» дейиларкан-у, лекин бунақаси ҳам бўларкан. Сиз, менимча ҳакгўй одам бўлсангиз керак-а?

— Менимча ҳам шундай, — деди Лопатин. — Асо-сан шундай.

— Шундай экан, менга тушунтириб беринг-чи: сизларда, фронтда бир кўл билан уйга хат ёзиб, иккинчиси билан... Лекин сиз бошқача ўйламанг, бу ерда, бизда ниҳоятда соғинган, кўп азоб-уқубат тортган, ёлғизлик-

да ҳатто ақлдан озиш даражасига етган аёллар қўпинча фронтдагилар тўғрисида ёлғон-яшиқ гаплар тарқатишини мен яхши биламан... У ерда бунақалар кўп, шундай эмасми?

— Йўқ, — деди Лопатин.

— Бўлмаса, қандай?

— Масалан, мен бунақасига деярли дуч келганим йўқ. Олдиндан айтиб қўймокчиман, балки, отишмалар тўхтаган пайтда ёки орқа томонларда бунақалар кўп, ҳаддан ташқари кўп бўлиши мумкин, буни билмадим. Лекин жанг пайтида бу билан ким ҳам шуғулланарди. Бу билан кимнинг иши бўларди? Албатта, учраб туради, бироқ олдинги маррада ва унга яқин жойда бундай баҳтга эришганларни кам, жуда кам учратганман.

— Сиз, бари бир, буни баҳт деб ҳисоблайсизми?

— Бари бир, баҳт деб биламан. Истакларнинг муштараклиги, агар бу иккиёқламали бўлса, бари бир, бу баҳтнинг бир улуши ҳисобланади.

— Ўзингиз урушнинг бир ярим йили давомида баҳтнинг бу улушига дуч келдингизми?

— Фронтда — ҳечам. Ҳеч қачон ва ҳечам. Фронтда сиз ўйлагандагидек, бу ерда сизнинг азоб-уқубат тортган аёлларингиз ўйлаганидек эмас.

— Улар менини эмас, сизники! Уларнинг ақлдан озмасликлари учун биз бу ерда туриб эмас, балки сизлар у ёқда туриб ўйлашларинг керак. Бир йилда бир ҳафтача уларнинг олдига келиб кетиладиган аллақана-қанги отпуска ўйлаб топиш керакмиди! Э, худойимей, бунақа гапларни эшитавериб, ўзининг эрини қаро ерга тикиб қарғайдиган ва қалбида эса унинг гапирилаётган ўшанақаларга ўхшамаслигини орзу қиласидиган бебаҳт аёллар билан гоҳида суҳбатлашиб қолсан, юрагим ачишиб кетади! Унга ҳам тасалли бераман, ҳам юпатаман. Ўзим эса ўзимники ҳақида ўйлайман: ҳали ҳеч қандай уруш бўлмаган-у, у ерда, Ўзок Шарқда ёлғиз ўзи, менсиз атиги ярим йил яшаганини ўйлаб кетаман. Бошқаларга тасалли берәётганимда мен, балки, алдаётгандирман? Шу боисдан ҳам сиздан ўзим учун эмас, балки бошқалар учун суриштиряпман. Мен учун бу воеаларнинг ҳаммаси, баҳтимга, урушдан олдин худди кино лентасидек тез ўтиб кетган. Ҳаммаси тугаган. Қўпинча мен: худога шукр, буларнинг ҳаммаси уруш пайтида эмас, балки ундан олдин юз берди, акс ҳолда алам қиласиди, деб ўйлаб қўяман! Менга айтиб

берганингиз учун хурсандман. Бирорларга таскин берадётганимда унчалик алдамаганлигимдан хурсандман. Фронт ҳақида фийбат килишаётганда, қабих сўзларни тилга олишаётганда, гапимга ишонинг, буларнинг ҳаммаси тил учида айтилган бўлади! Аслида эса — шунчалик ишонч, умид ва муҳаббат борки...

— Аввалига гапимиз қовушмади, шу боисдан бемаъни чикди, — деди Лопатин.

— Албатта, bemayni-da. Men dan эрим ҳақида суриштирасиз, деб ўйласам, сиз буни сўрамадингиз. Ўзим гапириб беришимга тўғри келди. Айтиб бўлиб ўзимни нокулай сездим, ўзимни кўйгани жой тополмадим. Шу йўсинда умумий мавзуга ўтиб кетибман. Худога шукр, ундан бир амаллаб чиқиб олдик! Мен ўтган куни айтганингизнинг ҳаммасини эшишиб ва албатта сизга разм солиб ёнингизда ўтиредим. Аввалига, у ерда, Ксенияницида ўтириб аччиғланингиз лозимдек туюлганди. Гапимга ишонинг, аслини олганда сизнинг ҳолатингиз яхши эмасди.

— Ҳа, шундай эди.

— Сиз уникига борганингизга пушаймон бўлишингиз лозим эди. Сиз бўлсангиз пинағингизни ҳам бузмадингиз. Нима, ундан бутунлай кўнглингиз колганми?

— Шунақага ўхшайди.

— Бунга қачон иқрор бўлдингиз?

— Ўтган куни тушуниб қолдим. Жаҳлим чиқмади, ҳақ гапни айтдингиз. Жаҳлим чиқмаганинг яна бир сабаби шунда эдики, менга Зинаида Антоновна билан сұхбатлашиш мароқли бўлди. Мен учун бу кутилмаган тортиқ бўлди. Яна сиз ёнимда гапларимга қулоқ солиб ўтиредингиз.

— Бикинингизга тикилиб ўтиредим,— деб кулди у.— Эътиборингизни ўзимга қаратишга ҳарчанд уринсам ҳам бунинг уддасидан чиқолмадим. Бутун дикқатингиз биргина Зинаида Антоновнага қаратилди, бошқа ҳеч кимга эмас. Агар билишни истасангиз, ўзим ҳам факат шу аёлни деб ўшокқа бораман. У доим маъноли гапради, унинг сұхбатини тинглаш ҳаммавакт мароқли. Доно аёлларни яхши кўраман.

— Мен ҳам.

— Ҳали уникига ўн беш минутга кириб чиқишимни ўйлаб, ич-ичимдан қувоняпман. Мен унга янги ясама, эски қўйлагига жудаям чиройли ёқа ўйлаб топдим, факат устидан тикиб қўйса бўлди, — уни сумкамда

олиб кетяпман — ёкани тикиб бўлганимча у менга ўн беш минут мобайнида жуда кўп маънили нарсаларни гапириб беришини олдиндан биламан. Гоҳида, ҳатто ёзиб олгинг келади — у шунаканги гапларни айтадики! Хеч ким ёзиб олмаётгани гуноҳ!

— Сиз унга ўйлаб топган янги ёқа ўз моҳияти билан жиддий бирор нимага арзийдими? — сўради кулиб Лопатин.

— Албатта! У мени кутиб ўтирибди. Ўтган куни унинг қанчалик яхши кийинганини наҳотки сезмаган бўлсангиз? Бор-йўғи икки-учта буюми бор-у, лекин ҳаммаси яхши, дид билан тикилган.

— Нимагадир сезмаган эканман, — деди Лопатин. — Ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмабман.

— Нукул шунақа бўлади, — кулди у. — Ақлли аёлни кўрганингда, унинг нима кийганига аҳамият бермайсан. Мен қанака кийимда эдим, сездингизми?

— Ўтган куни сезувдим. Поезддагини эса ҳечам эслолмайман.

— Поездда совук эди, — деди у. — Мен бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйлаб кетувдим. Гоҳида эгнингга нима кийганинг ҳақида ўйлаб коласан, гоҳида хаёлингга ҳам келмайди. Балки, шу ҳақда ўйлаётганингда, бошқалар ҳам кўпроқ сезишади. Ўзинг ўйламаган пайтингда эса унчалик аҳамият беришмайди... Кейинги кунларда ниҳоятда толикдим. Театрда ҳам, уйда ҳам ишлар кўпайиб кетди. Хеч нарсага қарамай, отамникига бориб келдим, Янги йилга эса кўп нарслар ваъда килгандим. Шу сабабли кейинги пайларда тун бўйи баҳялашга ва қайта бичишга тўғри келди... Уруш ўз йўлига-ю, лекин биз чеварлар тили билан айтганда, Янги йилга фақат бошқатдан тикиб кийинадиганларгина эмас, балки янги тикиб кийинадиган хонимлар, бари бир, бўлади. Албатта, бошқатдан тикадиганлари кўпроқ. Жудаям чарчадим, бунинг устига устак сиз лаънати режиссёрингиз билан ҳечам кўрина колмадингиз.

У Лопатиннинг қўлини оҳиста қисиб, бир лаҳза кулиб қўйди.

— Балки, трамвайга ўтиармиз? — сўради Лопатин.

— Чарчаганим учун айтяпсизми?

— Ҳа.

— Юраверинг. Юранимда ҳечам чарчамайман.

Агар эртарок күчага чиққанимизда, бир ярим эмас, балки уч соат сиз билан сайр қилган бўлардик. Менга айтинг-чи, мана, сиз бу галги Янги йилни Тошкентда кутиб оляпсиз, ўтган Янги йил окшомида каерда эдингиз?

— Фронтда.

— Кани, айтинг-чи, нималар бўлганди?

— Хеч нима бўлмаганди, — деди Лопатин. —

Ўтган Янги йилни уйкуда ўтказгандим.

— Канақасига уйкуда бўларкан?

— Бўларкан-да. Бизникиларнинг Керчга десант тушириши ҳақида ёзишга улгуриш максадида ўттиз биринчидан Москвадан учдим-у, лекин манзилга етиб боролмадим, мажбуран дала аэродромига қунишга тўғри келди. Қўнаётганда бир оз шикастланди ҳам. Самолётда совкотдим, қўнаётганда эса роса эсхонам чиқди. Ерга қўнган пайтимда, одатдагидек, меҳрибон одамларга дуч келдик. Улар корнимизни тўйгишишди, меҳр-шафқат кўрсатишди ва Янги йил кириб келиши олдидан уйғотишни ваъда килиб ухлатишиди. Кейин нима бўлганини: туртиб уйғотишолмадими — тунда ухламагандим — ёки унугиб қўйишдими, билмайман-у, лекин кирқ иккинчи йилнинг дастлабки тонгига уйғондим. Албатта, бунинг қизик жойи йўқ, лекин ўшанда мен роса мирикиб ухлагандим.

— Қизик ҳикояларни мен ёқтирамайман, — деди Нина Николаевна. — Жудаям қизик воқеаларни гапириб беришаётганда, менга ҳаммавакт ёлғон-яшик гапларни қўшаётгандек туюлаверади, сиз бўлсангиз, ҳаммасини рост айтдингиз, буни сезиб турибман. Бўлмаса, Янги йилда ухлаб қолганини ким ҳам тан оларди?

— Одамлар нималарни ўлаб топишмайди, дейсиз, — деди Лопатин. — Гоҳида ўзларига ўзлари шунақанги туҳмат қилишадики, кейин нима қилишни ҳам билмай қолишади. Фотомухбирлардан бири қишида озод қилинган қицлока немислар қатл этган уч партизанни осилган жойидан эндиғина тушираётган пайтда кириб боргани ва суратга олиш учун ўша мурдаларни бир неча минут қайта осиб қўйишга мажбур қилганини маст пайтида мақтаниб, ўзининг серфаросатлигини кўрсатмоқчи бўлган. Инсон қадр-қимматини шу йўсинда таҳкирлагани учун трибуналга берилишига сал қолди. Яхшиямки, ўшанда мен у билан бирга эдим

ва бундай қилмаганини, ҳечам бунақа иш бўлмаганини билардим.

— Бари бир чўчка экан, — деди у тўсатдан тўхтаб.

— Албатта, чўчка, — деди Лопатин. — Маст ҳолида ўзига тухмат қилган-у, лекин калласининг аллакаे-рида шу фикр бари бир бўлган. Агар бўлмаганида, бунақа гап оғзидан чиқмаган бўларди. Мана шу ал-дамчилиги учун башарасига тушириб, ўшандан бери у билан ҳеч қаёққа бормаяпман.

Ника унинг чехрасига бўшашибина қараб қўйди. Балки, шу пайтгача башарага туширишга уни қодир эмас, деб ҳисоблаган бўлса керак. Бу хато фикр билан у ҳаётида биринчи марта тўқнашаётгани йўқ.

— Дордан тушириб олинган ўша одамларни аслида нима қилишди?

— Аслини олганда, улар қорда қандай ётган бўлса шу ҳолатда суратга олишган-да, кейин биродарлик қабристонига кўмишган. Буни биз кўролмадик, илгари-лаб кетгандик.

— Бояги учови эркакми? — гўё бунга тегиб ке-тишидан ҳайиқиб секин савол берди.

— Учовиям эркак эди. Сиртмоқдан олинган аёлни ҳам кўрганман, лекин бошқа жойда. Буни умуман кечириш мумкин эмас, ҳечам! Бу умрбод интиқомсиз қолади.

— Нега интиқомсиз қолар экан? — сўради у ту-шунмай.

— Қандай қилиб интиқом олинар экан? Нима энди, биз Германияга кириб бориб, у ерда аёлларни дорга осишимиз керакми?

— Буни тушунаман, — деди у бироз жим қолган-ча. — Лекин барибир уруш ҳақида ҳатто бу ерда билиб олмаганингда ҳам, уларнинг қилмишларини эшитганингдан кейин ҳаммасидан ҳам интиқом олиб бўлмас-лигини ўйлашинг ўта ғалати бўларкан. Бу нарса шу пайтгача ҳечам ҳаёлимга келмаганди.

— Мен эса, аксинча, бу ҳақда кўп ўйлайман, — деди Лопатин. — Айниқса, ўлда Янги йилни кутолмай ухлаб қолганим ҳақида сизга айтиб берган сафарим-дан кейин, Керчда бўлиб, шаҳар ташқарисидаги зовурни кўрдим ўшанда. Бу, аслини олганда, зовур эмасди. Яъни зовур бўлса ҳам танкка қарши зовур эди. Немислар эса шу ерда бир неча минг одамни отиб, тупрок билан юзагина кўмиб қўйишибди, айрим жойларга

ҳатто тупрок ҳам тортишмабди. Ўша ерда туриб мен бу канчалик даҳшат бўлса ҳам, интиком олишни талаб этса ҳам, лекин бунинг учун ҳеч қачон тўла ҳолда касос ололмаслигимиз ва қасос олмаслигимиз бизнинг онгимизда ўрнашиб қолганини, ўзимиз булардан устун эканимизни ўйладим. Ўз кучингдан сен ҳеч қачон улар ишлатгандек фойдаланмаслигингни ҳам биласан. Мен ғалаба ҳакида эмас, балки интиком хусусида гапиряпман. Ҳамма гап шунда!

— Отамни кўргани бориб, ёнида ўтирганимда, у фронт ҳакида менга ҳеч нимани гапириб бермасди. Палаталарни айланиб юрганимда эса бошқалар — отам каби ўрнидан туролмайдиган оғир ярадорлар бир-бирлари билан уруш хусусидаги гапларини эшитардим-у, лекин отам бир оғиз гапирмасди! Унинг ҳозирги хотини Зоядан — у ерда мен уни Зоя, у бўлса мени Ника деб чақирадиган бўлдик — нега дадам уруш ҳакида ҳеч нима демайди, балки эслаш унга оғирлик қилса керак, деб сўрагандим, «У ахир ҳеч нимани билмайди! Ахир у урушда ҳаммаси бўлиб ярим соатгина бўлган-да! Эрталаб улар окопларни эгаллашган, бир неча соатдан кейин эса немислар отишмани бошлиган-у, у дарров яраланган. У ҳеч нарсани билмайди, ҳеч нарса айттолмайдиям...» деди Зоя. Қолган бутун умри тузалишига умид қилинмайдиган майиб отам ҳатто урушни ҳам кўрмагани мен учун аллақандай бир даҳшат эди, буни эшитганимда йиғлаб юбордим. Умуман, бунинг нима фарқи бор, бари бир... Кўпчилик шундай бўлса керак, — деди у бироз сукут сақлаб.

— Албатта, кўпчилик шунақа бўлади. Агар мудофаага тушиб қолиб, бир жойда ўтиrsa, ҳатто олдинги маррада ҳам бунақаси тез бўлмайди. Бугун биттасини ярадор қилишади, эртасига бошқасини, индинига — учинчисини... Агар форнтда бўлмаган янги қисмни дарров ҳужумга ташласа, албатта, урушнинг бир неча соати давомида ва ҳатто унинг дастлабки соатидан кейин кўпчилик госпиталга маҳкум этилади; уларни чаппа йўналиш — орқа томонга олиб қўйишади... Балки ўтган куни чилвирни тортиб тўп отган анави артистка хусусида айтган гапларим сизга ҳаддан ташқари заҳарханда туюлгандир...

— Йўқ, менга ундей туюлмади. Мен индамадим-у, лекин ич-ичимдан сизни қўллаб ўтирдим.

— Завқланиш, хузур қилиш, шайдо бўлиш — бу-

лар урушга хос сүзлар әмас, урушга доир сүзларни адаштиришни ёқтирмайман, — деди Лопатин. — «Сенга етиб бориш анча мураккаб, үлимга эса түрт қадам холос». Мана булар уруш ҳақидаги ҳақиқий сүзлардир, шу құшиқ билан урушга кирилади, шу құшиқ билан урушдан чиқылади. Шуниси ҳам борки, радионинг ёрдамисиз айтиларди. Аллақайси доно радио орқали эшилтиришдан ҳайиқибди: у ёқда, фронтда, солдат үлимга түрт қадам қолганини эшитиб қўрқиб кетмасин эмиш!...

— Василий Николаевич, — у яна тұхтади, шунда Лопатин яна бирор мұхим нарсани суриштиришини билди, чунки бундан олдин ҳам мұхим бир нарсани сұрамоқчи бўлганида икки марта тұхтаб қолганди.

— Нима дейсиз?

— Бугун анави Зоядан телеграмма олдим. Отамни уйига олиб кетибди, «Янги йилни уйда бирғаликда ўтказамиз», деб ёзибди.

— Демак, ахийри күндирибди-да,—деди Лопатин.

— Демак, күндирибди. Эрталабдан бери мен шу телеграмма ҳақида ўйлаяпман. У «бирғаликда» деб ёзибди, мен бўлсан қолган бутун умри мобайнинда мана шундай — қўлсиз, оёқсиз ва ҳаракатсиз яшашни хоҳламаслигини унинг ўз оғзидан эшилганман. Ёлғиз ўзим уни кўргани борганимда, отам менга: «Уни ўзимдан ҳоли қилишни қанчалик исташимни билганингда эди», — деди. У бу гапни госпиталда қолиш учун айтгани йўқ, афтидан, Зоя уни уйига олиб кетишини ўзи ҳам билса керак. У үлим ҳақида гапирди, уни ўзидан ҳоли этишни, яъни үлмоқликни хоҳиш килаётганини айтди. Сизнингча, қандай, энг яқин кишинга үлим тилаш мумкинми?

— Агар ўзингиз ҳақингизда сўраётган бўлсангиз — билмайман, — деди Лопатин. — Агар менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз — агар бу кишининг ўзи үлимни истаётганига, бошқа чораси йўқлигига ишонч ҳосил қилганимда унга ачинган бўлардим. Одам яшашни хоҳлаяптими ёки хоҳламаяптими, буни тушуниш қийин; балки бу унга шундай туюлаётгандир, балки у бугун бир гапни айтиб, эртасига бошқача фикр юритаётган бўлиши мумкин. Биз одамларга улар яшашни хоҳламай, үлимни афзал кўриш хуқуқидан одатга кўра маҳрум этамиз. Одам яшашни истайдими ё истамайдими, биз, бари бир, унинг яшashi учун қўлимииздан келган

ҳамма ишни қиласыз. Гоҳида хаёлимизга: бу ҳаётда учрайдиган барча воқеалар учун қоидамикан, деган фикр келиб қолса ҳам, бу шундай бўлиши лозимлигини ўйлашга одатланиб қолганмиз. Фронтда мен оғир яраланиб азоб чекаётган, бари бир энди яшаёлмаслигига акли етиб, укубатдан кутилиш мақсадида уртоқларидан, қўпол қилиб айтганда, узини ўлдиришни, чиройлироқ айтганда — ҳаёти билан видолашибга ёрдам беришни илтимос қилган одамлар ҳақидаги кўпчилиги ҳақиқатга яқин гапларни тез-тез эшитиб турғандим. Ўзим ҳам бир куни шунақанги илтимосни ўз қулоғим билан эшитдим. Гапнинг индаллоси шундан иборатки, бунақа қилинадими, қилинмайдими, лекин одамни бир соат ёки бир кун ортиқча азоб чекишидан кутқариш хусусидаги бунақанги илтимослар у ерда, фронтда ҳеч кимни ҳайратга солмасди. Хўш, агар одам ярим кун эмас, балки ярим йил ёки бир неча йил азоб-укубатда бўлсанчи? Унинг истагини бажо келтиришни ҳақсизлик ёки шафқатсизлик деб ҳисобламайман. Бундан ташқари, мени кечиринг, гап отангиз ҳақида боряпти, агар унинг узини бу аёлдан ҳоли этиш ҳақидаги сўзларини ўйлаб кўрсак, бу сўзлар кенг маънода айтилганини ҳис қиласыз: бунда нафакат унга бўлган муҳаббат, балки дадангизга ўзини баҳшида этишга жазм қилганига қарамай, бу аёлда бир пайтнинг ўзида унинг узок яшашини ҳам исташи, ҳам истамаслиги ҳақидаги фикр бўлган. Ўзининг бу ахволида у бу ҳақда ўйламаслиги мумкин эмасди.

— У ердан қайтаётганимда бизда ҳам, Тошкентга яқин жойда шунақа госпитал борлигини унга айтдим. Дадамни шу ерга олиб келсак-чи? Балки ундан ташқари, онам эмас, балки ҳеч бўлмагандан мен навбатчикликка борсам унга енгил бўларми? Бунга жавобан у жаҳл билан силтаб ташлади. Мен уни койимайман, у ҳақ. «Тўрт мучали соғ, ўзи саломат пайтида уни сизлар билан баҳам кўрмадим. Энди эса, қўлсиз, оёқсиз қолганида бўлашиб ўтираманми! Нима, мен ж...манми? — Ўзини у шундай деди. — Уни сизлардан мен тортиб олдимми, энди унинг мусибатини ўзим тортаман!» Бари бир уни уйига олиб кетибди. Яшашини истамаслиги ҳақида дадам менга айтган гапларини эсласам, унинг истаги ижобат бўлишини хоҳлайман.

У шу вақтгача қандай тўхтаган бўлса, шундайлиги-

ча қимир этмай тураверди. Кейин эса, бирдан эсига келиб, Лопатинга құлини құзды.

— Қани, кетдик, индинга поездингиз соат нечада жүнайди?

— Ўн биру бешда.

— Нечанчи вагон?

— Ҳозир қарайман.

У почапұстин тұгмасини ечиб, гимнастёркаси чұнтағидан билетни олди-да, кафти билан шамолдан тұсіб гүгүрт ёқиб қаради.

— Еттинчи.

— Агар ўшангача күришолмасак, сизни кузатгани қиқаман.

— Миннатдорман, — деди Лопатин ўзини шу пайтгача фронтга ҳеч қачон аёллар кузатиб құймаганини үйлаб.

Урушнинг бошларида, ҳали Қсения эвакуация қилинmasдан аввал у икки марта фронтга жұнаганди-ю, лекин ҳар сафар кузатув бұлмаганди. Бириңчи марта сида хотинини вокзалга олакетмай, қизини овутышни буюргани сабабли Қсения ниҳоятда хафа бұлган эди. Кейинчалик эса у бунинг аксини, яъни қизини деб қолганини айтганди. Иккінчи мартасида эса у эри билан жанжаллашиб қолгани учун кузатиб қўймади — кимдир унга Лопатин яна бир күн Москвада колиши мумкин экану, лекин қолмаганини айтганди. Ҳеч қана-қанги бошка аёллар ҳам уни ҳеч қачон кузатиб қўйишмаган. Бу, агар у вокзалга келса, кузатувчи биринчи аёл бұлади.

Аллақандай уйнинг ёнида аёл тұсатдан тұхтаб колди.

— Василий Николаевич, жудаям юзсиз бўлиб кетдим-да: сизни роппа-роса беш минутга ёлғиз қолдирмоқчиман... Мана бу уйга кўйлакни обкириб беришим керак. Ҳеч нимани үлчамайман, факт бераман-у, қайтаман! Мени бироз кутиб, депсиниб турасиз-да?

— Майли, — деди у.

Аёл күча эшикни тақиилатди-да, очилиши билан эшик ортида кўздан ғойиб бўлди.

Лопатин почапўстин чўнтағига кўлларини тиқиб олган ҳолда у кириб кетган эшик олдида у ёқдан бу ёкка юриб ўйларди. Нималар бўляпти ўзи? Буларнинг ҳаммаси нимани билдиради? Унинг студияга боришини, қўлтиқлашиб эмас, балки қўл ушлашиб шаҳар бўйлаб мана бу сайд килишни қандай тушуниш керак? Бугун, Янги йил оқшомида иштирок этолмаслигини дарров айтиб қўйгани ва поездга кузатиб қўйишга узр сўраганини-чи? Ва энг асосийси, кеча ҳам, бугун ҳам у билан учрашишни қанчалик хоҳлагани ҳакидаги сўзларини-чи? Шу йўсинда айтилган сўзлар икки хил: ё чин ҳакиқат, ё ўзини ўзи алдаш, уйдирма бўлиши мумкин — аёллар мавҳум нарсаларни ўйлаб топишга уста бўлишади. Лекин у ўзини ўзи алдашга мойил одамга ўхшамайди. Ўзини эмас, балки уни алдашнинг унга нима ҳожати бор? Нима сабабдан? Нимагадир ишониш қийин бўлса ҳам, буларнинг ҳаммаси рост эканига, кече ҳам, бугун ҳам уни кўрмок истагида бўлганига ишонишдан ўзга чора қолмади.

У эса ўзини алдолмасди! Аёл кўздан ғойиб бўлган уй олдида ҳозир депсиниб турган, эгнида почапўстин, бошида қалпоқ ва оёғида иккита жун пайпок устидан этик кийган, у ёқдан бу ёкка юриб турган кўзойнакли киши мана шу аёлни севиб қолган. Улар Тошкент кўчалари бўйлаб бу ерга етиб келгунча шундок бўлди ёки аввалдан севган. Лекин айни шу сабабли, у ҳам кече ва бугун Лопатинни кўриш истагида бўлганига ишониш қийин эди: ҳаддан ташқари кутилмаган воқеа! Аёл шунчаки уни кўрмоқчи бўлган, чунки у билан бирга бўлиш аёлга завқ бафишлаган. Ўзига нисбатан унда қизикиш борлигини Лопатин ўтган куни сезганди, қизикиш ҳам бир одамни иккинчисига яқинлаштиришга қодир хис-туйғу ҳисобланади!

У кўлларини чўнтақка тиқиб юрар ва иложи борича ўзини ўзидан, йўқ, бу шунчаки қизикиш эмас, шунчаки фронтдан келган одамга бўлган қизикиш эмаслигига ишониш истагидан ҳимоя қилмоқчи бўларди.

«Нега у Вячеславникида Янги йилни кутиб олиш учун келишни истамаяпти? Бунинг сабаби, бир ўзи келолмаслигидан огоҳ эканимни у билади ва менинг ҳузуримда ўша одам билан бирга бўлмоқчи эмасми-кан? Усиз ёлғиз ўзи ҳам келолмасмикан?»

Буларнинг ҳаммаси ўзинг ўйлаб топган изоҳ. Ахир, Никанинг ўзи ҳеч нимани тушунтириб бермайди-ку! «Келмайман», деди вассалом.

У Никанинг характерида турмушнинг аллақайси сўқмоғида ортирилган ўзини эркакларга хос журъат каби эркакча бир нима борлигини ўлади. Қўпинча анчайин баҳтсиз аёллар заруратдан, ўзини ҳимоя этиш туйғусидан келиб чикиб журъатлиликни ўзларида тарбиялайдилар.

Отаси Ника ўн тўрт ёшга тўлганида онасини ташлаб кетганини гапириб бергани Лопатиннинг ёдига тушди. Ўн тўрт ёш! Болалар тушунишни рад этадиган, ҳаммаси ўз ҳолича ҳақ бўладиган ва кимлар биландир кимларга қарши турадиган вакт! Ника ўша ёшда шундай бўлган. Энди эса шахсан ўзингнинг қизинг шундай бўляпти. Шундай ёки деярли шундай.

У ҳозир агар Ника йигирма тўкқиз ёшда бўлса, афтидан эллик беш ёки шунга яқин ёшга бориб колган унинг отаси ҳам, ҳаммаси бўлиб унинг отасидан атиги ўн ёш кичик ўзини ҳам ўлади.

Ҳа, бу ҳақда ўйлаб кўрса арзиди, жудаям арзиди! У, балки буни ўйлаб кўради-ю, бироқ Ника эшикни тараклатиб ёпиб зинадан тушди-да, дарров унинг қўлидан ушлаб олди.

— Кетдик! Бари бир икки минутча ушланиб колдим, сездингизми?

— Сезганим йўқ, — деди у. — У ёқдан бу ёқка юриб ўйладим.

— Кимни ўйладингиз, меними?

— Ҳа, сизни! Мендан ўн етти ёш кичик эканингизни ўйладим.

— Тўғри хисоблабсиз! Мен ҳам сизни кеча эслаб, мендан ўн етти ёш катта эканингизни хисоблаб чикдим. Хўш, нима бўпти?

— Нима бўларди — сиз эшикни қарсиллатиб югуриб чикдингиз ва биз яна сизнинг Тошкентингиз бўйлаб кетяпмиз. Айтгандек, у балки сизни кийин эмасдир?

— Йўқ, худди меники. Ота-онам бу ерга мен икки ёшлигимда кўчиб келишган. Ўшандан бери шу ерда яшаётган эканман, демак меники! Шу боисдан кейин келганларга қараганда бизга бу ерда яшаш енгилрок. Ўзимизнинг квартирамизда, ҳатто шахсий уйимизда яшаймиз. Аникроғи, уйнинг ярмисида. Отам курган уйнинг ярмисини мен институтда ўқиётганимда онам

сотиб юборган. Биласизми, кеча мен нима иш билан шуғулландим? — Бундан олдин бир неча марта бўлганидек яна тўхтаб сўради у. — Мен кеча кечқурун театримизда, қизил бурчакда газета тахламасини вараклаб, Сталинграддан ёзганларингизнинг ҳаммасини ўқиб чиқдим. Остига «Фарбий фронт» деб ёзиб қўйилган энг кейинги яна битта очеркингизни ҳам ўқидим. Лекин унчалик яхши эмас, менга унча ёқмади...

— Ўзимга ҳам.

— Сизнинг Сталинграддан ёзган ҳамма очерклинигизни кетма-кет ўқиб чиқиб, айрим нарсаларни суриштириш учун ҳатто сизнига келмоқчи ҳам бўлдим.

— Хўш, нега келақолмадингиз? — деди Лопатин. — Кеча студиядан тўккиз яrimda kaitdim. Вячеслав Викторович ўйқ экан, ёлғиз ўзим шахмат ўйнаб ўтиредим. Агар келганингизда қойил бўларди!

— Нима, сизнига келиш менга осон деб ўйлайсизми? Мен учун осон эмас.

— Ҳазиллашдим, — деди Лопатин.

— Мен жиддий айтяпман. Кеча сизга берадиган саволларим жуда кўп эди, мана энди хаёлимдан кўтарилибди. Менга айтинг-чи, у ерда, Сталинградда, ҳаммасидан кўра қачон даҳшатли бўлганди?

— Биринчи марта дарёдан ўтаётганда.

— Нега? У ерда нима булишини ҳали билмаслигиниз учунми?

— Ҳа, қисман шунинг учун ҳам. Мен умуман сувни ёқтирмайман. У ер эмаски, ётиб олсанг. Октябрь ойининг охирларида, дарёдан икки марта ўтганимда, иккаласидан ҳам роса кўркдим. Немислар айни ўша кунлари бошқалардан ажратиб қўйган дивизияга тушиб қолгандим. Бу ерда бекор ўтириш мумкин-у, аммо Москвага ҳеч нимани узатиб бўлмасди — факат радио орқали алоқа қилинарди. Ўнг кирғоқдан чап қирғоқка — фронт штабига ўтиб алоқа узелидан материални жўнатишга ва яна Сталинградга, энди бу дивизияга эмас, балки армия команда пункти ва унинг алоқаси бўлган бошқа участкага қайтишга тўғри келди. Очеркини ёзиб редакцияга узатган икки кунимни фронт штабида ўтказдим-у, эндиликда Волга орқали қайтгим келмади. Ўзимни мажбур қилишга тўғри келди...

— Бирорта очеркингизда нега булар ҳакида ёзмадингиз?

— Нега ёзмас эканман? Ёздим — ўзимни тутиб ту-

ролмадим! — деди жилмайиб Лопатин. — Аммо редактор үша жойини қирқиб олибди. Ўшанда оғир дамлар эди, Волга сатхини муз қопладиган пайтлар яқинлашиб қолганди. Редактор ҳам дарёдан кечиб үтишдаги қийинчиликларимиз ҳақида батафсил баён этишни истамади. Кейинчалик, Москвага қайтиб келганимдан сўнг у менга терилган ва қизил қалам билан устига чизик тортилган бир устун материал бериб: «Мана буни олиб қўй, шахсий кечинмаларингни бўлажак асарларинг учун қолдиргандим», — деди.

— Мен бўлганимда факат кечувнинг ўзида эмас — айниқса, мен сувдан қўрқмайман — балки умуман хавф-хатарни ҳечам унутмаган бўлардим.

— Шундок бўлиши ҳам керак-да. Мен ҳам қаерда бўлмайин: Сталинградда ҳам, Сталинградда бўлмаган пайтимда ҳам хавф-хатар оркамдан келаётгандек бўлаверади-ю, ундан ҳайикиб тураман.

— Нега орқангиздан?

— Негалигини билмайман. Балки, бошқаларда бошқачадир, лекин менга шунақа туюлаверади! Хавф-хатар олдимдан эмас, балки ортимдан келаётгандек ҳис қиласман. Агар олдимдан бўлганда халақит берган бўлармиди?

— Нима, жиддий гапиряпсизми ёки ҳазиллашяпсизми? — сўради у. — Мендан эҳтиёт бўлинг. Бунақа гапларга мен чиппа-чин ишониб қоламан.

— Ҳечам ҳазиллашаётганим йўқ, — деди Лопатин. — Доимий вахима, аникроғи хавф-хатар туйғуси гарданимда туради. Қўқкисдан бўладиган вахима — бу ўринда айнан вахиманинг ўзи, туйғу эмас — чинакам хавф-хатар дақиқаларида тўсатдан тўшим остида пайдо бўлиб колади. Гўё уч кечаю уч кундуз оч қолгандек беҳол сезасан ўзингни. Ҳаммавақт шундай бўлган, фақат урушда эмас.

— Ундей бўлса, Сталинградда ҳалок бўлган анави аёл, алоқачи ҳақида қандай ёздингиз — мен очеркни бошдан охиригача ўқиб чиқдим, унда аёлнинг вахимага тушгани, нимадандир қўрқани хусусида бир оғиз ҳам ёзилмаган. Бунинг сабаби нимада?

— Сабаби осон. Чунки, уруш ҳақида ёзаётганимда «ваҳима», «қўрқув» сўзларини худа-бехуда ишлатавермаслик керак. Уни ўрнида ишлатмай кўринг — қанчалик аламли ва ҳатто шармандали чиқади. Менинг ўз принципим бор ва унга амал қиласман. Агар ниманидир

амалга оширгани ҳақида мен қалам тебратадётган одамнинг ўзи бошидан ўтказган ваҳима ҳиқида гапириб берса, у нималарни ҳис этганини ўзига сўз бериб ёзишга ҳаққим бор. Бироқ агар унинг ўзи қанчалик даҳшатга тушгани ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаса, мен ҳечам суриштириб ўтирумайман, унинг қўрқкан-қўрқмаганлигини ўйлаб ҳам кўрмайман. Одам ўзи бошидан кечирган даҳшат ҳақида ўзи гапириб бериши мумкин, бошқа одамнинг эса ҳаққи йўқ. Бу ниҳоят дараҷада нозик масала. Мана, ҳозир сизга гарданимда ёки тўшим остида қўрқув ҳиссиёти пайдо бўлишини гапиряпман, лекин буни ўзим ҳақимда ўзим айтяпман, шундай бўлгач, буни айтиш ёки айтмасликка факат менинг ҳаққим бор! Аммо мен, масалан, кимнингдир мен ҳақимда у ерда, Сталинградда ўз очеркларимни қўрқувдан титраб ёзганимни қаламга олмаслигини истаган бўлардим. Сиз «Мен ҳадиксираб тургандим» деган сўз билан «У қўрқиб кетди» деган сўзнинг фарқини тушуняпсизми? Ўзига ўзи баҳо бериш билан четдан айблаш орасидаги фарк.

— Буни тушуниб турибман, — деди у. — Мен бошка нарсани тушунмаяпман. Агар у ерга, фронтга тушиб қолсам, сиз ёзган аёл амалга оширган ишларни қандай қилолардим? Менинча, бунинг уддасидан чиколмасам керак. Фронтда аёллар килаётган ишларни бажаришга журъат этолмаган бўлардим. Факат ўша аёл каби эмас, умуман журъат етишмасди.

— Фронт ҳақида, у ерда нима қила олишингиз мумкин-у, нималар қўлингиздан келмаслигини ўйлаётган пайтингизда ҳеч қачон умумий тарзда ўйламанг. На фронт ҳақида ва фронтдаги аёллар ҳақида. Фронтда бўлишни турли маънода тушуниш мумкин, гоҳида буни унутиб юборишади, гоҳида эса, аксинча, бундан фойдаланиб қолишади. Мана сиз «фронтдаги аёллар» дейяпсиз... Менинг очеркимда сиз ўқиган ўша аёлни ва урушнинг энг қизиган пайлари: батальонлардаги, олдинги маррадаги медицина пунктларидағи алоқачилар, санитаркалар, ҳамшираларни фронтдаги, хўш, айтайлик, ортдаги иккинчи эшелоннинг озиқ-овкат бўлими-даги машинисткани — У ҳам аёл — таққослаб бўладими? Униси ҳам, буниси ҳам «ҳаракатдаги армия» деб аталади. Униси ҳам, буниси ҳам фронт. Униси ҳам, буниси ҳам аёл. Улар ҳақида умумий тарзда гапириш ва ўйлаш мумкинми ўзи! Сизларнинг бу ерингизда,

фронт ортида-чи? Бири бева, бири неча етимнинг онаси, ярим оч ҳолда яшаб ишлайди, бунинг устига донорлик карточкасини олиб фарзандларини бокиш мақсадида ўз қонини топширадиган ва иккинчиси брон билан фронтдан келган эрининг қаноти остида яшаётган аёл ҳакида қандай килиб умуман бирдай фикр билдириши мумкин? Наҳотки бу бирдек бўлса? Наҳотки мамлакат ичкарисидаги шу иккала аёл ҳакида бирдек гапириш мумкин бўлса? Биз бу ерда, фронтда, улар эса у ёқда, мамлакат ичкарисида! Уруш фронтда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам дам уни, дам буни ўзгартириб турган бўлса ҳам. Фронтнинг орка томонидаги озиқ-овқат бўлимида ишлаётган машинистканинг эри батальонга командирлик қилган, икки марта қуршовдан чиқкан ва ҳозир ҳам соғ-саломат, полкка командирлик қиляпти. Ҳали урушнинг бошларида у Киевда мана шу озиқ-овқат бўлимига жойлаштириб қўйган хотини эса Богодухов остонасида бошқалар билан бирга танк остида қолиб кетди. У ҳам, бирга хизмат қилган бошқалар ҳам, уларнинг юқ машиналари ҳам, автобуслари ҳам, ведомостлари ҳам, ёзув машинкалари ҳам ҳамма-ҳаммаси Богодухов остонасида отиб ташланди, ёндириб юборилди, кули кўкка совурилди. Уруш тошма тиф билан касалланиб алахлаб ётганингда ҳам тушингга кирмайдиган мана шунака ҳазил-мазахларга дучор қиласди.

— Тошма тиф билан касалланганмисиз? — сўради у.

— Йигирма биринчи йилда, ҳамма оғринганда касаллангандим.

— Мен ўттиз учинчи йили ич терлама касали билан оғрингандим, ўлиб кетишимга сал қолган... Ўттиз учинчи йили Украинада очарчилик бўлгани ёдингиздами? Эпидемия ўша ерда бошланиб, бизгача етиб келганди...

— Э, унугиб бўларканми! — деди Лопатин. Мана шу ўтган чорак аср мобайнида қанча кулфатлар бошимизга ёғилганини ўйлаб хўрсиниб қўйди. Шулардан энг сўнгиси — у бугунги кунда ҳечам ўзини четга ололмайдиган уруш бўлди. Гарчи бугун, мана шу Янги йил оқшомида барча фронтлардан олисдаги шаҳар кўчаларида бу аёл билан бошка мавзуда гаплашиш жоиз бўлса ҳам гап айланиб урушга тақалаверади.

Улар Вячеслав Викторовичнинг уйига яқинлашиб қолганларида, ўз хаёллари билан банд бўлган Лопатин

рупарадан келиб уларнинг қарисида тұхтаб қолган баланд бүйли кишига тұсатдан пайдо бўлган механизми тұсикқа учрагандек қараб қолди. У қандай кескин равишда тұхтаб қолган бўлса, шундай кескинлик билан ўрнидан қўзғалиб, ёнларидан ўтиб кетди.

Нимадир содир бўлди, бирок Лопатин нималигини тушунолмади-да, қўлини ушлаб ёнма-ён кетаётган аёлга саволомуз қараб қўйди:

— Нима бўлди? — беихтиёр сўради у.

— Хеч нима. — Ника унга хотиржам қараб қўйди. — Менга айтиб берганларингиз ҳакида ўйладипман. Нимайди? — ўз навбатида сўради у.

— Йўк, шунчаки.

Лопатин икки кишилашиб йўлкани эгаллаган ҳолда оғир сумкани кўтариб келаётган икки аёлга йўл бериш учун ўзини чеккага олди ва шунда таниш уйга кўзи тушиб, яна ўттиз қадамдан кейин Вячеславнинг ҳовлисига очиладиган дарвоза келишини хаёлидан ўтказди.

— Мана, етиб келдик, — деди у' паришонлик билан.

Ника жилмайиб қўйди.

— Агар мен билан сайд қилиш сизга ёқса, келаси йили, яъни эртага такрорлаш мумкин. Мен студияга, сизнинг олдингизга бораман-да, у ердан то уйимгача яёв кетамиз. Студиядан ўша томонга бугун юрганимизча масофа бор. Сизнинг олдингизга соат еттида келаман — эртароқнинг иложи йўк, агар ишингиз тугамаган бўлса, бугунгига ўхшаб кутиб ўтираман. Сиз эса Вячеславнингиздан сўнгги оқшомга ижозат сўрайсиз. У рухсат беради, у олийжаноб киши! Менимча, қачон қайтишингизни айтишингиз мумкин, балки айтмаслигингиз ҳам мумкин — ўзингиз биласиз! Ўзим унинг олдига бориб сизга рухсат беришини сўрашим мумкин. — У кулиб қўйди.

— Хечкиси йўк, ўзим уddaрайман, — деди Лопатин.

Ника эртанги оқшом хусусида гапиради, Лопатин эса унинг бугун ким билан Янги йилни кутгани боришини ўйларди.

Улар тұхтаб дарвоза пештоқи ёнида туриб қолишиди. Ника унинг қўлини қўйиб юборди-да, унга қараб деди:

— Менинг бўйим баланд десам, барибир, сиз мендан баланд экансиз.

— Энди Зинаида Антоновнаникага борасизми? — сүради Лопатин.

— Ҳа.

— Сизни уникага кузатиб қўйсам майлими?

— Йўқ, — деди у. — Мен энди юриб эмас, балки югуриб боришим керак, вактим тугади. Ёлғиз югуришни ёқтираман! Ўзим сизни эшигингиз олдигача кузатиб қўяман-да, сўнг ўткин ҳовлилар оралаб югуриб кетаман. Юринг, вакт зик.

У Лопатинни маҳкам қўлтиқлаб олди.

Улар Вячеславнинг эшиги ёнида тўхташди. Ғадир-будир бўлиб кетган ғиштин иккита зинапоя ва бир пайтлари клеёнка қопланган-у, энди эса ундан факт михда толаси қолган эшик.

«Ҳа, дил изҳор этишга муносиб жой эмас», — деб ўйлади у ва буни энди сўролмаслигини билиб, барибир хаёлан «сизлаб» эмас, балки биринчи марта «санлаб» сўради:

«Харҳолда сен бугун менсиз қаёққа кетяпсан? Мен бу ерда, шу эшик ортида юрган пайтимда сен қаерда бўласан?»

Оёқни қўлга олиб югуриши лозимлигини айтган бўлса ҳам, ҳозир Ника ҳеч қаёққа шошилмай унинг рўпарасида қўлида сумка билан индамай турарди.

— Мендан ҳеч нимани суриштирганингиздан хурсандман, — деди у ниҳоят. — Бугун ҳеч қанақанги саволингизга жавоб бергим йўқ эди. Йўл-йўлакай: «Наҳотки бирор нимани сўраса?» деб ўйлаб келдим. Эртагача хайр. Янги йилингиз билан!

У сумкасини корга қўйди-да, кутилмаганда — қўл-қопини қачон ечишга улгурганини Лопатин ҳатто сезмай ҳам қолди — илик қўллари билан унинг бўйнидан кучиб, ноз билан лабидан ўпди. Кейин яна битта ўпиб: «Янги йилингиз билан!» — деди шивирлаб ва сумкасини олди-да, ортига ўгирилиб ҳовли оралаб югуриб кетди.

Лопатин эшикни бир неча марта тақиллатди, жавоб бўлмагач, уни очиб даҳлизга кирди.

— Бу, сенмисан? — хонадан қичқирди Вячеслав. — Киравер, алаҳсиб колмай деб атайн эшикни қулфламадим, қўлим унга беланган.

У стол ёнида чучварага бутилка билан хамир ёяётган экан. Лопатин уни танигандан бери бу ҳаммавакт Вячеслав севган машғулотлардан бири бўлган.

— Ҳузур қиляпман, — деди у. — Анчадан бери ҳамир ёймагандим! Сенга янгилик топиб қўйдим.

— Қанақа янгилик? — редакция хаёлига келиб сўради Лопатин.

— Сенинг гўзал нотаниш аёлинг Нина Николаевна кечкурун келади, унинг содик мухлиси эса ҳозиргина келиб, сабабини ҳам айтмай ўзининг улушкини олиб кетди. Ундан Нина келадими, деб сўрасам, бунинг менга алокаси йўқ, деган жавобни эшидим! Келадими, келмайдими — бу, унинг шахсий иши! Шундан унинг норозилигига қарамай ва сенинг эса кўнглингдаги ушалиб, албатта бизнида бўлади, деган хулосага келдим. Эркакларга ҳам ҳайронман! — кулиб қўйди Вячеслав Викторович ҳамон ҳамир ёяркан. — Башарасида фожия ифодаси — гўё ўзини чўқтирмокчи! Улушкини эса унутмабди, олиб кетгани келибди. Келганиям бир нави! Шошилишда унга ўзиникини эмас, балки, сенинг конъягингни қўлига тутқазганимда битта юлдуз камлигини сезиб қолди! Алмаштириб олиш учун остонаядан кайтиб келди. Албатта, бугун кимдир у томошабинлар илтимосига биноан бизга романс куйлаб бермаслигидан кўнгли ранжиди, лекин ҳеч бўлмаганда унинг ўрнига ўзим қўшиқ айтишимга тўғри келади: умуман олганда, жин урсин ўша майдакашни! Нинага овозидан бошка унинг нимаси ёкиб колибди?

— Ү ҳам келмайди, — деди Лопатин.

— Қаёқдан биласан?

Лопатин қаёқдан билишини тушунтириб берди-да, бироз сукут сақлаб сўради:

— Унинг бўйи баландмиди?

— Ха, нимайди? Уни кўрдингми?

— Менимча, кўрдим, — деди Лопатин.

Ҳа, албатта, уларнинг рўпарасида тўсатдан тўхтаб қолган ва кейин шошиб йўлида давом этган баланд бўйли киши ўша эди. Қўлида нимадир бор эди. Хаёлига ҳеч гап келмаганининг сабаби шундаки, у қути ўчиб тўхтаб қолганда сенинг қўлингни ушлаб турган аёлнинг қўли ҳатто қилт этмади. Агар титраб кетганда сен сезган бўлардинг! Йўқ, титрамади. Юз ифодаси ҳам ўзгармади — қандок бўлса шундок қолди. Шу боисдан, аслида юз берган бўлса-да, сенга ҳеч нима содир бўлмагандек туюлган.

— Албатта, Ника ўз улушкини олиб кетиш учун келмаса керак, — ҳамир ёйишдан тўхтамай деди Вя-

чеслав Викторович. — Унақалардан эмас... Бунинг устига энди улушкини қайтариб бўлмайди. — Вячеслав Викторович стол устига имо килди. — Никанинг уни, менинг меҳнатим! Адолат юзасидан йигирматачасини деразанинг орасида музлатиб, эртага олиб бориб беришга тўғри келади.

У фартук ўрнига белига бойлаб олган оқ кўйлакка қўлини артди.

— Кани, битта тортай.

Лопатиндан яримланиб колган папиросни олиб битта чекди-да, яна қайтариб берди.

— Бу Янги йилни иккаламиз кутиб олаётганимиздан қанчалик хурсанд эканимни сен ҳатто хаёлингга ҳам келтиролмайсан!

15

Лопатиннинг чамадони билан қопчиғи вагонга киритиб кўйилди. Поезднинг қўзғалишига ўн минут колди.

Кейинги кунлар мобайнида биринчи марта Тошкентда куёш чараклаб турибди. Перрондаги корлар эрияпти, вагонларнинг томидан сув томчилаяпти.

Вячеслав Викторович билан режиссёр вагон зина-пояси ёнида гаплашиб туришибди. Лопатин билан Нина Николаевна эса поездга ва унинг ёнида югуриб юрган одамларга орқа ўгириб, нарирокда қизил вагонлари зич ёпиқ юқ состави келиб тўхтаган платформа чеккасида туришарди.

Мана шу қизил вагонлардан бирининг олдида қўл ушлашиб туришар ва гўё эндиликда ҳожати қолмаган ва гапириш мумкин бўлмаган бирорта ортиқча гап айтиб қўйишдан хавфсирагандек оғиз очишмасди.

Ника ваъда қилгандек кеча соат еттида уни олиб кетгани ўша ерга, студияга борган минутдан бошлаб иккалови қилган ишларнинг ҳаммаси, кеча кечқурун, тунда ва бугун эрталаб иккаласи бошидан кечирганларининг ҳаммаси ҳозир, шу ерда, перронда Лопатинга жўнаб кетиши олдидан шунақаям ғайритабий туюлдики, у буларнинг ҳаммаси дарҳақиқат юз берганидан, бу аёл ҳамон ёнида, унинг елкасига суюниб ва қўли билан унинг қўлини кисиб платформада турганидан ҳайрон бўларди.

— Мен нодон сизга нима дейишни ҳам билмаяпман.

— Мен ҳам билмаяпман. Қече күзойнагингизни олиб қўйганимда мендан бекорга хафа бўлдингиз.

— Хафа бўлганим йўқ, шунчаки, барча хиракуз одамлар каби кўзойнагимнинг синиб қолишидан хавфсирайман. Қўлингиздан тушиб кетади, деб қўркувдим. Кўзойнаксиз ожиз бўлиб қоламан...

— Гап шунда-да, — деди Нина. — Доно кўзойнагингизни олиб қўйиб, сизни бу ожиз кўзларингиздан упгим келганди. Ҳозир сиз билан хайрлашамиз ва шунда яна шунака қиламан, қўрқманг, ерга тушириб юбормайман. Мен анчайин чаққонман, бирон нимани ҳеч қачон тушириб юбормайман, синдиримайманам.

Лопатин кўзойнагини ечиб, гимнастёркасининг чўнтаига солиб қўйди. Умр бўйи кўзойнак такиб юрса ҳам, ҳозир у ўзини чорасиз ҳис этди.

— Сиз энди урушнинг охиригача бу ерга қайтиб келмайсиз, мен эсам бу ердан кетмайман. Шундай бўлгач, қандай қилиб кўришами? Ҳеч қандай! Бу жудаям бемаъни бўлса ҳам, лекин манга сиз билан энди ҳеч қачон кўришмайдигандек туюляпти. Хат ёзиб туришни гапирмай кўя қолинг! Ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаган эдим-у, лекин ҳеч нимани бир-биримизга ваъда қилмаганимиз маъкул. Ваъда бергим келяпти-ю, лекин ҳожати йўқ. Ўзимизни тийиб турамиз, майлими?

— Нимадан, хат ёзишданми?

— Йўқ, хат ёзиш хусусидаги ваъдалардан. Мен жимжит бўлиб кетишдан ҳам, бехабарликдан ҳам хайқмайман, аммо ваъда беришдан қўрқаман.

У Лопатинни ўзига тортиб, иккинчи қўли билан бўйнидан кучди-да, бир неча марта юзидан ўпди, кейин эса лабини лабига босди. Чехраси ғамгин бўлса ҳам анча хотиржам эди.

— Вагонингизга қайting, мен кетақолай. Йўқ, кетаман, — такрорлади у Лопатин қўлидан тутиб колмокчи бўлганда. — Беш минут вактингиз колди. Бориб дустларингиз билан хайрлашинг, мен қайтақолай...

У аёлнинг қўлидан ўпди. Шунда Ника иккиланган холда тўхтаб, қўли билан унинг юзини силади, сўнг ортига ўгирилиб, перрон бўйлаб тез юриб кетди.

Унинг ортидан караб қоларкан, Лопатин шошилиб чўнтаидан кўзойнагини олиб тақди. Лекин перондаги гавжум одамлар орасидан бари бир уни кўролмади.

Лопатин ўгирилиб Вячеслав Викторович билан режиссёр ёнида турган вагон томон юрди.

Хозиргина у билан хайрлашган бу аёлда аллақандай фидойилик, энг қийинини ўз зиммасига олиб, шеригида оз міндерда қолдиришдек матонатли интилиш бор эди. Қалбіда унга нисбатан миннатдорчилік түйғусини ҳис кілса-да, бояғи гапдан эсанкираб қолғанди: нега энди уни қайта күрмас экан? Бу қанақанги бемаънилик?

— Ника қани? — Лопатиннинг ўзи келаётганини күриб сұради Вячеслав Викторович.

— Кетіб қолди.

— Мана шунинг учун ҳам уни яхши құраман, — деди Вячеслав Викторович. — Мана буни асл аёл деса бұлади. Келди-ю, уни биздан нари олиб кетіб, айтадиганини айтиб, ёнимизга қайтарди-да, ўзи жұнаб қолди. Худди келмагандек! Қойил!

Ха, аслини олғанда ҳам шундай бұлған. Бугун азонда Лопатин унинг уйидан чиқиб кетаётганда Ника уни құзатғани албатта чиқишини, вагон ёніга поезд жұнашидан үн беш минут олдин етиб боришини яна бир марта таъқидлаганди. Сўзининг устидан чиқиб үн беш минут қолғанда келиб, құзатғани чиқкан эркаклар билан саломлашди-да, уни қўлидан ушлаб, нари кетди ва энди қайтариб юборди.

Режиссёр Вячеславнинг гапига кулиб турарди, у бўлса ўзининг мулойим, ҳеч қанақанги савол аломати бўлмаган кўзлари билан Лопатинга тикилиб қолғанди. Уйда, буюмларини йифишираётганда ҳам, йўлда ҳам, бу ерда, биринчи бўлиб етиб келиб, иккаласи вагон ёнида туришганда ҳам ҳеч нимани суриштирмади. Ҳатто ҳозир ҳам: «Қалай, нималар бўлди?» деб сўрамади ҳам. «Бунинг учун раҳмат, чунки жавоб бергим йўқ!».

— Иккаламиз коралаб чиққанларимизни бугун ва эртага ўзим машинисткага айтиб туриб ёздираман, — деди режиссёр, — акс ҳолда менсиз янгишиб кетади. Кейин унинг бир нусхасини Москвага, сизга юбораман.

— Редакцияга.

— Редакцияга юбораман. Фақат саҳифаларини варалаганда кўркиб кетманг. Студияда тоза қофоз йўқ, эски монтаж варакларининг ортига ёзяпмиз. Бир томонида иккаламиз ёзган сценарий, бошқа томонида — айтайлик, «Капитан Грант болалари» бўлади, шундай экан, адаштириб юборманг! Менга жудаям катта ёрдам бердингиз, бирор кун ҳам вактингиз йўклигидан эса хурсандман. Чунки автор ниҳоятда банд бўлганини ва ёнингда ўтириб олиб жонингни халқумингга келтирма-

ганини ёқтираман. Сиз фронтга бориб, мен эса бу ерда уз юмушимиз билан машғул бўламиз. Бу ёғига энди ўзим жавоб бераман.

— Эҳтиёт бўлинг: противогаз, каска ва бошқа масалаларда ҳарбий маслаҳатчингизнинг гапига кўнаверманг.

— Энди кўниб бўпман, — деди режиссёр. Кейин Лопатинни кучоклади: — Жўнайдиган пайтингиз бўлди, светафорнинг яшил чироғи ёнди...

Лопатин у билан кучоклашиб хайрлашди-да, Вячеславга ўгирилди.

— Бор, биринчи зинапоясига чиқиб ол, — деди Вячеслав. — Юриб кетмасин тағин...

Лопатин тутқичдан ушлаб зинапояга кўтарилиди ва одатдагидек пастдан юқорига эмас, балки юқоридан пастга қараб Вячеславнинг юзини энди кўрди.

Вячеслав шапкасиз эди. Қуёш чиққанидан қувониб у шапкасини ечиб чўнтағига солиб кўйган, унинг орқага тараған қалин сочи нукра бўлиб товланарди. Уруш даврида унинг сочи ниҳоятда оқариб кетганини Лопатин энди билди.

— Москвага қачон қайтиб борасан? — сўради у пастдан Лопатиннинг кўзига тикилиб.

— Билмадим, — деди Лопатин, — бизда ҳеч қачон буни билиб бўлмайди. Анигини ҳисоблаб айтсан — бир-бир ярим ойда.

— Москвага қайтгунингча менинг хатим етиб боради, — деди Вячеслав Викторович. — Хатим сени кутиб турган бўлади.

Лопатин ҳеч нима демай бosh ирғаб кўйди. Агар хат ёзилса, демак у Москвага етиб боради ва уни уша ерда кутиб ётади. Иккаласи айтиши мумкин бўлган бор гапни аллақачон айтиб бўлишган. Вячеслав бир оғиз сўз билан ҳам бу масалага қайтмади. Факат энди, энг охирги дақиқада тилга олди.

Состав бир силкиниб, платформа бўйлаб оҳиста юриб кетди.

Режиссёр турган жойида қолди. Қўлларини кенг, букчайган белига қўйиб унинг ортидан қараб турди. Вячеслав эса тутқичдан ушлаган ҳолда яна анчагача вагон ёнида юрди. Поезд тезлашган сайн қадамлари ҳам катталашди ва ниҳоят қўлини қўйиб юбориб тўхтади, чўнтағидан шапкасини олиб унинг ортидан силкитди.

Лопатин купега ҳам кирмай, ечинмасдан, йўлакда, дераза ёнига бориб турди.

Юмшоқ вагон у Тошкентга келаётганидаги вагон каби эски, шалоғи чиқиб кетганди. Ҳаммаси илгаригидек ёки шунга ўхшашроқ эди. Факат ҳозир қўшни купедан чиқиб, нариги дераза ёнида турадиган, нимагадир гоҳида сенга караб қўядиган аёл йўқ.

Деразадан Тошкентнинг чекка томонлари ўтиб борарди. Узокдан аллақайси заводнинг, балки улар борган корхонанинг — бу ердан англаб бўлмасди — пастаккина корпушлари кўзга ташланяпти... Берироқда — пахсадан ишланган уй ва деворлар, яна берироқда бирбирига тувашиб кетган пўлат излар.

Лопатин Марказом секретари билан бирга завод ҳовлисидаги тор изли янги темир йўл бўйлаб боришаркан, секретарь унга қирқ биринчи йилнинг қиши фаслида, эвакуация оқими энг кучайган пайтда белкурак ва кетмонлари билан неча минглаб дехконлар Тошкентга тўплангани ва икки ҳафтадан кейин станция темир йўлининг учта янги тармоғини барпо этишгани, иложи бўлмагандек туюлган иш амалга оширилгани, кетма-кет заводлар ишга туширилаётган Тошкент темир йўл узелининг сифими икки баравар кўпайтирилганини гапириб бергани ёдига тушди.

Ақл бовар қилмайдиган ишларни амалга ошириш қобилияти бари бир ана шу ишни амалга ошириш зарурияти орқали юзага келса керак. Бу зарурият — биргина шахсий мардонаворликнинг ўзи эмас — одамларни жасоратга ундейди. Нихоятда зарур бўлган жасоратга. Умуман олганда, заруриятсиз амалга оширилган ишларни жасорат деб аташ тўғрими? Шижоаткорлик, мардлик дейиш мумкин, аммо жасорат эмас! Афтидан ҳозир биз табиий бир ҳол деб хисоблайдиган ва қачонлардир кейинчалик бажариши мумкин бўлса ҳам ҳеч иложи йўқдек туюлган ишларнинг кўпини амалга ошириш тинч даврда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳам бўларди. Уруш Қиёмат қойим пайтида бўлганидек бари бир қилган гуноҳларига жавоб бераётган одамни ўзини яп-яланғоч ҳис этишга мажбур қиласди. Уни амалга оширган одилона ишларини гуноҳларидан кўпроқ қилиб кўрсатишга ундейди. Буларнинг ҳаммасига, албатта, у эътиқод қилса бўлади. Худога эмас, балки шахсий ҳаётидан муҳимрок бўлган бир нимага ва бу бир нима аслида мамлакатининг тақдири-

дир. Ё униси, ё буниси. Уруш эса — дарҳақиқат Қиёмат қойим! Қилишга улгурган барча ишларимиз учун ҳам, ҳали бажаришга улгурмаган барча ишларимиз учун ҳам жавоб берадиганимиз бу Қиёмат қойимдан күра дахшатлирок бирон нима бўлмаса керак. Шахсан ўзини мана шу даҳшатли судга чақирилмаслигига — унубтиб қўйишади ёки улгуrolмай қолишади — умид килувчилар бошқа барча одамлар олдида дарҳақиқат гуноҳкор ҳисобланишади! Ҳақига кўчганда бунакалар фақат дўзахга тушиши керак! Ҳатто айримлари бу ҳақда ўйлаб кўришни хаёлларига келтиришмаган ҳам. Бундайлар, аксинча, урушдан кейинги жаннатда яшашни мўлжаллаб юришади ва бошқаларнинг қони ва жони эвазига бундай кунлар қачон бошланишини ўзларича тахмин қилишади. Янги йил оқшомида Вячеславникида ўзига ёқмаган маҳмадона бир кишини кўз олдига келтириб шуни эслади Лопатин. Унга шунақаям ёқмадики, тирик қолишга интилишдан бошқа ҳамма нарсага ўта бефарқ бу одамнинг ҳеч бўлмагандан ғалаба ҳақида гапирмаслиги ва ўлганлар хотирасига биринчи бўлиб ўрнидан турмаслиги учун кал бошига тўппончани тираб туриб отишдан ўзини зўрға тийиб қолганди.

Лекин кимdir уни бари бир севади, унинг тирик ва саломатлигидан, тирик ва саломат қолишидан қувонади. Ва кимdir, аллақайси аёл, балки у билан Янги йил оқшомига бирга келсагина эмас, балки яна бошқаси ёки учинчиси у билан бир тўшакда ётиб унинг дийдиёсини эшитса ва бошқалар ўрнига яшаш хусусидаги унинг истагини маъқулласа ажаб эмас...

Лопатин борган сайин яқинлашиб бир шоҳобчага туташиб кетган темир йўлни назардан қочирмай шу ҳақда ўйларди. Ўзига хос бўлмаган қаҳр билан ўйлади, бунда одамлар ҳар хил бўлиши, бу фоний дунё шу асосга қурилгани хаёлига келиб жаҳл отига минган пайтларда ўзини эслатиб қўювчи совуқконлик йўқ эди.

Ха, ҳозир ўша совуқконлик етишмасди. Ахир оқибатда бу яна фронтга жўнаб кетаётган ўзи ҳақидаги ҳамда у севган ва бу ерда, ўша одамга яқин жойда қолдираётган аёл ҳақидаги фикр эди. Ўша одамга үхшаш бошқалардан ҳам. Ха, ха, ҳозир унинг ҳиссиётида бу ерда, мамлакат ичкарисида, урушнинг охиригача сен кўролмайдиган аёлга яқин жойда кўпга ушла-

ниб қоладиган ёшлар ҳақида фронтдагилар үйлаганда пайдо бўладиган эркакларга хос кўр-кўронга ғазабга ўхшаш бир нима бор эди! Ҳаққи борми ёки йўқми, асоси борми ёки йўқми, адолатданми ёки йўқми, лекин ўй үйлаётганда шунака дакиқалар бўлади... Мана, унга ҳам ана шу дакиқа етиб келди.

«Ҳали эрта эмасмикан, — ўзини мазах килиб кулиб кўйди. — Ҳеч бўлмаганда фронтга етиб олай!»

Поезд секинлашиб бориб разъездда тўхтади. Қара-ма-қарши томондан келаётган нефть цистернали эшелон оғир гурс-гурслаб ёндан ўтиб кетди — унга доим яшил чирок. Бу, эндиликда тўрт сутка мобайнида, туну кун то Красноводскка етгунча қарама-қарши томондан келаверадиган эшелоннинг биринчиси эди.

Губер биринчи куни эрталаб ҳаммомда чўмилашаётганда кузда немислар Амударё узра курилган ягона темир йўл кўпригини портлатиб, Красноводскдан келаётган нефть оқимини тўхтатиб кўйиш мақсадида Чоржўига яқин қумликка кўпорувчилар группаси ташлашганини гапириб берганди. Группани сахронинг анча ичкарисига ташлашибди. Группани ўша жойнинг ўзида, ўша саҳрода кўприккача бир суткали йўл қолганда қўлга туширишибди...

«Ха, бу ниҳоятда муҳим йўл», — деб үйлади Лопатин ҳаммомдаги гапни эслаб.

Нефть ортилган эшелон ўтиб бўлгач, поезд яна қўзғалди. Чап томонда энди темир йўл излари кўринмасди. Шпаллар ортида қиялама ва кор босган саҳро бошланарди...

Лопатин преферанс ўйинига хозирлик кўрилаётган купега йўл олди. Ҳамроҳлари уч киши — иккитаси Чоржўига борадиган темир йўл бошликлари, биттаси эса Қогон станциясида тушиб қоладиган ҳарбий врач, ветеринар.

Ҳарбий врач кўринишидан анчайин кекса, эгнидаги формаси эса яп-янги, худди буни биринчи марта кийгандек. Уни кечагина хизматга чакиришибди ва энди эса суворийлар қисми турган Бухорога яқин бўлган жойга кетяпти.

— Мендан олдин ишлаган киши фронтга юборишини сўраб рапорт ёзавериб мақсадига эришибди. Мени эса унинг ўрнига юборишди. Балки ёшимга караб хизматга чакирмаган бўлишарди-ю, округ штабида кекса суворийлардан бири мени кўриб қолиб, граждан-

лар уруши ёдига тушибди. Тирик эканимни текшириб күришди. Кейин ёшни рұкач қилиб рози бўлмасликка ҳакким борлиги хусусида огоҳлантириб хизматга чакиришди...

— Ешингиз нечада? — сўради Лопатин.

— Олтмиш иккода. Нега рози бўлмас эканман? Ўзим аллақачон ариза берган бўлардим-у, аммо давлат таъминотига даъвогарлик қилиш нокулай бўлди! Энди куч-ғайратим кексаларга хос, паёкни эса сендан кўра кўпроқ ишларга кодир ёшларга бериладиганидан оласан. Хизматга чакиришдими, албатта жон-дилим билан рози бўламан!

У гапириб туриб йўгон кўк қалам билан тўрт букланган кечаги газетага ўйин катакчаларини чизиб бўлди. Газетадан бўлак бошқа қоғоз йўқ эди. Унинг гап оҳангидан такдиридан мамнун эканлиги ва бўлажак хизматга қизиқаётганлиги сезилиб турарди.

Темирйўлчилар Лопатиннинг тўртинчи қатнашли бўлиб ўйнашга таклиф килишди. Улар куни бўйи ва кечқурун ҳам преферанс ўйнаб, охиргисини ярим кечада тутатишиди.

Лопатин эрта ўйғонгандек бўлди. Лекин соатига каради-ю, ўн тўрт соат ухлаганини, ташқарида кун ёришяпти эмас, балки коронги тушаётганини фаҳмлади. Поезд саҳродағи разъездда турарди. Бошқа томондан келаётган составнинг — афтидан, яна цистернали бўлса керак — оғир пишиллаши эшитилиб турарди.

Ҳамроҳларидан ҳеч бири купеда йўқ эди, улар тушиб қолишган ва ўрниларини ҳеч ким эгалламаганди.

Проводник йўталиб ва ўзича бир нималарни тўнфиллаб супурмокда эди.

Кеча уни Лопатин кўрмаганди. Тошкентда вагонга чикилаётганда ҳам, кейин йўлда чой ичиб ўтиришганда ҳам кекса аёл проводникни кўрганди.

Ахлатни хокандозга солиб, хокандозни ҳам, супургини ҳам полда қолдирган проводник бир хўрсиниб қўйди-да, сўнг диванга ўтирди. Афтидан, эгилиш унга оғирлик қиласарди. У юқорига қараб кўзи уйғок Лопатинга тушди.

— Агар хоҳлассангиз, пастки жойни эгаллашингиз мумкин, — деди проводник.

— Яна йўловчилар чиқишимайдими?

— Бу йўлда одам бўлмайди... Қайнок сув бор; агар

чойингиз бўлса ўзингиз дамлаб олишингиз ёки биз дамлаб беришимиз мумкин.

Лопатин юқоридан тушди-да, чамадонини очиб чой олди.

— Илтимос, дамлаб бераколинг.

— Бунақа килиб берманг-да, — деди проводник жиддийлик билан. — Ўзингизга керагини газетага қанча ўраб берсангиз, шуни дамлаб берамиз. Қанақа чой ичишингиз ва имкониятингизга қараб. Акс ҳолда...

У давомини айтмади, аммо нима демоқчи бўлгани шундоғам тушунарли эди.

Лопатин баҳслашиб ўтирмади. Почапўстинининг чунтагидан газета олиб, бир бўлагига икки кишига мўлжаллаб чой солди.

— Дамлаб келинг, иккаламиз ичамиз.

Проводник ҳеч нима демади. Чойнинг биттаси ҳам тўкилмаслиги учун газетани яхшилаб ўради-да, чиқиб кетди. Лопатин чиқиб ювениб келди, чамадонини очиб нон билан қанд олиб қўйди, проводнидан эса ҳамон дарак йўқ эди. Факат орадан ярим соат ўтгандан кейингина келиб столчага чойнак билан битта стакан қўйди.

— Ҳеч қанақангি қўри йўқ, — деди у норози бўлиб. — Агар қайноқ сувга чой дамламасанг, на мазаси бўлади, на ранги чиқади. Бизга беришгани эса кўмир эмас, кукуннинг ўзи.

— Нега ўзингизга стакан олиб келмадингиз? — сўради Лопатин. — Биргаликда чой ичган бўлардик.

— Биз ўз вактида чой ичиб бўлдик, — деди проводник. Лопатин унинг гапига тушунмай қолди: ростдан ҳам чой ичган-у, энди хоҳламаяпти ёки бу такаллуфдан фойдаланишни истамаяпти. — Караб турсам, чекадиганлардан экансиз. — Лопатин нон ва қанд билан бирга столча устига қўйган «Қазбек» қутисига ишора килди проводник. — Агар сийласангиз — чекардим.

Лопатин қутини очиб унга узатди.

— Чой ичмасангиз ҳам бир оз ўтиринг.

Проводник ўтириб, тамакига баҳо бермоқчи бўлган-дек папиросни хидлаб кўрди, кейин бармоқлари билан эзғилаб шошилмай чекди.

— Чекиладиган нарса учун ҳаммасига тайёрман, ҳамма нарсамни бераман. Нонни тамакига алмашдим. Кунжара беришганди — уни ҳам алмашдим. Хотиним койинади, шуни чекиб адой-тамом бўляпсан, яхиси

дурустрок овқатланишни ўйласанг-чи, дейди куюниб. Овқатдан кейин чекадиганинг бўлмагандан кейин, буни уйлашнинг ҳожати йўк...

Лопатин проводникка караб кўйди. Дарҳақиқат, у котмадан келган, очликдан эмас, балки кексаларга хос табиатан озғин киши эди.

— Хотинингиз қаерда? — сўради Лопатин. — Сизлар тошкентликми ёки ашхободликми?

— Хотиним шу ерда, мен билан бирга, — деди проводник. — Энди биз ҳам тошкентлик, ҳам ашхободлик... Тошкентда истиқомат қилсак ҳам поезддан тушмаймиз. Илгари қандай ишлардик? Бир ҳафта поездда, бир ҳафта уйда бўлардик. Энди эса уч ҳафта поездда, бир ҳафта уйда бўламиз. Илгари битта вагонга иккита проводник кўйиларди, энди бўлса иккита вагонга иккита проводник. Мана шу юмшок ўринли вагон билан саккизинчи — қаттиқ ўринли вагон мен билан хотинимнинг чекига тушган. Илгари ўша қаттиқ ўринли вагонда иккита проводник ва бунисида ҳам иккита проводник — мен билан шеригим ишларди. Энди ҳаммасининг ўрнига мен билан хотиним қолган. Анави учови эса бу ерда йўк — урушга кетишган! Бошқалар ҳакида аниқ билмайман, дом-дараксиз йўқолган, дейишияпти, лекин менинг шеригим ҳозирча тирик, уйига хат ёзиб турибди.

— Оила аъзоларингиз қалай? — сўради Лопатин.

— Биз кўпболали эмасмиз — бир ўғил ва бир қизимиз бор. Ўғлимиз жанг қиляпти, келинимиз ўйин-кулги билан банд, қизимиз эрини кутяпти. Тўғри, ҳозирча худо паноҳида асраяпти — иккаласи ҳам тирик. Хотиним қизига ачинади, куёви хусусида гапириб: «Ярадор бўлсаям, яраси оғир бўлсаям майли, хизматга яроксиз деб тан олинақолсин, факат қизимнинг ёнига қайтса бас!» дейди. «Эҳ, каллаварам-ей, ярадорнинг урушга яроксиз-у, қолган ҳамма нарсага ҳали ярокли эканини ким белгилаб бераркан?» дейман мен унга. Хотиним художўй одам. «Бу ҳақда илтижо қилмаганинг маъқул, акс ҳолда ҳеч нимага яроксиз бўлиб қайтади», дейман унга. Сиз қаерингиздан яралангансиз? — қўкқисдан сўраб колди у.

Лопатиннинг гимнастёркасидаги ярадорлик белгиларини у ё энди кўрди ё бу ҳақда илгари сўрамоқчи бўлган-у, лекин ҳозир журъат этди.

— Енгил яралангманман, — деди Лопатин. Кейин

бармоғи билан қовоғини босиб кичкинагина тиртикни күрсатди. — Салгина тирналган...

— Тирналишга тирналган-у, аммо пастрокқа тек-канда күзингиздан ажраган бўлардингиз, — деди проводник. — Яна қаерингиз?

— Иккинчи мартасида контузия бўлганман. Буниси ҳам енгил.

— Энг ёмони контузия, — деди проводник. — Ярадан кўра кўпроқ уни эслаб юрасан. Ўзим ҳам аввалги урушда икки марта ярадор бўлганман, бу хаёлимга ҳам келмайди, контузия эса ўзини эслатиб туради. Сал эгилсам — тўсатдан бошим оғирлашиб кетади. Балки бу кексаликдандир, лекин бари бир контузияга йўяман.

У папиросни охиригача чекиб ўрнидан турди.

— Яна бир-иккита олаколинг, — кутини узатди Лопатин.

— Раҳмат. Яхиси, олдингизга яна киравман, ёлғиз экансиз, — деди проводник. — Хотиним билан юраверамиз, юраверамиз, уёққа, буёққа бориб келаверамиз. Иккаламиз нуқул гаплашаверамиз, бир хил гаплар. Доим биргамиз, бир-бirimизни тарқ этолмаймиз ҳам! Майли, дам олинг. Чойнакни сизга қолдириб кетяпман, кейинчалик иситиш ҳам мумкин.

У чиқиб кетди, Лопатин эса у ерда, Тошкентда қолган ва на овоз чиқариб, на ўзича «Ника» деб чакиролмаган аёл ҳақида ўйлаб қолди.

«Мени қандай истасангиз, шундай атайверинг», — Лопатин тунда у одатланиб қолган исм билан аёлни чакирмоқчи бўлиб яна тутилиб қолганда Ника шундай деди. Бу исмни нимагадир у ҳечам айттолмасди. Унга файри-табиий туюлаверарди.

«Мени қандай истасангиз, шундай атайверинг — «сиз» дейсизми, «сан» дейсизми, Никами, Танями, Маша дейсизми, менга бари бир, ўзингизга ёққан исм билан атайверинг. Факат ҳозиргига ўхшаб тутилиб қолманг. Ўзингизга манзур бўладиган исмни ўйлаб топсангиз, тутилиб қолмайдиган бўласиз...»

Лекин у бу ҳакда ўйлаб кўрмади. Унга дам «сиз»лаб, дам «сан»лаб, дам шунчаки исмини айтмай мурожаат қиласерди. У тўсатдан дуч келиб қолган бу баҳтдан довдираб қолганди. Бу баҳтнинг кўпга чўзилиши ёки қисқалиги номаълум эди. Балки, ҳатто энди тугаган бўлса ҳам, бари бир бу баҳт эди!

У перронда ваъда беришдан кўркишини қанчалик

зўрама-зўраки айтганини эслади Лопатин. Эслади-ю, ўйлаб қолди: Ха, балки шундайдир. Балки у эришган баҳт тугаб бўлган баҳтдир! Гарчи бунга ўзи ишонмаса ҳам, гарчи ваъда беришга ўзи кўркмаса ҳам ва агар бундан химояланиш эмас, балки уни кутган бўлишганда ваъда беришга тайёр бўлса ҳам!

Ўзининг уйида, ўша куни эрталаб аллақандай содалик ва нафосат билан тўсатдан уни ўғли уйғониб колмасдан тезроқ чиқиб кетишга шоширап экан, танишиб олишганига, агар у келаётган вагонга Қизил Ўрдада ўзи чиқкан ўша тонгни ҳам ҳисобласа, роппа-роса бир ҳафта бўлганини айтиб ҳазиллашганди. Бутун бошли бир ҳафта-я! Ҳарбий давр учун, бу албатта, анчайин узок муддат ҳисобланади. Кейин у жиддийлашиб, агар ҳисоблайдиган бўлсак, яхшиси мана бундай ҳисоблаймиз, деди: ҳаммаси сиз билан вагонда учрашган пайтимииздан бошланиб, сиз билан вагон олдида хайрлашиш билан тугайди. Буларнинг ҳаммаси қанчалик жиддийлигини ўйлаб куришга вақт бор: сиз поездда, мен уйда ўйлайман.

Ника тилга олган «жиддий» сўзи уники эмас, балки Лопатинга тегишли эди. Бундан сал олдин Ника аёлларга хос рашк билан эмас, балки унинг ёлғон гапирамаслигини, бор ҳақиқатни айтишини кутиб савол берганди:

— Мана, сиз бир йилдан бери хотинсиз яшаяпсиз. Нима, сиз ҳеч ким билан алоқа қилмадингизми?

— Ҳар қандай ишлар бўлиб ўтган.

— Бу энди мактанчоқлик, ҳатто буни сиз эмас, бирор гапираётганга ўхшайди.

— Нега, энди, нимадир бўлганди, — деди у. — Фронтда эмас, Москвада. Иккала томон учун ҳам жиддий бир гап эмасди. Қизик, агар бошқача бўлганида...

— Агар бошқача бўлганида сизга ўхшаб менга ҳам кизик туюларди, — аёл ўзини у билан, эркаклар билан тенг ҳисоблашини яна бир марта эслатиб қўйишга гўё шошгандек деди сал мактанчоқлик билан. — Факат фарки шундан иборатки, бунинг жиддий ёки жиддий эмаслигини олдиндан билолмадим. Нима жиддий эмаслигини кейин тушундим, сиз бўлсангиз нима жиддий эмаслигини афтидан олдиндан билгансиз, шундайми?

— Ха, олдиндан билардим.

Ўзи эрсиз ўтган эркин хаёт, дея киноя билан атаган йиллар ҳақида ундан эшитганлари мана шу холос.

Үшандан олдин ҳам, кейин ҳам бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмади.

— Йүг-е, яна бир марта айтганди. Тұсатдан ундан сұраб қолди.

— Ксенияникидан чиқиб кетаётганингизда сиз билан афтидан яна учрашсак керак, деб айтган гапим ёдигиздами?

— Едимда.

— Афтидан эмас, балки аниқ эканини үшандаёк билгандим. Сиз билан яна күришишни жудаям истаганим учун үша дақиқада Янги йилни кутгани ёлғиз үзим келишни аҳд қилиб құювдим. Сизга эса икки киши бўлиб келишни айтувдим, шундайми?

— Ха.

— Мен үшандаёк ёлғиз келишга аҳд қилиб, шунга ҳаракат қилдим. Ёлғиз үзим Янги йилни кутгани отландим-у, лекин кейинчалик сизнинг олдингизга студияга келишдан аввал сизни одамлар орасида күришни истамай қолдим. Үзим ёлғиз бўлишни ва сизни ҳам ёлғиз бўлишингизни истайман. Шу боисдан сиз билан Янги йилни кутгани бормадим. Үшанда сиз билан кўчада сайд килганимиз мен учун Янги йил бўлди. Бу менга бошқа ҳаммасидан кўра муҳимроқ бўлди. Янги йилни қандай кутиб олганингизни суриштириб кўрмаганимни қаранг.

— Умуман, яхши кутиб олдим, — деди у.

— Үшанда, кўчада юрганимизда сизни уйимга олиб бормоқчи бўлдим-у, лекин бу ишим Вячеслав Викторовичга нисбатан хиёнат бўлишини, сиз үша окшомда уни тарқ этишингиз мумкин эмаслигини, агар сизни таклиф этсам-да, сиз келмасангиз — бу, ёмон бўлишини, агар гапимга кўниб келсангиз — бу ҳам ёмон бўлишини, чунки сиз бундай қилмаслигингиз лозимлигини ўйлаб қолдим. Шу боисдан сизга ҳеч нима демадим. Янги йилни мен қандай кутиб олганимни нега сиз сўрамаяпсиз? Айтгандек, нега суриштирмаётганингизни ҳам биламан.

— Агар билсангиз айтмай кўяқолинг, — деди Лопатин.

— Йўқ, айтаман. Мен Зинаида Антоновнаникiga бориб, кўйлагининг ёқасини тикиб бердим, кейин яна битта кўйлакни олиб бориб бердим ва у ердан мени машинада нақ уйимнинг олдигача олиб келиб қўйишиди — Янги йил арафасида тикиб берган кўйлак учун

нималар килишмайды, дейсиз! Онам ва Мария Григорьевна билан роппа-роса соат ўн иккигача гаплашиб утирдик, онам асраб юрган шириң наливка¹дан бир рюмкадан ичдик, кейин эса уринга ётдим-у, ухлаб қолдим. Ўша қунлари росаям чарчадим-да: театрда премьеранинг үзига еттига кўйлак тикдик, Янги йилга уни сўкиб ташлаш, буни тикиш билан уйқуга вакт қолмагани учун дарров уринга кириб, бирпасда ухлаб қолибман. Янги йилни мана шундай кутиб олдим! Менимча, жудаям яхши бўлди. Ухлаш олдидан сизни кўп үйлаганим йўқ, шунчаки эртага сизни кўришимни ўйладим ва шу хаёл билан ухлаб қолибман. Мендан суриштирмаганингизнинг сабаби шундаки, үзингиз учун аллақандай муҳим бир нимага етарли даражада ишонмас эдингиз. Бу чинданам муҳим эди. Шундай бўлгач, буни билиб қўйишингизни истайман: ўша меҳмондорчилик сўнгига сизга биз яна учрашсак керак, деганимдан кейин бошқа ҳеч кимни ўйламадим ва бошқа ҳеч кимни хаёлимга ҳам келтирмадим. Қолган бошқа гаплар сизга тегишли эмас, бу эса, менимча, энг муҳими ҳисобланади.

Ўшанда Никанинг сўзларига ишонди. Худди шундай бўлганини ҳам тушунди. Асосийси, яқингинада Никага ўйланиш ниятида юрган одам ҳақида у чиндан ҳам мутлақо ўйламаётганини ҳис этди. У бу оламда гўё ўша одам йўқдек тутар эди үзини.

Хозир, Лопатин уни ўйлаётган пайтда бу аёл хусусида дам оз биладигандек, дам ҳаддан ташқари кўп хабардор экандек туяларди. Афтидан, униси ҳам, буниси ҳам тўғри бўлса керак. Уни биринчи марта кўрганидан ва у ҳақда дастлаб эшитганидан кўра оғир ва қийин ҳаёт кечирарди. У одамларга ўзи ҳақида ҳамма гапни ҳам гапиравермаслигини, бунинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблашини тушунди. Шикоят қилиш унга одат эмас ва ҳатто, аксинча, аслидан кўра енгилрок, осонрек, яхширок яшаётгандек таассурот қолдиришни хуш кўради.

Маълум булишича, у Вячеслав айтгандек, шунчаки онаси билан ўғлини бокиши билангина овора эмас, онаси шунчалик хастаки, у аллақачондан бери кўчага чикмайди, ҳаммавакт ҳам ўрнидан туриб эшик очишга мажоли йўқ. Лопатин билан Ника келганда эшикни

¹ Наливка — вино турларидан бири.

онаси эмас, балки қўшниси, ленинградлик Мария Григорьевна очганди.

Каттаси ўн уч ёшда бўлган учта қизи билан қамалдан шу ерга келтирилган қўшниси — кирк ёшли аёлга энг катта хонани беришган, қолган иккита хона анчайин кичкина эди. Айрим рўзғор буюмлари ва ўзаро муносабатни хисобга олиб, бу уйда ягона бокувчи Нина Николаевна эканини Лопатин бехато фахмлади. Қолганларнинг ҳаммаси — туғишганлари ҳам, қўшнилар ҳам, тошкентликлар ҳам, ленинградликлар ҳам унинг қарамоғида эди. У ҳаммасига бошлилк қилар, лекин ҳаммаси учун терга ботиб меҳнат қиласади.

Бу ленинградликлар билан улар бир оила бўлиб яшашларини на Лопатинга ва афтидан на бошқа ҳеч кимга айтмаган бўлса ҳам, айни шундай эди ва унинг ўзи бу оиланинг ёлғиз бокувчиси эди.

Онасини ташлаб кетиб қолган отаси хусусида ҳам ўзи айтиб берганларидан кўра мураккаброқ бўлган бўлса керак, чунки онаси факат ташлаб кетилган аёл эмас, балки бу қайғу-alamга чидолмай, деярли инвалид бўлиб қолган аёл эди. Кўпдан бери, яъни ўша воқеа юз берганидан бери у қизига суяниб қолганди.

Эрининг Узок Шаркка жўнаб кетиш воқеаси ҳам чала айтиб берилганди.

Лопатин тикув машинасидан ташқари, яна ёзув машинкаси — маълум бўлишича, у вакти бўлганда ва буюртма учраб колса кўчириб бераркан — бўлган чоғроқкина, озода, гул қофоз ёпиштирилган хонада ўтиради. Никанинг айтишича, илгари бу жой хона эмас, ҳужра бўлган экан, ленинградликлар кўчиб келишгач, у ўзига хона бўлиши учун мана шу ҳужрани ўзи ремонт қилибди, томига яна бир қават қора қофоз ёпибди, гулқофоз ёпиштирибди — мана энди шу ерда яшаяпти.

— Мен ҳамма нарсага устаман, — деди у. — Гоҳида бу оламда қўлимдан келмайдиган иш бўлмаса керак, деган туйғу пайдо бўлади. Эрим эса бари бир мени ташлаб кетди!

Гўё бу гапни мақтанчоқлигининг жазоси сифатида айтиди. Афтидан, сухбат шу билан тугаши мумкин эди-ю, аммо Лопатин урушдан олдинги Узок Шаркни эслаб — келгинди учун у ерда, чегарага яқин жойда ўзига хотин топиш осон эмасди — унинг собиқ эри ҳакида сўраб қолди:

— У ёқда кимга уйланибди?

Эри уни икки марта алдагани ўшандаёқ маълум бўлган экан. Аввалига менинг розилигимсиз Узок Шарққа юборишияпти, деди, кейин маълум бўлишича, у бормаслик имкониятига эга бўлгани ҳолда бари бир жўнаб кетибди. Оиланинг етиб боришига тайёргарлик куришини тушунтириб ёлғиз ўзи жўнаб кетибди, аслида эса орадан уч ой ўтгач, бу ердан, Тошкентдан унинг хузурига бошқа аёл етиб борибди. Улар олдиндан келишиб қўйишган экан!

— Мендан безор бўлиб у билан дам олибди, — зарда билан деди собиқ эри ва ўша аёл хусусида. — Мен тўғри сўзман, бундайлар кишини толиктириб юборади. Онамни ҳам, мени ҳам ташлаб кетишгани тасодиф эмас. Демак, бизнинг бир нимамиз бор... Балки бизни ташлаб кетишларига нимамиз биландир ўзимиз айбдор бўлсан керак. Бир томондан олиб қараганда, мени қўлида кўтариб юришга тайёр эди, бошқа томондан эса — «олиб кел, узатиб юбор»ни яхши кўрарди... Мен бўлсан қўлда кўтариб юришларини ҳам, «олиб кел, узатиб юбор» дейишларини ҳам ёқтирамасдим. Тенг яшаши истардим. Идиш-товорқ ювишдан кура, электр асбобларини тузатишни кўпроқ ёқтирадим. Албатта, идиш-товорқларни ювардим. Лекин ёқтирамасдим. Унинг нима иш қилаётгани, ўзим нималарни бажараётганим хусусидаги гаплар билан уни қийнаб қўярдим. Қандай яшашим тўғрисида ҳам. Театр институтини битириб, мендан артист чиқмаслигини англағанимдан кейин юрак ютиб костюмхона мудирлигини зиммамга олдим. Энди артист эмасманми, уйда ўтиришимни у истаб колди! Кечкурун уйга келгач, табиат устидан ҳокимлик қилишни ва унинг қўйнида хордик чиқаришни кўнгли тусаб колди... Мен билан бундай қиломлади... Унинг мендан қўрқа-писа кетиб қолганини узок вактгacha ке-чиролмай юрдим. Оғзидан чиқиши билан, тўрт томонинг қибла, деб жавобини беришимни гўё у билмайдигандек. Фақат менга раҳмингиз келмасин, мен шикоят қилаётганим йўқ, шунчаки сизга очиқласига айтияман...

Бу гап тўғри, у Лопатин билан очиқласига гаплашарди. Бир нима ҳақида гапиришни истамаса гапир масди, аммо агар бирор нимани гапирса уни тўхтатиб бўлмасди. Лопатин ундан нимани ҳам сўраса — гоҳида ўйлаб ўтиромай, гоҳида ички зиддиятларини енгиб сукут сақлаган ҳолда тўғри жавоб берарди.

Лопатиндан ҳам күп нарсаларни — унинг ўзи, ҳаёти ҳакида, уруш тұғрисида бор гапни яширмай айтиб беришни сұради.

У ҳам ўзи ҳакида, уруш хусусида тұғрисини гапириб берарди. Одатда ичидә сақлаб қоладиган гапларни ҳам айтады.

— Сизнинг-ча, уруш яна қанча давом этаркин?

Одатда у бу саволга жавобан елкасини қисиб құярди холос: уруш яна қанча давом этишини ким аник биларди? Ника буни сұраганда у Сталинград ҳакида әмас, балки уруш бир ярим йилдан бери давом этиб келаётган бұлса ҳам, ҳамон немислар құлида бұлған ва бу ердан Москвагача Берлиндан күра олти марта яқин турған Ржев билан Вязма тұғрисида үйлади. Ва шундан кейин ҳеч иккіланмай үйлаганини айтди — уч йил! Кам бұлмаса керак.

— Менга айтинг-чи, ҳозир биз немисларга қараганда яхшироқ жанг қилағымизми ёки үйқми?

Фронтда бунака саволлар беришмайды. Қаерда мұваффакиятсизлигу қаерда ғалабага эришилмаётгани, нимани үддалашди-ю, нимани амалга оширишолмагани, қачон яхши жанг олиб боришгану қачон немислардан күра ёмон жанг қилишганини үзлари билишади. Гоҳида мақтаниб қўйишиша ҳам, лекин вазиятнинг қандайлигини айтиб үтиришмайды.

— Менимча, ҳали яхши әмас.

Гүё унга бу ҳақда ҳисоб бериши лозимдек жавоб берди у. Ғарбий фронтта қилған сұнгги сафаридан кейин Лопатин бу ҳақда күп үйлаганди.

— Сизда фронтдан қайтганингиздан кейин яна фронтта боргингиз келмаган ҳолат бұлғанми? Шу яқин орада яшашни истармидингиз?

— Йўқ, бутун уруш мобайнида бирор марта ҳам шу ерларда яшаш истаги бұлмаган. Фронтта бормай Москвада қолиши истаги эса бұлған эди. Бир неча марта, ҳархолда, икки марта. Айникса, оғир сафардан қайтиб келасан-у, ёзадиган ҳеч вако бұлмаган пайттарда шундай бұлади.

— Нега?

— Чунки шундай бұлади! Шунчалик нұноқлик билан жанг қилишади, ёзадиган бир нима топилмасди. Биздан эса бошқа нарсани кутишади.

Ника ундан уруш ҳакида бир соатча сұраб-суритирди.

— Балки, ўзим ҳакимда гапириш уятдир, лекин буни ҳеч ким билмайди, сизни эса аллакачондан бери бундан огоҳ килиб қўймокчи эдим, — деди у дабдурустдан. — Мен уруш бошланганидан бери бир ойда икки марта қон топширияпман ва уруш тугагунча ҳеч бўлмаса шу ишни давом эттиравераман. Сиз, албатта, бунинг учун қўшимча донорлик карточкаси берилишини биласиз.

— Биламан, — деди Лопатин.

— Мен ҳам оламан. Сиз бу ҳакда, мана шу карточка ҳакида бехабар қоласиз, деб қўрққандим. Унда мен бир гапни айтиб, бошқасини айтмагандек булиб чиқардим.

Кейин, Никаникидан кетаётганида у ўзи, ўғли ҳакида оғиз очиб қолди:

— Ўғлим сизни куришини истайман. Буни унинг олдида уятга қолишим учун айтаётганим йўқ. Сиз туғрингизда унга айтиб беришдан сираям уялмаган бўлардим. Аммо болалар, кейин нима бўлади, деб сўраб-сuriштираверади. Ҳозирча эса унга нима деб жавоб беришни билмайман. Унга ёлғон-яшикни гапирмайман, шундоғам...

У бу сафар давомини айтмади. Деярли биринчи марта гапи ичида қолиб кетди. Шунда Лопатин нима демокчи эканини фаҳмлаб, эр-хотин орасидаги можарони ўғлига қандай тушунтирганини сўради.

— Жуда осонлик билан, бор гапни айтиб тушунтиридим! — деди у. — Аввалига ўзининг беш ёшида англайдиган килиб тушунтиридим, якингинада саккиз ёшга тўлгандан кейин эса яна бир марта тушунтириб бердим.

Ўғли ҳакида гапини тугатиб, Лопатиндан қизи тўғрисида суриштириди:

— Уни бермасликка аҳд қилдингизми?

— Ха.

— Бермайсизми?

— Бермайман, — кизининг Москвада, редакцияда, ўз ўртоқлари даврасида ўтган бахтиёр кунларини эслаб жавоб берди у ва бу аёлнинг ўғлига қанчалик оғир булишини уйлади. У ерда, мактабда саккиз ёшли бу болага қанчалик мураккаб саволлар беришади. «Даданг каерда?» — «Фронтда». «Сенинг даданг-чи?» — «Менинг дадам фронтда». «Сенинг даданг-чи?»... Онаси якингинада яна бир марта тушунтириб берган бола

дадаси хусусидаги бу саволга ҳозир қандай жавоб берсин?

Унинг хонадонидан чиқиб кетаётган охирги дақиқада бу аёл унга шунчалик қадрдонлашиб қолдики, Лопатин фронтга жўнаётган бўлса ҳам у билан келажак ҳақида сўз очишга деярли тайёр эди. Аммо бу истакдан кўра янада кучлирок бир нима уни тўхтатиб қолди. Фақат ўзидан анча ёш эканлиги ҳақидаги фикр эмас. Яна нимадир тутиб қолди Мана шу «нимадир» уни ранжитиб кўйиш хавфи эди.

У ҳам келажак ҳақида ўйлаши, балки бу ҳақда ўйламаслиги мумкин. Балки ўзини ҳимоялаш ҳис-туйғуси билан ўйлашни истамаслиги мумкин. Ундан суриштириш мумкин бўлмаган масала худди мана шу эди. Қолган деярли ҳамма нарса хусусида мумкин, бу ҳақда эса мумкин эмас.

Ярим тунда у кулиб — кулгани овозидан билиниб турарди — кейинчалик ҳам одамийлик қиёфасини йўқотмайдиган одамлар сўққабош бўлиб қолишгач, агар юраксиз бўлишмаса, ҳаммавакт ўзи кабиларни излашини айтди. Бир хиллари яхши ният билан, бошқалари зиноли мақсадда бўлса ҳам, бари бир, излашади.

— Фақат мени беҳаё деб ҳисобламанг, — қушиб кўйди у. — Мен чинданам шундай деб ўйлайман. Бирорвларга муте бўлгандан кўра ўз баҳтини ёки кулфатини ўзи яратишни матькул кўраман.

У бир оз сукут саклаб яна кулди, Лопатин кулаётганини яна овозидан билди.

— Сиз, албатта мавр эмассиз. Сиз ҳеч қанақанги мавр эмассиз! Бирок Дездемона азоб-уқубатлари учун уни севганди... Менда ҳам сизга нисбатан шунга ўҳшаганроқ бир нима бор. Агар сиз бошқача бўлганингизда, уруш ҳақида бошқача гапириб берганингизда ва урушдан бу ерга келмаганингизда, бунгача ўзингиз кўрган ҳамма жойда бўлмаганингизда, сизга нисбатан қандай муносабатда бўлишимни, орамизда нималар юз беришини билмайман. Балки ҳозирги муносабатимиз бўлмасди. Ҳатто бунга имоним комил. Сизга ростини айтяпман. Балки, бу сизга кўнгилсиз гапдир, лекин бу ҳақиқат.

Йўқ, бу ҳақиқат унга кўнгилсиз эмасди. Унинг учун уруш кўрган киши қанчалик эъзозли эканини Лопатиннинг ўзи ҳам биларди. Урушдан келган ва яна

фронтга отланган киши! Лопатин буни эмас, балки «излаяпман» сүзи ҳакида ўйларди. Ҳа, Ника ундан мухим, ўзи учун зарур аллақандай бир нимани изларди. Ҳатто бусиз кейин яшаш мумкин бўлмайдиган ниманидир излаётган бўлиши мумкин. Изладими? Ҳа. Топдимикан?

Лопатин ўзи учун топгандек туюлди, Никага қандай туюлдийкин? «Ваъда беришдан қўрқаман...»

У икки суткадан бери йўлда бўлса ҳам, Ника ҳар эҳтимолга қарши айтган унинг инон-ихтиёри ўзида эканини эслатувчи ана ўша хайрлашув сўзлари ҳамон кулогидан нари кетмасди.

Ашхободдан кейинги биринчи станцияда юк ортилаётган ҳарбий эшелон туради. Иситиладиган юк вагонига тираб қўйилган қиялама тахтадан отларни етаклаб киритишяпти — нариги томонга, Кавказга аллақайси суворийлар кисмини жўнатишга тайёр гарлик кўришаётганга ўхшайди. Барча станция ва разъездларда рўпарадан Боку нефтини ортган эшелонлар кетма-кет ўтиб туради. Улар урушни эслатарди. Эшелонлар шунчалик тез-тез пайдо бўлишидан гўё Каспий денгизининг нақ қирғоғида, мана шу составлар тузилаётган қирғоқдаги темир йўлда аллақандай қудратли киши туриб олиб вагонларни тўхтовсиз равишда бирин-кетин итариб юбораётгандек туюларди Лопатинга. Лопатин Ашхободда сотиб олган газетадаги маълумотга кўра Ўрта Донда, Стлинграднинг жануброғида ва Шимолий Кавказда хужум жанглари олиб борилмоқда. Бунгача, Кавказдаги ҳарбий харакатлар ҳақидаги аввалги маълумотларда аҳоли яшайдиган пунктлар деярли тилга олинмасди, бу сафар эса қўққисдан берилган зарба билан Моздок ва Малгобек озод этилгани хабар қилинганди.

Жебел станциясида, Красноводсккача беш соатлик йўл колганда проводник НКВД¹ транспорт бўлимида ишловчи лейтенантни купега бошлаб кирди. Лейтенант ўзини таништирди-да, Лопатиндан гувоҳномасини кўрсатишни илтимос қилди, сўнг редакторнинг селектор оркали узатилган телефонограммасини планшетидан олиб берди: «Красная звезда»нинг муҳбири Лопатинга,

¹ НКВД — Ички ишлар халқ комиссариати.

Красноводскда ҳавода юк ташиш бўйича навбатчига учрашинг. Шошилинч равишда учшиңгиз лозим».

Лейтенантдан илгари купега проводник кириб: «Ўртоқ командир, сизга телеграмма — «телефонограмма» эмас, «телеграмма» — деганида дастлабки дақиқадаёқ бу редактордан эмас, балки Никадан келган, деган фикр хаёлида чарх урди. Аммо телефонограммани редактор йўллаган ва эндиликда уни отпускада эмаслигини, шошилиш лозимлигини эслатиб турарди.

Поезд Красноводскка соат роппа-роса ўн иккита етиб келди, икки соатдан кейин эса Лопатин агар ҳаво очиқ бўлса ҳар куни Красноводскдан дам Боку, дам Тбилисига Каспий денгизи орқали учадиган СБ алоқасига тегишли фельдъегер самолётида нормадан ортиқ йўловчи бўлиб ўтиради.

Лопатиннинг икки томонлама омади келиб қолди. Гап шундаки, у шу самолётга улгурди, бу самолёт эса бугун тўғри Тбилисига учмокда. Бу, йўлни бир суткага қисқартиради. Учиш олдидан Лопатин оператив навбатчи билан учувчининг үзаро узук-юлуқ гапини эшишиб қолди — улар ҳаво ўзгараётгани ва самолёт етиб бормаслиги мумкинлиги хусусида гаплашмоқда эди. Лекин учувчи бари бир агар булут пастлашиб, музлаш бошланса йўлдан қайтишини айтиб, самолётини кўкка парвоз қилдириди. Самолёт юкорилашиб, узок вактгача булутни ёриб ўтишга уринди, кейин эса бунинг уддасидан чиқолмай пастга шўнғиди. Охирги дақиқада, сувга етай деганда булутлар орасидан чиқиб олишга мувваф-фак бўлди Каспийни заҳ туман қоплаган, кўнғир тусдаги сувда эса муз парчалари сузиб юради.

Хавфли даражада якинлашиб қолган мана шу қўнғир тусли сувга қараб Лопатин Вячеславни ўйлади. Агар ўшанда редактор телефон орқали рухсат берганида, Вячеслав эса фронтга отланганида вазият хозирнинг үзида, йўлдаёқ иккаласини ажратиб юборган бўларди. Учувчи иккаласидан бирини у ерда, Красноводскда қолдириб, иккинчисини олиб кетган бўларди.

16

Бизнинг қўшинларимиз кечаёқ Нальчик билан Прокладнойни озод қилиб, Минераль сувлари томон силжиётгани ҳақида Лопатин Тбилисида, Закавказия фронтининг штабида хабар топди.

«Красная звезда»нинг мухбири Кутейшиков ўз машинасида ТАСС мухбири билан бирга кечәёк ўша ёкка, ҳужум килаётган Шимолий қўшинлар группасига жўнаб кетибди. Лекин кеча ремонтдан чикқан ТАСС-нинг «эмка»си фронтга етиб олиши лозим булиб, шофёрига Тбилисида Лопатинни кутиб, уни ва кечагина Приморье қўшинлари группасидан қайтган ҳамда шароит тақозоси билан Шимолий группага юборилаётган ТАССнинг иккинчи мухбирини олакетиш хусусида бўйрук қолдирилганди.

Лопатин самолётдан тушибок тӯғри фронт газетаси редакциясига бориб, шу гаплардан хабар топди. ТАСС мухбирини учратолмади, у тунда етиб келиши лозим эди, лекин ўзи жўнаб кетадиган «эмка»ни гараждан топиб, шофёрига эртага эрталаб соат саккизда жўнаб кетишга тайёрланишни буюрди. Хочли довон орқали ўтадиган йўл анча узок бўлиб, айтишларича кор босган эмиш.

Лопатин редакция хоналарининг биридаги унга тунаб қолиш учун белгиланган диван ёнида чамадони билан қопчиғини қолдириб, шаҳарни сайр қилгани кўчага чиқди.

Оқшомда ҳаво анча совиб, шамол турган эди. Коронфилик кўйнида қолган ҳарбий тусдаги Тбилиси гўё ўзига ўҳшамасди. Аммо кейинги олти йилдан бери келмаган Лопатин илгарилари бу ерларда ҳафталаб яшаган ва шу боисдан коронғи бўлса ҳам, Вардисубани кўчасига, самолётда Тбилисига яқинлашиб қолгандаёқ хаёлига келган ўша таниш хонадонга қандай етиб боришини биларди.

Вардисубани кўчасидаги бу эски уйда Лопатин шаҳардаги бошқа ҳаммадан кўра яхши танийдиган киши истикомат киларди. Бу киши билан у йигирманчи йилларнинг охирларида, Грузия ва Чпатурига килган биринчи сафари пайтида танишганди. Унинг хотини ва болаларини ҳам билади, бу ерга келганда неча марта-лаб уникида яшаган.

Лопатин Грузияга сўнгги марта келган ўттиз олтинчи йилнинг кузидан бери улар на бир-бирини кўрган ва на хат ёзиб туришган бўлса ҳам Виссарионнинг соғсаломатлигини бошқалардан эшиганди. Ўтган йилнинг кузида эса «Известия»да босилган унинг шеърини кўриб, рус тилига яхши таржима қилинганидан кувонганди.

Агар Виссарион ҳозир Тбилисида, уйида бўлса, у жудаям кувониб кетади. Унинг умр йўлдоши Тамара ҳам. Лопатин бунга шубҳа килмасди. Фақат уйдами-кан? Балки, армиядадир? «Известия»даги шеъри кўлида граната билан ўзини танк остига ташлаб ҳалок бўлган лейтенант грузинга бағишланган бўлиб, унинг тагига «Харакатдаги армия» деб ёзиб қўйилганди. Балки у ҳозир ҳам ўша ёқдадир.

Лекин ёлғизлик шубҳалардан кучлирок: Лопатин таниб бўлмас даражада коронғи шаҳар бўйлаб анча юрди-да, таниш уй олдида тұхтади. Зинапоя коп-коронғи эди. У панжара тутқичидан тутиб, иккинчи қаватга кутарилди ва ўзига керак бўлган эшик чапда ёки ўнг томонда эканини ўзича хаёлидан ўтказди. Худди сўкир одам каби пайпаслаб кўнғироқ тугмасини босди.

Ҳеч ким жавоб бермади — ё қўнғироқ ишламади, ё уйда ҳеч ким йўқ. У эшикни тақиллатди: аввалига бир-икки уриб қўйди, кейин бир неча марта, қаттироқ, кучлирок тақиллатди.

Эшик ортида қадам товуши эшитилди-ю, сўнг Виссарион таниш баланд овоз билан грузинчалаб сўради:

— Ким у, ким келди? Ким? — жаҳл билан такрорлади Виссарион эшик ортидан.

— Бу мен, Лопатинман! — деди Лопатин ва очилган эшик томон бир қадам юриб, коронғи йўлакда кўзга кўринмаган Виссарион Георгиевичнинг кучогига тушиб қолди. У бир пайтлари исм-фамилиям деярли Белинскийнига ўхшайди, деб ҳазиллашарди.

Улар кучоқлаб кўришишди, сўнг Виссарион ўзининг узун қули билан уни кўлтиғидан тутиб йўлак бўйлаб ичкари хонага бошлади.

— Эҳтиёт бўл, — деди Виссарион. — Нима қаерда турганини мен коронғида ҳам биламан, сен эса унутиб юборган бўлишинг мумкин.

Улар узун айвондан ўнгдаги йўлакчага ўтиб, ошхонанинг рўпарасидаги чоғроққина хонага киришди. Бу хонада илгари Виссарионнинг кенжা кизи Этери яшарди.

Энди бу ерда бутун уйдан ташиб келтирилган, Лопатинга таниш мебель қўйилганди. Кенг диван-каравот ва битта китоб жавони Виссарионнинг кабинетидан, пардоз столчаси ётоқхонадан, овқатланиладиган стол билан иккита стул ошхонадан келтирилган.

— Фақат шу хонада печка ёкамиз. — Виссарион

почапустинини ечишда Лопатинга күмаклашиб, уни диван-каравотга ўтқазди. Ўзи эса ундан сал бери-даги стулга ўтирди.

— Күринишиңг яхши! Қара-я, икки марта яраланибсан! Табриклайман! — Бу гап орденга тегишли эди.

Виссарион билинар-билинмас дудукланарди. Грузинча гапирганда Лопатин буни сезмасди, русча гапирганда эса билиниб коларди.

— Сенга Борис билан Гурский салом айтиб юбориши, — Виссарионни күпдан бери танийдиган Гурскийнинг у Москвадан жұнаб кетаётганда айтган сўзи-ни эслаб деди Лопатин. Ўшанды у: «Агар Тбилисида сван минораси аталмиш Виссарионни у-учратиб колсанг, мендан салом айт ва кейинги йиллар мобайнида д-дудукланишда м-менга етиб олган-олмаганини т-текшириб кўр», деганди.

Сванлик эмас, қахетинлик бўлган Виссарион гавда тузилиши ва бақувватлигига кўра ростдан ҳам сван минорасига ўхшарди. Қўллари катта, оёклари баҳай-бат, елкалари кенг, бақувват, кучли бўйни каттакон бошини тутиб турарди. Бундан олти йил аввал шундай эди, ҳозир ҳам шундайлигича қолган. Факат бир оз сочи тўкилган, бу ҳам яқинда бўлганга ўхшайди, чунки ялтираб қолган жойини яшириб турган сийрак сочини нукул бир кўли билан силаб қўярди. Афтидан ҳали бунга кўникмаган бўлса керак.

— Мен унинг мақоласини ўқигандим, — деди Гурский ҳақида Виссарион. — Сеникини ҳам. У онда-сонда, сен эса кўпроқ ёзяпсан.

— Кузда «Известия»да сенинг шеърингга кўзим тушганди.

— Бу қўшиқ. Уни шеър сифатида таржима қилишибди. Уни фронтда ёзиб, ўзим музикасини басталағанман. Фронт бригадаларининг бошлиғи сифатида бир неча марта фронтга бориб келдим. Энди эса санъат ишлари бўйича ўзимизнинг комитетда хизмат қиляпман. — Виссарион хўрсиниб қўйганди, Лопатин беихтиёр кулиб юборди.

Бир пайтлари Виссарион хизмат қилишни ёқтирмасди: хизмат шеър ёзишга ҳалақит беради, нимагадир хизматга отланиш лозим бўлган айни эрталабки пайтда илҳом келиб қолади, дерди.

— Тамара қалай, болалар-чи? — иккита эшик на-

ридаги ошхонадан аёл овози эшигилгач, сурати Лопатин.

— Ҳаммаси соғ-саломат, — деди Виссарион. — Ҳозир Тамарани чакираман. Бугун биринчи куни Тамара билан иккаламиз бу квартирада ёлғиз қолдик. Фарзандларимиз жұнаб кетиши.

Болаларнинг қаерга көтганини тушунтириб үтирай, үрнидан туриб чиқиб кетди-да, юз ифодасидан ҳечам бу ерга келишни истамаган хотинини олдига солиб қайтди. Лопатинга күзи тушганидан кейингина аёл қувониб кетди ва пешбандга құлини артиб, унинг истиқболига пешвөз юрди.

— Салом, Тамара, — деди Лопатин унинг құлидан үпіб.

Виссарион билан «сан»лашиб, у билан эса биринчи марта күрган кунидан бошлаб «сиз»лаб гаплашарди.

— Салом, қадрдоним, — деди у Лопатиннинг пешонасидан үпіб. — Қанчалик севинганимни билсангиз эди! Виссарион, жиннивой, ҳеч нима демай ошхонадан сургаб чиқди. Фақат: «Ҳозир сенга бир нимани күрсатман!» деди. Мен бу ёкка киргим келмади, унинг олдига кимдир юмуш билан келган, деб үйлагандым... Марҳамат, үтиринг, ҳозир овқатланамиз.

У аллақандай оналик меҳри билан, ҳам қувонч, ҳам маъюслик билан гапирарди. Лопатинга тикилиб беихтиёр бармокларини секин қисирлатиб құйди.

Унинг гұзал, нозик юзи озиб, сүяклари бүртиб қолған. Шаҳло, қоп-қора күзларининг ости күкимтири тус олғани учун бу күзлар янада катталашып қолғандек туюларди.

«Үтган йиллар мобайнида росаям үзгариб кетибди-я, — деб үйлади Лопатин. — Уруш бу оила бошига қанчалик ташвиш келтирғани шундоккина күриниб турибди».

— Кизингиз қалай? Катта булып қолғандир? — чиройли маъюс күзлари билан ҳамон Лопатинга тикилиб сурати Тамара.

— Яқында үн олтига тұлади.

— Үзи қаерда?

— Ҳозир Омскда, опамникида яшаети.

— Узокда яшаётгани яхши бўпти. Хотинингиз қалай? — сурати Тамара.

Виссарион ҳар доим Москвага ёлғиз үзи келарди, Тамара эса Лопатиннинг қизи ва хотини ҳақида фақат

эридан эшитганди. Унга бор гапнинг ҳаммасини гапириб бермасликка ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, Лопатинни тўғрисини айтишдан нимадир тұхтатиб қолди. Грузин оиласарида ажрашиш — айникса, ўртада фарзанд бўлса камдан-кам содир бўлади, агар шундай воеа юз берса, бунга фожиа сифатида қарашади.

Лопатин нимагадир ҳозир шундоғам маъюс боқувчи бу аёлга ўзи ва хотини ҳақидаги бор гапни айтгиси келмади.

— У эвакуацияда, — деди бунинг ўрнига Лопатин. — Тошкентда.

— Буям яхши, узоқда экан, — деди Тамара.

У «узоқда» сўзини иккинчи марта айтганида Лопатин якингинада, бизларнинг хужумимиз ҳали бошланмаганда Тбилисини атиги Хочли довон ва унинг ортидаги яна юз километрча масофа фронтдан ажратиб турганини эслади... Эртага бир ўзинг босиб үтадиган масофа...

— Жудаям озиб кетибди. У касал эмасми? — Тамара чикиб кетганидан кейин сўради Лопатин.

— Йўк, қасал эмас, — деди Виссарион. — Уни врачга кўрсатдим. Унинг айтишича, касал эмас, шунчаки... — «Шунчаки» нималигини айтмай, Лопатиндан Тбилисига неча кунга келганини сўради.

Лопатин хужум қилиб кетаётган армияга етиб олиш учун эртага азонда Хочли довон орқали йўлга тушиши айтди.

— Ха, худога шукр, хужум қиляпмиз, — деди Виссарион. — Немислар кузда Эльбрусга чикиб олишганда бу ҳақда ҳар куни ўйлайвериб аклдан озишимга сал колди. Улар Қавказ тоғ тизмаларига келиб қолишган, ортимизда эса — Туркия! Гоҳида икки девор оралиғидаги йўлакда қўлларинг билан битта деворни, елканг билан иккинчисини тутиб тургандек ва қўлларингни қўйиб юборсанг ҳаммаси устингга ағдарилаётгандек туюлади кишига. Албатта мен ҳарбий одам эмасман...

— Ҳаммамиз ҳам ҳарбий эмасмиз, — қулини силтаб деди Лопатин. — Тамара кайтиб кирмасидан менга тушунтириб бер-чи: болаларинг қаерда, уларга нима бўлган?

— Георгий армияда, бундан ўн кун аввал келиб уйда тунади. Кутаисида младший лейтенантлар курсини битириб фронтга жўнаб кетди. Тамара билан бугун қишлоқдан қайтиб келсақ, эшикнинг тагида хат бор

экан: қайтаётганлардан кимдир ташлаб кетган бўлса керак. Унда бир неча оғиз сўз ва биз ёзишимиз мумкин бўлган дала почтаси бор экан, холос.

Виссарион камзулининг чўнтағидан ўғлиниг хатини олиб, дала почтасининг номерини айтди.

— Бунақанги дала почтасининг қаердалигини биласанми? — умид билан сўради у.

— Хозирча билмайман, лекин билиб беришим мумкин, — деди Лопатин. — Қани, такрорлагин-чи. — Чўнтағидан ёндафтарини олиб дала почтасининг номерини ёзиб олди. — Уни қачон армияга олишга улгуришди? — гўё бирдан эслаб қолгандек ҳайрон бўлиб сўради у. Сўнг ўттиз олтинчи йилнинг куз фаслини, қайсиdir меҳмоннинг илтимоси билан стол ёнига чақирилган чиллаширни эслатувчи ўн икки ёшли озғин ўқувчининг болаларга хос жарангдор овоз билан Бараташвилиниг «Яшил ранг» шеърини аввал грузинча, кейин Пастернак таржимасида рус тилида ўқиб берганини эслади. Шеър ўқиган мана шу қилтириқ боланинг армияга чақирилганига, курсни тугатганига, младший лейтенант бўлганига, фронтга жўнаб кетганига ва у ердан отаси билан онасига ўзининг дала почтасининг номери ёзилган хат ўйллаганига ақл бовар қилмасди.

— Июнь ойида армияга чақиришди, — Виссарион бармокларини букиб санай бошлади: — Июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь... Тамара ҳисоблаб чиқибди: ўғли уйда тунаған ўша куни ўн саккиз ярим ёшга бир кун етмабди.

— Этери каерда? — сўради Лопатин.

— Қишлоққа, Тамаранинг катта акаси Варламникига олиб бориб кўйдик. Сен уни бизникида кўрганмидинг, ҳар доим у тайёрлаган винодан ичардик, бугун ҳам ичамиз... У кўпдан бери уйига таклиф қилаётганди. Ҳархолда у агроном, қишлоқда аҳвол шаҳарчалик эмас. Ўша ерда мактаб ҳам бор. Қизчанинг яхшиrok овқатланишини истарди.

— Қизинг ўн бешга тўлдими? — сўради Лопатин.

— Сенинг қизинг каби салкам ўн олти ёшда. У фактак уч ҳафталик кичик. Бир пайтлари ҳисоблаб чиққандик.

Қизларининг қачон туғилганини ҳисоблаб чиқишгани Лопатиннинг ёдида йўқ, Виссарион эса унутмабди.

— Қизингиз учун қишлоққа бордингларми? — сўради у.

— Аввалига шу максадда отланувдик... Энди йулга чиққанимизда азага бораётганимиз маълум бўлиб колди. Варламга ўғлидан «корахат» келибди...

— Менимча, унинг иккита ўғли бор эди, — деди Лопатин.

— Ҳа, иккита, тўнғичи ўтган йилнинг баҳорида Кримда ҳалок бўлди, ўртоқларининг айтишича, чўкиб кетибди. Буниси эса, кенжаси Велико... Кўпдан бери хат келмаётганига хавотир олишаётганди, ноябрь ойидаёқ довонда ҳалок бўлгани ҳакида «корахат» келиб колди... Қайси довонда ҳалок бўлганини ёзишмабди, факат «довонда» дейишибди. Менимча, Марух довонида бўлса керак. «Қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деб ёзишибди. Балки, бола бечора шунчаки музлаб қолгандир... «Корахат»ни олганида Варлам ақлдан озишига сал қолди. Яхшиям биз борган эканмиз. Тамара азадан кейин Этерини қайтариб олиб кетмоқчи бўлди, оила бошига бунака кулфат тушганида қиз ҳакида ғамхўрлик қилишни сўраш мумкин эмаслигини ўлади, лекин Варлам бунга рози бўлмади, кўзига ёш олиб илтимос қилди: «Ҳеч бўлмаса шуни менга қолдиринглар! Биз бутунлай ёлғиз қолдик-ку!» Қизчанинг ҳам унга раҳми келди, Тамаранинг ёнига келиб: «Ойижон, ҳозирча мен шу ерда қоламан», деди... Қизимизни ўша ерда қолдирib, бугун эрталаб қайтиб келдик, бир озгина жўхори, вино, лобио олиб келдик. Бари бир, бу ердан кура қишлоқда яшаш осонрок... Ҳозир ўйлаб қолдим: Агар сен кеча келганингдами бизни тополмаган бўлардинг! Бугун келганинг қандай яхши...

Лопатин ошхона томондан аёллар овозини эшитиб суради:

— Тамара ёлғиз эмасми?

— Бугун Миша билан хотинини таклиф қилганимиз, — деди Виссарион. — Тамара билан Маро ошхонада харчо пиширишяпти. Лобио ҳам бўлади, лобиони хуш кўришингни биламан. Миша доим шаҳарда, қишлоқдан олиб келганиларимиз билан уларни бир оз меҳмон қилмоқчимиз. Миша ҳам тез орада келиб колади.

Виссарион Лопатин яхшигина танийдиган одам сифатида «Миша» деяверди: бу Мишанинг кимлигини сўраш нокулай эди. Лекин Лопатин кимлигини ҳеч ёдига туширолмай ахир суради.

— Михаил Тариевович-да, — деди Виссарион. — Сен охирги марта меникига келганингда у билан

дастурхон атрофида ёнма-ён үтирган эдинг. Менимча, икки марта кўргансан.

У Михаил Тариелович дегандаёқ ўша одам Лопатиннинг ёдига тушди. У темирйўлчи-инженер бўлиб, Закавказия йўлида хизмат қиласди, ёзувчилардан ошна-оғайнилари кўп ва ўзи ҳам дўстларини макташни хуш кўрувчи Виссарионнинг таъкидлашича, яхшигина шеърлар ҳам ёзиб туради. Ўшанда, ўттиз олтинчи йилда дастурхон даврасида үтирганлардан энг ёши улуғи ўша киши эди.

— Сени кўриб жуда курсанд бўлади-да, — деди Виссарион. — Мен ҳамма нарсани ўқийвермайман, унинг кўлидан эса китоб тушмайди. Уруш пайтида ким нима ёзган бўлса, ҳаммасини ўқиб чиқди. Тунда ишдан қайтади-ю, дарров ўқишга берилади. Бир неча марта сени тилга олди... Менга айт-чи, баҳтлимисан ёки баҳтлизми? Уйингда аҳвол қалай?

— Уйни билмадим-у, лекин ўзим баҳтлиманин, — деди Лопатин.

Виссарион қандай қилиб ва нега баҳтли эканини суриштириш деди:

— Омадингни берсин.

Виссарион дўстларидан нега баҳтсиз эканлигини суриштириш мумкин ва лозимлигини биларди, аммо нега баҳтли эканини сўрашни ҳожати йўқ, деб биларди.

Улар жимиб қолишиди, Лопатин Виссарионга караб үтириб, уруш пайтида, кўпдан бери кўрмаган танишинг билан учрашганда неча марталаб хаёлидан ўтказган бир ҳақиқат ҳакида ўйларди. Уруш бир-бири билан узок вақт кўришмаган иккита одамнинг ўзаро самимий муносабатига қўшимча аллақандай муҳим бир нима кўшгандек эди.

— Мана шу стол атрофида иккаламиз билан бирга үтирганлардан кўпчилиги энди йўқ, — деди Виссарион сукунатни бузиб ва гўё йўқларни санаётгандек ўйчаник билан столни мушти билан бир неча марта уриб қўйди.

Хозиргидек эмас, балки кенгайтирилган бу стол илгари нарида, эндиликда коп-коронги каттагина емишхонада туради. Атрофида жуда кўп одам үтиради.

Виссарион гўё шу стол теграсида үтирганларнинг эндиликда йўқлигининг сабаби нимада, дея индамай сўрагандек муштини ёйиб, бақувват қўлларининг кафтини юқорига қаратиб стол устига қўйди. Кейин қўли-

ни олди ва Лопатин чекаётганини кўриб, қўлини папиросга чўзди.

— Эшитишинга караганда, иккаламиз танийдиган одамлардан бир қанчаси уруш арафасида Москвага кайтишибди.

— Бир қанчаси қайтиб келган, — деди Лопатин.

— Бизда эса ҳозирча ҳеч ким қайтгани йўк.

Ўшанда ном-нишонсиз йўқолишини хаёлига келтириб бўлмаган айрим одамлар ҳакида, улар ҳам қайтиб келишгани ва аллақаерда жанг қилишаётгани хусусида ҳозир, уруш даврида Москва бўйлаб миш-миш гаплар тарқалганди: ҳатто айтишларича, кимдир фронтда уларни ўз кузи билан кўрибди. Бу миш-мишларга жудаям ишонгинг келади. Ҳафа бўлиб ўтирган Виссарионга бу ҳақда айтмоқчи ҳам бўлди. Аммо шу пайт эшик тақиллаб қолди.

Виссарион ҳамон қимир этмай ўтираверди.

— Бу Миша, — деди у яна тақиллагач ва эшикни очгани ўрнидан турди.

Виссарион билан бирга кириб келган Михаил Тарилович унинг истиқболига ўрнидан турган Лопатин билан сўз демай қучоклашиб кўришди ва индамай стол ёнига ўтирди. У айтарли ўзгармаганди, илгари ҳам шунақангি озгин эди.

Меҳмондорчиликка отлангандек озода кийинганди, эгнида дазмолланган эски костюм ва крахмалланган ёқали оппок кўйлак, бўйнида кора шойидан тикилган галстук. Озгин, ингичка юзи, кумушсимон соchlари корамтири тус олганга үхшайди. Ёки ўтинкираб қолган мана шу камгап грузин авлиёси каби чехраси жиддий киши бир пайтлари мана шу ерда, шу стол атрофида чиройли қадаҳ сўзларини айтиб кўп ичганини эслади Лопатин.

— Қадрденимиз Виссарионнинг меҳмони сифатида сизни яна кўришдан бафоят хурсандман, — деди у ўйчан кўзлари билан Лопатинга бокиб. — Биз яна биргаликда унинг тузини тотаётганимиз ва виносидан ичаётганимиздан ниҳоятда шодман. Эртага бизнинг хонадонимизга ташриф буюрсангиз Мария Ираклиевна билан мен нақадар мамнун бўлардик.

У буларнинг ҳаммасини ўзи тенги кўпгина грузин зиёлилари каби нозик дид билан қойилмақом килиб рус тилида айтди. Шунда бу кишининг гимназиядан кейин Петербург темир йўл инженерлари институтини битир-

гани Лопатиннинг ёдига тушди. Унда умуман, бўлмаган талаффуз эмас, балки жумла тузилишидаги бетакрор интонация унинг грузин эканини кўрсатиб турарди.

— Раҳмат, лекин боролмайман, эртага азонда жўнаб кетаман, — деди Лопатин.

— Агар сизни бир неча кунга олиб қолишга уриниб кўрсак-чи? — деди Михаил Тариевич ва урушдан аввалги Тбилиси учун одатий бўлган бу жумлани айтди-ю, Лопатиннинг кўли билан рад этганига жавобан майнин жилмайиб қўйди. — Ҳаммасини тушунаман.

— Эртага кечгача ҳеч бўлмагандан Оржоникидзега етиб олишим керак, — деб тушунтириди Лопатин.

— Ҳозир уша ерда жанг қилаётганларни худо ўз паноҳида асрасин, — деди Михаил Тариевич грузинчалаб ва кейин рус тилида такрорлади. — Агар янглишмасам, грузинчани бир оз тушунар эдингиз, шундайми?

— Жудаям оз биламан. Агар таржима қилмаганингизда факат худо асрасин, деган сўзингизни тушунган бўлардим, — деди Лопатин.

— Undай бўлса, сизни синаб ўтирмаймиз, — майнин жилмайиб деди Михаил Тариевич ва уйида ҳозиргина радиодан эшитиб келган сўнгги маълумот ҳакида гап очилди: бу маълумотга кўра, бизнинг қушиналаримиз Минеральные Водыни шимолдан айланиб ўтишни бошлишибди. Буни тўлалигича тасаввур қилиш қийин эди.

— Бутун манзарани тўла тасаввур этиш гоҳида фронтда ҳам мушкул булади, — деди Лопатин. — Эртага эмас, индинга мен уша ерда бўламан.

Беҳосдан уни сабрсизлик туйғуси чулғаб олди, боя эрталаб, поездга телефонограммани келтириб беришганда ҳам шундай бўлганди.

Хонага дастурхон билан тарелкаларни кўтариб Тамара кирди.

— Маро қани? — сўради ундан Михаил Тариевович.

— Ташвиш тортма, келади уша Мароинг. Қани, нарёкка бориб чекиб келинглар. У ер коронғи, лекин менимча, кўрқмасаларинг керак? Унгача биз дастурхонни тўлдирамиз. Бу ишга эркакларнинг караб туришини ёқтирумайман.

Эркаклар қоп-коронғи даҳлизга чиқиши.

Учаласи сигаретасини тутатиб олган Лопатиннинг кўлидаги гугурт ўчгунча узига таниш даҳлиздаги китоб

тахланган узун тахталарга унинг кўзи тушди. Илгари китоб қалашиб ётарди, энди бўлса ярмиси бўм-бўш. Ҳарҳолда қоронғида шундай кўринди. «Сотаётганиккан? Кимга? Ҳозир ким оларди? Ё керак бўлмаганлари билан печка ёқяптими? — деб ўйлади Лопатин. — Уруш пайтида китоблар нималарга дучор бўлмайди...»

Ичкарида аёллар идишларни жаранглатиб столга қўйяпгани яққол эшитилиб турарди.

— Бечора Варлам, — хўрсиниб қўйди Михаил Тариелович. — Менга шу ҳақда айтиб берганингдан бери у хаёлимдан нари кетмай қолди.

— Ўзини қўйгани жой тополмаяпти, — деди Виссарион. — Поездга бизни кузатиб қўйганда, Тамарани бир чеккага тортиб роса йиғлади. «Балки биз Великони тирик кўмдикмикан? Нега «қорахат» бунчалик кеч етиб келди? Балки, янгишишгандир? Биз бўлсак дарров уни кўмиб ҳам бўлдик...» деди бечора йиғлаб...

— Агар шундай деяётган бўлса, бари бир умид килаётган экан, — деди Михаил Тариелович.

— Йўқ, — деди Виссарион. — Агар унинг умиди булганда: «Ишонмайман! Унга аза очмайман, ҳеч нима килмайман!» — деган бўларди. Бу умид эмас, балки умидсизлик. Нина унга ниҳоятда қийналиб қиз туғиб бериб, бу қиз вафот этгач, докторлар эндиликда улар фарзанд кўрмасликларини айтганда Варлам хотинига: «Йиғлама. Олло-таоло сенга иккита ўғил ато этиби-ю, яна ундан нима истайсан?» деганди. Энди бўлса унга караб ўтириб, кўз ёшларимни тиёлмайман. Реваз туғилганда у тарекаларни осмонга ирғитиб, милтиқ отиб чил-парчин килгани ҳали ҳам ёдимда! Велико туғилганда эса туғруқхона деразаси олдида менинг ёнимда туриб: «Ўғлимни кўрсатишмагунча ярим кеча бўлса ҳам бу ердан кетмайман», деганди. Ана шундай одамлар энди ёлғиз қолишса-я! Қизимиз Этерини ўzlари билан олиб қолишиди, бизни кетмасликка ундашди.

— Менга айт-чи, Виссарион, мана қайнинг иккала ўғлини фронтга йўллаб, иккаласидан ҳам айрилди, нима, сизларда бир амаллаб фронтга бормаслик йулини қилиш, пора бериб қутулиш кабилар бўлмайдими? Буни сўраш нокулай-ку,ammo худди шу бугун фронт штабида шу ҳақда бемаъни бир гап эшийтдим. Сендан сўраётганим учун мени кечир, бошқа суриштирадиганим ҳам йўқ, штабда эса бу гапга аралашгим келмади.

— Албатта пора билан қоладиганлар бор, — деди

Виссарион. — Албатта бунакалар учраб туради. Нима, сизларда, Москвада бунакаси бўлмайдими?

— Ўзим ҳали дуч келганим йўғ-у, лекин, менимча, у ерда ҳам бор, — деди Лопатин.

— Бизда ҳам бор. Аблаҳ одамлар ҳамма жойда учраб туради. Заиф одамлар ҳам ҳамма жойда бор. Пулга сотиладиганлар ҳам ҳамма жойда бор... Шаҳарда бўлади, қишлоқда эса — бунакасини эшитмаганман. Қишлоқда кимни армияга чакиришса — ҳаммаси боради. Аза куни Варламникида ўтирганимизда Тамарага кўзим тушиб, унинг юз ифодасидан энди Варлам эмас, унинг бошига тушган кулфатни эмас, балки ўзимизнинг фарзандимиз, ўзимизнинг Георгиймиз ҳакида ўйлаётганини сездим. Георгийга нима бўлганийкин? Қаерларда юрганийкин? Унга нима бўларкин? У ўз кайғусини — ёнида фарзанди йўқлигини ўйларди. «Эй, худойим-эй! — деб ўйладим ўшанда. — Фарзандимиз учун ваҳимага тушиб ёнгинамда ўлиб кетишингга йул кўёлмайман. Мен бир нима қилишим керак, ахир эркакман-ку! Мен ҳаммавакт сен амр килган барча ишни қилиб келганман, сен учун ҳар қандай иш қилишдан ҳеч қачон қўрқмаганман. Наҳотки энди сен учун бу ишни қилолмасам? Фарзандингни сенга соғ-саломат кайтаришим керак, акс ҳолда сен кўз ўнгимда адоитамом бўласан. Агар мен эркак бўлсан шу ишни қилишим керак! Аммо мен бу ишни қилолмаслигимни сен тушунасанми? Агар мен эркак бўлсан — мана, фожиа қаерда?» Мен Тамарага тикилдим, кейин Варламнинг кўшниларини кўздан кечириб чиқдим: бу аёлларнинг деярли ҳар бири ё эридан, ё ўғлидан, ё ака-укасидан жудо бўлганини билардим. Ўтган қиш фаслида чақирилганларнинг деярли ҳаммаси Қrimга тушган ва июль ойида бирваракайига деярли ҳаммасидан «корахат» келган. Варламнинг тўнғичи Ревазга ҳам, унинг кўшниларига ҳам! Хат ташувчи ҳар куни келарди. Варламникига худойига тўпланган кўшни аёлларга ва ёнимда ўтирган ҳамда фарзанди учун ваҳимага тушиб адоитамом бўлаётган ўзимнинг хотинимга тикилиб ўтиравердим. Мен эркак бўлатуриб ҳеч нима қилолмадим! Буни сен тушунасанми?

— Уруш тамом бўлмагунча ҳеч нима қилолмайсан, — деди қўққисдан Михаил Тариелович. — Ўғлинг урушдан қайтиб онасининг қучоғига кирмагунча ҳеч нима қилолмайсан.

— Виссарион, келинглар, ўтириңлар, — Тамара-нинг овози эшилди. — Дастанхонни безатаётіб ҳама гапларингни эшилдік. Ортиқча гапларни айтапсан, буни гапиришнинг ҳожати йўқ.

17

Эркақлар хонага қайтишгач, Михаил Тариелович хотинини Лопатинга таништирди. У илгари бу аёлни хеч кўрмаганди.

Мария Ираклиевна баланд бўйли, ёши ўтиб қолган, афтидан эри билан тенгдош аёл экан. Унинг чехрасида аллақандай бегонасираш ифодаси бор эди. Саломлашаётган пайтда ҳам ўзича ниманидир ўйларди. Қора тусли кўйлагининг ёқасига ўзи кимматбаҳо эмас-у, аммо қадимги ноёблиги билан бебаҳо феруза кузли каттагина кумуш тўғноғич тақилган. Тўғноғич Грибое-дов даврида яшаган ачасидан қолган мерос бўлса ажаб эмас.

— Мана. бу ерга ўтириңг, — Лопатинга жой кўрсатди Тамара. — Сен эса, Виссарион, бориб вино олиб кел.

Виссарион йўл-йўлакай Михаил Тариеловични имлаб ўзи билан олиб чиқиб кетди, бочкадан вино қувишда ёрдамлашса керак.

— Анчадан бери, тўғрироғи, уруш бошлангандан бери вино ичмагандим, — деди Лопатин аслида ҳам шундай эканига ўзича ҳайрон бўлиб.

— Чача¹ йўқ, ҳечам қолмади, — деди Тамара. — Назаримда, сиз илгари винони хуш кўрадингиз шекилли?

Рост, бир пайлари Лопатин винони ёқтиради. Энди бўлса унга, худо билади, орадан кўп вақт ўтиб кетгандек туюлади. У дастанхонни кўздан кечирди. Столда қопқоғи ёпик чинни идиш, унда боя Виссарион айтган харча бўлса керак. Битта тарелкада қишлоқдан олиб келинган мчади — жўхори нони, иккинчисида қишлоқда тайёрланган пишлок. Яна қоп-қора бир нима — тисмали бўлса ажаб эмас — солинган қайла идиш билан ҳозиргина оловдан олинган қип-қизил, иссик лобио тўлдирилган салат идиш кўйилган.

Тинчлик даврида бу фақирона, уруш пайтида эса

¹ Чача — хонаки арок (грузинча)

тўкин дастурхон ҳисобланарди. Ҳозир бунақа дастурхон онда-сонда учраб туради. Ҳар бир одамга белгиланган тарелкалар ёнига киррали стакан қўйилган, бошқачаси йўқ. Урушдан аввал Виссарион дехкончасига мана шунақа стаканда ичишни яхши кўрарди. Рюмка қўлимдан тушиб кетади, винони иккита бармофинг билан эмас, балки бутун қўлинг билан маҳкам ушлаб олишинг керак, деб ҳазиллашарди.

Мария Ираклиевна стол ёнидан жой олди, Тамара эса энди қўзғалмоқчи бўлган Лопатинга қўл силтадида, ўзи эркакларни кутиб турди. Турган жойида кўнгли тўлмай дастурхонга караб қўйди. Ҳозиргига нисбатан тўкин дастурхон эканини билиб турса ҳам, бари бир, буни факирона ҳисобларди.

Лопатин унга ҳаммаси жойида эканини ва у ўз қўли билан тайёрлаган лобиони маза қилиб ейишни айтмоқчи бўлди-ю, лекин тұсатдан мана шунақанги қип-қизил лобиони бир пайтлари ҳечам меҳмонларга қўйишмаганини эслаб қолди. Бу лилага мўлжалланган емиш, меҳмонлар учун эса дафн маросими ёки худойида пишириларди... Шуни эслаб ҳеч нима демади.

— Сиз икки марта ярадор бўлибсиз-а, — деди Тамара ўйчанлик билан Лопатинга тикилиб. — Бечора қизча, у икки марта сиздан айрилиб қолиши мумкин экан-а!

Унинг оилавий ҳаёти ҳакида ҳеч нимани билмайди-ю, аммо аёллик фаҳм-фаросати Лопатиннинг хотинини эмас, балки қизини эслашга ундади.

Виссарион билан Михаил Тариелович ошхонадан қайтиб келишди. Виссарион саккизинчи номерли — қахетия виносининг ярми йиртиқ эски ёрликли иккита шиша кўтариб олган. Бу ёрлик ҳеч қандай маънони билдирмайди, чунки шишадаги вино албатта қишлоқда тайёрланган. Виссарионнинг қўлида атиги иккита шиша борлигининг ҳам аҳамияти йўқ. У кўп ичишни ёқтиради-ю, лекин стол устида идишларнинг қалашиб кетишини хуш кўрмасди. Кейин яна олиб келади.

— Сен меникода шу винодан ичгандинг, — ҳаммадан кейин даврадан жой олиб деди Виссарион. — Бу сен ичган ўша винодан. Ҳар йили бир хил чиқавермайди-ку, лекин бу йилгиси жудаям яхши вино чикди, агар...

У давомини айтмай, стаканларга вино қўйиб чиқ-

ди, одатдагидек шошилмай, ўзига хос самимият билан сокийлик килди. Тұғри, құлда стакан билан ўрнидан туриб айтилган сұzlар меҳмондорчилик коидасига күра алохидә күтаринки кайфият бахшида этарди. Лекин у ич-ицидан меъерини билиб гапирар, бусиз дастурхон теграсида ўтирганларнинг ҳаммасига навбати билан айтилган мактоб сұzlари беҳуда ва бемаъни гапга айланиб коларди.

Ошхонадан олиб келингандык иккита шиша яна тұлдиріб келинди, кейин яна келтирилди ва шундан сұнг Виссарион мезбон сифатида ҳамма гапни айтиб бұлгандек туюлди Лопатинга. Шу боисдан унинг гапини бўлиб, фронтга кетган ўғли учун кадаҳ сұзини айтмоқчи эди, лекин Виссарион нима демоқчи эканини фаҳмлаб колиб сўз бермади.

— Айтмоқчи бўлган гапларинг учун сендан миннатдорман, лекин ҳозирча вино тамом бўлмагунча... — У аёлларга вино қўиди ва эркакларнинг стаканларини лиммо-лим тұлдиріб охирги шишани ҳам бўшатди. — Вино тамом бўлмагунча биз ғалаба учун ичаверамиз. Ғалабадан бошқа ҳеч нима фарзандларимизни урушдан бизга қайтариб беролмайди. Шу жумладан, бизнинг қадрли Гогамизни ҳам. Шу жумладан, — деб тақрорлади у ва винони охиригача сипқорди.

Лопатин вино тамом бўлди, деб ўйлаганди, аммо Виссарион жойига ўтирмай иккала шишани кутариб чикиб кетди ва орадан кўп ўтмай битта лиммо-лим тўла шиша билан қайтди.

— Мана бунисини, энг сунгисини, — деди у стаканларга қуяр экан, — орамизда йўклар хотираси учун ичамиз. — Буни у русчалаб айтди, сұнг бошини қуйи эгиб грузинчасига тақрорлади-да, тагида бир неча томчи колдириб стаканни бўшатди. Турган ҳолица ҳеч кимга қарамай ҳамон бошини эгиб стакандаги ўша зифирдак винони бир бурда нонга қўйиб еди.

Ҳамма ўрнидан турганча бир неча дақика жимиб қолди. Лопатин бу грузинча таомилни ўлганлар хотирасига нонни винога бўқтириб мана шундай ичишини илгаридан биларди. Лекин илгари урушдан аввал унга нон билан вино ҳам бу таомилга даҳлдорлигини нимаси биландир эслатиб туради, деб ўйлаганди. Ҳозир эса бунда бир ярим йилдан бери урушда ҳар куни ва ҳар соатда содир бўладиган барча воқеаларни эсга солувчи ҳамма нарсадан кўра аччикрок, буюкрок ва оддий бир

нима борлигини ҳис этди. Урушда содир бўлган буларнинг ҳаммаси олдида инжил воқеаси шунчаки бир пайтлари бир одам бошқаларни деб ўзини қурбон қилган каби оддий воқеадир. Уруш бошлангандан бери ўтган бир ярим йил мобайнида ҳар хил одамлар бошқа одамларнинг ҳаёти деб ўзларини қурбон қилиш ҳисобига ана шу ишни турлича амалга оширдилар. Бунда улар кўкларга кўтариб макталишни умид қилмадилар.

Виссарион тириклар шаънига қадаҳ кўтараётганда ғалаба ҳакида гапираварди. Худди шундай ҳам бўлди, Лопатин бу ғалаба қачон юз бериши ва у қандай бўлишини ўзича тасаввур қилолмасди-ю бироқ ҳаёт — бегоналарнинг ҳам, ўзининг ҳам ҳаёти — ҳақидаги фикр-ўйлари бари бир ғалаба ҳақидаги фикрлар билан уйғунлашиб кетарди. Немислар деярли яқинлашиб қолган Москва остоналарида содир бўлган ҳодисалар ва Сталинградда юз берган воқеалар кўпгина одамларга, шу жумладан унинг ўзига ҳам ҳақиқий тирилиш бўлди.

Реал билим юрти ¹нинг бешинчи синфида ўқиб, дарсларга елиб-югуриб қатнашаётган пайтидаёқ у худога ишонмайдиган бўлиб қолганди. Аммо ўшандан бери инжилнинг калласида қолган аллақандай тушунчалари руҳий маънода унинг учун камёб бўлиб ҳисобланганди. Олло-таоллонинг руҳи маъносида эмас, балки инсоний руҳ маъносида.

Хозир ҳам шундай бўлди, дастурхон тепасида туриб ўликлар ва тириклар ҳакида ўйляяпти-ю, ҳаёлига эса инжилнинг «ўлимни ўлим билан тузат», «ўз хочингни ўзинг элт» каби сўзлари ва ҳатто бир онанинг фарзандини иккинчи онанинг ўғли ўрнига фронтга юбориш учун замонавий Иуда ² оладиган ўша ўттиз сўлкавой келяпти. Чунки ўша «ўрнига»сиз ҳеч қачон ҳеч нима бўлмайди, бари бир бир кишининг ўрнига ўша соатда бошқа кимдир фронтга жўнайди...

Энди ўтиришлари билан Михаил Тариелович Лопатиндан илгари яна ўрнидан турди ва шишада қолган винонинг ҳаммасини стаканларга яримлатиб қуиди.

— Сенинг саломатлигинг учун, Виссарион, — деди у. — Кечирасан, стаканлар тұла эмас.

¹ Кўпроқ табиат ва математика фанлари ўқитиладиган ўрта укув юрти.

² Христиан афсоналарига кўра ўз устози Исо пайғамбарга хиёнат қилган Иуда Искариот.

— Вино етмагандан кейин нима ҳам қилолардинг? — деди Виссарион. — Виноси етмаган мезбоннинг саломатлигига ичмаса ҳам бўлади.

— Бунакаси тинчлик пайтларида бўлади, уруш кунлари эмас, — деди Михаил Тариевович. — Бахтингни берсин, Виссарион! — У гўё лиммо-лим тўла стакандаги винони ичаётгандек шошилмай сипкорди.

Виссарион миннатдорчилик билдирида, утирмай хонадан чиқиб кетди. Тамара Лопатинга қараб қулиб қўйди:

— Сиз учун топиб келмоқчи бўлиб чиқиб кетди. Уйимизда озгина бўлсаям чача бор, деб ўйляяпти. Лекин чача йўқ. Бечора Варламнинг бошига мусибат тушганини эшитиб йўлга отланганимизда чачани поездга олачиққандим. Виссарион ўша чачани ичиб бир оз ухлаганди. У Варлам ҳақида гапирса, Варлам ақлдан озаёзди, дейди. Аммо Варламнинг мусибатини эшитиб ўзи ҳам жинни бўлаёзди, нима дегани, нима килганини эслолмай қолди. Василий Николаевич, болаларимиз чўкиб кетган ўша Крим, ўша кечув қанақсанги даҳшат экан-а! Бир кишлокдан ўн олти киши ўлса-я! Яна ҳаммаси бир жойда. Уларнинг ярми бола-я!

— Сенга қолса ҳаммаси бола, — деди хўмрайиб Михаил Тариевович. — Ўн саккиз ёшли бола энди бола эмас, балки эркак ҳисобланади.

— Бари бир бола, — деди Тамара. — Қандай қилиб дарров, бир пайтда, бир куннинг ўзида содир бўлса-я!

— Шу кишлокдан чақирилганларнинг деярли ҳаммаси ўзимизнинг грузин дивизиямиз билан бирга ўша ёққа тушиб қолган... — Михаил Тариевович бу ерда гап факат шу ҳақда бўлаётганидан ўзини нокулай сезаётгандек туюлди Лопатинга.

— Мен ўша ерда бўлгандим, Тамара, — деди Лопатин. — Худди ўша пайтда.

— Сизнинг «Красная звезда»да босилиб чиқкан барча мақолаларингизни ўкиб чикканман, — деди Михаил Тариевович, — аммо ўша ерда бўлганингиз ҳақида бирорта мақолангизга, менимча, кўзим тушганича йўқ.

— Бу ҳақда кимнинг мақоласини ўқидингиз? — сўради Лопатин. — Сиз умуман бу ҳақда ўқимагансиз. Ҳозир нима кўп — миш-миш гаплар кўп, сиз факат шуларни биласиз, холос. Агар ўз кўзим билан кўрмаган бўлганимда мен ҳам факат шуларни билган бўлардим.

— Айтиб берақолинг, — деди Михаил Тариелович-нинг хотини биринчи марта.

— Кечирасиз-у, иложим йўқ, — деди Лопатин.

— У ерда юз берган воқеаларнинг ҳаммасини ўзингиз кўрдингизми? — столга тирсагини тираб Лопатиннинг кўзига дикқат билан тикилиб сўради Тамара.

— Эҳтимол ҳаммасини ҳеч ким кўрмаган бўлса керак, — деди Лопатин. — Лекин, кўрганларимнинг ўзи мен учун етарли бўлди.

Тамара чаккасига қўлини тираб, синовчан кўзлари билан унга ҳамон тикилиб ўтиради.

— Болаларни балки у ерда кўргандирсиз? Варламнинг ҳалок бўлган ўғлини кўргансиз. У хушрўй, ботир бола эди. Унинг укасини армияга чақиришган, Ревазнинг ўзи эса кўнгилли бўлиб кетганди.

— Бўлиши мумкин, — деди Лопатин чиндан ҳам шунақа бўлишини ўзича ўйлаб.

Ха, бу аёл кўнглидан ўтказаётган болаларни кўрган бўлиши мумкин. Ўша болалар орасида чақиришларини кутиб ўтирмай, кўнгилли равишда фронтга жўнаган унинг жиянини ҳам. У кўрган бўлиши мумкин, чунки ола-тасир бошланганда айни ўша дивизияда эди, теварак-атрофда отишма ва бомбардимон авжига чиққанда ўша болалар ҳам, эгнида шинел, соч-соқоли ўсиб кетган ва кўпдан бери соч-соқолини олдирмагани туфайли кекса бўлиб туюлган ўрта ёшли грузин деҳқонлари ҳам ҳалок бўлаётганини ўз кўзи билан кўрган. Кейин чекинаётганлар оқимини ҳам кўрган. Куршовдан чиқиб кетишга, бомбардимон учун даҳшатли машқ майдонига ўхшаш, одатда кимсасиз бўладиган, ўшанда эса ўликлар ва тириклар билан тўлиб-тошган Керчъ ярим оролининг яйдок, ҳимоясиз даштидан ўтиб олишга шошилаётган, тусатдан содир бўлган бу воқеадан довдираб қолган одамлар оқимини кўрган. Ха, у даштда чекинаётган одамларни — русларни ҳам, украинларни ҳам, озарбайжонларни ҳам, арманларни ҳам, грузинларни ҳам кўрган, уларнинг ҳаммаси бомбардимон остида дашт бўйлаб боришаарди. Ха, у ўша ерда Тамара худойидан қайтиб келган Каспи қишлоғилик ўша болаларни кўрган бўлиши мумкин. Аммо у бу ҳақда гапиргиси келмади. У вазиятнинг ўзгарганидан мамнун эди. Эндиликда Сталинградда ҳам, Донда ҳам, Сальск даштларида ҳам ва бу ерда, Қавказда ҳам содир бўлаётган ўзгаришлар ўшанда Керчъ остонасида нега бу

вокеа юз берганини унутишга эмас — буни унутиш мумкин эмас — балки ҳеч бўлмаганда кейинчалик фикрлашга ёрдам берарди. Ўтаётган вақт буларни чеккага суреб қўйди, чунки у ерда нима бўлганидан қатъий назар, урушда бугунги кун бари бир кечагидан муҳим ҳисобланади.

У даштдаги бомбардимонни, биринчи кундаги ҳали нима билан тугашини ҳеч ким англамаган фожиани, армия штабининг отбоқари билан дивизия томон қандай йўлга чиққанини, ҳали олдинги мэррага етмай туриб яйдоқ даштда қандай қилиб бомбардимонга дучор бўлиб қолишганини, рота бомбардимон остида қолганида ҳали дурустгина ўргатилмаган одамлар яйдоқ дашт бўйлаб тарқаб кетиб, якка ҳолда ётиб олиш ўрнига, гўё агар бирга бўлишса бирбирига нимаси биландир ёрдами тегиб қоладигандек, тўп-тўп бўлиб ётишганини эслади. Гарчи бу ўз жонини сақлаш ҳиссиётига хилоф бўлса ҳам, у бари бир ўлим қаршисида ёлғиз қолмаслик, кимнингдир ёнида бўлишдек янада кучлироқ ҳиссиёт эди. Лопатин отбоқар билан бирга пиёда бўлиб олишди. Аввалига улар отларни узун жиловда тутиб ётиб олмоқчи бўлишди, лекин вағиллаб тиккасига учиб келаётган «юнкерс»лардан даҳшатга тушган отлар типирчилаб жиловни узгудек бўларди. Ётиш ҳам мумкин эмасди, чунки отлар кочиб кетган бўларди, улар эса ҳали кўп йўл босишлари керак. Ҳатто иккала отнинг оралиғида туриш ҳам қўрқинчли эди. Отбоқар Лопатинг ерга ётиш имкониятини бериш мақсадида унинг қўлидан жиловни олмоқчи бўлди. Лопатин ўзининг ерга ётиш истагини енгиги бу таклифни рад этди ва отлар жиловини узиб кетмаслиги учун маҳкам ушлаб, отбоқар билан бирга уларнинг панасида тикка тураверди. Гарчи отларнинг талвасага тушаётган, уларни тутиб туриш мушкуллашаётган ва бомбардимон ҳали давом этаётган бўлса ҳам, факат ўз ҳаётинг учун ҳайиқмай, яна бирор нима қилиш зарурияти юзага келгани сабабли қўрқув ортга чекинганди...

Виссарион норози кўринишда қайтиб келди.

— Сенга чача топиб келмоқчи эдим. Аллақаерга яшириб қўйилган шишада эди. Ўзиям кўп эмасди. Каерда эканини билмайсанми? — сўради у Тамарадан.

— Йўқ, билмайман.

— Сиз тайёрлаган ткемали жудаям мазали экан, —

деди Лопатин бир бурда нонни қайлагага ботириб ер экан.

— Бу меники эмас, — деди Тамара. — Бу йил мен пиширганим йўк.

— Хоҳлайсизми, сизларга шеър ўқиб бераман? — сўради Лопатин.

Уларнинг фарзанди Гоги ўшанда Бараташвилиниг шеърини ўқиб берганини эслади у яна. Лопатин ҳам бу шеърни ёдан биларди, уни севиб ўқирди ва шу боисдан ҳозир дастурхон устида шу боланинг онасига ўқиб бермоқчи ва фарзандининг шу ерда бўлганини ва яна бўлишини эслатмоқчи бўлди. У шуни айтди:

— Мен бир пайтлари сизнинг Гогингиз ўқиган шеърни ўқиб бераман. Ўшанда у ўқиганди, энди мен ўқийман, кейинги сафар эса яна у ўқийди. Мен бўлсам уни эшитгани келаман.

У грузинлардан ўзи ўқимоқчи бўлаётган шеърниг таржимаси аслида анча бўш чиққан бўлса ҳам бари бир айни шуни ўқигиси келди:

Кўк рангини болалагимдан
Суйган эдим мен чин дилимдан.
Ёшлиқда мен учун бу маскан
Ўзгача бир маъно касб этган.

Энди ўчар умр отли шам:
Унинг сўнгги соатида ҳам
Ўзим суйган мовийликни ман
Бошқа рангга алиштирмасман.

Суйганимнинг кузларига хос —
Мовий рангга йўқдир ҳеч киёс.
Шул бўёққа коришган мангур
Сенинг тубсиз нигоҳинтдир бу.

Умидим шул ранг билан ёруғ,
Шул ранг ранглар ичра энг улуғ.
Дунё ўзи бўялмиш кукка,
Ер шу рангнинг тубига чўккан.

Шулдир — дағн маросимида
Инглаётган қардошларим ва
Ғамларимдан узилиб кетмоқ
Ҳамда мангур маконга етмоқ.

Қабрим узра мовийлик ёху,
Мармартошга қўнган киров — шу.
Шулдир исимим устида сузган
Қишки кўм-кўк ва қуюқ туман.

Шеър ҳозир мана шу дастурхон атрофида бир пайтда янграгандек унчалик ифодали чиқмади. Ўшанда узининг тақдири ва ўлимини олдиндан сезгани ҳакида ёзилган бу шеър эрта вафот этган Бараташвилига тегишли эди. Энди эса бу юз йил аввал нималар бўлгани ҳакида эмас, балки ҳозир нималар бўлаётгани, ўз тақдири ва ўз ўлими ҳакидаги шеър эди.

Албатта, шеър буни ўшанда ҳам эслатганди, лекин бунчалик кескин, ҳозиргидек жиддий эмасди...

У шеърни ўқиб бўлди ва Тамаранинг кўзига қараб, ўзи каби у ҳам Бараташвили ҳакида эмас, балки ўғли ҳакида ўйлаётганини билди.

— Яна, — деди Виссарион, — сенинг шеър ўкишингни яхши кўраман.

Лопатин яқинда Москвада Виссарион ҳам танийдиган дўстлардан бирининг достонидан бу байтларни ўкиш илгари хаёлига ҳам келмаганди, аммо Бараташвилининг шеъри, ундаги мана бу кўм-кўк ва мовийлар тўсатдан унга «кўм-кўк, кўм-кўк...» сатрларини эслатди.

У ижод қилаётганини хаёлига ҳам келтирмай, тўғридан-тўғри шу сатрдан бошлади:

Нега сенинг қароқларингда
Фақат мовий, мовий, мовий ранг?
Еки куйган қовокларингдан
Ериб ўта олмайдиган тонг?

Кўз илғамас олис томонлар —
Жанггоҳнинг кок ўзидан шунда
Суйган ўғлим жавоб юборар.
Боши олов ҳамда тутунда:

«Чакирмагил мени, отажон,
Чакирмагил, чакирмагил, о.
Йўлимиз из тушмаган довон,
Учаяпмиз ўт ва кон аро.

Хали давом этмоқда жанглар,
Билмам насиб этгайму дийдор.
Бу дунёда бизлар бир зарра,
Кўришмасмиз қайта, алвидо...»

— Унинг ўғли ҳалок бўлган, — деди Тамара.

Бу шеър бошқа одам ҳакида ёзилмаганини у бехато тушунганди. Фақат ўзининг фарзанди ва ўзининг кайфу-алами ҳакида ёзилган бўлиши мумкин.

— Ҳа, — деди Лопатин бу шеърни ўқигани учун узини койиб.

— Бечора Павел, — деди Виссарион. — Демак, ўғли ҳалок бўлгани рост экан. Сен шеърни ўқий бошлashing билан дарров тушунгандим. Неча ёшда эди?

— Ўн саккизда, — саволларга жавоб бериш оғирлашиб бораётганини англаб деди Лопатин. Лекин жавоб бермасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Жавоб бермаслик уларнинг кўз ўнгида фарзандининг ўлими ҳакида ўйлаш, шунга ўхшаб қолишдан ҳайкиш, деган маънени билдиради.

— Каерда юз берганди? — сўради Виссарион.

— Москва остонасида. У менга ўша жойнинг номини айтганди-ю, лекин унугиб қўйибман.

— Унвони қанақа эди? — яна сўради Виссарион.

— Младший лейтенант.

Кейин ўртага жимлик чўкди. Бегоналарнинг ҳам, ўзларининг ҳам ташвишлари ҳакида ўйлаётган одамларнинг бу изтиробида аллақандай чукур инсонийлик бор эди. Файритабии эшитилган «болалар» сўзи каби чукур инсонийлик. Болалар — фронтга кетгандар хусусида. Ҳа, болалар.

— Менга айт-чи, одатда пиёдалар взводи неча кишидан иборат бўлади? — қўккисдан сўраб қолди Виссарион.

— Қирқ-эллик киши, — деди Михаил Тариевич. У биринчи жаҳон урушининг иштирокчиси бўлиб, ҳозир ўшани эслаб қолди шекилли.

— Ҳозир унақа эмас, — деди Лопатин. — Ҳозир йигирма беш-үттиз киши бўлади. Жанг жараёнida албатта, кам бўлади...

Қанча кам бўлишига келганда тўхтаб қолди, айтмади. Нега сўралганини тушуниб турганингдан кейин қандай қилиб айтасан?!

— Хўш, майли, йигирма бешта бўлақолсин, — деди Виссарион. — Бари бир тушунолмаяпман, ҳали ўн тўқиз ёшга тўлмай туриб йигирма бешта одамга қандай командирлик қиласкин?

Ўғли ҳакида у шунақаям соғинч билан гапирганидан кейин Лопатин ҳаммасига тушуниб етди: бундан ярим йил аввал ўғли тўппа-тўғри фронтга эмас, балки пиёда младший лейтенантлар курсига борган ва бу ишда балки Виссарионнинг кўли бўлган, ҳеч бўлмаганда шу курс билан ўғлини ўлимдан бир оз нари қилишни

күнглига тугиб қўйган-у, энди бўлса ўғли фронтда нима билан шуғулланаётганини, деярли ҳаммаси ўзидан катта ёшдаги йигирма бешта солдатга қандай командирлик қилаётганини тұсатдан ўзича тасаввур қилиб кўрди. Ўлимдан бир оз нари қилмоқни истади-ю, балки, аксинча унга яқинлаштириб қўйгандир. «Бу ҳақда факт урушгина, ўзининг сўнгги сўзини айтади», — деб ўйлади Лопатин ва Тамаранинг кўзлари Виссарионга хавотирлик билан қараб турганини кўрди.

Йўқ, бу уйда дастлаб туюлгандек вазият унчалик жойида эмас!

Эр-хотиндан қай бири ўғли учун кўпроқ хавотир олаётгани ва агар худо кўрсатмасин бу уйда фалокат рўй бергудек бўлса, иккаловидан қай бири мусибатга кўпроқ чидаш бериши, бундан кейин яшаш ва иккинчи-сига ҳамдард бўлишга биринчи бўлиб қай бири куч топа олиши ҳали номаълум эди.

Виссарион кўзига ёш олди, кейин қўли билан кўзини артиб деди:

— Гоҳида Мишага ҳасад қиласман. У мендан кура ҳақиқий эркак экан.

— Сендан ўтиб ҳақиқий эркак бўлиш мумкин эмас, Виссарион, — Михаил Тариелович қулиб қўйди, у Виссарион айтган аччик сўз оҳангини сезмаганга олди. — Шунчаки, менинг Вахтангим аллақачон эркаклар каторига кирган, аллақачондан бери армияда ва аллақачондан бери урушда. Сенинг Гогинг эса бир йил аввал болакай эди, ўзинг эркак бўла туриб ўғлинг ҳам эркак бўлиб қолганига ҳамон ишонолмаяпсан. Маро билан мен ҳам бундан беш йил аввал бизнинг Вахтанг ўз ҳолича кўкка кўтарилаётганига ишонгимиз келмасди. Қандай қилиб, бизсиз, ўзи кўкка кўтарила-я?

«Демак, унинг ўғли учувчи экан, — деб ўйлади Лопатин. — Виссарион Миша оиласининг саломатлиги учун кадаҳ кўтараётганда унинг ўғли фронтда эканини айтувди-ю, лекин ким бўлиб хизмат қилишини айтманди».

— Ўғлингиз қаерда учяпти? — сўради Лопатин.

— Ленинградда. У денгиз авиациясида хизмат қиласапти, — деди Михаил Тариелович. — У ҳам мен каби бир оз Ленинградга тегишли жойи бор: мен анави уруш арафасида, ўғлим эса шу урушнинг бошларида Ленинградда бўлганмиз. Сиз Ленинградда бўлганмисиз? Менимча, ўёқ томондан ҳеч нимангизни ўқимаганман.

— Бўлмаганман, — деди Лопатин. — Икки марта юборишмоқчи бўлишди-ю, лекин сўнгги дақиқада бошка фронтларга жўнатиб юборишиди.

— Худди Блокникига ўхшайди, — деди Михаил Тариелович, — «Боши ҳам, охири ҳам бўлмаган ҳаёт, ҳаммамизни кутар тасодиф». Нега куляпсиз? Нима, Блокни ёқтирумайсизми?

— Йўқ, хаёлимга келган бир фикрдан қуляпман.

Блокнинг бу сатрларини эшишиб, кабинетида одатда уни «тасодиф кутадиган» муҳаррир ёдига тушганидан кулиб қўйди-да, Блокнинг бу шеърини муҳаррир эҳтимол ўқимаган, деб қўйди ўзича. «Ўн икки»ни албатта ўқиган, бошка бирор нимасини ўқигани гумон.

— Йўқ, Блокнинг шеърларини яхши кўраман, — деди у овозини чиқариб. — Айнан «Қасос»ини ҳаммасидан кўра ёқтираман.

— Ёдингиздами? «Жаҳон узра тик туарар олов...» — Михаил Тариелович ёддан ўқишини бошлади-ю, Лопатин давом эттиришини кутиб тўхтади. Аммо Лопатин бунга қўшилмагач, ўзи байтни охиригача ўқиди:

Ҳар бир фикр ўзича даҳо,
Ҳар юракда бордир ихтиёр...
Европанинг устида гаддор
Тамшанади ташна аждаҳо...
Ким зарб берар?... Бизга коронғи:
Бу макони жанггоҳ каби, хай,
Туман коплар кадимдагилай
Ва тутунлар анқийди. Ёнгин.

Ўкиб бўлиб тўхтади. Лопатин аёлларга қаради, улар бир-бирига нимаси биландир ўхшаб, нимаси биландир ўхшамай ёнма-ён ўтиришарди. Балки, бири жангчининг онаси, иккинчиси — урушга кетган болакайнинг онаси сифатида ўхшамаса керак. Иккита ғамгин грузин аёли, ҳар бирининг ўз қайфуси бор. Биттаси қўнишиб бўлиб қолган эски барқарор ғамда, иккинчиси — синик шиша каби кесадиган ва яқиндагина ҳосил бўлган янги ғамга ботган.

Ха, худди Блок айтганидек:

Ҳар бир фикр ўзича даҳо,
Ҳар юракда бордир ихтиёр...

Унинг шеърида бутунлай у ҳақда сўз бормайди, аммо шеъриятнинг асосий мазмуни ҳам шунда бўлса керак. Бир нарса ҳақида гап боради-ю, бошқа нарса ҳақида ўйлайсан. Бошқа нарса ҳақида гап борса, сен ўзингни ўйлайсан.

— Энди мен кетишим керак. — Лопатин ўрнидан турди.

Виссарион уни қолдирмокчи, шу ерда тунашга кўндиримоқчи бўлди ва албатта илгари бўлгандек Тамара эрининг бу таклифига қўшилади, деб ўйлаганди. Лекин у қўшилмади.

— Унга жавоб бер, Виссарион, — деди Тамара. — Агар бизникида тунаб қолса, уни ҳоли-жонига қўймайсан. Йўлга чиқиш олдидан эса у мирикиб ухлаб олиши керак.

Меҳмоннавозлик қоидасига кўра уйда қолишга кўндириш лозим бўлган меҳмонга эмас, балки ўғли жўнаб кетган томонга йўл олаётган унинг ўртогига шунчаки оналарча айтиётгандек гапирди. Кейин шам қолдиғи хира ёритиб турган нимкоронги даҳлизда почапўстинини кийишга улгурган Лопатинни кучоклаб хайрлашар экан, уни чўқинтириб қўйди.

Михаил Териелович хотини билан уч уй нарида истиқомат қилишар экан. Улар билан хайрлашиб бўлишгач, Виссарион Лопатинни нарирокқа кузатиб қўйиш учун яна олдинга юраверди.

— Тунгги пропусканг борми ўзи? — сўради Лопатин.

— Бор, — деди Виссарион. — Мен энди хизматчи-ман, исталган дақиқада чақириб қолишлари мумкин. — У бир неча қадам юриб сўради: — Сенингча қандай, фронтдан қайтаётганингда Тбилисига тушар-микансан?

— Буниси даргумон. Агар ишларимиз шунака яхши кетаверса, борган жойимдан тўғри Москвага учиб кетсам керак. Шундоғам бутун дунёни айланиб чиққандек бўлдим. Ҳатто, ҳужумнинг бошланиши пайтига ҳам кечикиб келдим. Менга айт-чи, Тамара худога ишона-дими?

Виссарион дарров жавоб бермади. Анчагача индамай кетаверди, кейин:

— Бу ҳақда у билан гаплашмагандим, — деди. — Лекин менимча ҳозир ишонади. Илгари ишонмасди,

энди бўлса ишонади. Кўпчилик каби, гоҳида ўзим ҳам ишонгим келади. Афсуски, бундай қилолмайман, — деди у, кейин жимиб колди.

«Ха, бу гап тўғри, — деб ўйлади ўзича Лопатин. — Гоҳида, бундай қилолмаслигинга ачинаман. Урушда энди кутулиб кетолмаслигинги, бу ёғига нима бўлишини нариги дунёдан кўролмаслигинги ўйлаб неча мартараб ачиниб кўясан».

— Саккизда жўнайсанми? — улар редакцияга етиб келиб дарвозахона ёнида тўхташгач, сўради Виссарион.

— Саккизда.

— Тўғри киласан, кечикиб қолмаганинг маъқул. Хочли довонни қор босганмикан?

— Қор коплаган-у, лекин машиналар ўтиб турганиш. Дамба-дам тозалаб туришармиш.

Улар индамай кучоклашиб хайрлашишди. Шундан кейин ҳам Виссарион яна бир дақика тўхтаб, ўғлини айтмоқчи, албатта уни кўришини тайинламоқчи бўлди. Шундай қилмоқчи бўлди-ю, аммо айтмади, орқасига ўгирилиб нари кетди.

Довон йўлида бир неча марта дам ботиб қолишиди, дам олдинда ботиб қолган машиналар ҳаракатга келгунча кутиб туришди. Лекин эрталаб саккизда йўлга чиқиб, довонга кундузи соат иккода ниҳоят етиб келишиди.

Чоғроққина эски курорт ресторанини ташқарисидан ярмигача қор босган. Ичкарига киришгач, ойнаси синик дераза тагида ҳам қор уюмини кўришди. Бурчакда яrim вайрона ўчоқда олов ёнмоқда ва бир неча киши ўчоқ бошида тўпланиб олиб кабоб пиширяпти.

Лопатин машинадан йўлдаёқ бушаган қопчиини олди ва учови — ТАСС мухбири ва ҳайдовчи билан тамадди қилиб олиш учун ичкарида жойлашишди. Емиш ҳам оз эди: қоқон, бир парча пишлок ва ТАСС мухбирининг флягасида совиб қолган чой.

Кабоб пишираётган уч грузин — довон бўйлаб кетаётган юқ машиналарининг ҳайдовчилари — аввалига бир оз сурилиб, уларга олов ёнидан жой беришди, кейин эса бир сихдан кабоб узатишди. Рад этишнинг иложи йўқ эди, Лопатин тутун хидига тўйинган юмшоқ жазларни лаззатланиб чайнади. Баҳтга қарши ўзларига ҳам, олов ёнидан жой берганларда ҳам бирор ичадиган нарса — на вино, на арок бор эди.

Қабоб еб, чойни ичиб олишди-да, ташаккур айтиб йўлда давом этишди. Энди фақат пастга юрилади ва ҳеч каерда тутиб қолинмайди. ТАСС «эмка»сининг хайдовчиси, ёшгина грузин солдати машинани илонизи йулдан елдек учирив борарди. Довонга етиб олгунча у камгар эди, ҳеч кимдан ўзиб кетолмаётганидан хафа эди, энди бўлса йигирматача машинани қувиб ўтди-да, ўзининг абжирлигидан қувониб, бу ерлар урушдан аввал қанчалик гўзал бўлганини гапира бошлади. Лопатин буни биларди, лекин унинг сўзини бўлмади. Илгари бу ерлар қанчалик гўзал бўлганини эшитиш нимагадир марокли эди.

— Ака-укаларингиз борми? — сўради Лопатин.

Йўқ экан. Тўртта опа-сингил бор, ўзи яккаю-ягона ўғил экан. «Яна биргина ўғил, — деб йўлади у ҳакда Лопатин кечаги сухбатни эслаб. — Виссарионники каби у ҳам ёлғиз ўғил. Тбилисининг аллақайси кўчасида ундан ҳам хавотир олишяпти. Виссарионга нисабатан унчалик асос бўлмаса ҳам. Пиёда аскарлар сафида младший лейтенант бўлиш бошқа, мухбирга шоферлик килиш бошқа масала. Лекин она билан опа-сингиллар барibir айни ўзиникидан хавотир олади. Агар у менинг ўғлим бўлганда ҳар кандай мулоҳазали далилларга қарамай мен ҳам хавотир олган бўлардим. Урушда ҳеч киминг йўқлиги яхши-да! Сен бирор ҳакида эмас, балки кимдир сен ҳақингда ўйлади. Опам ўйлади, кизим ўйлади... яна Тошкентдаги анави аёл ҳам... Тошкент билан бу ер икки соат фарқ қиласди: ҳозир у ерда соат олти, оқшом тушган...»

Лопатин Москвага қайтиб бормагунча унга хат ёзмаслигини биларди. Бу ердан, Қавказдан дала почтаси орқали Тошкентга етиб боргунча қанча вакт ўтиши номаълум бўлгани учунгина эмас, балки яна аллақандай бир сабаби бор эди. Гўё яна бир марта фронтга бориб ва яна бир марта қайтиб келганидан кейингина унга хат ёзишга ҳакки бордек...

ТАСС мухбири қалпоғини бостириб кийиб, машина бурчагига бошини қўйган кўйи ухларди. Бурилишларда унинг оғир гавдаси силкиниб кетса ҳам уйғонмасди. Калласи уёқдан буёққа чайқалиб турсада, чехрасида хотиржамлик ифодаси бор эди. Кўзларини эса гўё у манзилга етиб боргунча ухлашга онт ичгандек маҳкам юмиб олганди. Аёл билан ўтказилган уйкусиз ва лаззатли тундан кейин мана шунақа ухланади.

Кечқурун, коронғида Оржоникидзениң чеккасида бензин олишаёттанды шу ерда тұнаб қолмоқчи бўлишиди-ю, лекин бензин олгани келган бошқа «эмка»дан тушган фронт йўл бошқармаси капитан билан гаплашиб қолганида у Шимолий қўшинлар группасининг штаби ё Прохладнойда, ё унга яқин жойда эканини, ўшаёкка тунда етиб боришини айтди.

Лопатин ҳар сафар фронтга етиб борганида вактни қизғанарди ва шу боисдан, толиқмаган бўлсангиз йўлга тушаверамизми, деб сўради шофёрдан.

— Нега толиқар эканман? Улар ҳам Тбилисидан келишяпти-ку! Машинамиз бир хил — «эмка». Биз уларни довонда қувиб ўтгандик, уларнинг радиатори қайнаб кетди, бизники эса қайнамади. Улар етиб боришка, биз ҳам етиб оламиз!

Тунги соат ўн иккода ниҳоят етиб келишди.

Оржоникидзеда уйғонган ТАСС мухбири шофёрга ухлаб олишни, унинг ўрнига ўзи машинани ҳайдashi мумкинлигини айтган эди, у «эмка»нинг рулини бермади, холдан тойган бўлса ҳам Прохладнойга ўзи етказиб борди.

Комендатуранинг ўзида тұнаб қолишиди. Комендант Шимолий қўшинлар группаси штабининг иккинчи эшелони ҳали шу ерда эканини, қўмондонлик эса Минеральная Вода томон ўн беш километр силжиганини айтса ҳам тунда бошқа бирор жойни излашга мажол қолмаганди. Ўйнинг бир томонига комендатуранинг ўзи жойлашган, бошқасида узунасига қўйилган катларда одамлар юмалаб ётишибди. Шу ерда тұнаш учун жойлашишиди.

Шофёр машинадан хавотир олиб, кабинасида ухламокчи бўлувди, лекин Лопатин урушнинг бошларида ўзига хос бўлмаган, аммо кейинги бир ярим йил мобайнида ортирган қатъиятлик билан машинани комендатура ховлисига киритиб қўйишга рухсат олди! Шофёр радиаторнинг сувини тўкиб келиб, Лопатин билан ТАСС мухбири оралиғидаги катга чўзилди-ю, ўша онда ўйқуга кетди.

Лопатин уйғонганида кун ёришиб кетганди. Шофёр ҳам, ТАСС мухбири ҳам ўрнида йўқ эди — афтидан вазиятни аниқлаб келмоқчи бўлишган.

Лопатин оёғини катдан осилтириб ўтириди. Ёнгинасидаги катда туни билан ухлашга ҳалақит берган, бир неча марта қўлларини ҳар томонга ташлаб уйқусираб

бакирган киши ўтирган экан. Бир марта у ҳатто ку-
лочкашлаб башарасига ҳам туширди.

Ҳамон зиркираб турган ёнофини силаб Лопатин
унга күз кирини ташлаб қўйди.

— Ўйқингизда росаям туртдингиз-да, — деди у. —
Жавобини қайтаришдан зўрға ўзимни тийиб қолдим.

— Бўлиши мумкин, — деди қўшниси. — Беҳаловат
ухлайман.

Унинг ёқасида ҳарбий юрист белгиси бўлиб, шилин-
ган бутун лунжи лахталаниб қолган ва лат еган кўз
ости эса шишиб кетган.

— Ўйқусираб ўзингизни ўзингиз тушириб қолма-
дингизми? — сўради Лопатин.

— Бунчаликка борганим йўқ. Ўнгимда шундай бўл-
ган, бомбардимонга дуч келиб колганимизда.

— Қаттиқ бомбардимон қилишяптими?

— Унчалик эмас. Аммо кеча омадим юришмади.

Улар танишиб олишгач, ҳарбий юрист кеча омадла-
ри юришмагани, тўғрироғи, ўзининг омади келганини
Лопатинга гапириб берди. Бошқаларнинг омади юриш-
мабди. Кеча эрталаб бу ердан, Прохладнойдан фронт
томон энди йўлга чиқишган экан, бомбардимон остида
колишибди. «Эмка» ёниб кетибди, унинг учала ҳамро-
хи — трибунал раиси, машинистка ва ҳайдовчи — ёт-
ган жойга бомба тушибди. У ҳам машинадан отилиб
чикибди-да, улардан кўра сал нарида музлаган ерга
ўзини ташлаган экан.

— Кеча уларни дағн этиш учун қолишга тўғри
келди, — деди ҳарбий юрист. У оғриқдан ғижиниб қўй-
ди. — Энди Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлари
бўлганидек бир ўзим ишлашга бораман. Ҳамма қо-
нунларим ёниб кетди, кодекслар ҳам. Трибунал ҳам
ҳалок бўлди.

Чой устидаги сухбатдан маълум бўлдики, бу ҳарбий
юрист — Ефимов армиясининг прокурори — бугун ўз
қўшинига етиб оларкан. Армия штаби тунда бу ердан
уттиз беш километр шимолий-ғарб томонда, кеча эрта-
лаб олинган Советское кишлоғи районида экан.

— Бирга кетамиз, — деди Лопатин. — Ўртоғим
қайтсан, уни кўндираман. Мен ҳам тўғри Ефимов хузу-
рига бормоқчиман.

Лопатин ўйлагандек, бирор маълумот олиш мақса-
диди юрган ТАСС мухбири қайтиб келиб, тўғри Мине-
ральная Водага қилинаётган ҳужум кечаси сусайганини

айтди: немислар қаттың қаршилик күрсатишибди-ю, аммо ўнгроқдан, Минеральна Водани четлаб ҳам илгарилаб бориляпти.

— Айни сизнинг Ефимовингиз армияси олға силжијапти, — деб қўшимча қилди Лопатинни кечаги сұхбатдан Ефимовга яқинлигини билиб.

— Шундай бўлгач, эрталабдан ўшокқа тўғри жўнайверамиз, — деди Лопатин.

Аммо, тассчи эрталабдан тўғри ўша ёкка жўнашни истамади, аксинча, бир соатдан кейин мотам митингги бошланадиган Прохладнойда бир оз қолишини, митингдан кейин алоқа марказига бориб учрашишни, кейин эса тассчи ўзининг, қизил юлдузчи ўзининг машинасида йўлни давом эттириши учун биргаликда унинг машинасини кўздан кечириб чиқишини хоҳларди.

Бироқ, иши билан боғлиқ бўлган бирор нимани олдиндан миясига қўйиб оладиган Лопатин чекинишни ёқтирмасди, у тассчини ўзининг таклифига кўндириди. Лопатин митинг тугаши биланок Ефимовнинг ҳузурига жўнаб кетадиган ва эртасига кечқурун бу ерга қайтадиган, шу ерда қоладиган тассчи эса митинг ҳақида материалини ёзиб Москвага жўнатадиган бўлди. У яна аллақандай аҳоли пункти қўлга киритилгани ҳақидаги бир неча сатрдан кўра буни муҳим деб хисоблади ва бунда тассчи ўзича ҳақ эди.

Ҳайдовчи ёнилғи топгани жўнаб кетди. Лопатин эса прокурор ва тассчи билан бирга митингга борди.

Вокзалолди майдонига етиб боришганда, митинг бошланиб бўлганди, ён томонлари тушириб қўйилган юқ машинасида озғин батальон комиссари турарди. Бошяланг, кулокчинини қўлида маҳкам ғижимлаб олган, кичик бўлса ҳам гўё каттакон майдонда гапираётгандек овози ҳаяжонли чиқяпти.

Юқ машинасининг кузовида батальон комиссари билан ёнма-ён ундан кейин сўзлайдиган эркак ва аёллар туришибди. Машинанинг атрофида ҳам фукароча кийинган оломон. Унчалик кўп эмас, лекин мана шу кичик майдонда бари бир кўпга ўхшаб туюларди.

Эрталабдан кун совук бўлди. Майдон юпқа муз копланган ўнқир-чўнқирликлардан иборат эди. Иркинди қор фидирак ва оёклар остида топталиб кетган.

Майдонга тўпланганлар оккупация азобидан эзилиб, ҳали қоматини ростлаб олмаган чувринди, эти бориб устихонига ёпишган одамлар эди. Гўё уруш фа-



кат майдонни коплаган мана шу ирkit қор узра эмас, балки одамлар устидан филдирак ва оёклари билан босиб ўтгандек эди.

Юк машинаси устида туриб гапираётган батальон комиссари нимани ва қай тартибда айтишни олдиндан биладиган тажрибали нотик эмасди. У бир мавзудан иккинчисига ўтиб кетар, яна олдингисига қайтар, унтугандарини эслаб, аввал айтганларини яна тақрорларди, дам овози кўтарилиб кетар, дам немислар ўлдирған одамларнинг фамилияларини унутиб жимиб қолардиди, рўйхатга тикилиб яна тақрорларди. Аммо унинг нотикларга хос бўлмаган беўхшов нутқида ҳар қандай моҳирона сўзамолликка караганда аллақандай кучли бир нима бор эди: у ўлганлар ва қийнаб ўлдирилганлар хақида гўё ўзи ўлиб тирилган-у, қабрдан чиқиб келгандек, гўё юз берган воқеалар бўлмаслиги мумкин бўлгандек, гўё кимнидир ҳали тирилтириб ўша ердан танкка қарши зовур ва оҳакли чуқурлардан бу ерга, тирик одамлар ёнига қайтариб келса бўладигандек қаттиқ ачиниш билан гапиради.

Нотик сўзини яқунлагунча Лопатин юк машинасининг ёнига анчайин яқинлашиб қолди. Батальон комиссари гапираётганда оломон борган сайин олдинга силжиб уни шу ерга сурин кўйди.

Батальон комиссари овозини гўё бу ерда, майдонда, мана шу одамлар ҳузурида бутунлай сарф этиши лозим бўлгандек, гўё айтган гапларидан кейин овози ҳеч кимга ҳожати қолмайдигандек бор овози билан бўғик оҳангда: «Немис босқинчилариға ўлим!» — деб кичкирди-да, кулокчин ушлаган қўлинини кўтарди, лекин киймади, у билан ёшларини артиб, ёнида турган фуқароча кийимли кишига — райижроқом раиси бўлса керак — шивирлаб бир нима деди. У ҳам бошидан шапкасини олиб ва бошини қаттиқ силтаб, яқинигина шу ерда, мана шу кўчаларда, шу майдоннинг атрофларида яшаган, ҳозир эса тириклар сафида бўлмаган одамларнинг исм-фамилияларини баланд овоз билан айта бошлади. Аввал фамилиясини, кейин эса гўё аллақандай ҳужжатни ўқиётгандек ҳар сафар исми ва отасининг исмини тўлиқ айтарди. Ҳар икки марҳумдан кейин «яна» сўзини кўшарди-да, яна ўқишида давом этарди. Мана шу «яна»лардан фамилияларнинг охири йўқдек туоларди.

Ундан кейин ўқитувчига ўхшайдиган кекса аёл га-

пирди. Нутқини бир текисда, хотиржам бошлади, ҳатто күлидаги қофозга ҳам қараб күйди. Кейин йиғлаб юборди. Яна қофоздаги бир неча жумлани ўқиб, яна хұнграб юборди-да, қулинин силтаб ўғирилиб олди.

Кейин эса катта ёшдагилар қизалокқа йұл берішиди. Унинг эгнида этаги кирқиб ташланган шинел, бошида солдатча, қайсиdir үлкіндан ечиб олинган қулоқчин. Тирик солдатларда қизалокларга бериш учун иккитадан шинель ва қулоқчин бўлмайди. Қулоқчин остидан иккита кокили чиқиб турибди. Чехрасида хотиржамлик аломати, қўлларини эса, олдинга чикиши биланоқ гўё мактаб кечасида шеър ўқишга ҳозирланаётгандек, орқасига чирмаштириб олган.

У қулинин орқасида тутиб гапиради, чехраси ҳам, овози ҳам хотиржам. Бир текисда ингичка, ҳаммага эшитиларли, хотиржам овоз. Юк машинасининг устида туриб, немислар ота-онасини қандай осишгани, буларнинг ҳаммаси қандай юз берганини гапириб беряпти, воеа унинг кўз ўнгидаги содир бўлган. Шулар ҳакида гапирап экан, отам ва онам эмас, балки ҳар сафар дадам, ойим дерди. Ўзининг ингичка, ҳаммага етиб борувчи овози билан дадам ва ойим дейишида аллақандай чидаб бўлмас бир нима бор эди.

Оломон ҳаракатга келди, энтикиб йиғлаш овозлари эшитилди. У бўлса ўша ерда, юк машинаси устида туриб, ўзининг ингичка, бир текис овози билан ҳамон такрорларди: дадам, ойим, дадам, ойим...

Анчадан бери дашт бўйлаб боришаётганди, лекин ҳамон бу овоз Лопатиннинг қулоғи остидан нари кетмасди.

Прокурор машинага ўтириб анчагача чурқ этмади, кейин эса кеча ўртокларини дағн этишаётгандага оҳакли чукурларга ағдарилигандар катталар ва болаларнинг мурдаларини ёриб кўриш ишларини амалга оширган врачлар билан учрашганини айтиб берди: врачларнинг гапига караганда, булар ҳали номаълум бўлган аллақандай усул билан ўлдирилган экан, шу ерлик икки киши гувоҳлик бериб, немисларда газ чиқарадиган аллақандай ўлим машинаси бўлганини айтишибди.

— Қанақа машина экан? Илгари ҳеч эшитмагандим, — деди Лопатин.

— Қанақа машина экани номаълум. Ҳозирча қўлга туширишгани йўқ. Лекин икки кишининг айтишича,

машина шу ерда бўлган. Медицина хулосаси эса ўлим бўғилиш оркали содир бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Прокурор жимиб қолди, Лопатин ҳам ўша газ машинаси ҳакида энди суриштирмай қўйди. У дарҳаки кат урушда даҳшатли нарсалар етарли эканига, дам у ерда, дам бу ерда одатда узи ишонмайдиган заҳарланган ўклар, пулемётга занжир билан боғлаб ўлимга маҳкум этилган фашистлар ҳакидаги бўлмағур мишишларга одатланиб қолганди.

«Газ машинаси», — бу сўзни хаёлан немис тилига кўплика таржима қилди: газмашинен... Аввал таржима килиб, кейин эса хаёлан немисчасига айтганда бу сўзда ҳакиқий, лекин сезилмайдиган аллақандай бир нима пайдо бўлди: «Газмашинен»...

Улар тап-такир дашт бўйлаб ҳамон илгарилаб боришарди. Қанчалик олдинга юришса уруш ўзининг одатий аломатлари билан шунчалик яқинлашиб келарди. Санитар автобуси, снарядлардан бушаган яшчикларни ортган юқ машиналари нариги томондан уларга қарама-қарши келяпти. Асиirlарнинг сийрак колоннаси — иккита сокчи билан йигирмата киши ҳам ўшаёқдан келяпти. Кейин тўла бўлмаган, эллик кишилил рота — қўшимча куч бўлса керак — у ёққа йўл олган. Йўлнинг ўнг томонида бомбадан ҳосил бўлган чукурлик кўринди. Кейин чапда, сўнг яна ўнг томонда чукурлик. Улардан бирининг ёнидаги қор остидан қопкора оёқ чиқиб турибди. Суякни тишлаб олган ит машинадан кўркиб ўзини четга олди, усти мажакланган немис танки, ундан сал нарирокда, қок йўлнинг ўзида ёндирилган бронетранспортёр қийшайиб ётибди, у ҳам немисларники.

Бу ерда ҳозирча катта жангларсиз хужум олиб борилгани сезилиб турарди. Афтидан немислар ҳаратдаги паналовчи отряд химоясида шошилинч равишда чекинишган булишса керак.

Бронетранспортёрни айланиб ўтиб, таёққа таяниб фронт томон кетаётган солдатга етиб олишди. Лопатин ҳайдовчига машинани тўхтатишини буюрди ва эшикни очиб чўлоқланиб келган солдатдан қаёққа кетаётганини сўради.

Солдат оёғи лат еганини, ҳозир эса госпиталдан келаётганини, ўз қисмига етиб олмоқчи эканини айтди. Яна савол берилишини кутиб ўтирмай, чўнтағидан медицина справкасини олди.

— Қисмингиз қаерда үзи? — справкага қарамай сүради Лопатин.

Солдат кўли билан олд томонни кўрсатди.

— Айтишларича, кеча Советскийда бўлишган экан. Яна бир оз юрилса «Соломенское» деб ёзилган кўрсаткичли айрилиш келади. Шу ердан мен чапга юраман.

Соломенское бугун Ефимов армиясининг оператив группаси эрталабдан етиб бориши тахмин қилинган пункт эди. Лопатин солдатга машинага ўтиришни буюриб, уни айрилишгача олиб бориб қўйишини айтди.

Солдат армияда қария деб аталувчилар тоифасидан бўлиб, анчайин гапдон чиқиб қолди. Айрилишгача беш километр йўлни босиб ўтгунларича, у ҳамсуҳбат то-пилганидан қувониб, ҳужумнинг ўтган икки куни ҳакида Лопатиннинг саволларига жавоб берди, бундан кейингисини у билмасди, чунки айни ўшанда оёғининг томири узилиб кетибди. Кейин эса үзи ҳакида, ёшлигига гражданлар урушида катнашиб, бандитларга қарши курашувчи отряд сафида шу ерларда, нўғой даштларида жанг қилганини, бу урушда эса икки марта яралангани ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланганини; үзи Бервенководан эканини, бева ва фарзандсизлигини, хотини уруш арафасида вафот этганини, уйини эса, қўшниларнинг ёзишига караганда, немислар ёндириб юборишганини, қўшнилар буни немислар Бервенковони иккинчи марта эгаллашларидан сал олдин ёзишга улгуришганини, энди унинг фикри-хәёли бир нарсада: урушдан кейин бирор жойда уйжойли тул аёлни топиб уйланишга қаратилганини гапириб берди.

— Албатта, агар ўлимга чап беролсам, — деб қўшиб қўйди жиддийлик билан кулмай. — Ўлим жудаям очопат нарса, истаганини ютиб юбораверади, унга ҳамма баравар. Асосийси, бекорга йўқ бўлиб кетмаслик. Аввал исботлаш, кейин эса ҳалок бўлиш. Агар тирик колсанг, барибир умрбод эмас! Менинг ёшимда ҳатто қайфиятинг аъло даражада бўлса ҳам йигирма йилдан кўп яшаш амри-маҳол! Мен жангга кирганимда, нима бўлса бўлар, дейман. Қалтирасанг ҳам, ашула айтсанг ҳам, йиғласанг ҳам, бари бир, пешонангга ёзилган ўқдан ўзингни асраб кололмайсан. Ҳаммага битта умр берилган, ҳеч ким икки умр яшамайди. Душман ҳужум килдими, уни бир ёқли қилиш керак. Уни нима қилоласан! Агар уни йўқ қиласанг, у сени маҳв этади.

У бу гапларни ўз сўзининг кучи ва ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда дабдабасиз айтди. Албатта, буни биринчи марта айтмаётган бўлса ҳам, бу сўзлари ни бошқалар учун насиҳат ҳисоблаши сезилиб турарди. Бироқ, бир вактнинг ўзида бу унинг ҳаёт ва ўлимга нисбатан шахсий фикри эди.

«Ҳа, худди шундай, душман ҳужум қилдими, бас, уни бир нима қилиш керак, — деб ўйлади Лопатин. — Қисқаси, қанча ўйласак ҳам айтольмайсан».

У Тошкентда уруш ҳақида пьеса қўймоқчи бўлган буюк актрисани эслаб, нима килишни: ётиш керакми ёки ўрнидан туришни, отиш керакми ёки отмасликни, югуриш керакми ёки бу жойдан жилмасликни ўзи учун ўзи ҳал этадиган, урушда энг асосий киши ҳисобланган бу солдатнинг гапларини эшлитиб ҳозир ҳис этаётганларини қанча ҳаракат қиласа ҳам бари бир унча ҳис этти-ролмагани ҳаёлидан ўтди.

Айрилишда немисларнинг узун штаб автобуси ёнбoshiga ағдарилиб ётарди. Мина парчалари илма-тешик қилиб юборган томига кимдир милтиқ найзаси билан: «Нима бўлса бўлгандир, немис биздан қочгандир», деб ёзиб қўйибди. Ёнгинасида эса: «Соломенское» деб ёзилган кўрсаткичли таҳтача қоқиб қўйилган.

Солдат ерга тушиб, чўлоқланганча кори топталган йўл бўйлаб чапга юрди, машина эса ўнгга, Соломенское томон бурилди.

Энди кўрсаткичи бўлмаган йўл бўйлаб таваккалига яна бир марта ўнгга бурилишиди-ю, адашиб кетишиди: Соломенскоега эмас, балки қўрғонга ўхаш юмалок тепалик этагидаги учта уй олдига келиб қолишиди; шу уйларда дивизия штаби жойлашган экан.

Бу ерга етиб келгунларича йўл-йўлакай вайрон бўлган ёки ёндирилган уйлар учраганди, мана бу уйларга эса уруш шафқат килиби. Аммо йўлдагига қараганда уруш бу ерга яқин эди. Машинадан тушишлари билан тепалик ортида, бу ердан кўринмайдиган бизнинг тўпларимиз дамба-дам гумбурлаб отаётгани дарров эши-тилди. Бу ерга жуда яқин жойда тўпларнинг ўт очиш жойи бор эди.

* Майор, дивизия штабининг бошлиғи Лопатиннинг ҳужжатларини кўздан кечириб бўлиб, улар адашиб қолишганини, саккиз километрча ўнгга кетиб қолишганини айтди. Соломенскоега, армия штабининг оператив группасига етиб бориш учун орқага қайтиб чапга юриш

керак экан. Лекин, агар Лопатин армия қўмондони билан гаплашишни истаса, марҳамат, қўмондон ҳозир шу ерда. Илгари силжиш тўхтаб қолгани сабабли шу дивизияга келган. Олдинда Горькая балка бўсафасида немислар бор, қаршилик қўрсатишяпти. Агар тўғридан борилса — уч километр нарида. Қўмондон дивизия командири билан бу ердан икки километр наридаги анави тепаликда, кузатув пунктида.

— Тепалигимизни айланиб ўтсангиз шундоққина рўпарангизда кўриниб туради. Агар борсангиз, — қўшиб қўйди майор.

— Бораман, — деди Лопатин.

Ўша ёққа, олдинга дарров жўнаб кетгиси келмади, аммо ўша ёқда бўлган армия қўмондонининг ҳузурига етиб бормай бу ерда қолишига нимадир имкон бермасди.

— Факат эҳтиёт бўлинг, — деди майор. — Немис снаряд ёғдириб турибди, қимирлаган инсонни нишонга оляпти. Шуни демасангиз, адашиб қолмайсиз, йўл битта!

Прокурор дивизия штабида қолди. Лопатин эса машинага ўтириб жўнаб кетди. Тепаликни айланиб ўтиши билан бу ерда чиндан ҳам адашиб мумкин эмаслигини тушунди. Икки километрча олдинда этагида узун гиштин иморати бўлган яна битта тепалик кўриниб турарди.

Кор босган тор йўлнинг чеккаларида атрофи қопкора кесаклар сочилган чуқурликлар кўзга ташланди.

Лопатин ойнани тушириди-да, бошини чиқариб олдинга каради. У ўқ ёмғири остида қолишдан кўркарди. Бунга кўниколмагани учун ҳам ундан кўркарди.

Ўнгда узоқдан артиллериячиларимизнинг ўт очиш позицияси кўриниб турибди. Артиллерия тепалик ортини ўққа тутмокда. Булар ўзимизнинг тўплар бўлса ҳам, бари бир улар ўт очганда одам нимагадир хавотирга тушарди. Бу ҳам кўникоғаслиқдан.

Тепалик этагидаги гиштин иморат илгари чорвачилик фермаси бўлганга ўхшайди. Деразаларининг барча ойналари синган, эшиги суфуриб олинган; деворнинг бир томонида кор босган гўнг, иккинчи томонида «эм-ка» билан «виллис» тумшуғини тираб турибди.

Лопатин ҳайдовчига машинани ўшалар ёнига қўйиши буюрди-да, ўриндикдан шу пайтгacha чамадонида бўлган дала сумкасини олиб, почапўстини устидан елкасига осиб қўйди.

— Ўртөк майор, бу ерда нега тұхтадик? Бундай тепаликдан энг чүккисигача чиқиш мумкин! — завқ билан деди хайдовчи.

— Чиқа олишингизга ишонаман, лекин, барибир яхшиси мана шу ерда кутатуриング, — унинг шижаотидан мамнун жилмайиб деди Лопатин ва қиялик бўйлаб юқори кўтарила бошлади.

У алоқа сими ёқалаб то чўккигача кўтарилиди-да, унчалик чуқур бўлмаган илонизи окопда турган одамларнинг елка ва бошларини кўрди. Тепалик ортига қараётганлардан бири дурбиндан кўзини олиб орқага ўгирилди. Кейинги дақиқада эса Лопатиннинг ортида дастлабки снаряд портлади.

Окопчага ўттиз қадамча қолганда афтидан у ўша жойга югуриб етиб олиши лозим эди. Лекин Лопатин ўзини ерга отди-ю, елкасидаги ноўрин сурилиб қолган дала сумкаси кўкрагига каттиқ ботди.

Немислар тепаликни мўлжаллаб отишарди. Снарядлар дам яқинида, дам нарироғида портларди. Чийиллаб учайтган снаряд Лопатинга охиргиси бўлиб туюлар ва агар бу снаряд охиргиси бўлса, энди тирик қолишини ва умуман ҳаётидаги ҳамма нарса яхши бўлишини тахмин киласарди. Урушнинг айрим кунларида у ўзининг ҳаёти ҳакида ҳам, ўзининг ўлими ҳусусида ҳам турли-туман мулоҳазага борарди. Аммо, ҳозир ҳаёт ва ўлим ҳакида ўйлар экан, Тошкентдаги анави аёл ҳам ёдига тушди...

Аммо снарядлар ҳамон портлаб турарди ва ниҳоят, атрофга жимлик чўккач, ўрнидан туришга юраги дов бермай, гарансираган кўйи, тирсагига тирадиб олдинга караганди, юқоридан, окоп ичидан ўзи томон югуриб келаётган кишини кўрди.

— Сизни ўлдига чиқаргандик, — деди югуриб келган капитан қувончли табассум билан, — қани, юринг, кўмондон сизни кузатув пунктига таклиф қиляпти.

Лопатин атрофга аланглади: қайиши узилиб кетган дала сумкаси қор устида ётарди. Уни олиб капитаннинг ортидан эргашди.

— Салом, Василий Николаевич, марҳамат килинг, — деди Ефимов торгина окопда уймалашиб турган одамлар орасини ёриб ўзининг олдига келган Лопатинга. — Артиллерия отишмаси бошланмасдан олдин сизни узокдан танигандим. Анчагина чаққон экансиз. Биринчи снаряд ёнгинангизда портлади-я!

У папогини бошидан олди-да, тиззасига уриб, чангдан тозалади.

— Манзилингга етай деганда ерга тумшуғингни тираб ётиш күнгилсиз нарса-да, — деди Лопатин.

— Урушда күнгилга ўқадиган нарсанинг үзи йўқ, — Ефимов киртишланган бошига папогини кийдида, ёнида турган полковник томон ўгирилди. — Танишинг, бизнинг мезбон, дивизия командири полковник Шелиганов. Бу ўртоқ эса «Красная звезда»дан, сизнинг штаб бошлиғингиз айтган Лопатин бўлади. Менинг одессалик сафдошим! Андрей Иванович, артиллериyaчиларга қўнғирок қилиб ўти очишга қандай тайёргарлик кўрилганини текширинг. Бошлаш керак.

Полковник окоп оралаб кетди. Ефимов эса:

— Сизни соғ-саломат кўрганимдан хурсандман, — деди Лопатинга.

— Мен ҳам хурсандман, — деди Лопатин ва бехосдан қўшиб қўйди: — Мен сизнинг уйингизда бўлдим.

— Қанақа уйда? — гўё урушдан бошқа унинг ҳеч қандай уйи бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмасдек сўради Ефимов.

— Тошкентдаги сизнинг собиқ квартирангизда. Мен бу ерга Тошкент орқали етиб келдим.

— Хўш, қалай, артист ўртоқлар расвогарчилик қилишмабдими? Мен чизган расмлар осиғлик турибдими?

— Ҳа.

— Нима дейишаپти? — Ёнига келган дивизия командирига ўгирилиб сўради Ефимов.

— Тайёр, деб ахборот беришди. «Катюша»лар етиб келиб, маррасини эгаллабди.

— Бўлмаса, худо ёр бўлсин. Команда беринг! — Ефимов қўлида дурбин билан окопнинг тупроқ ўюмiga тирысагини қўйди.

Лопатин ҳам ўшоққа қаради. Олдинда пастқамлик бўйлаб илон изи бўлиб кетган дарёга ўхшаш музлик минтақаси кўриниб турарди.

Мана шу музлик минтақаси ортида эса уйлар кўзга ташланади.

— Хув ўша жой Горькая балками? — ёнида турган адъютантдан сўради Лопатин.

— Ҳа, — деди у. — Ирмоқ ҳам Горькая балка, посёлка ҳам Горькая балка. Уни бугун кўлга олишимиз керак.

Олдинда пиёдалар сафи музлаган ирмоққа яқинла-

шиб қолгани күриниб турарди, пулемёт отишмаси ҳам кулоққа чалинди. Артиллерия хозирча мик этмасди.

«Бугун канака кун? Саккизинчими? — үйлади үзи-ча Лопатин. — Агар Москва йўлида, Погорел шаҳар-часи яқинидаги ўша бомбардимон бўлган ўн тўққизин-чи кун эрталабдан ҳисобланса урушсиз йигирма кун ўтиби. Ҳа, худди шундай. Ҳам шундай, ҳам шундай эмас. Сабаби...»

У ўйини давом эттиролмади. Орқада «Катюша»лар ўт очиб қолди. Нак бошлар узра шивиллаб учайтган сап-сарик ёй олдинда гумбурлаб портлар ва бир минут олдин яққол күриниб турган Горькая балкани портлаш тутунидан ҳосил бўлган қоп-кора девор билан борган сайин тўсмокда эди...

(Иккинчи китоб тугади)

С 57 Симонов Константин.

Урушсиз ўтган йигирма кун. Кисса.— Т. Еш гвардия, 1990.— 224 б.

Харбий мухбирнинг ҳаёти ҳакида ёзилган бу асар «Шахсий ҳаёт аталмиш» деб номланган учта киссадан иборат романнинг иккинчи киссаси хисобланади.

Урушнинг куз кўриб кулок эшиитмаган азоб-укубатлари, ҳарбий мухбирликнинг ўзига хос машаккатли томонлари муаллиф томонидан ҳакконий акс эттирилган.

Симонов К. Двадцать дней без войны. Повесть.

P 2

Литературно-художественное издание

На узбекском языке

КОНСТАНТИН СИМОНОВ

ДВАДЦАТЬ ДНЕЙ БЕЗ ВОЙНЫ

Повесть

Редактор Э. Сиддиков

Рассом В. Циганов

Расмлар редактори Н. Абдуллаев

Корректорлар Б. Юнусов ва М. Хужаева.

ИБ № 2746

Теришга берилди 21.11.89. Босишига рухсат этилди 23.02.90.
Формати $84 \times 108^1/32$ № 2-босма когозга литературная
гарнитурада офсет босма усулида босилди. Шартли босма
листи 11,76. Шартли кр.-отт. 12,18. Нашр листи 11,96
Тиражи 45000. Заказ № 2356. Бахоси 75 т. Шартнома 66—89

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашриёти, Тошкент, 700113. Чилонзор райони,
Катортол кучаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриё-
тининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, «Правда» газетаси, 41.

**«Ёш гвардия» нашриёти Улуг Ватан урушида
фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг
45 йиллигига бағишлиб қуидаги китобларни босмадан
чиқаради:**

**К. Мухамедов
Чекинган ўлим**

**А. Рахмат
Үнүтилмас кунлар**

**Ж. Саримсоқов
Оловли соҳил**

**М. Қушчонов
Тепки босилди**

**Тўплам
Садоқат**